

Эркин Юсупов

ИНСОН  
КАМОЛОТИНИНГ  
МАЪНАВИЙ  
АСОСЛАРИ



*Қадрдон дўстларим, меҳ-  
рибон мураббийларим Саҳоб  
Рашидов ва Аҳмаджон Исмо-  
иловларнинг порлоқ хотира-  
сига бағишлайман.*

Фалсафа фанлари доктори, профессор  
М.А.Абдуллаев таҳрири остида.

© “Университет” нашриёти - 1998

## І БОБ.

### ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ

#### 1. Инсон маънавий камолоти ва жамият тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги

Маънавият ва жамият тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Жамият маънавиятсиз бўлмаганидек, маънавият ҳам жамиятдан ташқарида юзага келиши, ривожланиши асло мумкин эмас. Жамият маънавий камол топиб, муайян мақсадлар, манфаатлар асосида уюшган кишиларнинг бирлигидир.

Кишилар маънавий камолотнинг ҳар қандай даражасига фақат жамоага бирилашиб, яшаб, меҳнат қилгандагина етиша оладилар. Маънавият инсонга ўзига хос бетакрор моҳият, имконият бахш этади, жамият аъзоларини бирлаштиради, уюштириб туради. **Маънавият шахснинг, инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир, тараққиётини, имкониятлари ва истиқболларини белгиловчи ички ижобий, рухий омилидир.**

Жамият тараққиёти ва кишиларнинг маънавий камолоти бир-бири билан боғланган, бири иккинчисисиз воқе бўлмайдиган мураккаб жараёндир. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг барча даврларида олимлар бу жараённинг ички моҳиятини, қонуларини англашга, уларга йўналиш беришга ҳаракат қилганлар. Барча даврлардаги давлатларда таълим-тарбия, маърифий ишлар тизими ҳам шу мақсадлар билан боғлангани сир эмас.

Таълим-тарбия ишларининг заминиди барча даврларда ҳам муайян манфаатлар билан боғланган мақсадлар ётган. Бу мақсадлар тизими ва уларнинг моҳияти давлатлар, турли сиёсий кучлар яратган ва амал қилган мафкурада ифодаланган. Ҳар қандай мафкура ҳам жамият маънавий камолотини, унга замин бўладиган таълим-тарбия ишлари тизимини муайян ижтимоий, сиёсий мақсадлар билан боғлашга қаратилган ғоялардан иборат бўлган. Бу борадаги тадбирлар маънавиятнинг жамият тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган катта омил эканини чуқур англашдан келиб чиққан. Тарбия, таълим заминиди ётган ҳар қандай ғоя ижтимоий адолат, инсонпарварлик, етук ахлоқ, демократия, ҳуқуқ мезонларига, илм-фан ютуқларига асослангандагина жамият маънавий камолотига ижобий таъсир этиши мумкин.

Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, деган ғоя жамият тараққиётининг диалектик моҳиятини бир ёқлама талқин этишга олиб келади. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онга катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Лекин маънавиятни тўла қамраб олувчи ижтимоий онг борлиқнинг оддий, пассив инъи-коси эмас, албатта. Инсон воқеликни ҳис қилибгина қолмайди, балки ўз манфаатлари йўлида унга фаол таъсир кўрсатади, ўзлаштиради ва ўзгартиради. Маънавият даражасига кўтарилган онг воқеалар йўналишини олдиндан кўра билишга, уларни ин-сон, инсоният мақсадлари ва манфаатлари билан боғлашга им-кон беради.

Маънавиятнинг моҳияти ва амалий аҳамияти, айниқса, жа-мият тараққиётининг бурилиш даврларида яққол кўзга ташла-нади. Давлатнинг кучи ва қудратини маънавий жиҳатдан барқа-мол бўлган кишиларгина белгилайди. Маънавиятга эътибор бермаган мамлакатда катта иқтисодий, ижтимоий, сиёсий бухронлар содир бўлади. Жамият ҳаётидаги барча бухронлар-нинг томири ҳам кишиларнинг маънавий камолоти даражаси ва ҳолатига бориб тақалади. Халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат, табиий бойликлари беҳисоб бўлса ҳам, ҳеч қачон буюк давлат бўла олмайди. Бу фикрлар тўғрилиги инсо-ний жамият тараққиётининг ҳар қадамида тўла исботланади. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда жаҳондаги ривожланган мамла-катлар, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олган ёш давлатлар жамият аъзоларининг маънавий камолоти масаласига биринчи даражали аҳамият бериб келмоқдалар. Бу айрим давлатларнинг вақтинчалик сиёсати эмас, балки жаҳон тараққиётининг асосий йўлидир.

Жамиятда барча соғлом кишилар ақл-идрокка, тафаккур салоҳиятига эга. Бу инсоннинг табиатдаги барча жонзодлардан афзаллигини, кенг амалий имкониятларини кўрсатувчи асосий субъектив сифатдир/Онгли фаолиятнинг ҳар қандай шакли ҳам маънавиятнинг мезонларига мос келавермайди. Маънавий жиҳатдан ниҳоятда тубанлашган одам ҳам ўз хатти-ҳаракатини онгли ра-вишда бошқаради. Маънавият инсонга хос бўлган онглилик-нинг ижобий аҳамият касб этган ҳолдаги кўринишидир.

Жамият маънавий камолотининг пировард мақсадларинигина эмас, балки уни амалга оширишнинг аниқ, самарали йўлларини билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу эса жамият тараққиётининг ички қонуштарини қай даражада чуқур ва холисона била оли-шимизга ҳам боғлиқ. Маънавий тараққиётнинг қонушлари жа-мият ҳаётидаги ички зарурий боғланишларнинг таркибий қисмидир. Жамият моддий ҳаёти тараққиёти билан инсон маънавий камолотининг муштараклиги бу масалада ҳам яққол

кўзга ташланиб туради. Бу ўринда уларнинг қайсиси бирламчи, қайсиси иккиламчи деб савол қўйиш ўринсиздир. Маънавият моддий ҳаётни акс эттиради ва жамиятда мавжуд бўлган маънавий ҳодисалар йиғиндиси сифатида кўзга ташланади. Улар орасидаги сабаб-оқибат алоқадорлиги бир томонлама бўлмасдан, икки томонлама характерга эгадир. Маънавий ҳаёт ўзи келтириб чиқарган моддий сабабларга фаол ижобий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан маънавият ҳам жамиятнинг муҳим томонларидан биридир. У инсоният пайдо бўлиши билан вужудга келган, қундалик ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнининг маънавий элементи сифатида намоён бўлган. Тарихий тараққиётнинг бориши билан у нисбий мустақилликка эга бўлиб, турли шакллари қарор топа бошлаган. Ақлий меҳнат жимсоний меҳнатдан ажралиб чиқиши билан маънавиятнинг мустақил жабҳалари ривож ҳам яна тезлашган, унинг моддий ҳаёт билан боғлиқлиги чуқурлашган.

Моддий ва маънавий ҳаёт категориялари ижтимоий борлик ва ижтимоий онг категорияларидан фарқ қилиб, кишиларнинг ижтимоий фаолиятларини ва ўзаро муносабатларини ифодалайди ҳамда уларга нисбатан анча конкретроқ ва мазмунироқдир. Улар фақат маънавий ҳаётни моддий ҳаётга боғлиқлигини кўрсатибгина қолмасдан, инсоннинг моҳиятини, ҳаётий фаолиятининг асосий шакллари ҳам ифодалайди. Бу категориялар ижтимоий ҳодисаларни кишилар фаолиятидаги моддий ва маънавий жараёнларнинг бирлиги сифатида таҳлил этиш лозимлигини кўрсатиб беради.

Жамият маънавий ҳаёти кишилар ишлаб чиқариш фаолияти ва ўзаро муносабатларининг субъектив замини бўлиб, ўз моҳиятига кўра инсон ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзининг муайян усулидир.

Инсон ҳаёти тажрибаси, фаолияти, билими, илми, одоб-ахлоқи, хатти-ҳаракати билан ўзининг маънавий оламини бойитиб боради. Ақлан ва ахлоқан бойиб борган сари ўз олдига олийжаноб вазифаларни қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилади. Ҳаракат эса маънавий заминни талаб қилади. Маънавий камолот жараёнида инсон характери тобланади.

Инсон онглилиги ўз-ўзини англашини ҳам ифодалайди. Инсоннинг моҳияти унинг жисмий борлиги билан эмас, балки маънавияти билан боғлиқдир. Демак, маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавиятсиз маърифатли, ривожланган жамият ҳам бўлмайди. Чунки, кишилар маънавиятида янгича фикрлаш бўлмаса, таъбир жоиз бўлса, онгида ислоҳот қилмай туриб, сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар амалга ошиши қийин кечади ва ўйланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Ҳар бир жамиятнинг маънавияти инсон камолотининг у ёки бу босқичига хос бўлган иймон ва эътиқоди, ахлоқ-одоби, тажриба ва малакасини ўз ичига олади ва кишиларнинг фаолияти, истеъдоди, қобилияти, юриш-туришида намоён бўлади. Кишиларнинг маънавий фазилатлари, дунёқараши, мафкуравий эътиқоди билан боғланиб муайян тартибга тушади ва уларнинг бевосита таъсири натижасида жамият олдидаги вазифаларини англашга ёрдам беради.

Инсониятнинг маънавий камолоти имкониятлари чексиздир. Бу чексизлик инсоннинг табиати, у яшаётган жамиятнинг имкониятлари билан белгиланади. Жамият тараққиёти жараёнида такомиллашиб, кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ахлоқий, ҳуқуқий бурч ва масъулият билан боғланган манфаатлар маънавий камолотнинг янги муаммоларини келтириб чиқараверади. Муайян оқилона манфаатнинг чегарасидан иккинчисига тадрижий йўл билан ўтавериш маънавият тараққиётининг ҳал қилувчи омилдир.

Маънавий камолот халқнинг тарихи, маданий мероси, миллий, умуминсоний қадриятларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳолисона билиш, улардан оқилона фойдаланиш, ривожлантириш билан боғлиқдир. Ўз миллий маданияти, қадриятлари, тарихий меросидан беҳабар ва бебаҳра бўлган халқларда ўтмиш ҳақидаги аниқ тасаввур ҳам, келажакка қаратилган муайян орзу-умид ҳам, бу йўлда уюшқоқлик билан кураш олиб бориш иштиёқи ҳам бўлмайди. Маънавий бухрон ҳолатига тушиб қолган халқ ундан чиқа олмаса, бошқа халқларнинг маданияти таъсирига тез берилиши, ўз миллий руҳиятини йўқотиши, қадр-қимматини унутиши ҳам мумкин. Бундай халқлар миллий онги, маънавияти заиф бўлган этник бирлик сифатида тарих саҳнасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олмайди. Бу фикрлар ҳам жамият ва халқнинг маънавий камолоти бир-бири билан узвий боғланишда эканини кўрсатади. Муайян маънавий омилларсиз жамиятнинг сиёсий, ижтимоий юксалиши мумкин эмас. Жамият тараққиёти ва маънавий камолот ўртасидаги диалектик муносабатнинг ўзига хос учта асоси ва сабаби бор.

**Биринчидан**, маънавият ирсий, ирқий, диний ёки соф миллий сифатгина эмас. Ҳар бир шахснинг маънавий камолоти ижтимоий муҳит билан, унинг яшаш шароитлари, меҳнати ва турмуш тарзи, бошқалар билан муносабатда бўлиши заминиди шаклланади ва мустаҳкамланади. Маънавият инсон қалбига она сутию ота ўтиги, авлодлар тажрибаси, жамоатчилик таъсири, маданий мерос, умуминсоний қадриятлар орқали сингади ва ҳаёт тажрибаси сабоқлари асосида мустаҳкамланиб, унинг шуурига кириб боради. Ирқидан, миллатидан, яшаётган аниқ жуғро-

фий шарситидан қатъий назар, инсон фарзандининг барчасида (рухий соғлом бўлмаганлар бундан мустасно) маънавий камолотнинг субъектив имкониятлари бир хилдир. Лекин шахс яшаётган давр, иқтисодий, сиёсий, маданий шароитлар билан тақазо қилинаётган объектив имкониятлар турлича бўлиши мумкин. Бу ҳам маънавий камолотнинг даражаси ва имкониятларига таъсир этади. Жамият тараққиёти жараёнида турли мамлакатлар ва халқларнинг маънавий камолоти даражаси турлича бўлиши ҳам шу объектив имкониятлар, шароитлар, эҳтиёжлар билан белгиланади.

**Иккинчидан,** маънавий камолот жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисми, ҳал қилувчи омилдир.

Жамият тараққиётидаги янги тарихий шароитлар, заруриятлар янги маънавий эҳтиёжларни ва уларнинг рўёбга чиқиши учун кенгроқ имкониятларни ҳам юзага келтиради. Инсон ижтимоий, иқтисодий муносабатлар таъсирида бўлган даврлардан бошлаб жамият вужудга кела бошлайди ва ривожланади. Шундан бошлаб жамият тараққиётининг объектив ва субъектив асослари ўртасида мураккаб диалектик муносабат шаклланади. Инсон яшаётган объектив шароитлар билан унинг фаолиятига асос бўлган маънавияти ўртасидаги диалектик муносабат замида жамият ривожланиши амалга ошади. Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёти унинг маънавий ривожланиши билан ўзаро узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисисиз амалга оша олмайдиган жараёнга айланади. Бу икки омилнинг бири заифлашса, буҳронга учраса, иккинчиси ҳам кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олмайди.

Маънавиятнинг доимий равишда тараққий этиб бориши объектив қонуният бўлса, шахс маънавий камолоти ҳам тарихий жараён ҳисобланади ва унинг ривожланиши учун доимо янги имкониятлар, эҳтиёжлар пайдо бўлаверади.

Ҳар бир тарихий даврда муайян шароитлар, ижтимоий эҳтиёж ва талаблар тақазоси билан маънавиятнинг ривожланиши учун маълум имкониятлар ҳам туғилади. Бу имкониятлар воқеликка айланиши учун унинг янги мезонлари ҳам келиб чиқади. Ҳар бир мезон инсон маънавий камолотига бўлган янги эҳтиёжлар ва талабларнинг белгисидир. Маънавиятнинг бир тарихий даврга, муҳитга хос бўлган мезонларининг барчаси абадий ҳақиқат бўлиб қолавермайди. Маънавият борасида ҳам ўтмишдан қолган меросни фақат бу кунги мезонлар билан ўлчаб бўлмайди. Ҳар бир маънавий қадрият тарихий тараққиётнинг конкрет шароитлари билан тақазо этилган меросдир, инсон камолотининг муайян босқичлари, шароитлари маҳсулидир. Маънавий камолот ўтмишдан қолган мерос ва

қадриятларни ўрганиш, ривожлантириш, янги босқичга кўтариш орқали амалга ошади. Бир даврга, миллатга, динга, мафкурага хос бўлган маънавият мезонларини мутлақлаштириш, уларга кўр-кўрона эътиқод қилиш ҳам шахс ва жамият камолоти имкониятларини чеклаб қўяди.

Маънавий камолот муайян ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Эҳтиёж ва зарурият йўқ жойда ҳеч қандай юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавият даражаси билан белгиланади. Маънавий камолотга ингилишнинг ўзи ҳам инсон муҳити билан боғланган эҳтиёждир. Маънавият ривожланишининг ҳар бир босқичи тарихий даврларнинг ўзига хос эҳтиёж ва имкониятлари билан белгиланади.

Маънавий камолот йўлидаги ҳар бир эҳтиёж янги эҳтиёжларнинг шаклланиши учун кенг имкониятларга йўл очади. Маънавиятнинг янги чўққиларига етишиш эҳтиёжи шахс ва жамият камолотининг муҳим омили сифатида жамиятга ҳам, инсон фаолиятига ҳам катта таъсир қилади. Маънавий камолот асосида адолатга таяниш ётади. Адолатли жамиятгина комил инсонни тарбиялашга имкон яратади. Комил инсонлар эса жамият тараққиётини таъминлайдиган асосий омилдир.

Тараққиёт учун одамлар сифатининг аҳамияти жуда муҳимдир. Инсон сифатининг етуқлиги - юксак маънавиятлилиқдадир. Шунга кўра маънавият инсон учун ҳам, жамият учун ҳам сув ва ҳаводек зарур, деймиз.

Учинчидан, инсон ақдан, ахлоқан такомилланиб, фан ва техника ютуқларини, жамият тараққиёти тажрибаларини ўрганиб, ўзлаштириб боргани сари маънавий омилларнинг жамият ҳаётига бўлган таъсири тобора ортиб бораверади. Натижада, жамият тараққиётини инсон онгли равишда бошқаради, деган фалсафий хулоса келиб чиқади. Дарҳақиқат, жамият тараққиётини барча катта-кичик муаммоларининг моҳияти ва уларнинг истиқболи масалалари даставвал кишилар онгида пишиб етилади, сўнгра турмушга татбиқ этилади. Бу ғоялар, қарашлар, билимлар, тажрибалар, тасаввурлар тизими муайян вазибаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кишилар томонидан яратилади ва амалга оширилади. Янги ғоялар, қарашлар асосида амалга оширилган фаолият натижалари ҳам ақлий умумлаш-тирилиб, тўлароқ, мукамалроқ ғоялар тизими юзага келиши учун имконият яратилади. Буюк Навоийнинг:

*«Не ишким, қилмиш одамизод,  
Тафаккур била билмиш одамизод»*

деган мисраларида ҳам худди шу фалсафий фикр ифода этилганини кўриш мумкин.



Кишилик жамияти мавжуд экан, бу жараён абадий давом этаверади. Жамият тараққиёти илмий жиҳатдан умумлаштирилган ғоялар ва қарашларнинг шаклланиши, ривожланиши, айна вақтда, уларни турмушга татбиқ этилишидан ва ҳаёт синовидан ўтиб, яна-да такомиллашиб боришидан иборатдир. Бу эса жамият ривожлангани сари маънавият унинг тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган омил бўлиб бораётгани ифодасидир.

Абдулла Авлониининг ёзишича, ақл-идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим, чунки, «Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шарият ҳуқумларига бўйсунур... Расулу акрам набийи муҳтарам саллоллоҳ алайҳи вассалам шундай деганлар: «Эй инсонлар! Ақлингизга тавозе қилингиз, Сиз жаноби Ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз».<sup>1</sup> Мутафаккирлардан бири: "...агар ақлинг қўли нафсингнинг жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур" - деган.

Тарихий тараққиётнинг барча даврлари ва шароитларида маънавий камолот имкониятлари бир хил, бир меъёردа бўлавермайди. Чунки жамият тараққиёти ҳар доим ҳам текис, раван йўлдан боравермайди. Тараққиёт зиддиятли бўлгани учун унда бухронлар, турғунлик даврлари, кескин тарихий бурилишлар ҳам бўлиб туради. Ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши айрим тарихий даврларда турли мамлакатлар ва халқларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиёти имкониятини чеклаб ҳам қўяди. Бу ҳолат мустамлакачилик ва қарамлик асорати остига тушиб қолган мамлакат ва халқлар тарихида яққол кўзга ташланади.

Маънавий бухрон жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўй берган ва берадиган инқирозларнинг асосий сабабидир. Шу боис ҳам барча илғор мутафаккирлар тарихий тараққиётнинг бурилиш даврларида маънавият масаласига қатта эътибор берганлар, етилган муаммоларни ҳал этиш учун биринчи навбатда халқнинг умумий маданий даражасини кўтариш керак, деб ҳисоблаганлар.

Инсон камолоти кўп қирралидир. Унинг буюклиги, донолиги ҳам, биринчи навбатда, маънавий камолоти даражаси билан белгиланади. Етук маънавият соҳиби бўлган кишиларгина жамият тараққиёти, фан ривожланиши билан боғлиқ бўлган янги муаммоларни ақл-заковат билан таҳлил этадилар, уларни ҳал

<sup>1</sup> Авлониий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўқитувчи, 1992, 16-бет.

этишга ўз ҳиссаларини кўшадилар. Тарихий тараққиётнинг барча масъулиятли бурилиш даврларида буюк шахслар жамият ҳаётида кескинлашаётган зиддиятлардан чиқиш йўлларини излаш билан боғлиқ бўлган таълимотларида инсон маънавий камолотининг муайян қирраларига алоҳида эътибор берганлар. Халқнинг маънавий камолоти даражаси унинг фарзандлари фаолиятида, ақл-заковатида ҳам яққол кўзга ташланади. Миллатни улугʻлайдиган мезон ҳам унинг фаолиятига асос бўлган маънавиятидир.

## 2. Маънавиятнинг жамият тараққиётига таъсири

Шахс, миллат, инсоният маънавиятининг ҳолати ва даражаси жамият тараққиётига турлича таъсир этиши мумкинлиги қадим-қадим замонлардан бери маълум. Тарихий шахслар, буюк алломалар, сиёсий кучлар, ажнабий босқинчилар ҳаёт сабоқлари, тарих тажрибаси ва ўз олдига қўйган мақсадларини эътиборга олиб маънавиятни кучайтириш, ривожлантириш ёки маънавий бухронни чуқурлаштириш орқали жамият, миллат тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Тарихдаги доно даҳолар, адолатли подшоҳлар, буюк алломалар миллатни оғир вазиятдан халос этиб, тараққиётини тезлаштириш учун, биринчи навбатда, маънавий омилларга эътибор берганлар, кишиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳалоллик, иймон-инсофлилик, виждонлилик, меҳр-муруватлилик, раҳм-шафқатлилик руҳида тарбиялашга, уларда миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилганлар. Миллат ўзини англаши, ор-номуси, қадр-қиммати ерга урилишига йўл қўймаслиги, миллий бирлик, аҳиллик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка интилиши ҳам миллий маънавият ривожланиши даражасини белгиловчи мезон бўлган.

Миллий маънавият юксалиши халқлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига ҳам имкон берган. Ўзлигини одилона англаган миллат бошқа халқларнинг ҳам қадрига етган, улар билан тенгхуққли, дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Чунки миллий ўзлигини англаш фақат миллий манфаатларни билишига бўлиб қолмай, тараққиёт истиқболларини ҳам тўғри тасаввур этишдир. Миллатнинг истиқболи эса бошқа халқлар, мамлакатлар, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. “Кўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинч бўласан” деганларидек, бутун жаҳонда, биринчи навбатда, кўшни мамлакатларда, ёнма-ён яшаётган халқлар орасида

инчлик, осойишгалик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳолатли, тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлмаса бирор миллат ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди.

Шу сабабли ҳам халқларнинг доно даҳолари ва етук аллодалари миллий онг, бирлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларида бошқа халқларни ҳурмат қилиш, улар билан яхши муносабатлар ўрнатиш тараққиётнинг муҳим маънавий омили эканини эътироф қилганлар.

Жамият ҳаётидаги барча юксалишлар, тараққиёт имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Барча тушқунликлар, турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар эса маънавий бухроннинг натижаси бўлган. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушқунликлар ва юксалишларнинг сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллардангина эмас, балки кичиларнинг онги, эътиқоди, дунёқарани, ахлоқий камолоти даражасидан ҳам излаш керак.

Қадим-қадимдан маънавиятга таъсир этиш турлича мақсадларга эришиш, режаларни амалга оширишнинг асосий йўли, омили сифатида қаралган. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов айтганидек, бутун инсоният тарихида барча босқинчилар бирор мамлакатни босиб олиб ҳукмронлик қилиш, халқни асоратда ушлаш учун унинг маданиятига тажоввуз қилганлар. Ўзининг ғарихий мероси, анъаналари, қадриятларидан бебаҳра бўлган халқ манқуртлик ҳолатига тушади, ўз қадр-қимматини унутади, орномуси, мустақиллигини уюшқоқлик билан бирлашиб ҳимоя эта олмайди. Маънавий қашшоқланиш лоқайдлик, парокандалик, маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиради, босқинчиларга қарши курашиш иштиёқини заифлаштиради, миллат ичидаги низо ва адолатларни авж олдиради. Бундай ҳол ажнабийлар ҳукмронлиги мустаҳкамланишига, миллий зулм кучайишига имкон беради.

Тарихий далилларга мурожаат қилайлик.

Бундан 2700 йил муқаддам Хитой файласуфи Конфуций ўз императорига шундай деган экан: «Хоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бухронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Гусейнов А.А. Великие моралисты. Москва, 1995, с. 36.

Юнон тарихчиси Геродот ҳам ўз асарларида истило қилинган мамлакатларнинг халқларини маънавий қашпоқлик ҳолатида сақлашга интилиш йирик давлатларнинг сиёсатида катта ўрин олганини кўрсатади.

Бундай тарихий фактлардан бири Эрон шоҳи Кирга унинг яқин сафдошларидан бири юборган мактубдир. Бу хатда истило қилинган Сорд шаҳри аҳолисини маънавий қашпоқликда сақлаш, уларда ўз озодлиги учун курашиш иштиёқини йўқотиш учун қуйидаги тавсиялар берилган: «Эй шоҳ! Сорд шаҳрига буйруқ бер. Ноқулай ва баланд кўнжли этик кийиш, узун, юришга ҳалал берувчи кўйлақлар кийишни буюр. Болаларни фақат музика асбобларини чалиш хунарини эгаллашга мажбур эт. Майда савдо билан шуғулланишга фармойиш бер. Ана шунда аҳоли эркаклар аёлсифат кишиларга айланиб қолганлигини, ҳеч қачон озодлик тўғрисида ҳеч ким ўйламай кўйишини кўрасан».<sup>1</sup>

Марказий Осиёни босиб олган араблар ҳам ўз фаолиятини маҳаллий халқларнинг минглаб йиллар давомида шаклланган маданияти, урф-одатлари, динларини барбод қилишдан бошладилар. Абу Райҳон Бериунийнинг кўрсатишича, араблар Марказий Осиёни босиб олган дастлабки даврлардан бошлабқ маҳаллий динларни, диний марказларни, муассасаларни йўқ қилдилар, кўплаб маданият обидаларни вайрон этдилар, кўлёмаларни ёқиб ташладилар. Улар шу ўлкада кўп асрлар давомида шаклланган, ривожланган Суғд, Хоразм ёзувларини ҳам йўқ қилдилар, бу ёзувларни, ўтмишдаги билимларни билган одамларни ҳам қириб ташладилар. Шу сабабли Туркистон халқларининг исломга қадар бўлган маданий ёдгорликлари ер остида, ислом маданияти обидалари эса асосан ер устида сақланиб қолди. Бундай сиёсат натижасида маҳаллий халқлар ўзларининг бир неча минг йиллик маданиятидан, ёзувларидан, динларидан маҳрум бўлдилар, ўлкада маънавий бўшлиқ ҳолати юзага келди. Бу эса араблар олиб келган янги дин, билимлар, урф-одатларнинг кенг томир ёйишига имкон яратди.

Чингизхон ҳам Туркистон заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига: шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланг ва кўкларга кўтариб мактай беринглар, маҳаллий халқларнинг ақлли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинглар, деб топшириқ берар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўзининг маданиятидан, обрў-эътиборли, доно вакилларидан жудо бўлган халқ маънавий раҳнамасиз қолиб

<sup>1</sup> История античности. М.: "Правда", 1989, с. 96.

кетеди. Нодонлар, ахмоқлар таъсирида эса маънавиятсизлик гирдобига ўралиб қолади. Натижада халқ қовушмайди, уюшмайди, лоқайдлик кайфиятида қолиб, босқинчиларнинг итоаткор қулларига айланади. Халқ ғафлат уйқусидан уйғониб, қаддини тиклаб, бирлашиб, ўз мустақиллиги, кадр-қиммати учун кураш бошлаганига қадар кўп йиллар ўтиб кетади.

Англия империалистлари ҳам, Ҳиндистон сингари йирик мамлакатларни босиб олганидан кейин, ўз фаолиятини шу ўлкада минглаб йиллар ичида шаклланган буюк маданиятни барбод қилишдан бошлаганлар. Шундай сиёсат туфайли жаҳон маданияти тарихига улкан ҳиссасини қўшган кўшлаб халқлар XVIII-XIX асрлар, XX аср ўрталарига қадар империализм асорати остига тушиб, ўзларининг маданий, маънавий бойликларини ривожлантириш имконидан маҳрум бўлиб қоқдилар. Маънавий қолоқлик эса сиёсий, иқтисодий қарамликнинг асослари мустақкамланишига олиб келди.

Россия Марказий Осиёни босиб олганидан кейин ўлкада кенг кўлам олган инқирозий жараёнларнинг энг хавфлиси ҳам маънавий бухрон эди. Чоризм маъмурияти маҳаллий миллатларни ўтмиш маданиятидан, барча миллий қадриятларидан маҳрум этиш, маънавий камолот имкониятларини чеклаб қўйиш учун ҳаракат қилди. Бу борадаги тadbирлар босиб олинган ўлкада мустамакачилик тартибларини сақлаб қолиш ва мус-таҳкамлаш ишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Маънавий тушқунликка тушган, манқуртлик ҳолатига келиб қолган миллат ҳеч вақт ўз манфаатларини англаб, мустақиллик учун уюшиб кураш олиб бора олмаслигини улар жуда яхши англаб етганлар.

Чоризмнинг бундай сиёсати устида тўхтаб, граф К.К.Пален шундай деб ёзган эди: «Улар ҳаммаси (яъни Туркистон генерал-губернаторлари - Э.Ю.) маҳаллий аҳолининг диний ҳаётига аралашмаслик сиёсатини олиб бордилар. Шу сабабли ҳам мактаб воситаси билан бирор бир маърифий тadbирни ўтказмадилар. Ўлкадаги мактаблар Туркистон Россияга қўшилишидан олдин қандай ҳолда бўлган бўлса, ўша ҳолда қолиб кетаверди».<sup>1</sup>

Туркистоннинг мустамакачилик давридаги тарихини яхши билган баъзи олимлар ҳам бундай сиёсатнинг моҳияти устида тўхтаб, қуйидаги фикрларни ёзган: «Чоризм, подшо чиновниклари маҳаллий адабиёт ривожланиши ва маҳаллий мактаблар сони ортиб боришини аҳолини руслаштириш йўлидаги жиддий бир тўсиқ деб қарадилар».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Пален К.К. Учебное дело. Санкт-Петербург, 1910, с. 121.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Москва, Изд. АН СССР, 1927, с. 135.

Россияда шовинистик ғояларни тарғиб этишда алоҳида жонбозлик кўрсатган Н.И.Ильминский 1888 йилда Н.П.Остроумовга ёзган хатида шундай деган: «Менинг тушинишимча қирғиз ва сартларни умуман гимназияга жалб этмаслик ва киритмаслик керак эди... Сартларни, буриятларни ва қалмоқларни классик таълим йўлига олиб ўтиш вақти келмаган».<sup>1</sup>

Туркистон генерал-губернатори Н.А.Куропаткин ҳам Россиянинг мустамлака ўлкада олиб борган сиёсатининг асосий яқунлари ҳақида ёзар экан, 50 йил давомида биз маҳаллий халқларни тараққиётдан, мактабдан, рус ҳаётидан четда ушлаб турдик, деб очик эътироф этган.

Муҳаммад Али Халфа (Дукчи эшон) чоризм даврида Туркистонда авж олган маънавий буҳроннинг айрим жиҳатлари устида тўхтаб, 1898 йилнинг 15 май куни Андижон вилоятидаги Тожиқ қишлоқ масжидида тўпланган ўз муридларига қаратиб қуйидаги сўзларни айтган эди: «Ҳукуматни кофирлар муссалат қилди, юртимизга ўрус келди... динимизда йўқ судхўрлик, ҳаром ривож топти. Ҳамманинг халқуми булғаланди, ҳар шаҳарда янги шаҳар деган бир фисқхона қилди, фисқнинг ҳамма нави ҳозирланди. Мусулмонларни йўлдан оздирди. Аксар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарига, қиморхоналарига муштарий бўлди, фоҳишахоналарига ўрганди, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди».<sup>2</sup>

Бундай сиёсат совет тоталитар тузуми шароитида ҳам изчиллик билан олиб борилди. Собиқ СССР конституциясида, совет ҳукумати ва коммунистик партия марказий комитети, съездлари қабул қилган қарорларда миллатларнинг тенглиги, тенгҳуқуқлиги эълон қилинган бўлса-да, булар оддий шиоргина бўлиб қолаверди. Совет тузуми ўрнатилган дастлабки даврлардан бошлабқ миллий маданиятни, қадриятларни ўрганиш, тарғиб этиш чеклаб, чегаралаб қўйилди. Халқнинг маданий мероси бўлган кўшлаб қимматбаҳо қўлёзмалар йўқ қилиб юборилди ёки хаёсизлик билан Россиянинг марказий шаҳарларидаги кутубхоналарга, музейларга олиб кетилди. Кўшлаб архитектура ёдгорликлари диний тарғибот маркази деб таърифланиб, бузиб ташланди ёки турли корхоналарга, омбухоналарга айлантирилди. Халқнинг минглаб йиллик тарихи саҳифалари партиявийлик, синфийлик мезонлари асосида сохталаштирилди. Россия, рус халқи тарихи, маданияти эса ҳақдан ортиқ муболағалаштирилди. Барча ўқув юрларида ўқитилаётган СССР тарихи эса Россия тарихининг қисқача

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости, 2 июня 1892 г., № 22.

<sup>2</sup> «Ер юзи» журналы, 1925 йил, 11-сон, 10-бет.

баёнидан бошқа нарса эмас эди. Халқимизнинг буюк фарзанди, бетакрор тарихий шахс Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, қилган барча ишлари сохталаштирилди.

Ҳар бир миллат ўзлигини англаши йўлида ҳам жиддий тўсиқлар қўйилди. Миллат ор-номуси, қадр-қимматини кўтариш, унинг манфаатлари тўғрисида ўйлаш эса миллатчилик, социализм ғояларига қарши чиқиш деб баҳоланди. Ўн минглаб илгор зиёлилар миллатчиликда айбланиб, қатағон қилинди ва қўшлари йўқ қилиб юборилди. Миллий тилларнинг ривожланиши, улардан амалда фойдаланиш имконияти ҳам чеклаб қўйилди. Барча халқларнинг иккинчи она тили деб таърифланган рус тили таълим-тарбияда, илмий ишларда, давлат идоралари фаолиятида биринчи ўринга чиқиб олди. Зиёлилар ўртасида ҳам ўз она тилига нисбатан лоқайдлик кучайди. Булар ҳаммаси миллий уйғониш жараёни кучайишига йўл қўймаслик учун қилинган тadbирлар эди. Миллий уйғониш миллий онгнинг юксалишига, бу эса ўз навбатида мустақиллик учун курашга олиб келишини совет тузуми сиёсатчилари яхши англади.

Тарихда миллат, мамлакат, жамият тараққиётидан манфаатдор бўлган давлат арбоблари, шахслар, буюк алломалар бутунлай бошқача йўл тутганини кўрамиз. Улар жамиятда мавжуд бўлган вазиятни, истиқлол ва истиқбол муаммоларини чуқур таҳлил этиб, ижтимоий ҳаётда барча масалаларни фақат инсон ҳал этиши мумкинлигини, бу эса унинг билими, ақл-идроки, ахлоқи, одоби, уюшганлиги, бирдамлиги, аҳиллиги ва дўстлигига, дунёқараш ва эътиқодига, иймони, инсофи, ҳалоллиги, бурч ва масъулият туйғуси даражасига боғлиқ эканини яхши англаганлар. Шу сабабли ҳам улар ўз режаларини, орзу-умидларини амалга оширишни жамиятдаги маънавий қолоқликка барҳам бериш, комил инсон шахсини тарбиялаш ишидан бошлаганлар.

Жамият ривожланиши, адолатли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар ўрнатиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ғоя, режа тараққиёт қонунларини яхши билган, истиқбол вазифаларини тўғри, тўла тасаввур этишга қодир бўлган доно ҳақолат онгига, фикрида етилади. Доноликнинг мезони ҳам тараққиёт имкониятлари, истиқболларини бошқалардан олдинроқ, тўлароқ кўра билишлиқдadir. Истиқболни тўғри тасаввур эта олган ҳар қандай донишманд бир ўзи барча вазифаларни ҳал эта олмайди. Бунинг учун у оммага таяниши, ўз ғояларини, ўй-фикрларини халқнинг онгига сингдириши, унга етакчилик қилиши лозим. Халқ оммаси эса тараққиёт, истиқбол билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни бирданига англаб этиб, унга амал қилавермайди. Инсон фаолияти онгли жараён бўлганлиги

сабабли, аввало, у бу мақсадларни билиши ва тушуниши лозим. Тўла англамай, кўр-кўрона қилинган ҳаракат керакли самара бермайди, у фақат инсон қалбда чуқур ўрин олмаган вақтинчалик ташаббус бўлиб қолаверади. Янги ғояни, мақсадни англаш, унга асосланиш учун оддий истаккина эмас, балки муайян маънавий савия ҳам керак. Бу савияни шакллантириш аниқ тарбиявий, маърифий ишлар тизими орқали амалга оширилади. Тарбиянинг, маърифий ишларнинг мақсади кишиларни мавжуд шароитлар ва вазиятга мослаштириш эмас, балки истиқбол учун курашга, фаолликга сафарбар этишдир. Ҳар қандай тарбияда кўзланган мақсад кўлами жиҳатдан кенгрок, аҳамияти жиҳатидан муҳимрок бўлади. Бу мақсадлар турли фалсафий, диний-ориқий қарашларда, ижтимоий, сиёсий таълимотлар, мафкуравий ғоялар тизимида намоён бўлади. Буларда белгиланган вазифаларни бажариш халқнинг маънавиятини юксалтириш, шу йўл билан уни янги тарихий вазифаларни бажаришга сафарбар этишдир. Тараққиёт учун зарур бўлган маънавий омиллар маълум илғор ғоялар шаклланганида эмас, балки улар омилнинг онгига сингиб, фаолиятига асос бўлганидан кейин юзага келади.

Жамиятда адолатли муносабатлар ўрнатиш, яхшиликнинг ёвузлик, зулмат устидан ғалабасини таъминлашга қаратилган диний таълимотлардан бири - зардўштийликдир. Бу таълимотта кўра «одам бу курашда олий кучлар қўлидаги ўйинчоқ эмас, танлаш эркинлигига эга бўлган, ўз фаолиги билан дунёда адолат тантанасига таъсир эта оладиган шахсдир».<sup>1</sup> Инсон ўзининг адолат тантанаси йўлидаги курашида муваффақиятга эришиши учун Зардўшт таълимотига таянмоғи керак. Бу таълимот эса инсон фаолиятининг маънавий омилларини мустаҳкамлайди. Зардўштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»нинг мазмунига бир назар ташласак, инсоният эраמידан олдинги VII-VI асрлардаёқ жамият тараққиётининг маънавий омилларига катта баҳо берганини кўраимиз. Зардўштийликнинг тараққиётни маънавий омиллари ҳақидаги диний-фалсафий ғоялари кўп асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмай, кишиларнинг маънавий камолотига таъсир этиб келди.

Зардўштийлик ғояларига кўра, олам тараққиётининг мазмуни «Абадий вақт» сифатида талқин этилган дастлабки илоҳий ибтидонинг икки фарзанди бўлмиш Ахурамазда ва Ахураман ўртасидаги курашдан иборатдир. Ахурамазда дунёда яхшилик, адолат, фаровонлик, тинчлик учун курашса, Ахураман ёвузлик,

<sup>1</sup> Ислом (справочник), Тошкент, 1989 йил. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 119-бет.



Ўлим, зулмат, вайронагарчилик ўрнатишга ҳаракат қилади. Бу курашда инсон Ахурамазда томонида туриши керак. Бу фикрлар ҳам комил маънавият соҳиби бўлиб, адолат учун курашадиган меҳнаткаш инсон жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили сифатида қаралганини кўрсатади.

Ҳалол меҳнат маънавий комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилиши ҳам аҳамиятлидир. «Ким дон экса, у муқаддас нарса эккан бўлади. Икки қўли билан ерга меҳнат қилса, фаровонлик келтиради», - дейилади Авестода. Бу ғоялар кишиларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ўша даврлардаги муҳим омили бўлган ўтроқ турмушга чорлаган.

Марказий Осиёда V-VI асрларга келиб жамиятдаги зиддиятлар кучайди, халқнинг аҳволи оғирлашиб, жамият тараққиётини янги босқичга кўтариш зарурияти келиб чиқди. Шу даврда юзага келган маздак таълимоти ҳам жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучи бўлган инсон омилни кўтаришга, маънавиятни ривожланишга қаратилган эди. Ўша даврларда жамиятдаги адолатсизликларга қарши кўп халқ кўзғолонлари бўлгани маълум. Маздакчилик тарафдорлари, барча кишилар табиатан бирдирлар, лекин жамият ҳаётидаги адолатсизлик уларни бойларга ва камбағалларга бўлиб юборди, адолат ўрнатишнинг асоси табиий мувозанатни тиклаб, бойлар билан қашшоқларни тенглаштириш йўлидан боришдир, деган ғояни олдинга сурганлар.

Бу мақсадга одамлар етук маънавиятга таяниб иш қилгандагина эриша оладилар. Демак, бу ғоялар асосида адолат, тенглик учун курашиш мақсадини кишиларнинг онгига сингдириш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун маънавий замин яратишга интилиш ётган.

Жамият тараққиётини инсон маънавий камолоти билан боғлашга интилиш ҳамма тарихий даврларга ҳам хосдир.

Якка худоликни тарғиб этувчи барча диний таълимотлар ҳам ибтидоий жамоа тузуми, кулчилик муносабатлари емирилиши натижасида келиб чиққан иқтисодий, сиёсий ва маънавий зиддиятларнинг якунидир. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатишга, яъни тараққиётнинг маънавий омилларини мустақамлашга чорловчи янги ғоялар ўртага ташиланган. Барча динларда соф ахлоқий муносабатлар равнақи сиёсий, ҳуқуқий масалалар билан боғлаб ёритилади. Диний таълимотларнинг юзага келиши, ривожланиши ва тарғиб этилиши заминда доимо ижтимоий-сиёсий мақсадлар ётганлигини инкор этиб бўлмайди. Бу жиҳатдан қараганда дин конкрет таълимотгина эмас, балки муайян мақсадларга хизмат қиладиган мафкура ҳам эканлиги кўзга ташиланади.

Ислом дини ҳам Арабистонда ҳукмрон бўлиб турган қабилачилик, уруғчилик тузуми, у билан боғланган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлар, жамиятнинг маънавий ҳаёти чуқур инқиروزга юз тутган бир вазиятда юзага келди. Қабилачилик тузуми ўрнида марказлашган давлат тузиш зарурияти кучайди. Қабилачилик муносабатлари ва уларга хос бўлган диний эътиқодлар ўрнини якка худодликни тан олувчи диний маънавият эгаллагандагина марказлашган йирик давлат барпо этиш мумкин эди. Бундай сиёсий мақсад ва унинг маънавий асосларини яратишга интилиш ислом дини пайдо бўлишига олиб келган. Шу сабабли ҳам Муҳаммад пайғамбар ўз фасолиятининг биринчи қадамлариданоқ маънавият муаммолари, унинг шакллари, мезонлари масаласига катга эътибор берди. У ўзини Оллоҳнинг бандаларни тўғри йўлга солиш учун юборган Расули эканини кўрсатар экан, «Мен фақат гўзал ахлоқни мукаммаллаштирмоқ учун юборилдим», - деган.<sup>1</sup>

Марказлашган давлат фукарolari давлат томонидан яратилган қонуларга риоя қилиши, жамият адолатли деб топган ахлоқий мезонлар чегарасидан чиқмаслиги ҳам керак бўлган. Бундай ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар тизими худонинг барча мўминлар сўзсиз бажариши шарт бўлган иродаси сифатида талқин этилган. Шунинг учун ҳам Куръони карим, ҳадислар ва шариат ҳукмларида жамиятнинг янги ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари тизими, масъулият, бурч масалалари кенг ёритилган. Бу динга эътиқод қилувчилар, мўминлар, яъни Оллоҳга итоат қилувчилар, деб атала бошлади. Худонинг иродаси ва номи билан боғланган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни ҳамма бажариши шарт, бажармаслик эса гуноҳ, деб эълон қилиниши ҳам янги маънавий эътиқодлар тизимига кирди.

Муҳаммад пайғамбар инсон маънавий комиллигини барқарорлик ва тараққиётнинг ҳал қилувчи омил сифатида таърифлаган. Унинг ўз умматларига айтган қуйидаги сўзлари ибратлидир: «Сизнинг бутпарастликка ўтишингиздан кўркмайман. Хавфсираган томоним сизни дунё ишларига шўнғиб, бойликка кўмилиб, бир-бирингизнинг қонингизни тўкишингиздир. Ана шу ҳолда сиз ҳам аввалги миллатлар каби ҳалок бўласиз».<sup>2</sup>

Бу мақсадлар буюк мутасаввуф файласуф олим Абу Хамид Муҳаммад ал Ғаззолийнинг қуйидаги сўзларида ҳам ўз ифодасини тошган. У шундай деган: «Ваъз айтганда «Оллоҳнинг қарами, марҳамати кенг, раҳмати бисёр», - деб халқни мағрурлантириб қўйма. Чунки бундан улар кўнглида ғолиблик туйғуси

<sup>1</sup> Закои Кунрапа. Алвидо дунё! Ассалом охират. Учинчи китоб, Тошкент, Мовароуннахр, 1996, 53- бет.

<sup>2</sup> Закои Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом охират. 53- бет.

ийдо бўлади, шариат йўлига кирмасдан, Оллоҳ рад этган ишлар билан шуғулланиб, ёмон хулқлар орттиради, дилларига келмакда (қиёматда) бўладиган дахшатли ҳодисалар билан қўрқув бахш эт. Шояд ботинларида бемаза иллатлар ўзгариб, юхирларидаги ёмон амаллар яхши амал ила ўрин алмашинса, тоат-ибодатга меҳр-у рағбат қўйиб, илгари ҳеч бир тортинмасдан қилган гуноҳларидан тавба қилишса, қайтишса...»<sup>1</sup>

Бу фикрлардан ислом динида жамият ҳаёти учун ниҳоятда катта аҳамиятли бўлган ахлоқ ва ҳуқуқ мезонларини Оллоҳнинг иродаси, жаннат роҳати-ю дўзаҳ азоби билан боғлаб, инсон шуурига, имон-эътиқодига сингдириш мақсади қанчалик катта ўрин олганлигини яққол кўриш мумкин.

Жамият маънавий камолотининг муайян даври, босқичида ва турли шароитларида диний эътиқодлар маънавий муҳитни барқарорлаштириб турувчи омил бўла оlishини инсониятнинг тарихий тараққиёти кўп марта исботлаб берган.

Диний эътиқодларнинг инсон руҳий оламига бўлган таъсири жамият ҳаётининг оғир, мураккаб, зиддиятли бурилиш давларида айниқса кучлироқ бўлган. Кундалик ҳаётдаги адолатсизликлар, тўс-тўполонлар, бухронлар, жабр-зулм, моддий қийинчиликлар, маънавий тубанлашиш ҳолатида азоб чекиб, гушкунликка тушаётган кишилар бирдан-бир умидвори бўлган Худога нола қилганлар ва бу йўл билан ўз мушкулларини енгиллаштиришга ҳаракат қилганлар, ўзларига ўзлари тасалли берганлар. Ана шу маънавий эҳтиёжлар кишиларнинг шахсий ҳаётида уларга ҳамроҳ бўлиб келган. Ёшлигида кўп гуноҳ ишларни қилган кишилар кексая бошлагандан сўнг тоат-ибодат йўлига ўтиб олганликларини ҳам шу билан изоҳласа бўлади. Ал-Ғаззолий айтганидек, «пишиб (кексайиб) қолган одам ҳеч қачан вақт ўтмай фоний дунёни тарк этмоғи тайин. Шу боис бир кун умринг қолган бўлса ҳам, қалбни мусоффо этиб, нафси поклашга хизмат қилувчи илм билан шуғулланиб қолмоқ шур». <sup>2</sup> Бу илм, унинг фикрича, динга эътиқод қўйиш илмидир. Шу сабабли ижтимоий тараққиётнинг ҳар қандай зиддиятини, мураккаб давларида диний маънавиятга бўлган эҳтиёж йўқолиб кетмаган, балки кучайган.

Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий ва бошқаларнинг камил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари ҳам жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси тўғрисида ёзганида шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Абу Хамид Мухаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. «Бухоро» нашриёти, 1992, 25- 26- бетлар.

<sup>2</sup> Абу Хамид Мухаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. 18- бет.

Ўтмишдаги мутафаккирлар жамиятда адолатли муносабатлар ўрната оладиган одил подшоҳлар тўғрисида ёзганида ҳам уларнинг ахлоқий-маънавий жиҳатларига катта эътибор берганлар.

Темур империяси емирилиши жараёни ҳам жамиятда маънавий тушқунлик кучайган даврлар билан боғлиқ бўлган. Мирзо Улуғбек ҳам фан ва маданият ривожига катта эътибор бериб, бу тушқунликнинг олдини олишга ҳаракат қилгани маълум.

XVIII асрда яшаган француз маърифатчилари ҳам жамият тараққиётини тезлатиш, янги босқичга олиб чиқиш учун миллатни ўрта асрлик ғафлат уйқусидан уйғотиш зарурлигини англадилар. Уларнинг бугун фаолияти ҳам капиталистик тараққиёт йўлига замин бўладиган янги маънавий муҳитни яратишга интилиш билан боғланиб кетган. Уларнинг оғир шароитларда олиб борган фаолияти Франциянинг, деярли бугун Европанинг, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти янги босқичга чиқишида қанчалик катта аҳамиятга эга бўлгани ҳаммамизга маълум.

В.Г.Белинскийнинг машҳур «Гоголга хат»ида ҳам мана шундай мақсад яққол кўзга ташланиб туради. У ҳам рус халқининг миллий руҳи, кадр-қимматини тикламай туриб тараққиётнинг янги босқичларига кўтарилиш мумкин эмаслигини яхши сезган. Унинг бундай қарашлари қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган: «...Сиз Россия мистицизмни эмас, аскетизмни эмас, пиетизмни эмас, балки маданият, маърифат ва одам-парварлик соҳасида эришилган ютуқларни ўзининг нажот йўли деб билаётганини пайқамай қолибсиз.

Россияда, халқда инсонлик фазилатини билиш, ..аклидрокка ва адолатга мувофиқ келадиган қонунларни билиш ҳиссини уйғотмоқ керак».<sup>1</sup>

Машҳур рус ёзувчиси М.Ю.Лермонтов ҳам Кавказга сурғун қилинганидан кейин «Хайр, ювуқсиз Россия» деган шеър ёзган. «Ювуқсизлик» тушунчаси маънавий қашшоқликни билдиради. Бу маънавий бухрон ўша даврларда Россия аҳолиси ўртасида кучайган лоқайллик, қулик, итоаткорлик кайфиятларида намоён бўлган. Бу ҳолат Россияда XIX асрда ҳам миллий онгининг маънавий асослари анча заиф бўлганини кўрсатади.

Тарихнинг бурилиш даврларида адолат ва эркинлик тантанасига, озодликка интилаётган ҳар қандай миллатда мустақкам иймон-этиқод, фидойилик, келажакка ишонч, ҳаётбахш ватан-парварлик бўлмоғи лозим. Бундай фазилатлар жамул-жам бўлмаса, тенглик, тенгҳуқуқчилик, миллий мустақиллик учун кураш йўлида жиддий ютуқларга эришиш мумкин эмас.

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Письмо Гоголю. Москва, 1976, с. 12.

Хар қандай иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар маънавий негизга эга бўлиши зарурлиги табиийдир. Олижаноб идеалларга эга бўлмаган халқ ўз келажагига ишонмайди. Эртанги кунига ишонмаган халқни улуғ ишларга сафарбар қилиб бўлмайди. Олижаноб ғоялар эса халқ томонидан анлангандагина қудратли кучга айланади.

Жадидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатли қилиш, маънавиятни юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир. Жадидлар аҳолини саводли қилмоқчи бўлган оддий маърифатчилар эмас. Улар мустамлакачилик даврида Туркистонда ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни, халқнинг маънавий ҳолати даражасини яхши билганлар, бу жараёнларнинг сабабларини чуқур таҳлил эта олганлар. Улар Туркистоннинг мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий миллатларни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун биринчи навбатда халқнинг умумий маданий савиясини давр талаблари ва имкониятларига асослашиб ривожлантириш лозимлигини сезганлар. Уларнинг халқ маорифини ривожлантириш, миллий маданий меросни тиклаш, Европа халқларининг маданияти, тажрибасини ўрганишга чақириш борасидаги фаолияти ҳам пировард натижада мустақилликка эришиш мақсадлари билан боғланган. Улар билимли, маданиятли, маърифатли миллатгина катта тарихий вазифаларни ҳал этишга қодир бўла олиши мумкинлигини чуқур англаб етганлар. Жадидчиликнинг асосий моҳияти миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқибгина мустақилликка эришиш, миллий давлатни барпо этиш мумкинлигини асослашдан иборат бўлган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқироз ҳолати чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлмай, маърифий-тарбиявий ишларни кенг йўлга қўймай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди. Маърифатчилар, жадидлар миллатнинг маънавий камолоти мақсадлари йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидоийлар эди.

Жадидчилик ғояларини янги, яна-да оғир шароитларда тарғиб этишга ҳаракат қилган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев, Сўфизода, Тавалло, Сидқий Хондайиқий, Исоқжон Ибрат ва бошқалар миллатнинг маънавий камолотини юксалтириш, унинг кадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик бора-сида катта ишлар қилгани маълум.

Улар ўз режаларини мустамлака Туркистондаги, Бухоро амирилиги ва Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий тузум шароитида амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳам англаб етдилар ва ўз фаолиятини сиёсий мақсадлар билан боғлай бошладилар. Аста-секин маърифатчилик ва жадидчилик ғоялари мустамлакачилик ва ўрта асрчилик қолдиқларига қарши қаратилган демократик миллий озодлик ҳаракатининг мафқурасига айлан бошлади. Файзулла Хўжаев бу жараёни жадидизмнинг ўша давр учун бўлган ижобий муваффақиятларидан бири, деб таърифлагани бежиз эмас.

Ўрта Осиёда 1917-1924 йилларда бўлиб ўтган инқилобий жараёнларда катта ишлар қилган «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» партиялари аъзолари ҳам асосан жадидлар ҳаракатида иштирок этиб, ғоявий камолот топган кишиларда иборат бўлган. «Ёш бухороликлар» партиясига асос солган А.Бур-хонов, Фитрат, Усмонхўжаев, Файзулла Хўжаев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жадидчилик ҳаракатининг аста-секин сиёсий тус олиб бориши ва очикдан-очик жамиятнинг ўзида туб сиёсий, иқтисодий маданий ислохотларни ўтказиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар ўртага ташланаётганлиги Туркистондаги ҳукмрон доираларни жиддий ташвишга солиб қўйди. Маърифатчи жадидлар олиб бораётган тарбиявий, маърифий тадбирлар натижасида ўлкада ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашиб кетиши аниқ эди. Буни англаб етган чор маъмурлари, Бухоро амири ва Хива хони жадидлардан қаттиқ ўч ола бошладилар.

Чоризм ағдарилганидан сўнг Туркистонда ҳокимият тепасига келган Вақтли ҳукумат вакиллари ҳам бу қатағончиликнинг олдини олмади. Вақтли ҳукумат вакиллари ҳам маҳаллий халқлар уюшиб, маълум мафкура асосида ўз мустақиллиги учун кураш олиб боришидан манфаатдор эмас эди.

Маърифатчи жадидлар ниҳоятда оғир моддий қийинчиликлар ғоявий-сиёсий таъйиқларга қарамай миллатнинг маънавий юксалиши учун кенг имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятли бурилиш давларида миллатнинг миллий, ижтимоий онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканини сезганликлари учун ҳам барча оғир ташкилий, маърифий ишларни ўз зиммаларига олдилар. Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, Авлоний ва бошқалар мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берад, ўқув қўлланмаларини ёзиш ва нашр этиш ҳам уларнинг зиммасида бўларди.

Таниқли олим Наим Каримов Фитратнинг туркистонлик ёшлар чет мамлакатларда ўқиб, билимли ва маърифатли бўлгач, ўз ватани ва миллатига қандай фойда келтириши мумкинлиги ҳақидаги куйидаги фикрларини айтиб ўтган: «Буларнинг Мисрдан келгани олим дунёвий замона бўлиб, дин ва миллатимизни дунё ва охираги обод бўлишимизга сабаб бўладилар. Петербургдаги тиббиёт, ҳуқуқия, кимё, адлия мактабларида ўқиганларимиз табиб, муаллим, ахли ҳуқуқ ва ҳоким бўлиб, давлат ишларига ва ҳукумат мансабларига аралашиб, бизга наф етказур. Бу илмлардан ўқиб, юқорида баён бўлган подшолик мансабларига кириб, дин ва миллат, Ватан ва давлатга хизмат қилмоқни шарият асло ман қилмайди».<sup>1</sup>

Миллат маънавий камолоти учун Беҳбудий ўз билими, кучи ва иродасинигина эмас, балки қўлидаги кўп бўлмаган маблагларини ҳам сарфлагани ҳақида маълумотлар бор.

Мамлакат ва миллат манфаатлари учун олиб борган кураши йўлида Беҳбудий жуда кўп марта таъкиб, тазйиқ остида бўлгани маълум. Ҳар қандай тазйиқ ва қийноқлар ҳам Беҳбудийнинг иродасини синдира олмаганини унинг зиндонда ётиб ўз дўстларига ёзган мактубида кўришимиз мумкин. Ушбу мактубда шундай сўзлар ёзилган: «Сизларга васият қиламан: Маориф йўлида ишлайдиган муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам берингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз, жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроқига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила зolim бойлардан талаб қилингизлар».<sup>2</sup>

Мустақилликнинг маънавий заминларини шакллантиришда Мунаввар қорининг ҳиссаси ҳам каттадир. Мархум академик К.И.Лапкиннинг айтишича, 20-йилларда Мунаввар Қорининг обрўси фақат ўзбеклар орасида эмас, балки рус зиёлилари орасида ҳам катта бўлган. «Мунаввар Қорининг тарих ва адабиёт ҳақидаги маърузалари шунчалик қизиқарли, сермазmun бўлар эдики, биз у қаерда маъруза қилса, суҳбат ўтказса, шу ерга шбатта борар эдик. У бўғилиб сўзлагани учун, биз ҳазиллашиб Мунаввар Қори эмас, «самовар гори», деб айтар эдик», - деган эди менга К.И.Лапкин.

Мунаввар Қори таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилмай, халқнинг онгини оширмай, маданий савиясини кўтармай жамиятда катта ўзгаришлар қилиш асло мумкин эмаслигини анг-

<sup>1</sup> Каримов Н. «Жадидчилик нима?». «Санъат» журнали, 1990, 12- сон, 5- бет.

<sup>2</sup> «Фан ва турмуш» журнали, 1- сон, 1989, 21- бет.

лаган зиёлилардандир. У ҳам маърифатпарварлик борасида Бехбудий сингари фидоийлик намуналарини кўрсатди. Янги усул мактабларни очиш билан чекланмай, ўз замонаси учун маъқул бўлган дарсликлар ҳам ёзди. Унинг «Адиби аввал», «Адиби соний», «Ер юзи», «Хавойижи диния» сингари дарсликлари ўзбек зиёлиларининг янги бир авлоди шаклланишига замин бўлди десак, хато бўлмайди. Мунаввар Қори кўпроқ етимларни, бева-бечораларнинг болаларини ўқитишга аҳамият берди. Бу ишга маҳаллий бойларни ҳам жалб этди. Тошкентнинг Орифхўжабой, Саидқаримбой, Комилжонбой каби машҳур бойлари унинг таклифи билан маориф ишини яхшилаш учун катта маблағлар бергани ҳам маълум. Бу пуллар ҳисобига Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида янги мактаблар очилган, маҳаллий ёшларни таълим олиш учун Олмонияга юборилган.

Мунаввар Қори маърифат ишларида халқнинг бой маданий меросидан унумли фойдаланиш масаласига ҳам катта эътибор беради. Бу ишларда 1918 йили Тошкентда унинг ташаббуси билан тузилган «Турк ўчоғи» илмий-маданий жамиятининг ҳам ҳиссаси каттадир.

1918 йилда Тошкентдаги Туркистон халқ дорилфунуни қошида мусулмон бўлимининг очилишида ҳам бу фидоий алломанинг ҳиссаси бўлган. Шовинистик сиёсат ва диний хурофот кучли бўлган бир шароитда бундай хайрли ишларга қўл уришнинг ўзи катта жасорат бўлган. Бу ишлари билан у, ўзининг бошқа сафдошлари сингари, маориф ва маърифий тадбирларсиз миллат ўз-ўзини англаши мумкин эмаслигини асослаб берди.

Онглилик - маданиятли бўлишгина эмас, балки муайян маънавий камолотга эришиб, келажакни кўра билиш, унга интилиш ҳамдир. Мунаввар Қорининг бу масаладаги қарашлари қуйидаги сўзларида яққол кўзга ташланади: «Сўнгги икки йил ичида Туркистон халқининг бошига келган фалокатларнинг ҳар бири - ёлғиз нодовлик, маорифсизликнинг оқибатидагина бўлганлиги ҳар кимга маълумдир. Келажакда бундай фалокатлардан қутулмоқ ва Туркистонни халқи тилаган равишда идора қилмоқ ва душманлардан сақламоқ ёлғиз санойи ва маориф воситаси илагина мумкиндир».<sup>1</sup>

Халқнинг маънавий камолоти миллий истиқлол йўлидан боришда ҳал қилувчи омил эканини англаб, оғир шароитларда бу ишда катта фидоийлик намуналарини кўрсатган алломалар ичида Саидрасул Саидазизий, Мирмуҳсин Шермухамедов, Абдуқодир Шокирий, Саидахмад Сиддиқий, Исматулла Раҳматуллаев,

<sup>1</sup> Қаранг: Сирожиiddин Аҳмад. Мунаввар Қори. «Шарқ юлдузи». 1992 йил, 5- сон.



Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли, Бобоохун Салимов ва бошқалар ҳам бўлган.

Жадидчилик ҳаракатида, миллий озодлик курашларида иштирок этган миллатпарвар фидойилар мактабларда замонавий таълим-тарбияни йўлга қўйиш, омманинг илмий билимлари ва маданий савиясини кўтариш йўли билан мустақилликка эришиш учун маънавий замин ҳозирлашга интилганлар, халқнинг маданий ҳаёти, турмуш тарзи, тафаккур услубидаги қолоқлик ҳолатидан ниҳоятда ташвишланганлар. Унинг ёрқин мисолини оташқалб, миллатпарвар шоир Таваллонинг (Тўлаган Хўжамёровнинг) қуйидаги киноя билан ёзилган мисраларида яққол кўриш мумкин:

Европа аҳли, сиз қулоқ солингиз,  
Биз ҳунарлар ёзиб тоништирамиз.  
Келтирунг замбурак, қурол неча хил,  
Бизни сопқон ила солуштирамиз.  
Афтомбил арабангиз қайда,  
Хуқанд арба билан чопуштирамиз.  
Биз билурмиз, сиз тўғри сўзни қули,  
Лек биз ёлғовлар қоруштирамиз...  
Қани айрапилоғу, гидрапилоғу  
Варварақ бирла биз учуштирамиз.  
Борму сизда бедона, какликлар,  
Пул тикиб ўртага чўқиштирамиз...  
Сиз зобутда ясаб товар келтиринг,  
Буйра-бордон билан туқуштирамиз.<sup>1</sup>

Бу мисраларда Туркистондаги маънавий муҳит билан ривожланган мамлакатларни солиштириш асосида шаклланган афсус, наҳомат билан тўлган кучли туғён ётади. Муаллиф ўлкамизда турли ижтимоий-сиёсий тазйик, хурофот ва бидъат асосида шаклланган билимсизликдан норозилигини билдиради ва миллатни ғафлат уйқусидан кўзини очиб, жаҳон тараққиётига тенглашишга чақиради. Бу оддий мисралар эмас, балки миллат манфаатлари йўлида қуйиб ёнаётган инсоннинг қалбида авж олган учқунларидир. Ўз миллатининг порлоқ истиқболини орзу қилган шоир аччиқ мисралар орқали кишилар онгига таъсир этиш, уларнинг илмий, маданий савиясини ошириш орқали истиқбол учун маънавий заминлар ҳозирлашга, фақат маънавий жиҳатдан камол топган миллатгина буюк тарихий вазифаларни бажаришга қодир бўла олиши мумкин эканлигини исботлашга интилади.

<sup>1</sup> Тавалло. «Равнақ ул-ислом», Тошкент, «Фан», 1993, 25- бет

Таваллонинг бу ниятлари ва орзу умидларини, мамлакатда ҳукмрон бўлган умумий қолоқлик вазиятидан норозилигини куйидаги мисраларида ҳам кўриш мумкин:

Осмондаги тайёралар, боққил, қаёнга боралар,  
Эй нафс ила оворалар, нечун кўролмайсиз хануз.  
Симсиз бировлар сўйлашиб, миллат ғамини ўйлашиб,  
Юрганда сиз тўй-тўйлашиб, ҳеч бир уялмайсиз хануз.  
Аскар отиб эл замбурак, борларни қилди бодпарак,  
Сиз боғда чолиб таргарак, соғғон отолмайсиз хануз...  
Гимнозу симнорға боруб, таҳсил этти ўқиб,  
Сизлар ҳамон замбил тўқуб, адрес ёзолмайсиз хануз.  
Чикди бировлар осмон, машинаси айрушлон  
Сизлар трамвайдан ҳамон нечун тушолмайсиз хануз.  
Ғафлатда кўп чойхоналар, боқур, кўринг, бедоналар,  
Билимам қачон уйғоналар, сиз уйғанолмайсиз хануз.<sup>1</sup>

Жаҳон фани ва маданияти равнақига буюк ҳисса қўшган ўзбек халқи XIX аср охири XX аср бошларига келиб хурофот ботқоғига маҳкум этилганлиги шоирни ич-ичидан азоблантиради. У миллат маданий камолотини тезлаштириш йўлида олиб бораётган ишларида ҳеч қандай тўсқинликлардан кўркмаслигини, ҳатто бу мақсад учун курашда ўз жонини ҳам қурбон этишга тайёр эканини билдиради. Куйидаги оташин мисраларни хаяжонланмай ўқиш мумкин эмас:

Нетай қон йиғламай бизлар, жаҳонда биз каби борму?  
Орамизда, билинг, бир воқифи асрори йўх, йўх, йўх...  
Ҳамма ўз бошига овора, миллатга назар қилмас,  
Миллият ҳислари бизда, кўринг, микдори йўх, йўх, йўх...  
Десам дунёда биздек ортда қолган борму миллатдан,  
Бу Туркистон элидин тобмадум иқрори йўх, йўх, йўх...  
Тараққий қилди миллатлар, ётарсиз тобакай десам,  
Жаҳолат бирла ғафлат яхшидир асар йўх, йўх, йўх...  
Дедим миллат учун ўлдурса ҳам ёзмокни қўймасман,  
Алар деди: Таволло, сенда ҳеч бир ори йўх, йўх, йўх...<sup>2</sup>

Бундай вазиятнинг аянчли оқибатларини тўла тасаввур қилган шоир ёшларни аҳилликка, илм олишга, миллат ривожини ўйлашга чақиради, янги даврда илмий камолотга эришиш миллат онги, маданияти ўсишининг асосий омилли эканини кўрсатади. Куйидаги мисралар бу фикрларнинг исботидир:

<sup>1</sup> Тавалло. Равнақ ул-Ислом, 34- бет

<sup>2</sup> Бу манба, 366- бет.

Эй мусулмон ёшлари, бўлсак не бўлғай иттифок,  
Иттифок неларни қилди, кўз очиб оламга бок.  
Биз сизга, эй ёш жўжуклар, неча тимсол айтамыз,  
Жон ила тинглаб муни, мазмунига солинг кулоқ.  
Кўрсатинг ғайрат бутун, миллат ривожин истасангиз,  
Дўст бўлинг бир бирла энди, ўзар бўлманг чаток.  
Ўйлангиз инсоф этиб, борму жаҳонда биз каби,  
Барча миллатлар аросинда тараққийдан қолоқ.  
Берсун инсоф оталарга, ҳиммат этсун биз учун,  
Илм ўқитсин бизларга, дунёда бўлмайлик мазок.<sup>1</sup>

Бу мисралар халқни уйғотишга, ўз кадр-қимматини билишга, жаҳондаги аҳил, ривожланган халқлар орасида муносиб ўрин олишга чорлашдир.

Миллий аҳиллик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳам маънавият мазмунига қиради. Бир кишининг камолоти шахсий масала эмас, балки умуммиллий тараққиёт занжирининг зарурий халқасидир. Таваллонинг бу фикрлари мустақилликка эришган ҳозирги кунларимиз учун ҳам аҳамиятлидир.

Миллий уйғонишга чорловчи гоёларни Абдулла Авлоний шеърларида ҳам кўришимиз мумкин. У, Тавалло сингари, миллатнинг маънавий бухрон ҳолатида қолиб, ғафлат уйқусида ётишини кескин танқид қилади ва барчани саводли бўлиш, замонавий фан, маданият ютуқларини эгаллашга чақиради. Авлонийнинг фикрича, маънавият ва маърифатни юксалтириш Туркистон халқлари олдида турган биринчи даражали вазифадир. Бошқа миллатпарварлар каби Авлоний ҳам бу йўлда жонбозлик қилмасдан миллатнинг жипслашиши, ижтимоий-сиёсий, миллий онгнинг ўсиши, ўз манфаатларини чуқур англаб етиши асло мумкин эмаслигини ниҳоятда чуқур тушуниб етган эди. У миллатнинг онги, фаоллиги ўсишида мактабдаги таълим-тарбиянинг ўрни ниҳоятда катта эканини кўрсатади. Унинг бу борадаги фикрлари қуйидаги мисраларда ёрқин ифодасини топади:

Фирдавси жинон мактаб, нодонлара жон мактаб,  
Билган кишига қадрин бир доруломон мактаб,  
Кўнгул ошиғи мактаб, руҳинг пишиғи мактаб,  
Илму адаб ўргаттай, донанда ко(р)дон мактаб.  
Кимки ўқумас мактаб, кирмас-қарамас мактаб,  
Қилгай бу кишилардан фарёду фиғон мактаб.  
Жоним, ўқунгиз мактаб, бору йўқингиз мактаб,  
Сизлар учун авлодим, боғи гулистон мактаб.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Таволло. «Равнак ул-ислом», 26- бет.

Миллат манфаати йўлида куйиб-пишиб ёзилган бундай оташин мисраларни кўшлаб келтириш мумкин. Ўша даврларнинг вазияти ҳам мустақилликка эришишнинг барча муаммолари миллатни ғафлат уйқусидан уйғотиш билан боғлиқ эканини очик-ойдин кўрсатган эди. Афсуски, миллатпарвар фидойиларнинг бу орзу-умидлари ўша даврларда амалга ошмади.

Совет тузуми ўрнатилиши миллий зулмнинг бир шаклини иккинчиси билан алмаштирди, холос. Туркистон халқлари савод чиқариш мактабларида, ўрта ва олий ўқув юргларида билим олиш имконига эга бўлиб, юртимизда кўшлаб илмий, маданий-маърифий муассасалар ташкил топган бўлса-да, миллий онг ўсишига замин бўладиган маънавий муҳитни яратиш чеклаб қўйилди. Миллий онг шаклланиши жараёнига маданий мерос ва кадриятларнинг таъсир этиши имкониятлари чекланди. Ахлоқ, одоб, маросимлар ва урф-у одатлар борасида Европа, рус кадриятлари биринчи ўринга қўйила бошлади. СССРда яшовчи айрим халқлар ўз маданиятидан, миллий тилидан деярли маҳрум бўлиб қолди. Россия маданияти таъсирининг кучайиши Ўрта Осиёдаги республикаларда миллий маданият, урф-у одатлар, миллий ахлоқ-одоб нормалари сояда қолиб кетишига олиб келди. Ёшларнинг айрим гуруҳлари она тилида сўзлашиш, миллий куйларни тинглаш, урф-у-одатларга риоя қилишни маданий қолоқликнинг кўриниши сифатида талқин эта бошладилар. Кўшлаб оилалар ўз фарзандларини рус мактабларида ўқитиши, айрим зиёлилар ўз асарларини рус тилида ёзиши ва бир-бири билан шу тилда сўзлашиши кишиларнинг маданий эҳтиёжлари шаклланишига ҳам таъсир этди. Кўшлаб ёшлар ажойиб миллий ахлоқий кадриятларимиздан бебаҳра бўлиб қолдилар. Отанони, катталарни ҳурмат қилиш, жамоатчилик жойларида ўзини тутабилишлик сингари маънавий кадриятларимиз ҳам хиралаша борди. Буларнинг ҳаммаси миллий маданият ривожланиши ва кишиларнинг маънавий эҳтиёжлари шаклланиши йўлида катта тўсиқ бўлди. Бу - жамият ҳаётидаги маънавий бухроннинг кўриниши эди. Миллат манфаатларини ҳимоя қилган, маданий мерос ва миллий кадриятларни тиклашга ҳаракат қилган кишилар таъқиб остига олина бошлади.

Совет тузумига хос бўлган маънавий инқироз биринчи навбатда миллий маданиятлар борасида кўпроқ намоён бўлди.

---

<sup>1</sup> Авлоний Абдулла. Ўсан миллат. Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 1993-йил, 24- бет.

### 3. XXI аср - маънавий камолот муаммолари устувор аҳамият касб этадиган давр

Ҳозир инсоният XXI аср арафасида яшамокда. Ўтиб кетаётган XX асрга назар ташласак, бу даврда жамият ҳаётининг барча соҳаларида катта ўзгаришлар бўлганини кўрамыз.

XX асрда кўшлаб инқилобий жараёнлар, сиёсий тўнғаришлар, икки марта жаҳон уруши бўлиб ўтди. Империализмнинг мустамлакачилик тузуми емирилиб, совет тоталитар давлати барбод бўлди, кўшлаб халқлар озодликка эришиб, мустақил таваққулот йўлига ўтиб олди.

XX асрда фан ва техника ривожини борасида ҳам улкан, хайратомуз ютуқлар қўлга киритилди. Атомнинг мураккаб тузилишини очилиши, коинотга инсон парвоз қилиши, узоқ сайёра-ларга космик кемалар юборилиши, компьютерлар ва тақомиллашган ҳисоблаш машиналари жамият ҳаёти, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида кенг қўлланилиши, генетика, биофизика, биохимия фанлари соҳасидаги ютуқлар, хужайралар тузилишини ўзгартириш орқали ҳаётнинг, насллар ва турларнинг ривожига таъсир этиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар, фан, техника соҳасидаги кашфиётлар маънавий соҳасидаги улкан ижобий ўзгаришлар билан ҳамоҳанг бўлмади. Жамият ҳаётида уюшган жиноятчилик, фоҳишалар, бангичилик, ичкиликхўрлик, қотиллик, раҳм-шафқатсизлик ва меҳр-муруватсизлик ҳодисалари кучайди. Демократияни, инсон ҳаққи-ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари кўп жойларда авж олиб кетди. Инсон қадр-қимматини ерга урувчи, адолат, қонунчилик, эркинлик мезонларига мутлақо риоя қилмайдиган тоталитар тузумлар, шахсий диктатура асорати остида қолган мамлакатлар, халқлар пайдо бўлди. Маънавий қалоклик асосида шаклланган сиёсий эҳтирослар, мансабпарастлик ва мансабни сунистеъмом қилиш ҳоллари кучайди. Жаҳон жамоатчилигини чалғитиш учун қилинаётган найрангбозликлар, кўзбўямачиликлар айрим давлатлар раҳбарлари олиб бораётган сиёсатда устувор йўналиш бўлиб қолди. Очiq диктатура, авторитар сиёсатни ўзига хос демократия сифатида талқин этиш ҳам найрангбозлик, маънавий қалокликнинг бир кўринишидир.

Жамиятда миллий, диний ихтилофлар, маҳаллийчилик, қабила-уруғчилик кайфиятлари таъсирида қонли урушлар, тўқнашувлар бўлиб, булар натижасида юз минглаб кишилар ҳалок бўлди, шаҳарлар, қишлоқлар вайрон этилди. Даҳшатли қурол-яроқлар

бехисоб микдорда тўланиб, инсониятнигина эмас, балки бутун тирик мавжудотнинг ҳаёти, ҳатто сайёрамизнинг ўзи ҳам хавф остида қолиб кетди. Антропоген асосида юзага келган ҳалокатли экологик фожиалар ҳам инсон фаолиятидаги маънавий қашшоқлик ва масъулиятсизликнинг оқибатидир.

Булар ҳаммаси XX асрда жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий тараққиёт, фан ва техника ривожланиши билан маънавий камолот даражасида муштараклик ва мутаносиблик бўлмаганини кўрсатади.

Агар жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ривожланиш маънавий камолот билан ҳамоҳанг бўлганида, кўлга киритилган ютуқлар бугунгидан ҳам салмоқли ва самарали бўлар эди. Шу сабабли ҳам XXI асрда жамият тараққиётининг маънавий омилларига эътибор бериш барча давлатлар сиёсатининг асосий йўналиши бўлмоғи зарур. Жамият ҳаётида ахлоқий етуқлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ҳамфикрлик, инсонпарварлик, демократия ва қонун устуворлигига таяниш, фан ва техника ютуқларидан тараққиёт ва инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга эътибор берилмаса, инқирозий жараёнлар, фалокатли тўқнашувлар, экологик фожиалар кўпайиб ва кенгайиб бораверади. Ҳозирги тараққиётнинг бу муаммоларини долзарб, эътибордан четда қолдириш асло мумкин бўлмаган вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. XXI аср маънавий камолот даври бўлиши зарурияти ҳам шу билан белгиланади.

Жаҳондаги кўшлаб мамлакатлар XX аср ўрталаридаёқ бу масалага катта эътибор бера бошлаганлар.

Маълумки, Япония иккинчи жаҳон уруши йилларида жуда кўп йўқотишларга учради. Тўрт йилдан кўпроқ давом этган қонли уруш, Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган икки атом бомбаси мамлакатни бутунлай хонавайрон қилди. Урушдан Япония мағлуб бўлиб, вайронага айланган мамлакат сифатида чиқди. Бунинг устига, ғолиб давлатлар кўрган зарарларни ҳам япон халқи тўлаши керак эди. Мамлакатнинг иқтисоди изидан чиққан, табиий бойликлари эса ниҳоятда кам эди. Ана шундай оғир даврларда японлар мамлакатни ҳалокатли сиёсий, иқтисодий вазиятдан олиб чиқиш масаласини тушқунликка тушган халқнинг миллий руҳини, маънавиятини кўтаришдан бошлади. «Халқнинг қорнини тўйдириш учун аввал унинг миясини тўйдириш керак», деган миллий сиёсий вазифа кун тартибига қўйилди. Мамлакат ва миллатнинг бутун кучи, иродаси халқнинг тарихий мероси ва анъаналарини ўрганиш ва ҳаётга жорий этиш, меҳнаткашларнинг илмий, маданий савияси ва меҳнат малакасини ошириш, ривожланган мамлакатларда тўланган барча ижобий тажрибани ўзлаштириш ва

ўз шароитида қўллашга қаратилди. Ёшларнинг тарбиясида ҳам миллий маънавий меросга, жаҳондаги энг янги тажрибаларга асосланилди. «Мияси тўйган» халқнинг эътиқоди ҳам, мамлакат истиқболига ишончи ҳам, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуси ҳам, илмий, маданий савияси, касбий маҳорати ҳам, мамлакат олдидаги бурчи ва масъулиятини тушуниш туйғуси ҳам кучайди. Булар эса кенг қўламли янги тараққиётнинг маънавий омилларидир. Натижада Япония барча қийинчиликларга тезда барҳам бериб, дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Японияда ватанпарварликнинг мустақкам эътиқод ва миллий манфаатлар билан боғланган ўзига хос шакли юзага келди. Япон ватанпарварлиги, миллий бирилик ва бирдамлик туйғуси ҳозирги кунда ҳам тараққиётнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Японияда кўп йиллар ишлаган Преображенский 1989 йилда ўзининг «Қандай қилиб япон бўлиш мумкин?» деган асарини нашр этди. Унинг фикрича, Япониянинг миллий манфаатлари барча фуқароларни бирлаштириб турувчи кучдир. Агар, дейди у, четдан келган тижоратчи бирор япон фирмаси эгасига миллионлаб доллар фойда олиш мумкин бўлган товарни таклиф этса, у ўйлаб кўриб, бу иш Япониянинг миллий манфаатларига зид келишини билиб қолса, жилмайиб туриб, рад жавобини беради. Японияда ҳам бир-бири билан рақобатли муносабатда бўлган фирмалар кўп. Лекин улар мамлакатнинг миллий манфаатларини биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳимоя қиладилар. Бу ҳам мамлакатдаги соғлом маънавий муҳитнинг бир белгисидир. Агар фуқаролар, тижоратчилар, мулкдорлар мўмай даромадни кўзлаб давлат ва миллат манфаатларини оёқ ости қилсалар, бундай мамлакатнинг истиқболи бўлмайди.

Ҳозир АҚШда ҳам маънавиятни юксалтиришга катта эътибор берилмоқда. Совет Иттифоқи барбод бўлганидан кейин АҚШ жаҳондаги энг қудратли ягона давлатга айланди. Бу эса мамлакат фуқароларининг ғурури ва ватанпарварлик туйғусини кучайтириб юборди. Ватан манфаатларини кўзлаш, обрў-эътиборини кучайтириш ҳар бир фуқаронинг чуқур англанган бурчи ва эътиқодига айланди.

Кичик бир мисол. Ҳозир АҚШга сифати яхши, нархи арзонроқ бўлган Япония, Корея, Германия саноати маҳсулотлари кўплаб кириб келмоқда. Мамлакат фуқаролари эса нархи қимматроқ бўлса ҳам ўз ватанида ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қиладилар. Бунинг сабаби улар мамлакат манфаатларини биринчи ўринга қўйишидир. Агар АҚШда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўпроқ сотилса, халқ хўжалиги тез ривожланишини, ишсизлар сони камайиб, вазият осойишталашини улар яхши биладилар. Бу ҳам кишилар онгида Ватан ва халқ олди-

даги бурч, масъулият туйғуси анча кучли эканини кўрсатади. Бундай мисолларни кўшлаб келтиришимиз мумкин.

Мустақил Ўзбекистонда ҳам маънавиятга катта эътибор берилётгани жамият тараққиётининг объектив қонувларини чуқур таҳлил этиш билан боғлангандир. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистонда анча оғир шароитларда амалга ошиши ўз-ўзидан аён. Бу муаммони ҳал этиш учун биринчи навбатда Совет тузуми шароитидан қолган оғир маънавий бухронга бутунлай барҳам бермоқ, барча фуқароларни ўз миллий маънавиятидан, умуминсоний қадриятлардан, тараққий этган мамлакатларнинг маданиятидан, таълим-тарбия ишларини яхшилаш борасидаги ютуқларидан баҳраманд этмоқ зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маънавият ҳалқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир, деган сўзлари масаланинг қанчалик долзарб эканини кўрсатиб беради. Шу сабабли ҳам маънавиятни юксалтириш, таълим-тарбия ишлари тизимини яхшилаш Ўзбекистонда давлат амалга ошираётган сиёсатнинг асосий йўналишига айланиб бормоқда.

Маънавият, таълим-тарбия ишларида кўзбўямачиликка йўл қўйиш, жамият ҳаётида амалга опмаган ўзгаришларни бўрттириш ниҳоятда хатарлидир. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борадаги кўзбўямачилик, ҳўжа-кўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қутилмаган инқирозларни келтириб чиқариши табиийдир. Айниқса бу соҳада лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли, зиддиятли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг кўламда маданий-маърифий, тарбиявий ишларни мунтазам ўтказиш керак.

Бир мисолни таҳлил этиб кўрайлик. Ҳозир Ўзбекистонда тижоратчилик, ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тадбиркорлик ва тижоратчиликни ривожлантиришга қаратилган қонувлар, қарорлар ҳам қабул қилинди, бу соҳада иш олиб бораётган кишиларга давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилмоқда. Лекин бу тадбирлар масалани ҳал этишнинг ягона йўли эмас. Тадбиркорлик учун, маълум шароитлар ва қонувлар ҳимоясидан ташқари, маънавий омиллар - етарли билим, тажриба, амалий малака, бурч ва масъулият туйғуси ҳам керак бўлади. Деҳқонга ер берилса, бирор киши корхонани сотиб олса, у бирданига унумли иш юрита оладиган тадбиркор, омилкор фермер бўлиб қолмайди. Тижоратчилик ҳам арзон молни олиб, қўлма-қўл ўтказиб, қиммат нархда сотишдангина иборат эмас. Тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг маънавий омилларини мустаҳкамлайдиган



кенг кўламли маърифий, тарбиявий ишларни ҳам мунтазам амалга ошириб бормоқ керак.

Ўзбекистон олимлари бу муаммони ўрганиш учун 1994 йилда социологик сўровларни ўтказдилар. Сўров анкетасига киритилган, «ўзингиз тадбиркорлик, фермерлик ва бошқа хусусий фаолият билан шуғуллана оласизми?» деган саволга респондентларнинг 1,2% ҳозир шундай иш билан шуғулланаётганини, 10,4% бемалол шуғулланиши мумкинлигини, 24,3% бу иш кўлидан келмаслигини, лекин биров ёрдам берса, шуғулланиши мумкинлигини, 35,4% бу соҳада шуғуллана олмаслигини айтган.<sup>1</sup> Бинобарин, сўров анкетасини тўлдиргавларнинг фақат 11,6% да муайян малака, маънавий омил бор. Қолганлари эса тажрибаси, билими, рухий эҳтиёжлари жиҳатидан бу ишга тайёр эмас. Учдан бир қисми эса хануз меҳнат тўғрисида совет тузуми даврида шаклланган тасаввурлар чегарасидан чиқиб кета олмаган. Демак, тадбиркорлик ва ишбилармонликни маънавият масалаларига эътибор бермай муваффақиятли ҳал этиш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан аён.

Эски тузум туғдирган маънавий инқирозларга барҳам бериш, янгича фикрлаш имконига эга бўлган инсонни шакллантириш барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалаларни ҳал этиш, мамлакатда тинчлик, осойишталик, ҳамкорлик ва ҳамжихатликни таъминлашнинг асосий шартидир. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг маънавий омилларини мустақилликнинг қонуни билан белгиланган заруриятдир.

Маънавиятни юксалтиришга, маърифий-тарбиявий ишларни кенг кўламда амалга оширишга катта эътибор берилгани сабабли Ўзбекистонда катта оммавий тартибсизликлар, миллий адоватлар, ноҳақ қон тўкилиши сингари ноўрин ҳоллар юз бермади. Юргимиздаги ижтимоий, сиёсий барқарорлик мустақиллигимиз мустаҳкамланишига, кўшлаб иқтисодий, сиёсий ислохотлар аста-секин, изчиллик билан амалга оширилишига замин бўлмоқда. Бу ҳол жамият маънавиятининг ўзига хос янги тизими шаклланишига олиб келмоқда. Бу борадаги вазифаларни тўғри тушуниш, ақл-идрок билан узоқни кўзлаб иш қилиш, истиқлол ва истиқболимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

---

<sup>1</sup> Муаллифнинг социал тадқиқотларидан.

## II БОБ. МАЪНАВИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

### 1. Маънавият тушунчаси, унинг моҳияти, мазмуну ва аҳамияти

Маънавиятнинг жамият тараққиёти, инсон камолотидаги катта аҳамиятини эътироф этиш унинг моҳияти ва мазмунини ҳам илмий таҳлил қилишни талаб қилади. Шу вақтга қадар ижтимоий фанларда бу категориянинг моҳияти ва мазмуни тўла ёритиб берилган эмас.

Маънавият тушунчаси моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мураккаб ва серқиррадир.

Инсон онгли фаолияти, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Шу сабабли ҳам онгли тафаккур соҳиби бўлган кишиларда, маънавиятлилик билан бир қаторда, маънавий қашшоқлик, қалоқлик ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Агар жамият ҳаётида маънавий қоқоқлик, маънавий тубанлашиш бўлмаганида, маънавият учун курашишга зарурийат ҳам бўлмас эди.

*Маънавият - инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир.*

Маънавиятнинг моҳиятини белгиловчи тўрт таркибий қисми бор. Бу: а) ахлоқ ва одоб; б) шулар асосида, амалий меҳнат жараёнида юзага келган билим, илм, амалий малакалар, истеъдод, қобилият; в) ахлоқий, илмий етукликнинг натижаси бўлган иймон, эътиқод, виждон, инсоф, ихлос; г) инсон билимлари, амалий тажрибасини умумлаштиришга, фаолиятига йўналиш беришга қаратилган дунёқараш ва мафкурадир.

Маънавиятнинг моҳияти ва аҳамияти жамият тараққиётига кўрсатаётган таъсирига асосланиб белгиланади. Маънавиятнинг етук соҳиблари деб ўз ақли, одоби, билими, малакаси, иймони ва эътиқоди, дунёқараши ва мафкуравий қарашларини жамият, инсон, инсоният, миллат манфаати, тараққиёти, истиқболи билан боғлайдиган кишиларни айтамыз. Умуман, маънавиятсиз инсон бўлмайди, акс ҳолда уни инсон, деб аташ мумкин эмас.

Жамиятда яшаётган кишилар ўз ички маънавиятининг шакли, даражасига кўра бир-биридан фарқ қиладилар. Маънавиятлиликнинг даражаси ҳақида фикр юритилганида гап асосан маънавий баркамол, маънавий қашшоқ, маънавий тубан киши-

лар ҳақида бориши мумкин. Маънавий қашшоқлик ва тубанлик жамият қабул қилган ахлоқ ва одоб, бурч ва масъулият, иймон, ҳалолик, адолат ва ҳақиқат, инсонпарварлик ва миллатпарварлик, ҳуқуқий масъулият мезонларига қарши ғасолият кўрсатиш ёки уларга амал қилмасликнинг кўринишидир. Маънавий етуклик, маънавий тубанлик ва қашшоқликни белгилаш мезонлари ҳам тараққиёт, ижтимоий шароитлар, эҳтиёж ва имкониятлар тақозоси билан ўзгариб туради. Ижтимоий тараққиёт талабларига зид бўлган, давр ўтиб ўз аҳамиятини йўқотган мафкуравий қарашларга эътиқод қилиш ҳам маънавий етукликнинг белгиси бўла олмайди.

Маърифат эса маънавиятнинг моҳиятини, аҳамиятини ўрганиш, тарғиб этиш, таълим-тарбия ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар тизимидир. Ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг маънавий камолоти, инсон шахсининг шаклланиши маълум мақсадлар билан боғланган маърифий тадбирлар орқали амалга ошади. Ислоҳ Каримов айтганидек “жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладига ягона куч - маърифатдир”.<sup>1</sup>

Маънавий етукликни белгилашнинг ўзига хос миллий мезонлари ҳам мавжуд. Ўзбекларнинг эътиқоди бўйича кўкракка қўл қўйиб меҳмон кутиш, учраганларга салом бериш итратгүйликнинг намунаси эмас, балки ахлоқий етукликнинг белгисидир. Баъзилар бу анъанани тушунмаслиги мумкин. Буни тушуниш учун қалбан, руҳан ўзбек бўлиш, бу халқ яшаган тарихий шароитни, миллий ахлоқ ва психологияни билиш керак.

Диний қадриятлар ҳам маънавий камолотнинг бир шакли, босқичидир. Лекин, инсониятга хос бўлган маънавиятнинг моҳиятини фақат бир дин мезонлари билан ўлчаш, динсизлик, бошқа динларга эътиқод қилиш маънавиётсизликдир деб айтиш ҳам хато. Хурфикрлилик ғояларини олдинга сурган олимларни маънавиётсиз кишилар деб таърифлаб бўлмайди.

Маънавий камолотнинг моҳияти бирдир. Лекин унинг мезонлари ўзгарувчандир. Улар турли тарихий даврларда бириридан фарқ қилувчи шаклларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Ахлоқ ва одоб инсон ҳаётга қадам кўяётган дастлабки даврданоқ шаклланиб, унинг камолотига замин яратувчи ички руҳий омил бўлади. Инсон тарбия кўриб, муайян одоб ва ахлоқ нормаларини, билим ва илмларни эгаллайди,

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарк” матбаа нашриёти, 1998 йил, 7-бет.

меҳнат қилиб тажриба орттиради, ҳунар-касб соҳиби бўлади, малака орттиради, ўз қобилияти ва истеъдодини бирор ёки бир неча соҳада тўла намоен этиш имконига эга бўлади. Ахлоқ, одоб, билим, истеъдод заминиди эътиқод, ихлос, виждон, иймон шаклланади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари биргаликда инсонда ижтимоий, моддий ҳаётнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида муайян дунёқараш, мафқуравий эътиқодлар тизими шаклланишига олиб келади.

Маънавиятнинг моҳиятини ифодаловчи бу руҳий ҳолатлардан бирортасини мутлақлаштириш ёки бўрттириш мумкин эмас. Ахлоқ ва одоб бўлмаса, билим, илм, ижтимоий фойдали фаолият ҳам бўлмайди. Илмли, тажрибали кишиларнинг ахлоқи ва одоби тезроқ камол топади. Виждон, эътиқод, ихлос ва иймон маънавий камолотнинг муайян босқичидагина шаклланади. Ахлоқ ва одобли, билимли ва тажрибали, илм асосларини чуқур эгаллаган, адолатпарварлик, инсонпарварлик эътиқоди кучли кишиларгина юксак маънавий фазилатларнинг соҳиби бўла оладилар. Бу фазилатларнинг барчаси биргалашиб, шахснинг, жамиятнинг дунёқарашини, эътиқодини, халқнинг миллий онги шаклланишига, мустаҳкамланиб, ривожланишига олиб келади. Маънавий камолот, унинг барча қирралари ўзаро боғлиқлиги, бирбирига бевосита ёки билвосита таъсир этиб туриши асосида давом этади. Инсон шахси камолотини маънавиятнинг юқоридаги томонларидан бирортасисиз тўлиқ тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг моҳияти ҳам шу сифатларнинг муштарак бирлиги асосида шаклланади ва камол топиб боради. Маънавий камолот жамият тараққиётининг инсон фаолияти, онги билан боғлиқ бўлган субъектив омиллари тобора кенгайиб, чуқурлашиб, ривожланиб боришини билдиради.

Онг тушунчаси ҳам моҳият жиҳатидан маънавиятга нисбатан кенгрокдир. Маънавият умуман онг эмас, балки ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган онглиликдир.

Биобарин, маънавият инсон учун ҳам моҳият, ҳам фаолиятга асос бўладиган куч ва қудратдир. Маънавиятсиз оқилона, истиқбол билан боғланган фаолият бўлмаганидек, амалий фаолиятсиз маънавий камолот ҳам бўлиши мумкин эмас.

Энди маънавият тушунчасининг асосий мазмуни билан таънишиб чиқамиз.

## 2. Ахлоқ ва одоб - маънавиятнинг ўзаги

Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари орқали бири бири билан боғланган кишилар ўзаро муайян ахлоқ нормаларига асосланиб муомала қиладилар. Бир шахс учунгина хос бўлган

ахлоқ бўлмайди. Ахлоқий фазилатлар асосан кўпчилик ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Ахлоқ нормалари узок тарихий тажриба асосида шаклланиб, кишилар ўртасидаги муносабатларни муштараклаштириб туради.

Ахлоқий фазилатларга, бу борадаги қадриятларга баҳо бериш мезонлари ҳам конкрет тарихий жараёнлар, шароитлар билан боғлиқ равишда ўзгариб туради. Даврлар ўтиши билан ахлоқий фазилатларнинг муайян кўринишларига бўлган муносабатлар ҳам ўзгаради. Янги тарихий шароитда яшаб туриб, узок ўтган даврлардаги ахлоқ нормаларини идеаллаштириш, уларни маънавий камолотнинг ягона мезони деб қараш хатодир. Ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлган, янги шароитларда ҳам шахс камолотига, жамият тараққиётига ижобий таъсир эта оладиган ахлоқ нормаларигина қадрият бўла олади. Бу ҳам ахлоқ нормаларининг конкрет шакллариغا бўлган муносабат тарихий шароитлар, имконият ва эҳтиёжлар билан тақазо қилинишини кўрсатади.

Ахлоқнинг мезонлари жамият тараққиётининг умумий имкониятлари ва эҳтиёжлари, алоҳида этник гуруҳлар яшаётган, меҳнат қилаётган жойлардаги шароитлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Барча инсониятга хос бўлган руҳий бойлик - ахлоқ турли конкрет тарихий шароитларда, турли мамлакатлар ва халқларда ўзига хос шаклларда ҳам намоён бўлади.

Барча даврларда кишилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий мезонлар асосида бошқарилган. Лекин ўзбекларда, умуман Шарқ халқларида, инсоний муносабатлар заминидан биринчи навбатда ахлоқ ётади. Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлар заминидан ҳам ахлоқий мезонлар устуворлик қилади. Миллий ахлоқ нормалари ҳам ҳуқуқий бурчгина эмас, балки масъулиятдир. Кишилар жамият ҳаётидаги барча муносабатларга муайян ахлоқий қадриятларга таяниб ёндашадилар. Иймон, инсоф, ҳалоллик, ҳаромдан, бирорнинг ҳаққини ўзлаштиришдан кўркиш, меҳр-мурувватлилик, раҳм-шафқатлилик, оқибатлилик, андишалилик, шарм-у-хаёлилик, дўстлик ҳам ҳуқуқий бурчгина эмас, балки биринчи навбатда ахлоқий қадриятлардир.

Ўзбекнинг уйига бегона киши келса, у бирданига, нима учун келганини эмас, балки ҳол-у-аҳволини, бола-чақасининг тинчлигини сўрайди, тўрига ўтказиб, қўлига бир пиёла чой беради ва шундан кейингина нима иш билан келганини сўрайди. Бу ҳам ўзига хос ўзбекона ахлоқнинг белгисидир. Қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик, ошпаз-оғайничилик муносабатлари асосида ҳам асосан ахлоқий мезонлар ётади.

Ўзбекларнинг маданий-маънавий бирлиги ахлоқий бирликнинг ҳам ифодасидир. Тўйларда, дафн этиш маросимларида кишиларнинг бир-бирига бўлган оқибати, меҳр-муруввати ҳам муайян вазиятлардаги ахлоқий муҳитнинг кўринишидир.

Миллий ахлоқ нормалари, мезонлари қанчалик кенг ва тегушчан бўлмасин, улар умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан бойганида янада каттароқ аҳамият касб этади. Ўз ахлоқий қадриятларини англаш ва улуғлаш - миллий фазилатдир. Лекин бу фазилат бошқа халқларнинг ахлоқий қадриятларини ўрганиш, ўзлаштириш эҳтиёжи билан боғланганидагина миллий маънавият камолотига янги имкониятлар яратиб беради. Бошқа халқларнинг ҳам қадриятларини ўзига синдириб бойган миллий ахлоқ янада гўзалдир.

Ахлоқ инсоннинг конкрет шароитларда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил баҳо бериши, уларга нисбатан ўз муносабатини билдириши ҳамдир. Умуман, ахлоқ ижтимоий муносабатлар замида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиши шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир. Ахлоқ йўқ жойда инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етуқ ахлоқ замидагина кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади, жамият олдидаги бурчи ва масъулияти, бахт, диёнат, яхшилик, ёмонлик, ёвузлик, ҳақлилиқ ва ноҳақликка нисбатан муайян муносабат шаклланади.

Қуръони Каримда ҳам инсоннинг ахлоқий камолоти масалаларига ниҳоятда катта эътибор берилган. Пайғамбарнинг рафиқаси биби Ойишадан: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг ахлоқи қандай эди?» - деб сўрашганида, «Расулиллоҳнинг ахлоқи Қуръон эди», - деб жавоб берган экан. Демак, Қуръонни билиш, ҳаётда унга асосланиш ҳам ахлоқий камолотнинг асосий мезони сифатида қаралган.

Қундалиқ ҳаётда ахлоқ қоидаларига риоя қилиш - одобдир. Одоб ахлоқий фазилатлар инсоннинг қундалиқ фаолиятига сингиб бораётганини кўрсатувчи мезондир. Одоб бошқалар билан бўлган оддий муаммоларда, салом бериш ва алик олишга одатланишда, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, жамоатчилик ичида, оилада ўзини тутиш кабиларда намоён бўлади.

Демак, одоб - жамият қабул қилган ахлоқ нормаларини инсон фаолиятида, хатти-ҳаракатида, муомала ва мулоқотда намоён бўлишидир. Ҳар бир шахсни сиртдан кузатиш мумкин бўлган одобига қараб унинг ички дунёси, ахлоқ маданияти даражасига баҳо бериш мумкин. Ахлоқий барқамол кишиларгина одобли бўладилар. Ахлоқсиз одоб бўлмаганидек, одоб шаклига

кириб, инсон фаолиятига сингиб кетмаган ахлоқ ҳам эътиқод даражасига кўтарила олмайди.

Ахлоқий тубанлашган шахс одобсиз бўлади. Беодоблик инсоннинг ўз фаолиятида, бошқалар билан бўлган муносабатида иймон, инсоф, андиша, шарм-у ҳаё, инсонпарварлик каби ахлоқий мезонлар чегарасидан чиқишидир. Беодоблик туғма хусусият эмас, балки тарбиясизликнинг, элга эътиборсизликнинг ифодасидир. Ҳожа Самандар Термизий айтганидек ҳар ким агар ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб, улғайса, катта бўлгач, унинг вужудига ўрнашиб олган бадфелълик иллатини чиқариб ташлаш қийин бўлади.

Одоблилик сиртдан қараганда оддийроқдек кўринади. Ҳаётда одобсиз одамлар билан учрашиб турсак ҳам, кўпинча уларнинг бу хатти-ҳаракатлари сабабларини тўла тасаввур қила олмаймиз. Ҳатто ўзимизнинг хатти-ҳаракатимиз, юриш-туришимиз, фелъ-атворимизга ҳар доим ҳам етарлича баҳо беравермаймиз. Бундай лоқайдлик маънавий ожизликнинг белгисидир.

Кундалик турмушда учраб турадиган, ўзимиз сезиб-сезмайдиган, аммо билишимиз ва ҳар қадамда қўллашимиз зарур бўлган одоб қоидалари мавжуд. Ана шу қоидаларни ўз характериға сингдириш учун инсоннинг бир мақсадга қаратилган ҳаракати зарур. Оддий воқеадан буюк ҳақиқатни кашф қилиш мумкин бўлганидек, оддий хатти-ҳаракат, чиройли хулқ-атвор натижасида йирик муваффақиятга эришиш мумкин. Шунинг учун одоб қоидаларига майда-чуйдалар сифатида қараб бўлмайди. Киши йирик ишларда хатога йўл қўймайди, балки майда-чуйдаларга эътибор бермаслиги туфайли жиддий камчиликларга йўл қўяди. Майда нарсаларни кўздан қочирмаслик кишининг ҳушёрлигини оширади. Инсон оддий нарсаларни билиб олишга мураккаб йўл билан эришади.

Тарбияланган кишининг ҳар бир хатти-ҳаракати бошқаларда унга нисбатан ҳурмат туғдиради. Шунга кўра яхши тарбия кўрган, одобли киши бўлишга интилиш ҳар бир инсонга хос бўлмоғи лозим. Чунки одоб қалбдаги офтобнинг нурларидир.

Донолар айтганидек, одоб аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш - гуллар ҳидини уфураётган тонг насимидан ҳам шириндир.

Араб олими Бархудар ибн Махмуднинг айтишича, одоб инсоният учун ажойиб тож ва одамийлик беағи учун қимматбаҳо гавҳардир. У яна шундай деб ёзади: «Одоб риояси шундай сурмаки, унинг гардидан ҳар бир кишига суртса, эътибор кўзининг равшанлиги ҳеч қандай сабаб билан заифлик ва иллатга йўлиқмайди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони». Тошкент, "Фан", 1994 йил, 7-11-бетлар.

Донишмандлар одобни кишини табибга ўхшатадилар. Ундай кишилар билан суҳбатлашиш одамга куч-қувват беради, қалбни даволайди. Миллий ва умуминсоний қадриятлар иймон ва эътиқодимизга чуқур сингиб бораётган ҳозирги даврда шарқон одоб қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш инсон тарбиясининг муҳим шартидир.

Асримизни «Асаб асри» деб бекорга айтмайдилар. Асабни асрашда кишилар ўртасидаги одоб қоидаларига асосланган муомала, ўзини тута билиш каби хислатлар муҳим ролни ўйнайди. Беодоблик, бир оғиз кўпол сўз билан инсон қалбига бғир жараҳат етказиш мумкин бўлганидек, яхши муомала ва ширин сўз билан одамларнинг кўнглини кўтариш, дардига эса шифобахш малҳам қўйиш мумкин. Кўпол сўз билан инсон қалбига етказилган жараҳат қилич тиғи заҳридан ҳам оғирроқдир.

Жамиятдаги осойишталик, барқарорлик бир-биримизга одоб маданияти асосида муомала қилишимизга боғлиқдир. Кейинги вақтларда одоб масалаларига кўпроқ эътибор берилаётганлигининг сабаби ҳам шундадир. Чунки инсоний муомала маданияти одам боласига завқ-шавқ бағиштайди, уни донолик ва зукколикка ундайди. Одоб маданияти комил инсонни тарбиялашга ёрдам беради. Тарбияланган киши эса бошқаларнинг ички дунёсини тушунишга интилади. Бошқаларни ҳурмат қилишни ўрганиш жараёнида ўзининг маънавий олами ҳам бойиб, биқиклик ва худбинликдан, бачкана туйғулардан халос бўла бошлайди. Одоб доирасидаги мулоқотлар инсон шахсини донолик ва завқ-шавқ билан бойтади.

«Инсонда нима асосий роль ўйнайди: ақли ёки одоб?» деган савол ҳам қўйилиши мумкин. Буларнинг иккаласи ҳам муҳим. Иккаласини ўзида жамулжам қилган кишинигина баркамол инсон деб айта оламиз. Ҳаётда билимли, ақли ҳам жойида, лекин беодоб одамлар билан суҳбатлашишга интирмаймиз. Одоб кишиларни қалбан бир-бирига боғлайдиган руҳий замин десак ҳам хато бўлмайди. Донолар айтганидек, «Кипида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши мумкин. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб қўшилса, нур устига аъло нур бўлади. Улуғлик ақл-у одоб билан, бойлик қадри саҳоват билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади».<sup>1</sup>

Ақл ва одобнинг диалектик бирликда эканлигини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ақл-идрокка нисбатан даставвал кишининг хулқ-атвори кўзга ташланади. Психологларнинг фикрича, биринчи таассурот шунчалик кучлики, у бундан кейинги

<sup>1</sup> «Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони». Тошкент, «Фан», 1994 йил, 6-бет.



тасаввурларга замин бўлади. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Олдин кўз маъқуллайди, кейин юрак. «Меҳр-кўзда» деган гап бор халқимизда.

Кишининг ақл-идроки бўлмаса, унинг одоби юзаки, сунъий бўлади. Унинг одамлигини билиб турасиз-у, одамийлиги ва одмилигининг йўқлигидан нафратланасиз. Халқимизнинг «Ўзи чиройлик-у, сўхтаси совук, ўзи хунук-у, истараси иссик» деган накли ҳам шу маънони беради. Зукко одамнинг қалби одатда пок бўлади. Қобилиятсиз, хулқ-атвори беқарор одамларнинг ёмон йўлларга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Одобсиз донишмандни кўз олдингизга келтиринг. Ўзи олим, аммо қилаётган хатти-ҳаракати ғайриинсоний тарзда бўлса, ундан тезда ҳафсалангиз пир бўлади. Бундай одамлар тезда кўпчилик ичида ўз ҳурматини йўқотади. «Ўқибди-ю, уқмабди» деган ибора худди шундайларга нисбатан қўлланилади.

Муайян одоб доирасида бўлиш, яхши ном қолдиришга интилиш инсоният пайдо бўлибдики, мавжуд. Инсоннинг энг яхши фазилатлари насл-насаби, билими билан эмас, балки одоби билан белгиланади. «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган мақолда ҳам худди шу маъно бор.

Одоб, хулқ-атвор нормалари асрлар давомида таркиб топиб, такомиллашиб борган ва ҳар доим кишиларнинг биргаликда яшаш шароити, табиий эҳтиёжлари, ҳаётий талабларидан келиб чиққан. Одоб қондалари зўрма-зўракилик ёки тазйиқ билан одамларнинг онгига киритилмаган, балки кишиларнинг хоҳиши, майли, ҳаёт талаби ва эҳтиёжлари билан вужудга келган, жамоатчилик кучи ва таъсири остида тартибга солинган.

Одоб - бу камгарлик, оқ кўнгилик, самимийлик, шарм-ҳаё ва андишалилик, садоқатлилик, хушмуомалалик, саховатлилик, меҳрибонлик, одамохунлик, ширин сўзлик, ўзини тута билишлик сингари фазилатлардир. Ақли, билимли одам бу одоб қондаларига риоя этиб, кишиларнинг қалбига йўл топади, жамиятда ҳурматли, обрў-эътиборли бўлади. Одоблилик бошқаларни ҳурмат қилишгина эмас, балки киши ўзини ҳурмат қилиши ҳамдир. Шунинг учун одоб юзаки, қалбаки муомала бўлмасдан, қалбдаги иймон, эътиқод билан боғланмоғи лозим.

Одоб ишга ўрганишдан, беморларга, дўстларга ёрдам бериш туйғуси шаклланишидан, камгарликдан бошланади. Шу сабабли инсон фарзандининг ҳаётидаги биринчи қадамларини одоб маданияти шаклланишининг илк босқичлари деб аташ мумкин. Ҳаётда ахлоқ ва одоб биргаликда намоён бўлади. Ахлоқ - маънавий асос, одоб эса унинг амалий кўринишидир.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, чуқур билимлилик билангина эмас, балки етук ахлоқи ва одоби билан ҳам белгиланганини кўрамыз.

Муҳаммад алайҳиссалом араб дунёси, бутун жаҳон тарихида бетақрор роль ўйнаган тарихий шахсдир. Бу буюклик унинг етук ахлоқ ва одоб маданиятида, жамиятда, жамоатчилик орасида ўзини тутишида, бошқалар билан, оила аъзолари билан бўлган муносабатида намоён бўлган. Кўплаб одамлар ундан ибрат олганлар, юксак ахлоқий маданияти, одоби ҳам катта тарбия мактаби бўлган. Комил ахлоқ ва одоб Муҳаммад учун оддий қоида эмас, балки бутун ҳаёти ва фаолиятининг мақсади, мазмуни бўлган. У етук ахлоқчиликни Оллоҳ бандаларига юклаган буюк бурч ва масъулият деб қараган. Шу сабабли ҳам ислом динида ахлоқий нопоклик, одобсизлик Оллоҳ кечирмайдиган катта гуноҳи азим сифатида тасвирланган.

Унинг бундай буюк инсоний фазилатлари вафотидан бир неча кун олдин масжидда мусулмонларга қарата айтган қуйидаги сўзларида ҳам яққол кўринади: «Эй инсонлар! Кимнинг баданига урган бўлсам, мана танам! Келсин, урсин. Менда кимнинг моли бўлса, мана молим! Келсин олсин! Бу ерда хижолат торгмоқ Охиратдаги хижолатпазликдан яхшироқдир. Мен учун суюклигингиз - мендан ҳаққини талаб қилган (ҳаққи ўтган бўлса, рози бўлсин) кишидир. Мендан ҳақ олинмоғи керакки, Раббимга покиза руҳ ила қовуша олайин».<sup>1</sup>

У ниҳоятда кечиримли бўлган, ёмонлик қилганлардан ўч олмаган. У ҳатто сеvimли амакиси ҳазрати Ҳамзани ўлдирган Вашийни ҳам, Ҳамзанинг ўпкасини чайнаган Абу Суфиённинг қизи Ҳиндини ҳам кечирган. У бойликка хирс қўймаган, бутун умри давомида фақирона ҳаёт кечирган. Ундан хотинига, фарзандига қолган мерос бир оқ хачир, бир неча қурол ва бир парча ер бўлган. Бу ер ҳам бошқаларга садақа қилинган эди. Унинг сафдошлари шундай деб айтганлар: Расули Акрам ўлганидан сўнг на бир дирҳам, на бир динор, на бирор нарса қолдирмадилар, фақат бир оқ хачир, бир-икки қурол ҳамда тасаддуқ (садақа) қилинган бир парча ерни тарк этдилар.

Муҳаммад вафотидан сўнг унинг қизи Фотима Абу Бакрга одам юбориб, отасининг Мадинада, Фаданда, Хайбарда қолдирган ерларидан ҳиссасини талаб қилганида, Абу Бакр Муҳаммаднинг қуйидаги сўзларини келтирган: «Биз пайғамбарлар мерос қолдирмаймиз. Нимаикки қолдирган бўлсак, садақадир».

Бу сўзларнинг тўғрилигини Ҳадичанинг Расули Акрамга айтган қуйидаги сўзларида ҳам яққол кўриш мумкин. Муҳаммаднинг садоқатли умр йўлдоши унга шундай деган эди: «Ҳеч қачон Олло сизни уялтириб қўймайди. Чунки Сиз акраболарнинг ҳолидан хабар оласиз, қарздорларнинг қарзини тўлайсиз,

<sup>1</sup> Закои Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! Учинчи китоб, 29-бет.

камбағалларга ёрдам берасиз, меҳмон кутасиз, тўғриларни қўллайсиз, муҳтожларнинг оғирини енгил қиласиз».<sup>1</sup>

Муҳаммаднинг содиқ сафдоши Ҳазрати Анас ҳам қуйидаги сўзларни айтган: «Мен ўн йил Расули Акрамнинг хизматларида бўлдим. Мен бирор марта бўлсин «уф!» деганларини эшитмадим».<sup>2</sup>

Бир куни Расули Акрам ўзини кўриб титраб турган одамга қараб шундай деган экан: «Ўртоқ! Титрамагин, мен бир малик (ҳукмдор) эмасман. Мен қурайшдан қуруқ нон еган аёлнинг ўғлиман».<sup>3</sup>

Бир бадавлат бадавий Муҳаммад ёш болани севиб, эркалатиб турганини кўриб унга: «Сиз ёш болаларни жудаям яхши кўрасиз. Менинг ўнга набирам бор, улардан бирортасини ҳам кучоғимга олиб эркалатмадим», - деганида Муҳаммад унга: «Олло сени шафқат туйғусидан маҳрум этибди», - деб жавоб берган экан.<sup>4</sup>

Муҳаммад алайҳиссалом барчани тенг кўрган, ҳеч кимни камситмаган, бировга ноўрин озор бермаган.

Исломи динидан олдин қулларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлган, улар азоб-уқубатдан, оғир меҳнатдан, ҳақорат ва камситишлардан кўп озор топганлар. Муҳаммад ўзига қарашли барча қулларни озод этган, уларга «авлодим», жорияларга «қизим», деб муружаат қилган. У ҳатто озод қилинган қуллардан Зайдни ўзига фарзанд, Билолни сафдош қилиб олган.

Закои Кунрапа ўзининг «Алвидо, дунё! Ассалом, охират!» номли асарида Муҳаммаднинг қуйидаги гўзал ахлоқий фазилатларини кўрсатади:

- ўртоқларини чексиз ҳурмат ва эҳтиром қилиш, дўстлари даврасида ўтирганида жой танламаслик, қаер бўш бўлса ўша жойга ўтириш, одамларга қараб оёқ узатмаслик;

- ҳеч қачон сўзларига амирлик безагини бермаслик, фойдасиз сўзлар сўзламаслик, ўзи ҳақида баландпарвоз сўзларни ишлатмаслик;

- кўполлик қилмаслик, юзида табассум, тилида ширин сўз бўлиши;

- бутун ҳаракатларида, ишларида ўрта меёрлилик;

- бирор жойга борар экан, ўнга, сўлга бурилмасдан тўғри бориш;

- ўзини ҳеч кимдан ортиқ кўрмаслик, бирор ерга борса, бошқалар ўрнидан туриб кутиб олишини ёқтирмаслик;

<sup>1</sup> Закон Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! 61- бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар, 67- бет.

<sup>3</sup> Юқоридаги асар, 69- бет.

<sup>4</sup> Юқоридаги асар, 70- бет.

- учраганга биринчи бўлиб салом бериш, бировлар билан кўришганда биринчи бўлиб кўл узатиш, кўришгач дарҳол кўлини тортиб олмаслик;

- кулоқларига пичирлаганларнинг сўзини эшитиб бўлмасдан юзини қайтармаслик;

- ўзига алоқадор бўлмаган ишларга аралашмаслик;

- ҳеч кимни ҳақорат ва танқид этмаслик, бошқаларнинг сирини билиб олишга ҳаракат қилмаслик;

- оғзидан бирор марта ҳам ёмон сўз чиқармаслик, гапирганида сўзларнинг энг ёқимлисини, энг чиройлисини тавлаш;

- ёлғондан, ёлғончидан нафратланиш;

- гапирувчининг гапини диққат билан эшитиш, ҳеч кимнинг сўзини бўлмаслик;

- ҳамма кулганда ҳам қаттиқ кулмай, табассум қилиб туриш;

- мақтовларни ёқтирмаслик, ўзига нисбатан қаттиқ, кўпол сўз айтилганда ҳам сабр-тоқат билан тинглаш;

- ҳеч кимни қойимаслик, бирор мусулмоннинг номини тилга олиб лаънатламаслик;

- қарияга, қулга, хизматчига ёки аёлига бирор озор етказмаслик;

- ҳеч кимнинг шариатга мувофиқ илтимосини рад этмаслик;

- фақирларни севиш, ҳар куни бир камбағални ўзининг камтарона дастурхонига таклиф этиш, ночорларни асҳобларнинг уйига мусофир қилиб юбориш;

- ҳеч бир фақирни эшигидан қуруқ қайтармаслик, ўзи оч бўлган дамларда ҳам муҳтожларнинг қорнини тўйдириш;

- меҳнатни севиш, меҳнат биздан, муваффақият Оллодан-дир, деган фикрга риоя этиш, уй ишларида ҳам аёлларга, оила аъзоларига кўмаклашиш;

- меҳмонларни шахсан ўзи кутиши ва уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилиши;

- тулларга, етимларга, ожизларга меҳрибонлик, учраган болаларнинг бошини силаш ва эркалатиш;

- фалоқатга учраганларга меҳрибонлик қилиш, ёрдам бериш, касалларнинг ҳолидан хабар олиш, жанозаларда қатнашиш;

- ҳатто бир қул таклиф этса ҳам, унинг олдига, уйига бориш;

- ўта ҳаёлилик ва андишалilik, иймон ва инсофlilik.

Муҳаммад Пайғамбарнинг комил ахлоқи ва одоби ўта даражадаги покизалик билан ҳам боғлиқ бўлган. У доимо мисвок билан тишларини тозалар, оғзига ёмон ҳидлар берувчи нарсаларни хушламас, хуш бўйилардан фойдаланар, овқатдан олдин ҳам, кейин ҳам қўлларини ювар, меҳмонга келганларни тоза

кийимлар кийиб, меҳрибонлик билан кутиб олар, ҳурсандлик, очик кўнгиллик билан кузатар, вақтини исроф қилмай интизом билан ўтказар эди.

Расули Ақрам жуда ёшлик вақтидаёқ эл орасида ниҳоятда босиқ, ахлоқли, одобли, номусли, ифбатли бир йигит сифатида танилгани ҳам маълум.

Бу Муҳаммад алайҳиссаломга хос бўлган ибратли ахлоқий фазилатларнинг айримлари ҳолос. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи, ҳар бир нигоҳида иймон руҳи порлаб тургани замондошларини ҳам ҳайратга солар эди. Ўта жасур ва жувонмард бўлган Ибн Аббос Муҳаммаднинг гўзал ахлоқий фазилатлари ҳақида шундай деган: «Расули Ақрам инсонларнинг энг олий-жаноби эдилар. Айниқса Рамазон ойида ул зотнинг қарамлари чексиз бўларди. Умрларида бир тиланчини рад этган эмаслар. «Мен тарқатувчиман, берувчи Оллодир», - дердилар».<sup>1</sup>

Амир Темур ҳам ўзи барпо этган буюк давлатни миллий, исломий, ахлоқий кадрларга таяниб идора қилди. Бу эса жамиятни адолат, инсонпарварлик мезонлари асосида бошқаришга, мамлакатда осойишталик, тинчлик, тоғувлик сақланиб туришига олиб келди. Темурнинг юксак ахлоқий фазилатлари ҳам улкан империяни яратиш, уни ривожлантириш, жаҳондаги энг қудратли давлатлардан бирига айланишига асос бўлган маънавий омилдир. Темур ўз кўли остидаги раҳбарлардан, саркардалардан ҳам ахлоқли, одобли бўлишни талаб қилди. У ўзининг «Тузук»ларида раҳбарларнинг ахлоқчилиги, адолатчилиги жамият, давлат ва миллат учун қандай катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб, қуйидаги вазифаларни белгиллаган: «Султон ҳар нарсанда адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирларни сақласин, токи подшо зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди».<sup>2</sup>

Амир Темурнинг давлат ишнни тўғри, одилона бошқаришига асос бўлган ахлоқий фазилатлари қуйидагилардан иборат бўлган: ақли расо, хушёр кишилар билан бамаслаҳат иш юриштиш; ишбилармон, тадбиркор, мард, шижоатли, хушёр кишиларни кадрлаш; одамларга раҳм-шафқатли бўлиш; одамларни рози қилиш; ёмонлик қилиб, кейин тавба қилганларни кечиритиш; гина ва адоват сақламаслик; жасур, шижоатли кишиларни дўст тутиш; ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмаслик; улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд қаторида кўриш; халққа зулм қилган кишиларни кечирмай жазолаш; олим-у, фозиллар ижодига йўл очиш; сармоясиз қолган савдогарларга,

<sup>1</sup>Закон Кунрапа. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! 72- бет.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 1992 йил, 23- бет.

деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган кишиларга ёрдам бериш; ҳар кимнинг сўзига қулоқ солиш ва ўз ақли билан хулоса чиқариш; ифвогар ва тухматчиларнинг сўзига қулоқ солмаслик; одамларга юмшоқ, мулоийм муомала қилиш; зарур бўлиб қолса, қатъий чоралар кўриш; меҳнатсевар, хайр-эхсонли кишиларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар. У ҳатто ўз меросхўрларига қолдирган васиятида ҳам халқнинг, жамиятнинг ахлоқий камолотини давлат барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омилларидан бири деб қараган. Бу унинг ўз фарзандларига қараб айтган қуйидаги сўзларида кўринади: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекқандан сўнгра уни усталик-ла қўллангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг».<sup>1</sup>

Темур тарихда қолдирган яхши ном, у таянган, тарғиб этган ахлоқий қондалар, одоблилик мезонлари ҳам авлодларга буюк меросдир. Донишмандлар тарихда яхши ном қолдиришни иккинчи умр деб бекорга айтмаганлар. Темурнинг ахлоқий ўғитлари ҳозир ҳам бизга дастури амал бўлгани соҳибқироннинг иккинчи умридир.

Алишер Навоий ҳам бутун умри давомида маънавий тубанлашни шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ниҳоятда хатарли эканини кўрсатиб ўтган. У бутун умри давомида жаҳолатни, адолатсизликларни, инсон қадр-қимматини ерга уришни, беҳуда қон тўкишларни юксак ахлоқий позицияда туриб қоралаб келди. У ўзининг «Хайратул аброр» номли асарига яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қилиш подшоҳларнинг ахлоқий фазилати бўлиши лозимлигини, бунингсиз жамиятда катта фалокатлар юз бериши мумкинлигини кўрсатиб, шундай мисраларни ёзган:

Бўлса керак фикр ила шоҳи жаҳон,  
Яхшига яхши-ю, ёмонга ёмон.  
Иккисидан бир каби олса ҳисоб,  
Мамлақати ичра тутар инқилоб.

Инсон учун ақл эшик очувчи, ахлоқ йўл кўрсатувчидир. Етук ахлоқ ва одоб инсоннинг зийнати, доноларнинг фазилатидир. Ақлли киши ахлоқли бўлсагина халқига, мамлакатига, ёру-дўстларига наф келтиради. Алишер Навоий ўзининг етук ақли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатига, халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдирди. У ўзи ҳаёт бўлган даврлардаёқ ақли ва ахлоқи билан халқига, мамлакатига кўп

<sup>1</sup> Темур тузуқлари, 34- бет.

фойда келтирди, дўсти Султон Хусайн Бойқарога давлатни адолат мезонларига амал қилиб бошқаришда ёрдамлашишга интилди. Навоийнинг доно маслаҳатлари туфайли кўп фалокатларнинг олди олинди.

Навоий мансабдорнинг ахлоқий тубанлашиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасвирлаб қуйидаги ҳикматли фикрларни айтган: «Инсон мансаб ва катталикини севиши табиийдир. Бу ишда нафс ихтиёрсиз ва кишининг сезгисини эгаллаш билан шуғулланишини талаб қилади; мансабнинг хосияти ғафлатни орттирувчи ва подшоҳликнинг маст қилувчи илтифоти хуш олувчи ва шундай кишига халқнинг иши кўп тушади. Бундай кишининг хушёр бўлиши жуда оғир. Агар у гоҳо ақл мадади билан ўзини тута олса-да, бироқ мансаб мастлиги уни ҳолига қўймайди. Ҳақиқатдан, шу мастлик чоғида, фалакнинг интиқом олувчилиги, ғаддорлиги ва фалак Ҳоликнинг адолатли ҳоким эканлиги қачон унинг хотирига келади? Орттирилган қудрат ва мартабанинг баҳоси йўқ ва умр фойдасиздир. Унинг ёмонликларидан фақат душманларгина кулиб қўя қолмай, расволигидан дўстлари ҳам шармандадир... Хулоса: нафси пок ва ақли соф кимса бу мастликлардан ўзини беҳуш қилмасин ва ўзини ўзбилармонлик ва ўзбошимчалikka солмасин. Зулм кўрган дардманларнинг ҳолига боқсин».<sup>1</sup>

Подшоҳларнинг халқ билан муносабатига асос бўладиган ахлоқий омиллар, одоб қоидалари устида тўхтаб, яна шундай фикрларни айтади: «Кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатсинлар. Ёмон ҳолга тушган ва тубан кимсаларнинг ишларини марҳамат ва юмшоқ сўзлар билан тўғриласинлар. Каттиқ сўзлар билан дарвешларнинг дилларини ранжитмасинлар. Дили яраларнинг жароҳатига мулоим сўзлар билан малҳам бўлсинлар. Нафс ва шайтон фирибидан хотиржам ўтирмасинлар. Ўлим фариштаси қасдини ўзларидан узоқ кўрмасинлар, ҳар бир ишда ихлос ва ростликни касб этсинлар. Подшо давлати, халқ ва сипоҳ ишларини тузатиш борасидаги тўғри сўздан қўрқмасинлар ва айтаберсинлар. Худой сақласин, ғурурлик майи билан ўзини маст ва беҳуш қилмасинлар. Дунё ишлари учун бир-бирига хусумат қилмасинлар. Бошга бирор машаққат иш тушса, сабр ва чидам паноҳига сиғинсинлар. Ёшларга шафқат, тенгқурларга муваффақият ва мадора, катталарга иззат ва ҳурмат кўрсатиш йўлларига рия қилсинлар».<sup>2</sup>

Бу фикрларда инсон фаолиятига асос бўладиган мукаммал ахлоқий қадриятлар тизими баён этилгандир. Демак, комил

<sup>1</sup> Хондамир. «Макоримул-ахлоқ». Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1948 йил, 40- 41- бетлар.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар, 40- 41- бетлар.

ахлоқ одамлар ўртасидаги муносабатларга таъсир этибгина қолмай, давлатни, жамиятни бошқариш ишига ҳам маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Хондамир Алишер Навоийнинг юксак ахлоқий фазилатлари жумласига камтарлик, хокисорлик, хайр-эҳсонлилик, камбағал-парварлик, тўғрилиқ, одиллик ва адолатлилик, илм-фан соҳиб-ларига ҳомийлик қилиш, дўстликни, ҳимматлиликни қадрлаш, молу дунёга берилмаслик, нозик дидлик, ақл-фаросатлилик, оқкўнгилик, гина ва адоват сақламаслик, кечиримлилик, ҳушёрлик, вазиятни ҳисобга олиб иш тугиш, бутун вақти, қобилияти ва истеъдодини хайрли, фойз-баракали ишларга сарфлаш, ширин сўзлик ва ширин суҳбат қуришга қодирлик, халқпарварлик, имонлилик, инсофлилик, жабр-зулм кўрганларни ҳимоя қилиш, хирс ва нафс балосига берилмаслик, мулойимлик ва босиқлик, ростгўйлик ва бошқаларни киритади. У етуқ ахлоқ, одоб соҳиби бўлган Навоийнинг миллат ва давлат манфаатларига қандай наф келтирганини тасвирлаб, қуйидагиларни ёзади: «...Амирлик тахтини, ҳукумат мансабини ўзининг муборақ қадамлари билан зийнатлади ва жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди. Яраланган давр жароҳатларига малҳам қўйиб, ҳур олам даҳри касалларига адолат шарбати билан шифо бахш этди».<sup>1</sup>

Давлатшоҳ Навоийдек маънавий комил зотларни инсоният бир неча юз йилда бир марта кўриши мумкин, дейди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам Алишер Навоийнинг ахлоқий фазилатларига юксак баҳо берган ва ўз она тилига, халқига чуқур эътиқодли бўлганини кўрсатган.

Буюк бобокалонларимизнинг бундай олийжаноб ахлоқи, гўзал одоби ҳам ўтмишдан мерос, буюк маънавий қадриятлардандир. Навоийдек бўлиш қийин, лекин унга эргашиш, ибрат олиш хайрли, савобли ишдир.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футуватномаи султоний» асарида ҳам инсон маънавий камолоти масаласи таҳлилига катта ўрин берилган. Футуват - бу мардлик, олийжаноблик, саҳоватлилик, меҳр-мурувватлиликдир. Демак, футуватнинг асосий пойдеворини ахлоқий теравлик ва гўзал одоб нормалари ташкил этади. Кошифийнинг фикрича, футуватлиликнинг моҳиятини ташкил этувчи мезонлар қуйидагилардир: 1) тилни ғийбат, ёлғон, бўҳтон ва беҳуда сўзлардан тийиш; 2) бировларнинг номаъқул, ноҳўя, ғийбат сўзларидан қулоқларини бекитиш;

<sup>1</sup> Хондамир. «Мақоримул-ахлоқ». Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1948 йил, 43- бет.



3) кўриш ножоиз ҳисобланган нарсалардан кўзни юмиш (бекитиш); 4) ҳаром нарсалардан, халққа озордан қўлни тортиш; 5) бориш ман этилган ношоиста жойларга бормаслик; 6) ҳар хил овқатлардан оғизни, зинодан аъзони бекитиш. Зино - фугуват (мардлик) аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса фугуват ришгасини узишдир».<sup>1</sup>

Ахлоқий камолот инсон маънавияти шаклланишининг ўзаги, пойдевори экани масаласи тасаввуф тариқатларида, миллий тарбия анъаналарида ҳам катта ўрин олгани бежиз эмас.

### **3. Билим, илм, амалий малака, истеъдод - маънавиятлик белгиси**

Маънавиятнинг яна бир муҳим жиҳати билим, илм, малака, истеъдод ва қобилият бўлиб, улар ҳам муайян ахлоқий камолот заминида шаклланади.

Кишиларнинг билими, илми, амалий малакалари ривожисиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Муайян маънавий эҳтиёжларга, ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм-фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, хунар-касбни эгаллашга, малака оширишга иштиёқ ҳам бўлмайди. Шу сабабли жамият тараққиётининг барча босқичларида аввал ёшларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий педагогикасидаги таълим-тарбия ишлари тизимида ҳам ахлоқ, одоб тарбияси устувор аҳамиятга эга бўлган.

Маърифатпарвар аллома Авлоний инсон маънавий камолотининг йўллари устида тўхтаб, шундай деб ёзади: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур, зероки илм бизга ўз ахлоқимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт каби-дур».<sup>2</sup>

У илмнинг назарий аҳамиятини кўрсатибгина қолмасдан, балки амалий фаолият учун ҳаётий зарур эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади: «Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бугун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлидур».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Фугуватномаи Султоний. Тошкент, 1994 йил, 10- бет.

<sup>2</sup> Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Тошкент, 1994 йил, 10- бет.

<sup>3</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. Тошкент, 1992 йил, 22- бетлар.

Билимга, илмга эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, яъни англашган мақсадлар тизимидир. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ҳам, ижтимоий, иқтисодий тараққиёти ҳам илмий тафаккур салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди.

Илм объектларининг асосий қисми инсон онгида акс этмаса ҳам воқеликда мавжуддир. Оламнинг моҳияти ҳозирги даврда биз билган тушунчалар доираси билан чекланмайди. Объектив оламнинг мазмуни, моҳияти, сифат ва хусусиятлари инсон миёсида акс этиб, илмга айланади.

Билим эса мазмун жиҳатидан кенгроқ бўлиб, инсоннинг ҳаёт тажрибаси орқали орттирган барча тушунчалар, фикрлар, амалий малакаларни ўз ичига олади. Илм билимнинг чўққисидир. Билимлар табиат, жамият, инсон руҳияти қонуларини чуқур ўрганиш натижасидагина илмга айланади.

Инсон фаолияти турли даражадаги аниқ билимлар, илмий назариялар, ҳулосалар асосида амалга ошади. Билим, илм, тажрибага асосланган фаолият бирор аниқ соҳалар бўйича йўналиб, уларни чуқурроқ эгаллаш, ижодий меҳнат қила билиш билан боғлиқ бўлган малака, ҳунар, касбга айланади. Заргарлик, ўймакорлик, наққошлик, рассомлик, дўппидўзлик кийим тика билиш, моҳир ишбилармон, соҳибкор, иморат қурувчи уста бўлиш оддий қўл ҳаракати билангина боғлиқ эмас. Бундай фаолият замнида инсон қўл ҳаракатига йўналиш берувчи малака ётади. Моҳир созанда қўлида танбур ушлагани учун эмас, балки узоқ тажриба натижасида орттирган малака, маҳорат соҳиби бўлгани учунгина ажойиб куйларни чалади. Рассом ва хайкалтарош ҳам бармоқлари, ғояси бўлгани учунгина эмас, балки истеъдодли ва тажрибасига асосланиб юксак санъат намуналарини яратади. Оддий ўзбек дўпписини тикиш ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Билим, илм, истеъдод, тажриба асосида шаклланган маънавият инсон фаолиятига ўзига хос йўналиш, имконият беради. Инсоннинг меҳнат жараёнида эришган касби, малакаси, миёда чуқур ўрин олган тушунчалари амалий имкониятларга асос бўладиган маънавиятдир. Инсон меҳнати маҳсулоти оддий шаклда юзага келса ҳам, унинг сифатини белгиловчи асосий омил малака, истеъдоддир.

Инсон маънавиятида илм ва амалиётнинг бирлиги ҳақида Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий шундай деган эди: Гумроҳ кишилар «Илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ қабилида фикр қилурлар. Бундай фикрлар илмнинг ўзи билан кифояланиб, шароитни

инкор этувчилар эътиқоди бўлиб, улар учун илм хосил бўлса-ю, амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Холбуки ўқиб ўрганган илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кундаги азоби икки ҳиссадир».<sup>1</sup>

Билим ва илмгина эмас, балки фан ва тажриба ютуқларини амалда қўллай билиш ҳам маънавиятдир.

Инсоннинг ахлоқий камолоти, одоби, ҳуқуқий маданияти, бурч ва масъулият туйғуси, билими кундалик фаолияти жараёнида синовлардан ўтиб, шаклланиб ва ривожланиб, инсоф, иймон, виждон, ихлос сингари маънавий фазилатлар мустаҳкамланишига олиб келади.

#### **4. Иймон, виждон, эътиқод, ихлоснинг инсон маънавиятидаги ўрни**

Иймон, виждон, эътиқод, ихлос инсоннинг фаолиятига, мақсад ва интилишларга асос бўладиган, уларга баҳо бера олишга имконият яратадиган маънавий заминлардир. Бу маънавий қадриятлар бир-бири билан узвий боғланган бўлса ҳам, иймон уларнинг ўзаги, пойдеворидир.

Иймон араб сўзи бўлиб ишонч деган маънони билдиради. Иймон шахснинг ўз эътиқодига таянган ҳолда бошқаларнинг нияти, қилмиш-қидирмишига, ўзининг ишларига, хатоларига муносабат билдиришидир. Иймон ҳаётда тўғри йўл топишнинг мезони ҳисобланади. Иймонга асосланган руҳий ҳолатларнинг мазмуни, аҳамияти шахс маънавий камолоти даражаси билан белгиланади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари ахлоқ, одоб, бурч ва масъулият туйғуси, билим ва тажриба асосида шаклланиб, инсон руҳий оламининг ички негизини ташкил этади. Иймон эътиқод асосида барқарорлашиб боргач, инсоннинг жамиятдаги мавқеини, мақсад ва интилишларининг йўналишларини белгилаб берувчи асосий маънавий омилга айланади. Кишиларни иймонли бўлишга чорлаш уларни ахлоқий, ҳуқуқий қадриятларга асосланиб фаолият кўрсатишга йўналтиришидир.

Иймоннинг диний ва дунёвий талқини мавжуд. Иймоннинг диний талқинида кўплаб ўзига хос томонлари бор. Лекин булар биринчи қарашда қанчалик мавҳум бўлиб кўринмасин, иймоннинг диний талқини ҳам инсон фаолиятини оқилона бошқариш, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсонпарварлик, ҳалоллик сингари фазилатларни шакллантиришга қаратилган.

---

<sup>1</sup> Абу Хомид Муҳаммад Ғаззолий. «Охиратнома». Бухоро, 1992 йил, 12-бет.

Инсон ўз ҳаётида доим Оллога, унинг Расулига, уларнинг йўлланмаларига таяниши лозим. Оллога ишонч ва эътиқод бўлмаса, иймон барқарор маънавий фазилат шаклида юзага келмайди ва инсон қалбида мустаҳкам ўрин олмайди. Азизиддин Насафийнинг айтишича, инсон руҳи(нафси) тирикдир, билувчи, хирсли, истеъдодлидир. Инсон шундай руҳ билан пайғамбарларга иймон келтиради, уларнинг раҳнамолигини тағолади. Натигада шунга муяссар бўладики, уни унинг руҳи дейдилар. Унинг фикрига кўра Оллонинг ҳукми, қазоси, қадарини бир-бири билан боғламоқ ва айни вақтда фарқламоқ ҳам керак Булар куйидагилар:

- Оллонинг ҳукми - унинг азалий илмидир,
- қазоси - унинг билими орқали яратилганлардир,
- қадари - яратган нарсасининг ҳаракати, айланишидир.

Иймон Оллонинг ҳам илми, ҳам ўзи яратган инсоннинг қамолати учун моҳият сифатида белгиланган маънавийдир. Ҳаё: жараёнида инсон шу моҳиятга таяниши ҳам, ҳатто ундан узоқлашиши ҳам мумкин. Демак, баъзилар бу қадардан чекинади Одамларни иймонликка чорлаш шу қадар йўлидан олиб боришидир.

Одам қилаётган ишлар - тадбирдир. Тадбир ўзгариб туради Лекин қадар - тақдирдир. Агар инсоннинг тадбири улугъ ҳикматларга, иймонга таянса, у таъсирли, самарали бўлади, уни савобли ишларга йўллайди. Орифлар эса буни билиб орзулардан воқеадишлар, талвасани ташлаб, осойишталик ва тамкин-таслимни ихтиёр этадилар. Таслим ҳар бир тадбирда тақдир ва илоҳий иродани эътиборга олишдир.

Хусайн Воиз Кошифийнинг кўрсатишича, иймонга зами бўладиган асосий исломий жиҳатлар куйидагилардир: 1) оламини, инсонни яратувчи зот Олло таолога ишониш; 2) барча инсонларни Ҳақ йўлига даъват қилувчи пайғамбарларга ишониш; 3) Олло таолонинг фаришталарига ишониш; 4) пайғамбарларга юборилган муқаддас китобларга ишониш; 5) қиёмат куни қайтирилишга ишониш; 6) охиратда бу дунёдаги ёмон, яхши ишларга жавоб бериш зарурлигига ишониш; 7) тақдирга ишониш ва Олло таоло насиб этган ризқ-рўзга, неъматларга, машаққатларга розилик билдириш.

Юқоридаги фикрларда иймонлиликнинг диний мезонлари кўрсатилган. Булар иймонлиликнинг ҳаётий йўналишларига асос бўладиган маънавий омиллардир.

Иймон илоҳийгина эмас, биринчи навбатда ҳаётий, дунёвий муаммо ҳамдир, одамларни тўғри йўлдан олиб боришга қаратилган маънавий қадриятлар тизимидир. Оллога, унинг Расулига ишониш ҳаётда иймон йўлидан боришнинг маънавий асосидир

Агар иймонли бўлишнинг моҳиятига эътибор берилса, улар ҳаё, андиша, ширин сўзлик, ҳалоллик, адолатлилик, ор-номуслилик, ниждонлилик, вафодорлик, меҳнатсеварлик, саховатлилик, меҳр-муҳаббатлилик, ҳайр-эхсонлилик каби ахлоқий қадриятлардан иборат эканини кўрамиз. Демак, иймон комил инсоннинг етук маънавий фазилатлари йиғиндисиدير.

Иймонсизлик эса виждонсизлик, эътиқодсизлик, тубан йўлларга юриш, ахлоқ, одоб, инсонпарварлик қоидаларига риоя қилмаслиқдир.

Ҳамманинг қалбида иймон уруғи бор. Бу уруғни қандай парваришлаш эътиқодимиз мустаҳкамлигига, маънавиятимиз даражасига боғлиқ. Иймонли бўлиш ҳар қандай шароитда мерос ва қадриятларга, янги давр тақозо этган маънавий қадриятларга таяна билишдир. Бу шароитлар эса мураккаб бўлади. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг кўрсатишича, иймон «пайғам-барлар келтирган ҳуқумларни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб, аъзолари ила амал қилмоқликдан иборат... Аммо иймон билан жаннатга эришгунча банда рўпарасида қанчадан қанча балад, машаққатли доvonлар бор. Ушбу доvonлардан ошиб ўтмай жаннатга тушмоқ душвор. Уша доvonларнинг энг аввали ва энг хатарлиси «Иймон тоғи»дир. Чунони ҳар бир банда умри поёнига иймонни шайтон дастидан саломат еткази олурми ё йўқ, ҳамма гап ана шунда».<sup>1</sup>

Пайғамбарларнинг ҳукмлари эса Куръони Карим, ҳадислар, шариаат қоидаларида келтирилган инсон ва жамият ҳаётининг ахлоқий, ҳуқуқий мезонларидир. Иймонлилик шу ҳукмларга амал қилишдир. Иймон тоғи инсон қалбида. Бу тоғ инсоннинг фаний дунёда одамлар билан ҳалол, юксак ахлоқ, одоб негизидан муомала қила билишиги, ҳаётда ўз ўрнини топиши, мавжуд шароитлар ва имкониятларга кўникиши, улар ичида чораталбир билан йўл топа билишини ифодалайди. Умуман, иймонлилик инсон Оллонинг номини дилига жо қилиб, муқаддас китобларда айтилган ахлоқий, ҳуқуқий қоидаларга, ҳаёт тажрибаси сабоқларига таяниб ҳаётда ўз ўрнини топа билиши, ҳалол меҳнат қилиб, бошқалар билан адолатли муносабатда бўла олишидир. Баҳовуддин Нақшбанднинг «Дилингда худонинг номи бўлсин, кўлинг иш билан банд бўлсин», деган фикрларида иймоннинг диний, дунёвий жиҳатлари бирга олинган.

Иймон тушунчасининг дунёвий ва диний моҳиятини англаб олиш учун комил мусулмонликнинг шартлари тўғрисидаги айрим фикрларни кўриб чиқайлик. Бу ўринда Муҳаммад пайғамбарнинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: «Мусулмони ко-

<sup>1</sup> Ғаззолий. «Охиратнома», Бухоро, 1992 йил, 8-бет.

мил бўлишингиз, бир-бирларингизга мухаббат кўйишингиз шарт. Ўртангизда мухаббат пайдо бўлиши учун саломни ошкора берингиз ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз, жаҳл тарашлагувчидир, яъни у сочни тарашламайди, балки дилни тарашлайди... Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди,... бир-бирингизга ака-ука бўлинглар, уч кундан ортиқ гина сақламанглар,... ҳар бир ширин сўзингиз ҳам бир садақадир,... бетобларни бориб кўриш ҳам Оллонинг раҳматига эришишдир».<sup>1</sup>

Булар инсон фаолиятига йўналиш, иймонига мазмун берадиган ҳукмлардир.

Ҳадисларда Ватанни севиш, ҳаёли бўлиш, камсуханлик ҳам иймонлиликнинг кўриниши сифатида тасвирланган. Ватанни севиш миллий, ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Ватанни севган одам иймонли бўлиши иймоннинг дунёвий моҳиятини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Машҳур шоир Сўфи Оллоёр иймоннинг амалиётига таъсири устида тўхтаб, қуйидаги мисрани ёзган:

Амалнинг нафъи ҳам иймон биландир,  
Қачон ёлғиз амал қилгон биландир.  
Наъувзу биллоҳ, имонсиз кишини  
Қабул этмас худойим бир ишини.<sup>2</sup>

Алишер Навоий ҳам иймон тушунчаси ҳаёлилик, вафо ва вафодорлик, саховатлилик сингари ахлоқий кадрятлар билан боғлиқлигини кўрсатган. Буюк мутафаккир шоирнинг қуйидаги мисралари фикримизнинг далили бўла олади:

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,  
Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла.  
Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,  
Учинчисини, билмасанг, саҳо фаҳм айла.<sup>3</sup>

Амир Темурнинг «Тузук»ларида ҳам иймон инсоннинг бошқа одамлар билан муносабатига маънавий асос бўладиган ахлоқий кадрятлар тизимига киритилади. Буюк соҳибқироннинг кўрсатишича, иймон одамга инсонийлик фазилатларини бағишловчи, уни бошқа жонли зотлардан фарқини белгиловчи маънавий бўлиб, унга бировларга хиёнат қилмаслик, элу юрти, қариндош-уруғлари, ёр-у дўстлари, ор-у номусини ерга урмаслик ва ҳимоя қилишлик, ҳалоллик ва поклик сингари фазилатлар киради.

<sup>1</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий «Футуватнома». Тошкент, 1994 йил, 11- бет.

<sup>2</sup> Сўфи Оллоёр «Саботул ожизай». Тошкент, «Чўлпон», 1991, 13-бет.

<sup>3</sup> Солиев А. Навоий иймон биноси ҳақида. «Гулистон», 1995, 2- сон, бет.

Ўтмишда мадрасалар ва мактабларда ўқитиладиган «Чор китоб»да ҳам ёшларни иймонли қилиб тарбиялаш уларда муайян ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилгани маълум.

Иймонни «инсонга Олло таоло берган дугфи эҳсон» сифатида таърифлаш инсонда бурч ва масъулият туйғусини шакллантиришнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган. Инсон илоҳий ирода, диний йўл-йўриқларни бурч ва масъулият деб тушунади, ўз фаолияти ва маънавий камолотини шунга мослаштиради. Буни «Чор китоб»да ёзилган қуйидаги сўзларда кўриш мумкин: «Агар сўрсаларким «Иймон нури қай бири?», жавоб бергилки «Рост айтмоқдир». Ёлгон гапирмоқ эса иймон зулматидир. Ва иймон поклиги намозхон бўлмоқ ва иймон ҳаловати - пок (софдил) бўлмоқдир. Ва иймон ҳукми - ҳавф-у умид орасида бўлмоқдир. Ва иймон шариасти - ҳалол-у ҳаромни билмоқликдир. Ва иймон улуғлиги - зикри Олло таолони бисёр айтмоқликдир».<sup>1</sup>

Демак, иймон инсон ҳаёти ва фаолиятига асос бўладиган диний ва дунёвий маънавий қадриятлар тизимидир.

Ҳозирги кунда ҳам иймон тушунчаси катта дунёвий, амалий аҳамият касб этмоқда. Кундалик ҳаётимиз ва истиқбол муаммолари билан тақазо қилинган ахлоқий қадриятлар ҳам иймон билан боғлангандир.

Юқорида айтилганидек, иймон - ишонч демакдир. Ишонч, эътиқод, мақсад муштарак бўлгандагина, олийжаноб инсоний фазилатлар иймон даражасига кўтарилади ва инсон фаолиятининг замини бўладиган руҳий омилга айланади. Ҳозирги кунда иймон билан боғланган муаммоларни ижтимоий ҳаёт, мустақил тараққиётимиз талаблари билан чамбарчас боғлаб қараш зарурияти ўртага ташланмоқда. Хуллас, иймонни фақат тарихий қадриятгина эмас, балки ҳозирги кунимизда ҳам инсон камолотига бевосита дахлдор бўлган маънавият деб қарамоқ керак.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган фуқароларнинг иймони мустақиллик ишига фидойилик, миллатпарварлик, байналмилалчилик, мамлакатимизнинг порлоқ келажагига ишонч, давлат тили, рамзлари, Конституцияга садоқат, адолат ва шарқона демократия кучайишига ҳисса қўшиш, ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини ўзида тарбиялаш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик сингари янги ахлоқий-амалий қадриятларни билишдан ҳам иборат.

Иймонлилик, иймонсизликнинг мезонлари ҳам кишиларнинг жамиятга, унинг истиқболига, барча фуқароларга, уларнинг манфаатлари ва мақсадларига муносабатида намоён бўлади.

---

<sup>1</sup> Чор китоб. Тошкент, Камалак, 1993, 21- бет.

Кимда иймон кучли ёки кучсиз эканини ҳам асосан унинг амалий фаолиятига, жамият ва миллат олдидаги бурчи, масъулиятини англашига қараб аниқлаш мумкин.

Иймон алоҳида бир фазилат эмас, балки инсонга хос бўлган етук маънавият нормаларининг муайян тизимидир. Иймонли одам комил инсон бўлади. Демак, иймон комил инсонликни ифодаловчи барча фазилатларни ўз ичига олади.

Иймон инсон қалбида, эътиқод билан боғланиб чуқур томир отади. Эътиқод ҳам ихлос заминида шаклланади. Ихлос ҳар бир ғоя, тушунча, билим эътиқодга айланишидаги бир босқичдир. Ихлос инсоннинг бирор ғояни, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсадларни, ахлоқ-одоб нормаларини, қадриятларни ўз фаолияти ва маънавий камолотига асос қилиб олишга интилишидир. Лекин ҳар қандай интилиш ихлос бўла олмайди. Ихлос инсонда шаклланаётган қизиқиш ва интилишнинг муайян йўналиш, манфаат, мақсад йўлида шаклланиб боришидир. Қизиқиш маълум тажриба асосида шаклланиб, инсон эҳтиёжи ва манфати билан боғланганда ихлосга айланади. Қизиқишнинг ихлосга айланиши мураккаб амалий, руҳий синовлар жараёни орқали юз беради.

Ихлос тез ўзгарувчандир. Баъзан кишилар, «Ихлосимдан қайтдим», «Энди ихлосим қолмади» деган сўзларни айтадилар. Ихлосдан қайтиш бирор ижтимоий, маънавий муаммоннинг шахс ва жамият манфаатларига мос келмаслигини амалий фаолият заминида аниқлаш ва унга нисбатан янгича муносабатни белгилашдир.

Ихлос бўлмаган жойда эътиқод ҳам бўлмайди. Ихлос эътиқодга айлангач, маънавиятнинг барқарор замини бўлиб қолади. Эътиқод бирор мақсад ёки манфаат инсон қалбида чуқурроқ ўрнашишига олиб келади. Иймон билан боғланган эътиқод инсон ҳаётнинг энг мураккаб шароитларида ҳам ўзига тўғри йўл топа олишига имкон беради.

Эътиқод муайян фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ғоялар, қарашларни инсон онгига сингиб, унинг тафаккур услуги ва фаолиятига йўналиш берувчи мезонга айланиши ҳамдир. Ҳар қандай ижтимоий ғоя, ахлоқ-одоб тизими, билим, дунёқараш, мафкура инсон томонидан муайян мақсадлар ва эҳтиёжлар билан боғлиқ равишда англанилиб, унинг онгига чуқур сингиб, фаолиятига мақсад ва йўналиш берадиган маънавий замин бўлгандагина эътиқодга айланади. Эътиқод бирор ишни қилиш ёки мақсадлар тизимини аниқлашда кишига ишонч, умид баҳим этади. Эътиқод - умидли бўлиш, ишониш, мақсад сари билимлар, ғоявий қарашлар тизимига асосланиб бориш демакдир.

Эътиқод моҳияти жиҳатдан ҳамма вақт бир хил бўлиши мумкин эмас. Қотил ёки ўғри ҳам, порахўр ёки фирибгар ҳам



Ўз ишига эътиқод билан ёндашади. Бинобарин, уларда ҳам ўз қилмишларини оқлашга асос бўладиган бирор бир онгли асос бор. Ана шунга улар эътиқод қўядилар. Ўз манфаати учун инсониятнинг анчагина қисмини кириб ташлашга тайёр бўлган фашистларда ҳам, миллионлаб одамларни қатағон қилган, юз минглаб бегуноҳ кишиларни ўлдириб юборган, бутун бошлиқ халқларни ўзларининг тарихий ватанларидан бадарга қилган, чекланмаган ҳокимиятни қўлига олиб, халқни оғир аҳволга солиб қўйган раҳбарларда ҳам муайян эътиқод бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда барқарор бўлиб турган вазиятни оғирлаштириш мақсадида ифвогарлик ва тухматчилик йўлига ўтиб олган кишиларда ҳам муайян мақсадлар билан боғланган эътиқод борлигини инкор этиб бўлмайди.

Демак, ҳар қандай эътиқодни юксак маънавиятнинг ифодаси деб бўлмайди.

Иймон билан инсоф ҳам ўзаро боғлиқ, бири иккинчисини истисно қилмайди, балки тақазо этади. Халқимиз ичида шундай нақл мавжуд: “Айрим одамларда иймон бор-у, инсоф йўқ, бошқаларда эса инсоф бор-у, иймон йўқ”. Бундай номуносиблик ҳам маънавий қашшоқликнинг белгиси ҳисобланади. Демак, инсонда иймон билан инсоф ўзаро муштарак бўлмоғи зарур.

Виждон - инсоннинг ўз фаолиятини, қилган ишлари ва белгилаган мақсадларини ички руҳий таҳлил эта олиш имкониятидир. Маънавиятнинг кучи, қудрати ҳам ҳар бир шахс ўз қилмишига ўзи ҳолисона баҳо бера олиш даражаси билан белгиланади. Иймон - инсон қалбидаги виждон тарозисидир.

Виждон бир шахснинг фақат ўзигагина хос бўлган руҳий таҳлил имконияти, маънавий мезонининг ифодаси эмас. Ҳар бир шахснинг виждон тарозисида ўзига хос хусусиятлар ҳам бор, албатта. Лекин, шахснинг виждони умуминсоний, миллий маънавий қадриятлар заминида шаклланади, унинг ўзига хос эҳтиёжи ва манфаатлари, дунёқараши ва маданияти ҳамда маънавий камолоти даражаси билан омикталашиб, фаолиятига баҳо беришга имкон яратадиган руҳий мезонга айланади. Шу сабабли виждонлилик даражаси ҳаммада бир хил бўлиши мумкин эмас. Виждон асосида ўз қилмишимизгагина эмас, балки бошқаларнинг фаолиятига, жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар ва ижтимоий вазиятга ҳам баҳо берамиз.

Виждон азоби - киши ўзи йўл қўйган хатоларни, жамиятда бўлаётган ноҳақликлар, адолатсизликларни билиб, кўриб, руҳий қийналиш ҳолатида бўлишидир. Виждон азоби жамиятдаги ёки шахс фаолиятидаги адолатсизликларни руҳан қабул қилмаслик, уларга нисбатан ички нафратни, салбий муносабатни ифодалашдир. Виждон азоби - шахснинг оғир ички руҳий кечинмаларидир.

Абдулла Авлонийнинг виждон ҳақидаги қуйидаги фикрлари масалани яна ҳам чуқурроқ тушунишга имкон беради: «Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиладиган ҳиссиёт, яъни сезув, туймакдан иборат қувватни айтур. Биз ҳамма вақт фаол ва ҳаракатимизнинг яхши ва ёмонлигини, фойдали ва зарарлигини (ана шу) виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсон ақл ва фикрининг ҳақиқий мезонидирким, бу тарози ила ўз камчиликларимизни ўлчаб билмак ила баробар, бошқаларнинг ҳам фаол ва ҳаракатини сезурмиз. Агар иши шариат, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қўйур, агар қабоҳат ва ёмон ишлар бўлса, нафрат қилур. Биз жаноби Ҳақнинг амри (маъруфи) ва наҳийини (таъқиқларини) фикр ва руҳимиз мана шу қуввати ўлан виждонимиз ила айра билурмиз»<sup>1</sup>.

Баъзи кишиларни виждонсизлар деб атаймиз. Чунки улар ҳар доим ўз фаолиятига, бўлаётган воқеаларга лоқайдлик, шахсий манфаатлари билан чекланиб, бепарволарча қарайдилар. Виждонсизлик, адолатсизликларни кўра-била туриб билмасликка олишдир. Бундай кишиларда инсон тақдирига нисбатан бепарварлик мавжуд. Одатда бундай кишилар ўз манфаати зарарига иш қилмайдилар. Улардаги виждонсизлик худбинлик билан боғланиб кетган. Улар ҳар масалага муносабатда шахсий худбинликдан келиб чиқиб ёндашади.

Амалга интиладиганлар одатда шуҳратпараст бўладилар. Шуҳратпарастлар ҳар доим ўз манфаатларини ўйлайдилар. Ана шу шахсий манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Оламга ўт кетса ҳам, бепарволарча, ўзим тирик қолдим, шунинг ўзи менга кифоя, деб хурсанд бўладилар.

Уят, номус, шарм-ҳаё, ибо ҳам инсон ўз қилмишини, мақсадлари ва орзу истакларини виждон амри билан ўлчашидан иборат. Виждонсиз ҳамма нарсага ҳозирман, дейди, унда юқоридаги хислатларнинг бирортаси бўлмайди. Юксак маънавият эгаси бўлган кишиларгина ўз қилмишларини виждон мезонлари билан ўлчайдилар. Комил эътиқод ва соф виждон инсонпарварлик руҳи, юксак бурч ва масъулият туйғуси, олижаноб ахлоқий фазилатлар билан боғлангандагина иймон даражасига етади.

Иймон, эътиқод, виждон, инсоф инсон қалбида чуқур томир отган маънавиятдир. Агар инсон қалбидаги бу маънавий фазилатларнинг томирлари сўниб кетса, уни конституция ҳам, қонулар ҳам тиклай олмайди. Иймон тарбиянинг маҳсулидир. Кўрқитиш, репрессиялар билан кишиларни иймонли, инсофли қилиб бўлмайди. Инсонга қанчалик кўп тазйиқ кўрсатилса, унинг ички дунёси бошқалар учун шунчалик берк бўлиб қолаверади.

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Ўсан миллат. Тошкент, 1993 йил, 92- бет.

Инсоннинг ахлоқ-одоби, билим малакаси, ижтимоий, ҳуқуқий бурч ва масъулият туйғуси иймон ва эътиқод, дунёқараш, мафкура билан бирлашиб, оламга нисбатан бўлган муносабатни шакллантиради.

## 5. Маданият, маърифат, мафкура ва маънавият

Жамият маънавий камолоти маданий, маърифий тадбирлар, мафкуравий ишларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади.

Маънавий камолотнинг бу уч муҳим соҳасини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Агар маънавий омиллар заиф бўлса, маърифий ишларни ҳам йўлга қўйиб бўлмайди. Маърифатсиз маънавият ҳам инсон қалбига сингиб, фаолиятига асос бўла олмайди. Мафкура эса маънавий ривожланишга, маърифий-тарбиявий тадбирлар кенг қулоч ёйишига асос бўладиган, унга мақсад ва йўналиш берадиган ижтимоий-сиёсий, миллий ғоялар, мақсадлар тизимидир. Инсон камолоти ҳеч вақт мафкурасиз бўлмайди. Инсон тарбиясига оид ҳар бир тадбир маълум мақсадлар билан боғланган. Бу мақсадларнинг йўналиши жамият, миллат, жамоа, ижтимоий-сиёсий кучлар мафкураси билан белгиланади. Шу сабабли ҳам маданият, маърифат ва мафкуранинг бирлигини билиш маънавий камолот муаммоларини ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Маданият тушунчаси табиатга нисбатан жамиятнинг ўзига ҳослигини ифодалайди. Шунга кўра маданиятга кенг маънода инсоннинг ички руҳияти, ақл-идроки ва жисмоний меҳнати билан яратилган барча нарсалар киради.

Дастлаб маданият тушунчаси асосан инсоннинг табиатга бўлган таъсирини аниқлаш учун, табиат кучларини ўзлаштиришни ифодалайдиган ютуқларни тафсифлаш учун қўлланилган. Маданият манбаи - инсоннинг, ҳаётнинг барча соҳаларидаги ижодий, яратувчилик фаолиятидир. Меҳнатга муносабат эса жамият илгарилаб ривожланиши даражасининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Демак, маданият - кўп қиррали мураккаб маънавий, ижтимоий ҳодисадир. **Онтологик** нуқтاي назардан маданият ўзининг вужудга келиш, ривожланиш қонуниятларига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир, инсоният тарихий тараққиётининг маҳсулидир. **Мантикий** нуқтاي назардан маданият фалсафий-социологик категория бўлиб, кишилар фаолияти асосида таркиб топган билимлар, амалиёт натижаларининг тизимини ифодалайди. **Гносеологик** нуқтاي назардан инсоният маънавий-руҳий билимлари, эмпирик ва назарий билим тажрибаларини туғдирувчи асосдир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда маданиятга яхлит таъриф бериш мумкин.

*Маданият - бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимидир.*

Гносеологик нуқтаи назаридан маданият моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Улар ўртасида умумийлик ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айни вақтда улар ўртасида алоқадорлик ва боғлиқлик бор.

Моддий маданият моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун унинг мазмуни ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатларининг характери билан белгиланади. Моддий маданият моддий бойликларнинг барчасини ўз ичига олади. Бунга жамият моддий эҳтиёжларини қондириш учун зарур ва фойдали бўлган ишлаб чиқариш фаолияти маҳсуллари, уларнинг жамият ўртасида тарқалиши, тақсимланиши ва янада ривожлантирилиши, жамият ҳаётида қўллай билиш муаммолари ҳам киради.

Маънавий маданиятнинг мазмуни сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура, ахлоқий, бадий ва диний қарашлар билан, иккинчидан, ижтимоий жараёнларга раҳбарлик қилиш ва бошқаришнинг шакли ва усулларини ишлаб чиқа билиш, ривожлантириш, илмий билимларни амалий фаолиятда қўллай билишни ифодалайди.

Моддий ва маънавий маданият намуналари турли даврлар ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда яратилади. Шу сабабли ҳам маданият ва маданиятчиликнинг мезонлари барча халқларда ва тарихий даврларда бир хил бўлиши мумкин эмас.

Турли даврларда, тарихий ва иқлимий шароитларда яшаган, турли миллат, ирқ, динга мансуб бўлган кишилар ўзларидан олдин яратилган барча маданият намуналарини тўла ўзлаштира олмайдилар. Демак, ҳар бир даврда яшаган кишиларнинг маданият ҳақидаги қарашлари инсоният яратган моддий ва маънавий бойликларнинг мазмунини тўла қамраб ололмайди.

Тарихий шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг кишилар онгида акс этиб, уларнинг эътиқодига айланиши ва фаолиятига асос бўлиши маънавий маданият тушунчасида ўз ифодасини топган бўлади. Маънавий маданият - субъективдир.

Моддий маданиятнинг мазмуни, моҳияти ҳам кишиларнинг онгига сингиб, маънавий оламнинг бир қисмига айланади. Моддий маданиятни барпо этишга асос бўлган кишиларнинг қобилияти, истеъдоди, меҳнат малакаси ҳам маънавиятдир. Бошқача қилиб айтсак, моддий маданиятни барпо этиш зами-нида ҳам маънавият ётади.

*Кишиларнинг онгига муайян билимлар, гоълар, эътиқод ва иймон, ахлоқ ва одоб нормаларини сингдириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими маърифат деб аталади.*

Маърифат маънавий камолотнинг асосий йўлидир.

Марказий Осиёда яшаган, ижод этган мутафаккирларнинг асарларида қадим-қадим замонлардан бери қўллаб келинган. Жамият тараққиёти ва инсон камолотига ижобий таъсир этадиган гоъларни яратиш, тарғиб этиш эса **маърифатчилик** деб аталган. Маърифатчилик Марказий Осиёда ривожланган ижтимоий-фалсафий, диний-орифий таълимотлардаги асосий йўналишлардан бири бўлган.

Европа адабиётида бу тушунча XVII аср охири - XVIII аср бошидан бери қўлланила бошлади. Бу тушунчани Фарб фалсафа фанига биринчи бўлиб олиб кирган олимлар **Вольтер** ва **Гердер**дир.

Немис файласуфи **Кант** бўлса бу тушунчанинг мазмунини биринчи бўлиб таърифлашга ҳаракат қилган. У ўзининг «**Маърифат нима?**» деган саволга жавоб» номли мақоласида кўрсатишича, маърифат инсон шахсини тарбиялаш, унинг ақли, ахлоқи имкониятларидан жамиятнинг илгарилама тараққиёти манфаатлари йўлида фойдаланишдир. Бу фикрлар асосида инсон жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омил экани, унинг ижтимоий ҳаётга таъсирида маънавий омиллар катта аҳамиятга эга эканини тан олиш гоъси ётади. Кантнинг фикрича, жамият тараққиёти учун замин бўла оладиган маънавий омиллар мунтазам, маълум вақт ичида олиб борилган маърифий тадбирлар асосида юзага келади. Бунинг учун инсон эркинлигини таъминлаш, бунга тўсқинлик қиладиган ташкилотларни йўқ қилиш зарур.

Маърифий тадбирлар қанча яхши йўлга қўйилса ҳам, инсоннинг ақлий, ахлоқий камолоти бирданига амалга ошадиган иш эмас. Маънавий, ахлоқий камолот ҳаёт воқелигига янгича эътиқод, нуқтайи назарлар, эҳтиёж ва манфаатлардан келиб чиқиб ёндашишдир. Кант маърифий тадбирлар ўтказишда зўрлик, тазйиқ воситаларидан фойдаланишга кескин қарши чиқди.

Гегель ҳам маърифатчиликни жамият маънавий ҳаётидаги энг илғор йўналишлардан бири деб баҳолаган.

Умуман, маърифатсиз амалга ошадиган маънавий камолот тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Инсонда маънавий камолотнинг наслий имкониятлари бўлса ҳам, улар ўз-ўзича, стихияли ёки биологик имкониятлар асосида амалга ошавермайди.

Маълум мақсадлар билан боғланган маърифий тадбирлар, оила, жамоа, жамият таъсири инсоннинг ички руҳий имкониятларини маънавий даражасига кўтаради, одам фарзандига инсонийлик фазилатларини бахш этади, унинг ахлоқи, одоби, билими, маълакаси, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларини шакллантиради.

Маърифий тадбирлар маълум мақсадлар, яъни мафкура асосида амалга ошади. Лекин ҳар қандай мафкура инсон камолотига ижобий таъсир этавермайди. Айрим давлатлар, халқлар, сиёсий кучлар шовинистик эътиқодларга, миллий калондимоғлик ва миллий маҳдудликка, ирқчилик ғояларига асосланган мафкурага таянган сабабли бундай мақсадлар инсон маънавий камолотига замин бўла олмайди. Маънавий камолот юксакликка, илғор ривожланишга ингилишдир, жамият тараққиётига, тенглик, тенг ҳуқуқликлик, озодлик, адолат, демократия тантанасига янги имкониятлар излаш, инсон кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга ингилишдир. Ана шундай мақсадлар ва уларга таянган маърифий тадбирларгина инсон маънавий камолотига ижобий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли жамиятда амалга ошириладиган маърифий, тарбиявий тадбирларда қандай мақсадлар кўзланиладиганини билиш ҳам аҳамиятлидир.

Маърифий тадбирларнинг йўналиши, шакллари ҳам турлитуман бўлади. Бу турли-туманликка уни амалга оширадиган жамоалар, давлатлар, ижтимоий, сиёсий кучларнинг мақсадлари ҳам таъсир этади. Лекин бу борадаги фарқлар қандай бўлмасин, маърифий тадбирларнинг мақсади барча даврлар ва шароитларда ҳам инсон онгига, иродасига таъсир этишга, унинг фаолияти ва ҳаётий мақсадларини олдиндан белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар этишга қаратилган бўлади.

Тарихий тараққиётнинг турли даврларида маърифий ишлар тизимида диний, дунёвий, илмий, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг айрим жиҳатларига кўпроқ эътибор берилиши ҳам жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, моддий, маънавий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган. Ҳозир ҳам маърифий тадбирлар мазмуни шундай ижтимоий-сиёсий, маънавий омиллар билан белгиланади, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Маърифий тадбирларга эътибор бермаган, таълим-тарбия ишларини ўз олдиди мақсадлар билан боғлай олмаган жамият, давлат кўзлаган мақсадларига етиша олмайди.

Маърифат-маърифий, тарбиявий ташвиқот ва тарғибот ишлари тизимидир. Ҳозир жамият ҳаётида тобора катта аҳамият касб этаётган оммавий ахборот воситалари, илмий, бадиий адабиётлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари, жамоатчилик орасида ўтказиладиган суҳбатлар, учрашувлар, мунозаралар ҳам маърифий тадбирлар

тизимига киради. Жамият ривожланиб, маънавий камолотга эҳтиёж кучайган сари маърифий тадбирларнинг кўлами кенгай боради.

*Маърифий тарбиявий ишларга мазмун, йўналиш берувчи гоялар, мақсадлар тизими - мафкурадир.*

Ҳар бир жамият ривожланиш йўлини танлар экан, ўз олди-га муайян мақсадлар ва вазифалар қўяди. Бу вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этиш эса тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон маънавий ҳаёти ва амалий фаолиятига жамият, давлат, турли сиёсий кучлар белгилаган мақсадлардан келиб чиқиб таъсир этиш уларнинг онгига муайян гояларни сингдириш орқали амалга ошади. Ота-оналар фарзандларига тарбия берганларида ҳам ўзларининг турмуш тажрибаси, жамият ҳаёти яратган имкониятлар ва заруриятлар билан таъазо қилинган мақсадларга, имкониятларга таянадилар. Ота-она ўз фарзандига тарбия бериш учун асос қилиб олган мақсадлари тизimini оила мафкураси деб аташ мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг мафкураси миллий истиқлол мафкурасидир. Бу мафкуранинг мазмуни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига сингиб кетган мустамакчилик тузуми ва сиёсати қолдиқларига узил-кесил ҳотима бериш, маҳаллий имкониятлардан тўла ва оқилона фойдаланиб, мустақиллигимизнинг иқтисодий заминларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёти йўлини асослаш, фан ва техника ютуқларини ривожлантириб, бу борадаги янгиликларни ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига кенг жорий этиб, она юртимизни жаҳон бозори талабларига мос келадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мамлакатга айлантириш, барча масалаларни ҳал этишда аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни биринчи ўринга қўйиш, ижтимоий адолат, қонунчилик тантана қилишини таъминлаш, фуқаровий жамият куриш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик, ҳамжихатлик қарор топишини таъминлаш, инсон маънавий камолотини тезлаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштарақлигини эътироф этиш ва унга тўла амал қилиш, барча миллатларнинг манфаатларини ижтимоий адолат мезонлари асосида ҳимоя қилиш, ижтимоий онг, ахлоқ ва одобнинг миллий, умуминсоний заминларини мус-таҳкамлаш, ёшларда меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик, виждонлилик ва иймонлилик, ҳалоллик ва ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини тарбиялаш вазифалари билан белгиланади. Шу асосда белгиланган мақсадлар тизими мустақил давлатимиз олдидаги асосий режаларнинг ифодасидир.

Жамият аъзоларининг фаолияти бевосита шу мақсадлари ҳал этиш билан боғланмоғи зарур. Янги мафкурага эҳтиёж ҳақиқатан ҳам шу ҳолатларни халқнинг онгига сингдириш заруриятидан келиб чиқади.

Муайян мақсадни ифода этувчи ҳар қандай мафкура кишилар онгига сингиб, эътиқоди моҳиятини белгилаб, амалий фаолиятига асос, йўлланма бўлгандагина катта ижтимоий куч айланади. Янги мафкурани жамият тараққиёти олдидаги заруриятлар ва имкониятларни, вазият ва истиқболли йўналишларни, халқнинг аҳволи, орзу-умидлари, манфаатларини чуқур англаб, илмий умумлаштириб, тараққиётнинг навбатдаги вазифаларини илмий асосда белгилаш имконига эга бўлган сиёсий кучлар, шахслар яратади. Мафкурани яратувчилар истиқлол ва истиқбол муаммоларини оддий халқ оmmasига нисбатан келтириб, тўлароқ, чуқуроқ таҳлил этишга қодир назарийчилар бўлмоғи керак. Назарийчилар оммага гоёвий, маънавий таъсир этиш йўллари ҳам белгилайдилар. Янги мафкуранинг мазмунини жамият тараққиётининг муайян босқичида зарурият тараққиётида кун тартибига қўйилган вазифалар мажмуаси билан белгиланади. Жамият тараққиётида янги заруриятлар, имкониятлар юзага келиши мафкуравий қарашлар ривожланиб, тақдирини белгилаш бориси сабаб бўлади. Мафкуранинг асосчилик белгиланган вазифаларни бажаришда оммага етакчи бўлиш ҳаракат қиладилар.

Жамият тараққиётининг муайян босқичларида кун тартибига қўйилган вазифалар турли сиёсий кучлар, гуруҳлар, шахслар томонидан бир хил таҳлил этилмайди. Ҳар бир ижтимоий сиёсий ва иқтисодий муаммога улар олдиндан белгиланган эътиқод ва мақсадлар асосида ёндашадилар. Шу сабабли ҳам улар жамият тараққиётини ўз режа ва манфаатларига мослақ йўналтиришга ҳаракат қиладилар.

Баъзан турли ижтимоий-сиёсий кучлар пировард натижада қўзланган мақсадни муштарак тушунсалар ҳам, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини турлича белгилашлар мумкин. Мақсадни тушунишда бирлик, ҳамфикрлик бўлиб, унинг етишиш усуллари белгилашда турли фикрлар, қарашлар нуқтаси назарлар бўлса, бундан норози бўлиш ёки уларга муносабат билан ёндашиш нотўғри. Тараққиёт мураккаб ва зиддиятлидир. Бирор мамлакатнинг ривожига унинг ўз имкониятларига эмас, балки жаҳон миқёсида юз бераётган ҳодисалар ҳам таъсир этади. Ҳозирги халқаро вазият шунчалик мураккаб ва зиддиятлики, ҳар қандай етук мутафаккир ҳам тараққиёт эртага қайси йўналишда боришини, қандай шароитлар амалга ошишини олдиндан тўла, батафсил айтиб бера олмайди. Бундай масалаларда беҳато фикрлайдиган донишмандликка даъво қилиш ҳам ўринсиздир. Умумий мақсадга интилиш



йўлида турлича фикрлар бўлиши мумкин. Улар устида биргалашиб бош қотириш мураккаб вазифаларни тезроқ ва осонроқ ҳал этишга имкон беради.

Умумий мақсадга интилишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг бирор бир усулини ташлаб, унга маҳкам ёпишиб олиш, бошқаларга ҳам уни зўрлик билан қабул қилдиришга интилиш, ўзгача фикрларга қулоқ солмаслик, уларни чуқур таҳлил этиб кўришга интилмаслик тараққиётнинг оқилона йўлларини топа олмасликка сабаб бўлади.

Жамият ҳаётида рўй берадиган мураккаб, зиддиятли диалектик жараёнлар мафкуравий қарашлар тизимига ҳам ўзгаришлар киритиб боришни тақозо этади. Сиёсий ғояларга муносабатда қатъиятlilik билан қатъиятсизлик, ёхуд ўжарлик бўлиши мумкин. Танланган йўлни тўғрилигига ишониб, уни қатъият билан амалга ошириш кишидан юксак сиёсий зийракликни, чуқур ақл-заковотни, катта билим ва тажрибани талаб этади. Ўжарлик, бир ғояга жоҳиллик билан, кўзни юмиб, қулоқни қар этиб ёпишиб олиш, бошқача фикр ва қарашларда ҳам ижобий томовлар бор эканини сезиб туриб, уни менсимаслик, менинг айтганим тўғри, у албатта бўлиши керак, дейишдир. Бундан волюнтаризм келиб чиқиши табиий ҳолдир.

Мустақиллигимиз қўлга киритилган дастлабки даврларда баъзи сиёсий кучлар худди шундай йўлдан бордилар. Даставвал улар янги раҳбарият Ўзбекистон мустақиллигини таъминлай олмайди, уч-тўрт ойдан кейин иқтисодий ҳаёт бутунлай издан чиқиб кетади, деган фикрларни тарқатдилар. Бундай фикрлар турли амалпараст раҳбарлар, ҳиссиётлар таъсирида қолиб, узокни кўролмаган сиёсатчилар томонидан айтилган эди. Уларнинг бу «**каромат**»лари исботланмагач, кейинроқ бориб оммада Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатига, республикада амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ишончсизлик кайфиятини туғдиришга интилдилар. Шу мақсадларга таяниб Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштирмоқчи ҳам бўлдилар. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётган ҳозирги вазиятда ҳам улар **тирноқдан кир қидиришга**, жаҳон жамоатчилигида мустақил Ўзбекистон ҳақида сохта тасаввурлар ҳосил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мафкура соҳасида ўжарлик қилиш маънавий қашшоқликнинг, ғоявий тубанлашишнинг ифодасидир. Ўжарлик асосида белгиланган сиёсий режалар, шундан келиб чиққан мафкуравий қарашлар тизими жамиятни ҳалокатли жар ёқасига олиб келади. Олимнинг, раҳбарнинг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, у шунчалик камтар бўлади. Камтарлик - доноликнинг

белгисидир. Доно кишилар билганларидан кўра билмаган нарсалари кўп эканини тасаввур эта оладилар. Буюк файласуф Суқротнинг «*Мен бир нарсани биламан, у ҳам бўлса - ҳеч нарсани билмаслигимдир*» деган фикрида ҳам шу маъно бор. Фақат калтабин кишиларгагина ўзлари билган билим ҳақиқатнинг сўнги чегарасидек бўлиб кўринади.

Турли партиялар ва сиёсий кучлар Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантиришнинг турлича йўллари ва усулларини тавлаши мумкин. Лекин бу ерда асосий мақсад мустақиллигимиз моҳиятини фаҳмламаслик, мамлакатимиз ва миллатимиз тақдирини яна эски мустамлакачилик занжирлари билан боғлаб қўйишга ҳаракат қилишдан иборат бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашни биринчи даражали муқаддас вазифа деб билиб, республикаимизни дунёдаги бой давлатлардан бирига айлантириб, халқимиз турмушини фаровон қилиш, миллий, ижтимоий муносабатларда тинчлик ва тотувликни барқарорлаштириш билан боғланган барча ижобий фикрлар, қайси партиялар ва сиёсий кучлар томонидан ўртага қўйилганига қарамай, миллий истиқлол мафқураси тизмига киреди. Шу маънода олиб қараганимизда Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси республикаимиздаги барча ватанпарвар, тараққийпарвар, миллатпарвар, байналмилалчи кучлар мавқеини яқинлаштирувчи, фаолиятларида ҳамкорлик ва муштараклик бўлишига имкон яратиб берувчи сиёсий замин ҳамдир. Бу боладаги бирлик умуммиллий мафқурада ўз ифодасини топади.

Жамият тараққиёти истиқболларини белгилашда турли фикрлар бўлиши қандайдир маънавий инқирознинг ифодаси эмас. Маънавий инқироз ҳамма бир фикрга кўндирилиб, бошқача фикрлар тақиқланган вазиятда келиб чиқади. Шунинг учун қадимги юнонлар турли қарама-қарши фикрларни ўртага қўйиб, улар ўртасидаги муносабатни ҳал этиш орқали ҳақиқатга етишмоқчи бўлганлар. Ўсиш, ривожланиш, тараққиёт бор бўлган жойдагина қарама-қарши фикрлар келиб чиқади. Бир мутафаккир айтганидек, *кимки бизга қарши қурашса, асабимизни мустаҳкамлайди, хушёрлигимизни, маҳоратимизни оширади. Бизнинг энг катта душманамиз - ҳамма гапимизга лаббай деб қўл қовуштириб турадиган ёрдамчиларимиздир. Мана шундай хушомадгўйлар, лаганбардорлар етук раҳбарларни ҳам, мамлакатни ҳам халокат ёқасига олиб келади. Жамият тараққиётидан манфаатдор бўлган кишилар учун ширин ёлгондан кўра аччиқ ҳақиқат афзалдир.*

Демак, умуммиллий мафқуранинг бўлиши бу борадаги турли-туманликни, фикр, ғоя, эътиқод эркинлигини асло инкор этмайди. Қандай масалалар бўйича фикрлар, ғоялар, манфаатлар турли-туманлиги бўлмасин, мустақиллик ва миллат тақдирини масаласида яқдиллик бўлмоғи лозим. Мустақиллик - орқага қайтариш асло мумкин бўлмайдиган тарихий жараён, ижтимоий тараққиётнинг зарурий оқибатидир.

Демократия ҳам маданият, бинобарин, маънавиятдир. Демократик жамиятда ҳар бир шахс ўзи билган, хоҳлаган ишини қилавермайди. Акс ҳолда жамиятда бебошлик, тартибсизлик, интизомсизлик кучайиб кетади. Демократик давлатда муайян адолатли қонунлар бўлиб, фуқароларда шу қонунларни билиш, уларга тўла амал қилиш маданияти бўлмоғи зарур. Етук демократия юксак маънавиятли жамиятдагина қарор топа олади.

Миллий истиқлол мафқурасини тор маънода ўзбек халқининг миллий манфаатлари билангина чеклаш тўғри эмас.

Ўзбек халқининг иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёти мустақиллик даврида, совет тоғалитар тузуми шароитида чекланиб ва чегараланиб келгани ҳаммамизга маълум. Ҳозир гап ўзбекларга алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар бериш устида эмас, балки бир ярим асрга яқин давр ичида оёқости қилинган миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, миллий кадр-қимматимизни тиклаш, ўзбеклар ўз ватанининг имкониятларидан мустақил, оқилона фойдалана олиши, она юрти тарихи, маданий мероси ва миллий қадриятларини ҳолисона ўрганиши ва ривожлантириши ҳақида бормоқда. Бу йўл миллий имтиёз эмас, бошқа миллатларнинг кадр-қиммати, манфаатларини ҳам ерга уриш эмас. Аксинча, миллий истиқлол мафқураси бошқа миллатларнинг манфаатларини ҳам ижтимоий адолат мезонлари асосида изчил ҳимоя қилишни тартибга солади.

Ўзбекистон шу ўлкада яшаётган барча халқлар учун мукаддас диёр бўлиши лозим. Шу маънода ҳам ҳозирги мафқурамиз мамлакатимизда яшаётган барча халқларни бирлаштирувчи умуммиллий мафқурага айланмоқда.

Мустақилликни мустақамлаш миллий масъулиятгина эмас, балки Ўзбекистонда яшаётган, унинг истиқболидан манфаатдор бўлган барча кишиларнинг фуқаролик бурчи ҳамдир. Масъулиятни англаш ҳам маънавиятдир.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси ҳақидаги буғуши фикрлар тараққиётимиз, истиқболимиз билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг сўнгги, узил-кесил шакли эмас, балки асосий мақсад ва унга эришишнинг ҳозирги кун имкониятларидан келиб чиқиб белгилаш мумкин бўлган йўллари ҳақидаги фикрлар, ғоялар тизимидир. Лекин ҳаёт доим ўзгариб, ривож-

ланиб боради. Натижада, муайян иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммоларни ҳал этишнинг шароитлари ва имкониятлари ҳам ўзгаради. Бугунги авлод барча етилган масалаларни ўз эътиқоди ва мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб ҳал қилади. Эртанги авлодлар белгиланган асосий мақсадга томон оғишмай борсалар-да, уларнинг фаолиятига замин бўлган шароит ва имкониятлар бошқачароқ бўлиши мумкин. Бу эса мафкуравий тизимга муайян янгиликлар, ўзгаришлар киритади. Шу йўл билан жамият тараққиётида юз бераётган мураккаб жараёнлар мафкуравий қарашлар соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Ҳозир биз миллий истиқлол мафкурасининг узил-кесил, тугалланган шаклини эмас, балки дастлабки пойдеворини яратмоқдамиз. Бинобарин, тараққиёт жараёнида уни омманинг онги ва фаолияти билан бевосита боғлашга қаратилган маърифий тадбирларнинг шакли ва мазмуни ҳам мунтазам такомиллашиб бораверади.

Ҳозирги вақтда ҳам бир хил тоифа кишиларимиз онгида совет тузуми давридан мерос бўлиб қолган маънавий инқироз асоратлари сақланиб турибди. Эскича тафаккур, эскича қарашлар бирданига йўқолиб кетмайди. Инсон онги, эътиқоди, дунёқарашини тезда ўзгартириш мумкин эмаслигини тарихий тажриба қўп марта исботлаган. Чунки ўтмиш аъёнлари кишилар елкасидан узоқ вақт босиб туради. Шахс, жамият маънавияти қай даражада ўзгарганини кишиларнинг тилига қараб эмас, балки дилига, амалий фаолиятига қараб билиш мумкин.

Бу ўринда яна бир масалани эътибордан четда қолдирмаслик керак. Маънавий инқироз инсон ҳаётининг барча томонини бирданига қамраб ололмайди. Маънавий инқироз шароитида ҳам инсон онги, эътиқодида, миллий руҳиятида меҳр-оқибат, одамгарчилик, меҳнатсеварлик, иймон, инсоф, виждонлиликнинг белгилари сақланади. Одамлар қандай сиёсат таъсирида бўлмасинлар, етук инсоний фазилатларини бутунлай йўқотмайдилар.

Совет тузумининг барча даврларида ҳам ўзбеклар меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳр-муруватлилик, болажонлик, катталарга ҳурмат, оқибатлилик, камтарлик, ҳалоллик, эл-юрт фикрини ҳурмат қилиш ва эътиборга олиш, маҳалла-қўйчилик сингари юксак маънавий фазилатларни бутунлай унутмагани бунинг исботидир. Маънавий инқироз асосан жамиятнинг истиқболи ва имкониятига бўлган ишончсизлик, тушқунлик кайфиятларида намоён бўлади. Маънавий инқироз - тушқунлик, умидсизлик, оммавий лоқайдлик ҳолатидир. Бу ҳолат эски мафкурага ишончсизлик кучайиб, унинг ўрнига янги мафкура шаклланмаган даврларга ҳам хос бўлади.

Маънавий бухронлар мафкуравий инқироз асосида рўй беради. Маънавий инқирознинг аломатлари сақланиб турган тарихнинг бурилиш давларида истиқлол ва истиқболнинг оқилона режаларини ишлаб чиқиб, уларни омманинг онгига сингдириш, кишиларда келажакка, жамият имкониятларига ишонч ва умид билан қараш кайфиятини тарбиялаш, чеқлаб қўйилган ёки тақиқланган умуминсоний, миллий, диний, минтақавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, уларни омманинг онгига сингдиришга йўл очиш миллий маънавий улғайишнинг асосий йўлидир. Бу тадбирлар жамиятдаги маънавий муҳитни аста-секин яхшилашга олиб келади. Булар эса маънавиятни, мафкурани ривожлантириш, маърифий ишларни такомиллаштириш асосида амалга ошади.

## III-БОБ. АХЛОҚИЙ КАДРИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

### 1. Ахлоқнинг ижтимоий ва маънавий илдизлари

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳамма замонларда ҳам жамиятда яшаган одамлар ўртасида юриш-туриш, ўзини тутиш, муомала қилиш, ўзаро муносабатда бўлиш билан, ҳаёт мақсади ва манфаатлари билан боғланган маънавий қоидалар мавжуд бўлган. Бу маънавий қоидалар одамлар қалбида ҳаёт тажрибаси, зарурияти ва эҳтиёжлари асосида шаклланиб, уларнинг фаолияти, ҳатти-ҳаракатида кўзга ташланадиган ахлоқ нормасига айланган. Бундай юриш-туриш нормаларининг йиғиндиси ахлоқ деб аталади. Ахлоқ инсон маънавиятининг ўзига, энг олий белгисидир. Жаҳонда кўп ажойиботлар бор, лекин уларнинг энг гўзали инсондир, - деган эди буюк юнон файласуфи Софокл. Инсоннинг гўзаллиги эса унинг ахлоқи, одоби билан белгиланади.

Ахлоқ кишиларнинг бир-бирига, оилага, жамиятга, Ватанга, табиатга нисбатан бўлган, маънавий асосланган, адолат мезонларига таянган муносабатларининг муайян тизимини ифодалайди. Кишилар ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида ахлоқ нормалари тизимини яратибгина қолмаган, балки уларни илмий асослашга, ривожлантиришга, ҳар бир фуқаронинг фаолиятига чуқурроқ сингдиришга ҳам ҳаракат қилиб келган. Бу эса одобшунослик фанининг назарий, амалий муаммолари шаклланишига олиб келган. Одобшунослик ғоялари инсоннинг моҳиятига оид бўлган диний, дунёвий эътиқодлар, мақсад ва эҳтиёжлар, амалий фаолият тизимига кириб, шу орқали жамият тараққиётининг маънавий омиллари тобора чуқурлашига назарий асос бўлган, тарбиявий ишларга замин яратган. Инсон тарбияси барча даврларда ҳам жамият тараққиётини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлган.

Одам боласи анча кенг ирсий имкониятларга эга жонзод сифатида дунёга келади. У маълум мақсад, манфаат ва эътиқодга асосланган тарбия жараёнида ақлан ва ахлоқан камол топади ва инсон даражасига кўтарилади. Ҳаётда баъзан беҳаё, беандиша, худбин, виждонсиз, иймонсиз, инсофсиз одамларни кўрсак, улар тарбия кўрмаган кишилар, деб ҳулоса қиламиз. Умуман инсон онадан ахлоқли, одобли бўлиб туғилмайди. Бундай фазилатлар унинг ҳаёти жараёнида, бошқалар билан бўлган муносабатлари асосида, тарбия натижасида шаклланади. Шу сабабли ҳам тарихий тараққиётнинг барча даврларида жамият

ҳаётида осойишталик, бирлик, бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик бўлишидан манфаатдор барча давлатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар, мутафаккирлар муайян ахлоқий қадриятлар асосида одамларни тарбиялашга катта эътибор берганлар. Барча замонларда ҳам ҳар бир инсоннинг ахлоқини шакллантириш ва ривожлантириш катта ижтимоий, зарурий муаммо сифатида кун тартибига қўйилган ва қўйилиб келмоқда. Жамият ривожлангани сари ахлоқ ва одоб тарбиясига эътибор ҳам ортиб бораверган. Тарбиянинг назарий ва амалий масалалари ҳам доим такомилланиб туради.

**Этика** атамаси қадимги юнонларнинг “ethos” сўзидан олинган бўлиб, «уй», «яшаш жойи» деган маъно билдиради. Гомер ҳам ўз асарларида этика тушунчасидан худди шу маънода фойдаланган. Кейинроқ бориб этика сўзи «йирик мавжудларнинг яшаш қоидалари» деган маънони англаган. Фалсафада эса бу сўз кишиларнинг турмуш тарзи, характери ни ифодалаш учун қўлланилган. Аристотель бу сўздан инсонга хос фазилатларнинг ижобий томонларини ифодалаш учун фойдаланган.

Мутафаккирларнинг фикрича, ахлоқ одамлар ўртасидаги муносабатларнинг бирлик, бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамдардлик сингари маънавий омиллар билан боғланган шаклидир. Шу сабабли ҳам ахлоқ ва одоб нормаларининг шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг асосий шартларидан бири бўлган. Жамият ҳаётидаги барча сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар заминиди ҳам муайян ахлоқий қадриятлар тизими ётади. Ахлоқий қадриятларга таянмаган жамият бўлмаганидек, жамиятдаги кенг қиррали муносабатлар билан боғлиқ равишда юзага келмаган ахлоқнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Қадимги Шарқ ва Ғарбдаги фалсафий, диний-орифий таълимотларда ахлоқ категориялари орқали инсоннинг моҳияти нима, у ўзига, бошқаларга бўлган муносабатида қандай маънавий мезонларга таянади, деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган. Мутафаккирлар айтганидек, ахлоқ шундай ойнаки, унда инсоннинг ташқи қиёфасигина эмас, балки ички дунёси ҳам очиқ-ойдин кўзга ташланиб туради. Кишиларнинг сиртдан кузатиш мумкин бўлган камтарлиги, муомалалилиги, андишаллиги, шарм-хаёллигида ички ахлоқий камолотнинг даражаси яққол кўзга ташланиб туради.

Демак, инсонга хос ахлоқий фазилатлар туғма, ирсий хусусиятлар эмас. Ҳар қандай ахлоқ ва одоб нормалари ижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия асосида шаклланади. Шу сабабли ҳам инсонда табиийликка нисбатан ижтимоийлик, тарбияланганликнинг таъсири кучлидир.

Одамларга хос бўлган ахлоқ нормалари, унинг мезонлари жамият таракқиети ва ҳаётий эҳтиёжлар таъсирида ўзгариб туради. Одам боласи онадан туғилганидан кейин инсон авлодини-нинг давоми бўлишини биламиз. Лекин у тўғри тарбияланмаса, улгайганидан кейин унда қандай ижтимоий-маънавий фазилатлар шаклланишини олдиндан айтиб бўлмайди. Болани, катта бўлганидан кейин, унинг фазилатларига қараб баъзан кўзичоққа, баъзан вахшийга, баъзан бўрига ўхшатадилар. Бу ўхшатишда асосан уларнинг хулқи, юриш-туриши, бошқаларга муносабати, тарбияланганлик даражаси эътиборга олинади. Ҳайвон ҳаракатини инстинкт, инсон фаолиятини ахлоқ бошқаради. Инсон табиий заруриятлар, эҳтиёжлар билан боғланган бўлса ҳам, у асосан жамият белгиланган мезонлар асосида яшайди. Унинг хатти-ҳаракатлари ҳам олдиндан белгиланган, лекин реал шароитлар билан боғлиқ равишда ўзгариб турадиган режалар асосида амалга ошади. Таълим-тарбия, ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши одамларнинг хатти-ҳаракатларини, улар ўртасидаги муносабатларни маънавийат билан боғланмаган табиий эҳтиёжлар ва имкониятлар чегарасидан тобора узоқлаштириб боради.

Ахлоқий камолот инсон ижтимоий такомиллашувининг таркибий қисмидир. *Ахлоқ инсоннинг ижтимоий, маънавий такомиллашуви жараёнидаги ўзига ва бошқаларга муносабатини белгилловчи маънавий, амалий фазилатлар ва ҳаракатлар тизимидир.*

Ахлоқий онг билан боғлиқ бўлган бундай муносабатлар ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ шакллана бошлаган. Бундай муносабатлар одам зотининг яшаш, овқат топиш, ўзини ҳимоя қилиш, хўжалик юритиш, насл қолдириш, болаларни тарбиялаш сингари табиий, ижтимоий эҳтиёжлари билан белгиланган. Жамият ривожлангани сари одамларнинг бир-бири билан ахлоқий муносабатда бўлиш эҳтиёжи ҳам ортиб, тобора катгароқ аҳамият касб этиб бораверган. Шу сабабли ҳам жамият одамларнинг миқдорий йиғиндиси эмас, балки мустаҳкам ижтимоий-маънавий бирлигидир. Маънавий камол топган инсон бу бирлик ва боғлиқликнинг аҳамиятини ҳам тобора кенгроқ ва чуқурроқ англай боради. Абу Райҳон Беруний инсонга хос бўлган маънавий эҳтиёж ҳақида шундай деган эди: «Эҳтиёжларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп, уни фақат кўпчилик бўлиб бирлашган кишиларгина бажо келтира олади. Шунинг учун инсон тўп-тўп бўлиб яшашга мухтождир».<sup>1</sup>

Бу эҳтиёж одамларни муайян ахлоқий қадриятларга, амалий тажриба ва заруриятларга таяниб, мунтазам тарбиялаб бориш

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат. Тошкент, «Фан», 1993, 13-бет.



назифасини ҳам келтириб чиқаради. Жамият ривожланган сари бу эҳтиёж ҳам кучая боради. И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек, «юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш - ҳар бир инсоннинг бурчидир».<sup>1</sup>

Ахлоқ асосида турли миллатларга, гуруҳларга, ирқларга, динларга мансуб бўлган кишиларнинг, умуман барча инсониятнинг фаолияти муштараклашади.

Ахлоқ нормалари бир халқдан бошқа халқларга, авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, такомиллашиб боради. Бу - чексиз жараёндир. Мукаммал ахлоқ ва комил инсон ҳақидаги тушунчалар ҳар бир даврнинг имкониятлари ва мезонлари асосида белгиланади. Комил инсонликнинг барча даврлари тўла мос келаверадиган умумий мезонлари бўлмайди.

Ахлоқ нормалари, ахлоқий етуклик мезонлари конкрет тарихий даврларнинг, шароитларнинг имконияти ва эҳтиёжи билан белгиланади. Ахлоқлилиқ, ахлоқсизлиқнинг мезонлари ҳар бир муайян даврдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларини конкрет шароитлардан, эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда таъқиқлаш ёки маъқуллашдир. Ахлоқий тақиқлар жамоатчилик фикри, қонулар, турли эътиқодлар асосида белгиланади. Ахлоқий етуклик даражасини ҳам бир шахс эмас, балки жамоатчилик белгилайди. Кишилар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий ёки найрахлоқий деб баҳолаш жамият аъзоларининг иймони, эътиқоди, дунёқараши, манфаати даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Одамларнинг давлат доирасидаги бирлигидан ахлоққа таянган бирлиги мустаҳкамроқ бўлади. Шарқ маданий ҳаётида ҳамма вақт ахлоқ ҳуқуққа нисбатан устувор бўлган. Шу сабабли ҳам ахлоқий етукликнинг давлат, жамият, миллат бирлигидаги ўрни ва аҳамияти доим ортиб бораверган. Бу эса одамларнинг ахлоқий бирлиги тобора барқарор ва мустаҳкам бўлишига олиб келган. Манфаатлар бирлиги, умумийлиги ҳам одамлар ўртасидаги муносабатлар ахлоқий кадриятларга қанчалик кўп таянишига, асосланишига боғлиқ.

Ахлоқ нормаларини муқаддас илоҳий ирода, кадрият сифатида талқин этиш ҳам уларга риоя қилиш масъулиятини оширишга қаратилгандир. Шу сабабли ҳам мусулмон халқлари маданиятида иродага таянган ахлоқ эмас, балки ахлоққа таянган ирода кучли бўлган. Ирода эркинлиги ҳар ким хоҳлаган ишни қилиши эмас, балки ҳар бир ишда муайян ахлоқ нормаларини ҳисобга олишдир. Ҳар ишни қилишда инсон ўзи учун келаётган фойдадан кўра бошқаларнинг бу ишга муносабатини яхши-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 187- бет.

роқ билишга интилиши лозим. Бу ҳам инсон фаолиятига асос бўлиш вазифасини ўтайдиган ахлоқий мезонлардан ҳисобланади. Жамият ривожланган сари ахлоқнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни, аҳамияти ҳам ортиб борган. Шу сабабли барча даврларда кишилар ахлоқий кадриятларга юксак баҳо бериб келганлар.

Ахлоқлилик даражаси кишиларнинг хатти-ҳаракатларидан, айтаётган ширин ёки қўпол сўзларидан ҳам сезилиб туради. Лекин ахлоқнинг ўзаги тилда эмас, балки дилдадир. Ахлоқ инсон қалби хазинасидаги энг катта бойлик ҳисобланади. Тилдаги чиройли сўзлар ҳамма вақт ҳам дилдаги яхши ният, гўзал мақсадларнинг ифодаси бўлавермайди. Одамлар тилда ахлоқийликка юксак баҳо берсалар ҳам, баъзан ўзлари амалда бундан чекинадилар. Одамларга юксак ахлоқлилик тўғрисида чиройли насиҳатлар қиладиган кишиларнинг ўзлари бунга баъзан риюя этмайдилар. Ахлоқ ҳақида чиройли гаплар айтишдан кўра, ҳаётда уларга амал қилиш фойдалироқдир.

Ахлоқ шахс билан жамият, жамоатчилик ўртасидаги муносабатларнинг маънавий асоси экан, унинг мезонларига шахсий манфаатлардангина келиб чиқиб ёндашиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир шахс ўзи учун маъқул бўлган ишни ахлоқли деб топаверса, у бошқа мезонларни унутди ва ахлоқсизликка юз тутди. Фақат ўз гапини маъқуллаш, ўз манфаатларини ўйлаш ҳам ахлоқсизликдир. Ўзбекларнинг «ахлоқ ўзини мақтайди», деган мақолида худди шу фикр ифодаланган.

Инсон кундалик фаолияти жараёнида ўз «мен»ини сояда қолдирмаса ҳам, ижтимоий манфаатлар билан боғланган муносабатларда маънавий масъулият доирасидан чиқиб кета олмайди. Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс ўзининг мақсадларига яқка ҳолда, бошқалардан ажралиб эриша олмайди. Инсон хоҳласа ҳам, хоҳламса ҳам ўз манфаатларига эришиш йўлида бошқалар билан муносабатда бўлади. Бу муносабатларда кўпинча кўзга очик ташланмайдиган муайян умумий уйғунлик бор. Шу ахлоқий уйғунлик, яъни маънавий бурч ва масъулият орқали одамлар бир-бирига боғланиб туради. Бу уйғунликда ҳар ким ўзига хос ўрнини эгаллайди. Агар ғалла ҳосили кўп бўлса, битта одамнинг эмас, балки барчанинг қорни тўяди. Бир одамнинг қорни тўйиб, бошқаники тўймаса, бу жамият учун катта фожиа бўлур эди. Бундан «Ўзимнинг қорним тўйди, шу менга етади», - деб юрган одам ҳам тўлик наф кўрмайди.

Одам авлоди турли ирқларга мансуб бўлиб, турли даврларда, бир-биридан фарқ қилувчи табиий, ижтимоий, сиёсий шароитларда яшайди, турли динларга эътиқод қилади, турли тилларда сўзлашади. Шунга қарамай, улар бир-бирига яқин ва туташ ахлоқий кадриятларга таянадилар. Яхпиликни ёмонликдан,

адолатни адолатсизликдан, мардликни номардликдан, ҳалолни ҳаромдан, инсофни инсофсизликдан, садоқатни сотқинликдан, дангасаликни меҳнатсеварликдан, ватанпарварликни ватангадоликдан, фидойийликни лоқайдликдан, ҳурматни ҳурматсизликдан, маърифатни разолатдан ва хурофатдан ажрата олмаган халқлар дунё тарихида бўлмаган. Шу сабабли ҳам ахлоқ барча одам зотини боғлаб, бирлаштириб турадиган умуминсоний қадриятдир. Лекин ахлоқий қадриятлар турли халқларнинг маданияти, турмуш тарзи, меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, эътиқоди, психологияси, диний қарашлари, миллий манфаатлари, мафқураси билан бевосита боғлиқ бўлади. Бу эса ахлоқий қадриятлар миллий, минтақавий қиёфа касб этишига сабаб бўлади. Шунинг учун турли халқларда ахлоқий қадриятларга, уларни белгилаш мезонларига ёндашиш, уларга амал қилиш даражаси ҳам айнан бир хил бўлмайди. Ахлоқнинг миллий жиҳатлари шу йўл билан шаклланади.

Ота-онани, қариндош-уруғларни ҳурмат қилиш барча халқларда ҳам ахлоқчилик белгиси деб қаралади. Лекин ота-онани, қариндош-уруғларни ҳурмат қилиш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш даражаси барча халқларда айнан бир хил эмас. Ахлоқ нормаларига ҳар бир халқ ўз тарихи, анъаналари, турмуш шариоитидан келиб чиқиб ёндашгани сабабли ҳам уларни ахлоқий етук ёки ахлоқий тубан гуруҳларга бўлиб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг ахлоқий қадриятлари ўзича гўзалдир. Миллий ахлоққа баҳо бериш учун аввало шу халқнинг қалбини, психологиясини, тарихини, анъаналарини чуқурроқ билмоқ ва ҳурмат қилмоқ керак. Яқин ўтмишимизда Ўзбекистонга марказдан келган шовинист раҳбарлар маҳаллий аҳоли уйига меҳмон келганида кўкракка қўл қўйиб кутиб олишини куллик, итоаткорлик белгиси деб баҳолаган эдилар. Миллат қалбини билмаган шовинистлар бу одат остида катта ахлоқ маданияти ётганини билмадилар. Ахлоқ масаласида миллий калондимоғликка берилиш шахс маънавияти чекланганлигининг белгисидир. Умуминсоний, миллий ахлоқий қадриятларнинг бирлиги ва боғлиқлиги жаҳон цивилизацияси тараққиётининг асосий шартларидан ҳисобланади.

Ахлоқий қадриятларга риоя қилишни ҳар бир шахс ўзидан бошлаши керак. Энг асосий нарса жамиятда бор ахлоқий қадриятларни билиш эмас, балки уларга амал қилишдир. Буни англамаган одам бошқалар риоя қилаётган ахлоқ нормалари билан ҳисоблашганини ўзи учун мажбурий деб билмайди. Бу бошқаларни алдаш эмас, балки ҳар бир киши ўзини-ўзи алдашидир. Ҳар бир шахснинг ўзи учунгина хос бўлган ахлоқ бўлмайди. Ахлоқ мезонларини фақат «мен» билан боғлашнинг ўзи ахлоқсизликдир. Ахлоқ, юқорида айтилганидек, одамлар

ўртасидаги муносабатларни белгиловчи маънавий мезондир. Шахс фаолиятига ахлоқий баҳони жамоатчилик беради. Ахлоқлилиқ - шахс фаолиятининг жамоатчилик белгилаган маънавий мезонларга мос келишидир.

Демак, етук инсон ҳар бир ишда ўзига кулоқ солишдан олдин ахлоқий қадриятларни билиши, жамоатчилик фикрига кулоқ солиши лозим. Жамоатчилик фикрини эса ҳар ким ўз виждони ва иймонига таяниб таҳлил этиши мумкин.

Ҳаётда ҳар биримизни ўзимиздан кўра бошқалар кўпроқ, чуқурроқ билади, фаолиятимизга, қилган ишларимиз, ниятларимиз, орзу-умидларимизга бошқаларнинг, бутун жамиятнинг манфаатини эътиборга олиб баҳо беради. Шу сабабли ҳам инсоннинг ахлоқий қиёфасига ким тўғри баҳо бера олади: унинг ўзими, яқинларими, ота-онасими, ёки жамоатчиликми деган савол ҳамма вақт ҳам кун тартибда турган ва туриб келмоқда.

Шахснинг қилган ишлари, хатти-ҳаракати ахлоқлилиқ мезонларига қанчалик мос келишига ўзи холис баҳо бериши қийин. Ҳаётда ҳар бир шахсга унинг манфаатлари устуворроқ бўлиб кўринади. Бу эса ахлоқий баҳога ҳам таъсир этади.

Ота-оналарга ҳам фарзандларининг барча қилмишлари ёқимли бўлиб кўринади. Улар болаларининг айрим хатолари, ҳатто тентакликларини ҳам «ёшлиқ», «пўхлик» деб оқлашга ҳаракат қиладилар. Қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик ҳам муайян манфаатлар асосида юзага келгани сабабли яқинлар, дўстлар ҳам яқин бирор кишининг фаолиятига баъзан тўғри баҳо бера олмайдилар.

Муайян шахс ахлоқига баҳо беришда фаолияти муҳокама қилинаётган кишиларга нисбатан холис бўлиш керак. Ахлоқий жиҳатдан бошқалардан устун бўлган кишигина бу ишда холис бўла олади. Холислиқ - бирор масалага, шахсий эҳтирослар, субъектив манфаатлардан холи бўлиб, объектив, чуқурроқ, тўлароқ баҳо бера олишдир. Шунинг учун ҳам ўзбеклар асрлар давомида кишиларнинг хатти-ҳаракатига баҳо беришда асосан оқсоқолларга, маҳалла жамоатчилигига мурожат қилганлар. Оқсоқоллар эса ахлоқнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари бирлигини кенгроқ тасаввур этадиган, бу борадаги худбинликни қоралай оладиган кишилардир.

Ҳар бир шахс ўзига ва бошқаларга виждон ва иймон билан баҳо бера олиши ҳам катта аҳамиятга эга. Виждон таҳлили инсон ўз-ўзини англашининг асосий йўлидир. Агар инсонда ўз ишларини виждонан таҳлил этиш қобилияти бўлмаса, жамоатчилик таъсирининг кучи ҳам унча бўлмайди.

Баъзи одамлар бошқаларнинг хулосаларини, ҳукмларини, насиҳатларини тинглайди-ю, лекин ўзи билганича иш қилаверади. Айрим одамлар ўз хатоларини виждонан таҳлил этиб, ҳолисона баҳолашга етарли куч, ирода топа олмайдилар. Ҳаётда одамлар ўз нуқсонларидан кўра бошқаларнинг хато ва камчи-ликларини кўпроқ ва тезроқ кўрадилар. Бундай одамлар ўз фаолиятига тўғри баҳо бера олмгани сабабли ҳар доим, «Мен тўғри йўлдан бормоқдаман, бошқалар эса адашмоқда», деб ўйлашади. Бундай хулоса ақлий салоҳиятнинг чекланганлигини, иймон ва виждон сустлигини билдиради. Инсон ўз нуқсонларини бошқаларнинг кўзи билан ҳам кўришга интилиши «мен»ни унутиш эмас, балки ахлоқий камолотнинг тўғри йўлини танишидир. Ўзгаларнинг фикрига қулоқ солмаслик ҳам инсон кеккайиб, ўзига бино қўйишининг белгисидир, яъни - ахлоқсизликдир. Адолатсизлик ҳам ахлоқсизликдир. Адолатсиз воситалар билан қўлга киритилиши режалаштирилган мақсад ҳам адолатли мақсад эмас.

Барча ахлоқий хатти-ҳаракатлар таҳлилига маънавий асос бўлган иймон, виждон эса инсон ҳаётининг ички руҳий қонунидир. Ахлоқ муаммолари таҳлилида инсон кўпроқ шу ички қонунга таяниб иш кўради. Инсон ўз хатти-ҳаракати, юриш-туриши, манфаат ва мақсадларига бошқаларнинг муносабатини билиши ҳам виждон таҳлили доирасига киради. Шу йўл билан инсон ўзининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини тўлароқ ва чуқурроқ билади. Агар одамлар бизга қандай муносабатда бўлишини истасак, ўзимиз ҳам уларга шундай муносабатда бўлишимиз керак. Бундай руҳий таҳлил, шахс ўзлигини унутиши эмас, балки моҳиятига холисроқ, чуқурроқ ёндаша билишидир. Умуман ахлоқлилик ёки ахлоқсизликни кўз билан кўриш етарли эмас, балки уни дил билан кузатиш ва баҳолаш зарур.

Доволар айтганидек, ахлоқ инсон қалбидан чиққан нурдир. Бу нур баъзиларда ўта кучли, баъзиларда хира бўлади. Баъзиларда эса бу нур умуман сезилмайди. Ахлоқ нури бўлмаслиги инсонийлик фазилатларидан узокликнинг белгисидир. Ахлоқий етуклик инсон ҳаётда бахтга эриша олишининг асосий шартларидан. Бахт - инсоннинг юриш-туриши, турмуш шароитлари, жамиятдаги ўрнига берилган ахлоқий баҳодир.

Демак, бахтнинг мазмуни инсоннинг шахсий ҳаёти доираси билангина белгиланмайди. Фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаган, бошқалар билан иймон, инсоф, адолат асосида муносабатда бўла олмайдиган одамни бахтли деб бўлмайди. Бахт одамлар ўртасидаги муносабатлар асосида белгиланади. Кимки жамиятда, одамлар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, ахлоқ-одоби, бошқалар билан одилона, ҳалол муносабати асосида обрў, эътибор

орттирса - ўша бахтли одамдир. Бахт ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётига бевосита дахлдор бўлса ҳам, унинг мезонларини жамият, жамоатчилик белгилайди. Инсон ўзининг қай даражада бахтли эканини аниқламоқчи бўлганида ўзининг мол-дунёси, оилавий ҳаётигагина эмас, балки бошқаларнинг унга бўлган муносабатига ҳам таянмоғи керак. Катта мансабга, бехисоб мол-дунёга эга бўлса ҳам, жамоатчилик эътиборидан қолган худбин одам - бахтсиздир. Хушхулк, меҳнатсевар, ахлоқли ва одобли, ўзига раво кўрганини бошқаларга ҳам раво кўрадиган, илм-маърифатли бўлиб, ғофилларнинг ишини қилмайдиган, одамларга, қариндош-уруғларига яхшилик қилишга интиладиган, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатадиган, мухтожларга ёрдам бериб, беморларни бориб кўрадиган, бир-бирларини кўрганда саломлашиб юрадиган, гина ва адоват сақламайдиган, тилини тийиб юриб, жаҳли чиққанида ўзини босиб тура оладиган, яшашдан мақсад фақат мол-дунё ортиришдир деб ўйламайдиган, бемаъни гапларни гапирмайдиган, аёлини, фарзандларини ҳурмат қиладиган, ҳалол меҳнатдан кейин чарчаб дам оладиган, мол-мулкнинг бориға шукур қиладиган одамлар бахтли бўлади. Бахт - бу ўтар дунёда иймон-инсофга, умуминсоний қадриятларга таяниб яшашдир.

Ҳадисларда шундай ҳикматли фикрлар бор: қайси бир одам ҳалол касб билан мол-дунё топиб, ундан ўзининг ва тангрининг бошқа бандаларини озик-овқат ва кийим-кечаги учун сарф қилса, шуларнинг ҳаммаси унга садақа ҳукмида ёзилади.<sup>1</sup>

Умуминсоний қадрият сифатида бахт доим шундай талқин этиб келинган.

1996 йилда америкалик профессорлар Дэвид Майер ва Эд Диннер бахтнинг қуйидаги тўрт шартини кўрсатишди:

1. Инсон ўзини ҳурмат қилишидир. Бундай одамлар ўзини маърифатли, одобли деб биладилар ва бошқаларнинг руҳини кўтариб, кайфиятини яхшилашга ҳаракат қиладилар.

2. Келажакка умид ва ишонч билан қараш. Бахт муваффақиятга эришиш ишончи мустаҳкам бўлган одамларнинг қўлига келиб қўнади.

3. Бахтли одамларнинг одатда, иродаси кучли бўлади. Улар бошқалар билан мулоқотга, кўпроқ дўстлар орттиришга ҳаракат қиладилар.

4. Бахтли одамлар ўз фаолиятини онгли бошқариб туриш имконига эга бўлади, улар ҳиссиётларга берилиб, мураккаб вазиятда ўзини йўқотиб қўймайди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Маънавий камолот омиллари. Тошкент, «Университет» нашриёти, 1995, 24- бет.

<sup>2</sup> «Труд» газетаси, 1997 йилнинг 5- 11- декабри, 23- бет.

Юқоридаги фикрлардан ҳақиқий бахт одам билан одам ўртасидаги муносабатлар асосида белгиланиши аён бўлади. Албатта, бахтнинг маъносини фақат шу тўрт омил билангина чеклаб бўлмайди.

Оиласи тотув, фарзандлари ахлокли, одобли, эътиқоди мустаҳкам одамлар ҳам ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Лекин инсон ўзининг оилавий бахтига, фарзандларининг юриш-туришига, эътиқоди қай даражада мустаҳкамлигига бошқаларнинг нуқтаи назаридан ҳам қарай билиши шарт. Бу ҳам инсоннинг ахлоқий камолоти даражасига боғлиқдир.

Жамиятда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган маросимлар, анъаналар, урф-одатлар ҳам шахс билан жамоатчилик ўртасида бўладиган ахлоқий муносабатларнинг кўриниши ҳисобланади. Шуларга риоя қилиш асосида индивидуал «мен» билан коллектив «биз» ўртасидаги муносабатлар уйғунлашади.

Шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар ривожини фақат муштарақлашишдангина иборат эмас. Бу муносабатларда зиддиятлар ҳам бўлади. Бу зиддиятларнинг асоси шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни англаш ва шакллантиришдаги номутаносибликдир. Шахс - бу алоҳида одам. Жамият эса ана шундай алоҳида одамларнинг муайян мақсадлар асосида шаклланиб, бирлигидир. Зиддиятлар жамият шахсиди, шахс жамиятнинг англамаслиги натижасида содир бўлади. Шахсий худбинлик ёки, аксинча, шахс манфаатларини бутунлай сояда қолдириш натижасида юзага келадиган зиддиятлар катта ижтимоий фожаларга ҳам олиб келиши мумкин.

Ижтимоий ахлоқий бурч ва масъулият баъзан инсоннинг шахсий манфаатларига зид келиб қолади. Инсон баъзан ижтимоий ахлоқий бурч ва масъулиятнинг бир қисми бўлган анъаналар, урф-одатларни ҳам четлаб ўтишга интилади. Ижтимоий муаммолар доирасида муайян анъаналарни четлаб ўтишга интилиш ҳиссиёт ва эҳтирослар таъсирида бўлган ёшларда кўпроқ учрайди. Улар баъзан муайян ижтимоий, ахлоқий муҳитга мослашишдан кўра, уни ўзига мослаштиришга мойил бўладилар. Севги, муҳаббат бобида ҳам баъзан ота-она, жамоатчилик фикрини эътиборга олмай ўз ниятига етишга интилиш ҳоллари бўлади, ҳиссиётлар баъзан кишини тўғри йўлдан оздириб юборди. Баъзи одамлар жамоатчилик фикри билан шахсий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш йўллари топа олмаганида ўз жонига қасд қилишга қадар етиб боради.

Ахлоқий камолот мактаби - ҳаётнинг ўзидир. Инсон маънавий камол топиб боргани сари ижтимоий ахлоқий масъулиятнинг моҳияти ва аҳамиятини тобора кўпроқ англай боради. Ҳаётда кўпроқ оғир-енглини кўриб чиниққан кексалар ёшларга

нисбатан жамият олдидаги ахлоқий бурч ва масъулиятга содикроқ бўлади.

Ахлоқ ҳар бир шахс ўзини бошқалар олдида бурчли ва масъулиятли деб ҳис қилишининг натижасидир. Шунга асосланиб ахлоқий камолот инсон ўз ҳаёти, фаолияти жараёнида асрлар давомида шаклланиб келган маънавий кадриятларни англаши, уларга таяниши ва ривожлантиришидир деб хулоса қилиш мумкин. Асосий масала ҳар бир халқ қандай ахлоқий меросга эга эканлигидагина эмас, балки янги авлодлар уларга қай даражада амал қилаётгани ва ривожлантираётганидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир шахс жамиятда мавжуд бўлган юриш-туриш, ҳулқ-одоб, муомала ва муносабат қоидаларига риоя қилиши ахлоқчиликнинг белгиси ҳисобланиб келган. Бу борадаги анъана ва кадриятлардан чекиниш ёки уларни эътиборга олмастик эса ахлоқсизлик деб баҳоланган. Ахлоқсизлик - «мен» билан «биз» ўртасидаги мутаносиблик бузилиши, зиддият пайдо бўлишидир.

Инсон доимо ўзини, борлиқни чуқурроқ англаб, маънавий камолот йўлидан бораётганлиги сабабли бу зиддият бутунлай йўқолиб кетмайди. Инсонни олдинги авлодлар яратган ахлоқий кадриятларга мослаштириш ҳам бу зиддиятларни ҳал этишнинг асосий ва ягона йўли эмас. Агар ахлоқий камолот йўли ўтмиш меросини чуқур эгаллашдангина иборат деб қаралса, у қалтда жамиятнинг маънавий камолот имкониятлари чекланиб қолади. Инсон камолотининг асосий йўли маънавиятни ўтмишдагига нисбатан юксакроқ босқичларга кўтара билишидир. Бу йўлда ўтмиш мероси таянч нуқтаси вазифасини ўтайди. Жамият тараққиёти ахлоқий камолотнинг янги вазифаларини кун тартибига кўяди. Бу эса ўз навбатида янги муаммоларни, бинобарин янги зиддиятларни келтириб чиқаради. Натижада ахлоқ, одоб нормалари, уларни баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб туради. Бу мураккаб йўлда маънавий бухрон қанчалик чуқурлашса, ундан чиқишга интилиш ҳам ортиб боради. Совет тузуми даврида миллий маданиятлар борасида бухрон кучайди. Бу эса, ўз навбатида, бундай инкирозга хотима беришга қаратилган ҳаракатларни кучайтирди. Шу сабабли жамият тарихида бўлиб турадиган маънавий бухронларни мутлақлаштириш асло мумкин эмас. Маънавий юксалиш, бу борадаги бухронларга барҳам бериш инсон камолотининг янги йўллари ва имкониятларини излаш орқали амалга ошади.

Бу ўринда ҳар бир шахснинг маънавий камолотига эътибор беришнинг аҳамияти катта. Очиғини айтганда, жамиятнинг ахлоқий камолоти учун курашиш - ҳар бир шахс учун курашишидир.



Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, ахлоккий тубанлашган шахс бошқаларга ҳам салбий таъсир этади. Зир одам нопок йўллар билан катта бойлик орттирса, мансабга ўтирса, уни қораловчилар билан бирга, унга эргашувчилар ҳам сўп бўлади. Ахлоқсизлик билан бойлик орттираётган кишилар жамият олдигаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етмаган айрим ёшларга кўпроқ таъсир этади. Улар ҳам нопок йўллар билан бойлик орттиришни ўзларининг ҳаётий максадлари сифатида танлаб оладилар. Бундай таъсир жамият гаракқийетидаги мураккаб, зиддиятли ўтиш даврларида айниқса кўпроқ кўзга ташланади. Бундай даврларда ёшлар ўз «мен»и билан боғлиқ бўлган манфаатларга, максадларга кўпроқ эътибор берадилар. Бу ҳам шахс билан жамият ўртасидаги ахлоқий муносабатларга раҳна тушаётганининг бир белгисидир. Бундай вақтда шахс кўпроқ бошқалар ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлиши кераклиги тўғрисида ўйлайди. Лекин ўзи бошқаларга нисбатан қандай муносабатда бўлаётганини унутиб кўяди. Нафс деган бало инсонни ўз гирдобига тортиб олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ахлоққилик бошқаларнинг фаолиятигагина эмас, балки ўз фаолиятига ҳам тўғри, холис баҳо бера билишлиқдир. Агар одамда бошқаларга нисбатан нафрат туйғуси кучайса, бу туйғуни у ўзига нисбатан ҳам кўллаши керак. Хадисларда айтилганидек, ким ҳамма одамлар бузилиб кетди деб айтаберса, ўша одамнинг ўзи бузилгандир.<sup>1</sup> Ўзига нисбатан холис баҳо бера олмаган инсон бошқаларга баҳо беришда ҳам холис бўла олмайди.

Ҳаётда ахлоқ манфаатга эмас, балки манфаат ахлоққа бўйсунishi лозим. Агар манфаат ахлоқдан устун деб қаралса, кишилар барчага аён бўлган оддий ҳақиқатни ҳам инкор этиш йўлига ўтиб оладилар. Одамзод орасида шундайлар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Тарбиявий ишларнинг долзарблиги ҳам шундай сабаблар билан белгиланади. Инсоният тарихининг барча даврларида барча одамлар қомиллик даражасига етишди, энди тарбиявий ишларга ҳожат қолмади, деган давр бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Жамият тараққийети давом этар экан, у маънавий, ахлоқий камолот ва таълим-тарбиянинг янги қирраларини келтириб чиқара беради. Ахлоқни такомиллаштиришга эҳтиёж сезмаслик - таназзулик белгисидир.

Маънавий инқироз кишиларнинг амалий фаолиятида ҳам кўзга ташланади. Лекин бу инқирознинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий сабабларини ҳам унутиб бўлмайди. Одамларнинг ах-

<sup>1</sup> Қаранг: Маънавий камолот омишлари, 21- бет.

лоқи, юриш-туришида кўпайиб борадиган салбий ҳолатлар жамиятдаги муҳитнинг ҳам ифодасидир. Олдин одам бузилади, кейин жамият бузилади деймиз. Лекин жамият ҳаётидаги инкирозлар ҳам кишиларнинг маънавий ҳаётига бевосита таъсир этади. Жамият ҳаётидаги маънавий ўпирилишларнинг сабабини айрим шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг йўл қўйган хатоларидангина эмас, балки мавжуд ижтимоий, сиёсий тузумларнинг моҳиятидан ҳам изламоқ керак. Жамият ва шахс ҳаётидаги маънавий ўпирилишлар бир-бирини тақазо этувчи жараёнлардир.

Ахлоқ борасида тубанлашиш осон, лекин юксалиш қийин. Ахлоқий бухронга қарши курашишдан кўра унинг олдини олиш осон. Қайта оёққа туриш қийинлигини англаган киши йиқилмасликка ҳаракат қилади.

Ҳар қандай шароитда шахснинг ишлаш ва фикрлаш имкониятларини сунъий, сиёсий йўллар билан чекламаслик керак. Бундай шароитда авторитар ғояларга устуворлик бериш инсон эркинлигини, иродасини бузади, унинг ўз кучига, ақл-идрокига ишончини заифлаштиради. Инсон ҳар ишда ирода эркинлигига эга бўлмаса, ҳаётда оқилона, мустақил йўл излашга ҳам қодир бўлмай қолади, унинг эътиқоди ҳам заифлашади, бирор ишни қилишда иккиланиш, ишончсизлик кайфиятлари кучаяди. Агар инсон зўравонлик, таъйиқ таъсирида бўлса, ўз эътиқоди, ҳаётий мақсадларини ҳам очиқ ифода эта олмай қолади. Таъйиқ ва таъқиб йўли билан кишиларни ахлоқий камолот йўлидан олиб бориш мумкин эмас. Бурч ва масъулиятни англаш виждон эркинлиги билан боғлангандагина ахлоқий камолотга асос бўлади. Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятнинг мустаҳкамланиши, демократия ва инсон ҳуқуқларини химоя қилишга катта эътибор берилиши инсоният ва жамият олдидаги ахлоқий масъулиятнинг янги қирраларини келтириб чиқармоқда. Булар бир миллат манфаатлари билан чекланиб қолмайдиган умуминсоний ахлоқий қадриятлардир.

Бутун инсониятнинг манфаатларини ўйлаш, жаҳонда тинчлик, тотувлик, барқарорликни мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида алоқаларни тобора яхшилаб бориш, кўплаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларни тадрижий ҳал этиш йўлларини излаш, экологик фожеаларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш ҳам умуминсоний ахлоқий қадриятлар тизимига қиради.

Маълумки, жаҳон таракқиётини манфаатлар ўртасидаги муносабатлар бошқаради. Бу манфаатлар турли мамлакатларда яшовчи халқлар, синфлар, табақаларда турлича бўлади. Бу турли-туманлик барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий зиддиятларнинг асосида ётади. Бу зиддиятларни бартараф этишнинг энг

оқилона йўли ҳам ахлоқий муштараклик омиллари мустақамлашдир. Бу ишда сиёсий тадбирлар, йўллар, воситалардан ҳам фойдаланилади. Лекин барча сиёсий йўл ва тадбирлар ахлоқий омилларга таянгандагина старли самара беради. Ахлоқий заминга таянмаган сиёсий тадбирларнинг самараси вақтинчалиқдир. Шу сабабли ҳам амалий ишларда миллий, умуминсоний манфаатлар ва ахлоқий кадриятларга таяниш барча учун ниҳоятда зарур. Ижтимоий ҳаёт муаммоларига ёндашиш ва уларни баҳолашда ахлоқ - мўътадил маънавий мезондир.

Фанни инсон яратган, ривожлангирган, унинг ютуқларидан амалиётда кенг фойдаланган ва фойдаланиб келмоқда. Фан тараққиёти асосида ҳам айрим шахслар, гуруҳларнинг эмас, балки бутун инсониятнинг муштарак манфаатлари ётади. Фан олдидаги вазифалар айрим шахслар, гуруҳлар манфаати доирасидан чиқиб, умуминсоний мақсадлар билан боғланиши ҳам ахлоқий кадриятларга таяниш орқали амалга ошади. Агар ахлоқий мезонлар унутилса, фан айрим кишилар, гуруҳлар қўлида қурол бўлиб қолиб, бутун инсониятнинг манфаатига зид йўлдан бориши мумкин. Фан ютуқларидан мамлакатлар, халқлар, турли синфларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, умумий қирғин қуролларини яратиш йўлида фойдаланиш ҳам ахлоқий кадриятлар чегарасидан чиқишдир. А.Сахаров сингари юксак ахлоқ соҳиби бўлган кишилар умумий қирғин қуролларини яратишга норозилик билдиргани - ахлоқий жасоратдир.

Ҳозир англиялик олимлар организмлардаги наслий информацияни ўрганиш борасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бир организмга хос бўлган наслий сифат ва хусусиятларни бошқа организмларга ўтказиш йўли билан бир турга хос шаклларни кўпайтириш мумкинлиги исботланди. Бундай тадбир кенг қўлланилса, турли жинсларга мансуб зотлар ўртасидаги алоқаларга, оила қуриш, фарзанд тарбиялашга ҳожат қолмайди. Бу масалада, биринчи навбатда, ахлоқий муаммолар кўндаланг бўлиб кун тартибда турмоқда. Булар жамиятнинг асосий таркибий қисми бўлмиш оиланинг, оиладаги тарбиянинг, шу асосда ижтимоий муносабатларнинг ўрни ва аҳамиятини камситиши мумкин. Шу сабабли жаҳон жамоатчилиги Ян Вильмат олиб борган ва бораётган илмий тадқиқотларни жаҳоншумул буюк кашфиёт деб баҳоласа ҳам, унга ахлоқий кадриятлар нуқтаси назаридан кенгроқ, чуқурроқ, масъулият билан баҳо беришга ҳаракат қилмоқда. Баъзи давлатларнинг раҳбарлари бу кашфиётларнинг натижаларини инсонга нисбатан қўллашга очикдан-очик норозилик билдирмоқдалар. Бу ҳам фан ютуқларига нисбатан инсон, инсоният тақдирини эътиборга олиб ахлоқий муносабатда бўлишининг ёрқин кўринишидир.

Ҳозир жаҳондаги демографик жараёнларда ҳам жиддий муаммолар юзага келмоқда. Бу масалада биз бир авлоднинг тақдирини эмас, балки бутун инсониятнинг келажагини чуқур ўйлаб фикр юритишимиз лозим. Эртага сайёраимизда сиёсий, ижтимоий муносабатлар, иқтисодий вазият қандай бўлиши ҳақида келажак авлодлар эмас, балки ҳозирги авлод вакиллари ахлоқий масъулиятга таяниб ўйлаши керак. Келажак авлод бошқа сайёрадан келиб, Ерда ўрнашиб олмайди. Улар - бизнинг авлод: набираларимиз, чевараларимиз, эвараларимиздир. Уларнинг тақдири ҳақида ҳозирданок чуқур ўйлаш, ҳатто қай-қуриш ҳам бизнинг ахлоқий масъулиятларимиз доирасига киради.

Бир ўйлаб кўрайлик. 1995 йилда жаҳонда 5 миллиард 702 миллион аҳоли яшаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти берган маълумотларга қараганда, 2025 йилга бориб жаҳон аҳолисининг сони 8 миллиард 312 миллион кишига етади. Шу давр ичида Осиё аҳолиси 3 миллиард 451 миллиондан 5 миллиардга, Африка аҳолиси 720 миллиондан 1 миллиард 510 миллионга етади. Ҳозир Осиё ва Африка мамлакатларида жуда катта иқтисодий, сиёсий қийинчиликлар бўлаётгани, турли қасаликлар кўпайиб, одамларнинг ўртача умри қисқариб бораётгани маълум. Миллионлаб кишилар очарчиликдан ўлмоқда. Юз миллионлаб кишилар қорнини тўйдириб овқат ейиш имконига эга эмас. Унумдор ерлар аллақачон ўзлаштирилиб бўлган. Ичимли сув етишмаслиги ҳозирнинг ўзидаёқ катта муаммо бўлиб турмоқда. Демографик жараёнлар натижасида миллий, диний зиддиятлар, жиноятчилик ҳам кучайиб бормоқда. Агар 1995-2025 йиллар давомида шу икки қитъада аҳолининг сони икки марта кўпайиб кетса, сайёраимиздаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий вазият қандай бўлиши мумкин? Бу масала ҳақида ҳозирданок чуқурроқ ўйлаш ҳаммамизнинг ахлоқий бурчимиздир.

Шу давр ичида Марказий Осиёдаги беш мустақил давлатларнинг аҳолиси ҳам 52 миллиондан 91 миллион кишига етади. Бу жараён кўплаб иқтисодий, ижтимоий муаммоларни кун тартибига қўйиши турган гап. Ҳозирги кунда жамият тараққиёти тақдирини аҳолининг сони эмас, балки сифати ҳал этади. Биз аҳоли сонининг ўсиши ҳақидагина эмас, балки бу дунёга фақат бир марта келадиган инсон ёруғ оламда бахтли, фаровон, тўқ, тинч, осойишта вазиятда яшаш ҳақида ўйламоғимиз лозим.

Баъзилар ҳозирги демографик дараённи янги урушлар бошлаб, умумий қирғин қуролларини қўллаб ёки аҳоли туғилишини қонун йўли билан чеклаб бошқарса бўлади деб ўйлайди. Бундай йўлни танлаш ахлоқсизлик бўлур эди. Гап инсон ҳақ-ҳуқуқларини ерга урмайдиган оқилона йўлни топиш устида бормоғи лозим. Ҳозирги вазифа - аҳоли ўртасида маърифий

тадбирларни кучайтириб, ҳар бир фуқарода оилавий турмуш ва фарзанд тарбиялашнинг масъулияти ҳақида муайян билимларни шакллантирмоқдир. Фарзандларнинг тақдирини, келажагини ўйламай ҳадеб туғавериш ҳам ҳозирги давр тақазо этган ахлоқий кадриятлар ва ҳуқуқий масъулият мезонлари талабларига мос келмайди. XXI аср - маънавият, фан, техника, технология жуда тез суръатлар билан юксаладиган даврдир. Бундай шароитда дунёга келган ҳар бир инсон кўп ўқиши, билим олиши, муайян мураккаб касбларни эгаллаши зарур. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир болага давр талаблари ва эҳтиёжларига мос келадиган билимлар бериш осон иш эмас. Болаларни дунёга келтириб, уларнинг тақдирига бефарқ қараш ҳам ўтакетган даражадаги ахлоқсизликдир.

Фан ютуқларига баҳо беришда ахлоқий кадриятларга таяниш зарурлигини яна бир мисол билан кўрсатиш мумкин. Сўнги йилларда жаҳонда химия технологияси тез ривожланди, янги ўғитлар, кимёвий моддалар топилди. Даставвал одамлар бу кашфиётларга махлиё бўлиб, уларга ахлоқий баҳо бера олмадилар. Натияжада сувлар заҳарланди, янги касалликлар пайдо бўлди, ернинг табиий ҳосилдорлик имконияти чекланиб қолди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ёмонлашди. Бу ҳам фан кашфиётларига ёндашишда ахлоққа зид иш тутиш натижасидир.

Бу фикрлар фалсафа фанига ҳам таълуқли эканини эътиборга олиш зарур. Ҳозирга қадар фалсафанинг вазифаси инсон моҳияти, фаолиятини ўрганиш, фан ва амалиёт ютуқларини умумлаштириб, методологик хулосалар чиқариш, кишиларнинг дунёқарабини шакллантиришдир, деб таърифлаб келинган. Бу ўринда икки масалани эътиборга олиш лозим. Биринчидан, инсон билимларини, амалий тажриба яқунларини умумлаштиришнинг ҳар қандай шакли ҳам фалсафий хулоса бўла олмайдди. Фан, техника, ижтимоий, маънавий, сиёсий, иқтисодий ҳаёт тажрибаси ахлоқий кадриятларга таяниб умумлаштирилгандагина катта аҳамият касб этади. Акс ҳолда бу борадаги ютуқлардан келиб чиқиб, инсон манфаатларига хилоф бўлган умумлашмалар қилиш ҳам мумкин. Донолик, адолатлиликнинг тимсоли бўлган фалсафий хулосалар ҳеч вақт ахлоқий кадриятлар мезонларига хилоф келиши мумкин эмас. Дунёқараш ҳам ўз даври учун мос бўлган ахлоқий кадриятлар талабларига тескари бўлмайди. Хуллас, ахлоқ ва билим камолоти бир-бири билан боғлиқ ва муштаракдир. Етук ахлоқ бўлмаган жойда фан ривожланиши хатарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарих сабоқлари кўп марта исботлади.

Бу ўринда ақл билан ахлоқ тушунчаси ўртасидаги фарқ ҳақида ҳам тўхтаб ўтмоқ керак. Инсон ўз фаолиятининг барчасини одатда ақл билан, ўйлаб амалга оширади. Инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча ишлар ҳам, инсонпарварлик ғоялари, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат ҳам, инсониятга қарши қаратилган энг ёвуз ниятлар ҳам ақл билан ўйлаб ҳал этилади. Кишиларнинг фикрлари, режалари баъзан бири-бирига бутунлай қарама-қарши бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси ақлий фаолиятнинг якунидир, олдиндан ўйланиб қилинаётган ишлардир. Лекин ақлий тафаккур якунларининг барчасини ахлоққа мос деб бўлмайди. Демак, инсон хулосалари, режаларининг моҳиятини белгилашида ахлоқий мезонларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Илм ақлий хулоса бўлгани учун эмас, балки ахлоқий мезонларга мос келгани учун ҳам аҳамият касб этади. Бу масалада ҳам ахлоқий мезонларнинг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Билимлар ахлоқий мезонларга хилоф келса, ҳеч вақт кадрият даражасига кўтарила олмайди.

Ахлоқий етукликнинг энг юксак белгиси адолатлиликдир. Буюк Сукрот айтганидек, дунёда ҳеч нарсани, фарзандни ҳам, ҳаётни ҳам, бошқа манфаатларни ҳам адолатдан устун қўйиб бўлмайди. Демак, ахлоқ барча нарса ва ҳодисаларга тўғри муносабатда бўлишнинг, яъни адолатнинг бош мезонидир.

Инсон дунёда маънавий камол топиб, комил ахлоқ соҳиби бўлиб ҳаёт кечиришга интилиши лозим. Биз одамларни дунёда яшагани ва яшаётгани учун эмас, балки ахлоқий етуклик даражасига кўтарила олгани учун кадрлаймиз. Барча одамлар ҳақида эмас, балки яхши одамлар ҳақидагина яхши гаплар айтилади. Бу дунёдан доно ҳам, нодон ҳам, одил ҳам, золим ҳам, ҳалол ҳам, ҳаром ҳам, тўғри ҳам, ўғри ҳам, тўғри сўз ҳам, мутгаҳам ҳам ўтади. Инсонга яхши ахлоқ, одоб шон-шухрат келтиради. Шу сабабли ҳам ўтганларнинг барчасига бир хил баҳо бермаймиз. Яхши ахлоқ кишиларни яхши, хайрли ишларга ундайди, улар адолат ва ҳақиқат мезонларига таяниб жамиятга, жамоатга ҳалол хизмат қиладилар, ҳар ишда иймонли, инсофли бўладилар. Саховатли ишлар билан қолдирилган яхши ном - инсон учун иккинчи умрдир.

Халқимиз: «Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади», - деб бекорга айтган эмас. Баъзи одамларни эслаб одамда шундай ажойиб инсонлар яшаганидан фахрланамиз, уларнинг ҳаётидан ибрат олишга интиламиз. Баъзиларни эслаб, одамлар орасидан шундай золимлар, қонхўрлар, адолатсизлар, мутгаҳамлар, нодонлар, жоҳиллар, маиший бузуқлар, ифвогарлар, ватанфуруш сотқинлар ҳам чиққанидан афсусланамиз. Уларнинг номини нафрат ва жирканч билан тилга оламиз. Булар - одамларнинг

ахлоқига қараб берилган баҳолардир. Инсоният тарихи доим шундай бўлган, бундан буён ҳам шундай давом этади. Муттаҳамлар, золимлар, жоҳиллар, инсофсиз, иймонсиз, виждонсиз кишилар, жиноятчилар, ахлоқий тубанлашган шахслар доим бўлади. Инсон зоти бундайлардан бутунлай халос бўла олмайди. Лекин инсон зоти маънавий камол топа бориб, бундайларнинг сони камайиб бориши мумкин. Умуман ҳаётда ахлоқсизликни бутунлай йўқотиш учун эмас, балки камайтириш учун ҳаракат қилмоқ керак. Бу дунёни жаннатга айлантириб бўлмайди. Лекин ахлоқсизлар кўпайиб, бу дунё дўзахга айланиб кетишини олдини олиш муҳимдир.

Ахлоқ ва одобни баҳолаш мезонлари ўзгариб туриши инсон тарбияси ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлиб қолишини белгилайди. Ахлоқ масаласида ҳамма даврлар учун, ҳамма учун битта ҳакам бўлмаган ва бўлмайди. Ҳар бир шахс ўз аклий салоҳияти, эътиқоди доирасида туриб фикрлайди, иш қилади, тadbирлар белгилайди. Бир эътиқодга таянган, муайян муҳит ва шароитда тарбияланган одам бошқача эътиқодга таянган, ўзга шароитларда шаклланган ахлоқ, одоб, ҳулқ тизимига узил-кескин, тўғри баҳо бера олмайди. Бундай қилишга интилишнинг ўзи ҳам ахлоқсизлик бўлур эди. Совет тузуми давридаги маънавий инқирознинг сабабларидан бири ҳам шу бўлган. Россиядан келган, бошқача эътиқодга эга бўлган, бошқача муҳитда тарбияланган кишилар ўзбек халқининг маданияти, ахлоқ-одоби, турмуш тарзи, урф-одатларини белгиловчи, уларга баҳо берувчи асосий ҳакам бўлиб қолдилар. Шу сабабли ҳам ўнлаб ўиллар давомида миллий маънавий қадриятларимиз оёқости қилинди. Ахлоқий тубанликнинг белгиси бўлган бу ҳаракатлар тескари натижалар берди, мустамлакачилик асоратига тушган халқларнинг миллий онгининг ўсишига, миллий қадриятларининг тиклаш учун ҳаракати кучайишига таъсир кўрсатди.

Уюшган жиноятчилик ҳам жамият ҳаётида юз бераётган ахлоқий тубанлашнинг бир кўринишидир.

Инсонни jisмоний ва маънавий мажруҳ этадиган наркотик моддалар Осий ва Жанубий Америкадан тонналаб жажоннинг турли бурчакларига юборилмоқда. Бу ҳам ахлоқий тубанлашнинг кучайишининг асосий сабабларидандир.

Инсон, инсоният барча тирик мавжудотлар олдида ҳам ахлоқий масъулиятдадир. Буюк сўфий Баҳовуддин Нақшбанд ҳам одамлар инсонларгагина эмас, балки барча ўсимликларга, ҳайвонларга ҳам мутлақ эзгулик, меҳр-шафқат билан муносабатда бўлиши кераклигини таъкидлаган. Шу маънода атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, барча тирик жонзотларни ҳимоя этиш энг муҳим ахлоқий масъулиятлар жумласига киради.

Ҳозир жаҳонда экологик вазият кескинлашиши, кўшлаб ерлар ўзлаштирилиши, ботқоқликлар қуриши, ўрмон массивларининг камайиши, сувларнинг ифлосланиши натижасида ҳайвонлар, қушлар, балиқлар, ўсимликларнинг кўшлаб турлари бутунлай йўқолиб кетди, баъзилари йўқолиб кетиш арафасида турибди. Аҳоли нуфусининг ўсиши, шаҳарлар, йўллар, саноат корхоналарининг кўшлаб қурилиши натижасида ҳайвонларнинг яшаш майдонлари доираси торайиб бормоқда. Бу эса уларнинг сони ва турлари ҳам камайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистоннинг Қизилқум саҳроларида бундан 40-50 йил муқаддам минглаб жайронлар юрар эди. Ҳозир эса улар ниҳоятда камайиб кетди. Ҳар бир ҳайвоннинг ўз наслини сақлаш, ўзини ҳимоя қилиш имконияти бор. Лекин ҳайвонот олами ва ўсимликларнинг асосий, бевосита ҳимоячиси инсондир. Инсон бу масалага вақтинчалик манфаатдан эмас, балки ахлоқий бурч, масъулиятдан келиб чиқиб ёндашиши керак. Бу борадаги ахлоқий масъулиятни унутиш хатарлидир. Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг йўқолган турларини тиклаш қийин. Бунинг устига, бирор турнинг йўқолиши табиатнинг ички қонуниятлари тизимида ҳам ўпирилишлар бўлишига олиб келади. Жаҳондаги кўшлаб демократик мамлакатларда «яшиллар» ҳаракатининг кучайиши ҳам инсониятнинг табиат олдидаги ўз ахлоқий масъулиятини чуқурроқ англаб бораётганининг белгисидир. Бу эса ҳайвонларга, ўсимликларга нисбатан ахлоқий муносабатда бўлиш масаласи жамият ҳаётида тобора каттароқ аҳамият касб этиб бораётганини кўрсатади.

Ҳаёт - гўзалдир, - дейдилар шоирлар ва мутафаккирлар. Лекин ҳаёт инсон билан гўзалдир. Инсон гўзаллигини белгиловчи асосий мезон - ахлоқ ва одоб ҳисобланади. Ўзбек халқининг: «Инсон одоби билан гўзал» деган мақолининг мазмунида ҳам худди шу умумий фалсафий маъно ётади. Гўзал ахлоқ ва одоб билан белгиланган маънавий фазилатлар одамлар ўртасидаги барча муносабатларга сингиб кетганидан кейингина ҳақиқий аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ахлоқий қадриятлар барча даврларда инсоннинг маънавий камолоти, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида қараб келинган, барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал этиш имконияти инсон шахсини тарбиялаш орқали яратилган.

## **2. Ахлоқий қадриятлар шаклланиши, ривожланишининг бирлиги ва боғлиқлиги**

Инсониятнинг ахлоқий камолоти масаласи барча диний, фалсафий таълимотларда ҳам катта аҳамият касб этган. Уларнинг бирортасини ҳам мутлақлаштириш, бошқаларидан устун қўйиш мумкин эмас.



Инсон учун энг хатарли нарса тор тасаввурлар, юзаки билимлар доирасида туриб, катта хулосалар қилишга интилишдир. Одатда бирор муаммони чуқур тушунишга қодир бўлмаган кишилар ўзларининг хулосалари юзаки эканини билмайдилар ва ўз фикрларига маҳкам ёпишиб оладилар. Абу Райҳон Беруний айтганидек, бундай кишилар билан фойдали мунозара қилиш ҳам мумкин эмас. Тафаккур салоҳияти чекланган одамга бирор нарса ни тушунтириш ҳам қийин.

Бундай ҳол миллий, диний ахлоқ нормаларини баҳолашда ҳам кўзга ташланади. Бошқа халқлар ва динларга хос бўлган ахлоқий мерос ва қадриятларни яхши, чуқур билмаган кишиларгина миллий, диний калондимоғлик йўлига ўтиб оладилар. Миллий ахлоқий қадриятлар етуқлигини исботлаш учун уларни бошқалардан устун қўйишга, афзал деб кўрсатишга уриниш шарт эмас. Бунинг учун миллий ахлоқий қадриятлар бошқа халқларнинг маънавий мероси билан боғлиқ эканини, уларнинг ўзига хос сифат ва хусусиятлари ҳам борлигини билиш лозим. Умуман бир миллатнинг ахлоқий қадриятлари шаклланиши ва ривожланиши жараёнини жаҳон цивилизациясидан ажратиб олиб қараб бўлмайди. Барча халқлар ўз тараққиёти bosқичларини турли шароитларда, ўзига хос имкониятлар асосида босиб ўтадилар. Лекин жамият тараққиётидаги боғлиқлик ва муштараклик ҳеч вақт йўқолиб кетмаган. Иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, одамзодга хос руҳий эҳтиёжлар ва имкониятлар уларни бир-бири билан боғлаб туради. Бир-бирдан жуда узоқ яшаган халқларнинг ахлоқий анъаналарида яқинлик, ўхшашлик кўплиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Жамият ахлоқий қадриятларидаги бу бирлик ва боғлиқлик барча диний, дунёвий таълимотлардаги ахлоқий қадриятлар талқини яқинлигида ҳам ўз аксини топган. Шу сабабли ҳам турли даврларда, мамлакатлар ва халқларда, динларда талқин этилган ахлоқ муаммолари ва унинг мезонлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Уларнинг ҳаммаси ҳам ахлоқий камолотнинг назарий ва амалий вазифаларини, йўллариини белгилашда катта аҳамиятга эгаллиги шубҳасиз.

Ахлоқ, унинг ижтимоий моҳияти масаласи эраимиздан олдинги VII-VI асрларда яшаган хитой файласуфи Конфуцийнинг таълимотида ҳам катта ўрин олган. У ахлоқ муаммоларини ўрганишда ўзидан олдинги авлодлар қолдирган меросга ҳам таянган. Шундан кўринадики, инсон моҳиятини билишда ахлоқ ва одоб муаммоларига жуда қадим замонларда ҳам катта аҳамият берилган. Конфуций шуларга таянган ҳолда «Билиш - одамни билишдир», деган хулосага келади.

У инсонни ўз моҳиятини ахлоқий фазилатлари ва маънавий камолоти орқали намоён этадиган жонзот сифатида талқин этган. Агар инсоннинг моҳияти унинг ахлоқ ва одобга таянган фаолиятида намоён бўлишини эътиборга олсак, ахлоқ муаммоларини ўрганиш, ахлоқ ва одоб тарбиясини амалга ошириш жамият тараққиёти учун қанчалик катта аҳамиятга эга экани ўз-ўзидан аён бўлади. Конфуций шуларга таянган ҳолда инсондаги табиий ва ижтимоий ахлоқий эҳтиёжлар масаласини ҳал этишга ҳаракат қилган. Инсон ҳаёти ва фаолиятидаги бу икки томоннинг нисбатини билмай туриб, инсоннинг моҳиятини ҳам тўғри тушуниб бўлмайди.

Конфуцийнинг фикрича, инсонда табиий эҳтиёжлар кучли бўлади. Лекин инсоннинг инсонлиги - ҳар қандай табиий эҳтиёж, ҳис ва туйғуни ахлоққа бўйсундира олишидир. Агар ахлоқий омиллар заифлашса, инсон фаолиятида табиий эҳтиёжлар таъсири кучаяди, унда одамлар жамоасини ҳайвонлар тўдасидан ажратиб бўлмай қолади. Фақат ахлоқ одамларга нима қилиш керак-у, нима қилиш керак эмаслигини ўргатади. Шу жиҳатдан ахлоқ оддий қоида эмас, балки инсон ва инсонлар фаолиятига мақсад, йўналиш, шакл ва мазмун берувчи маънавий омилдир.

Ахлоқ сўздагина эмас, балки амалий ишларда, одамларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Ҳар бир сўзни айтиш ҳам муайян ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқдир. «Қадимги одамлар, - деб кўрсатади Конфуций, - ўз сўзимнинг устидан чиқа олармиканман деб, жуда эҳтиёткорлик билан сўзлар эдилар».<sup>1</sup> Демак, инсон бирор сўз айтганида аниқ бир мақсадни, ҳолатни кўзлайди. Бу мақсад ва ҳолат бошқалар учун ҳам аҳамиятлидир. Сўз остида фақат шахсий эмас, балки ижтимоий масъулиятлар ҳам ётади. Инсон ҳар иши, сўзи учун ўзи олдидагина эмас, балки бошқалар олдида ҳам масъулиятли эканини сезиши лозим.

Конфуций чиройли ишларни ахлоқий асосланган фаолият деб ҳисоблайди. Ҳақиқатни бўрттирадиган ёки унга мос келмайдиган чиройли сўзлар ахлоққа зиддир. Энг асосий масала - инсоннинг ахлоқий камолоти даражаси унинг амалий ишларида намоён бўлишидир. Барча амалий ишлар эса бошқалар билан бўлган, бўладиган муносабатларни билдиради. Шу сабабли ҳам комил инсон юксакликка интилади, пасткаш, ахлоқсиз одам эса доим тубанлашиб кетаверади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Гусейнов А.А. Великие моралисты. 1995, с. 29.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар, 29-бет.

Ахлоқий комиллик инсоннинг борлиққа ўз эҳтиёжлари, муайян манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ёндашишидир. Шу сабабли Конфуций дунё лаззатларидан воз кечиб, тарки дунёчилик йўлига ўтиб олишни маънавий камолот белгиси деб қарамайди. Унинг кўрсатишича ахлоқий комиллик дунёнинг лаззатларидан бутунлай воз кечиш эмас. Фақат етук ахлоқ ва одоб соҳиби бўлган кишиларгина барча нарсаларга аниқ мезонлар асосида ёндашишга ҳаракат қиладилар. Инсоннинг барча ютуқлари, мағлубиятлари ҳам ахлоққа боғлиқдир.

Конфуцийнинг фикрича, инсон ҳамма вақт бойликка, машхурликка интилади. Агар ҳаётда босилган ҳар бир қадамда ахлоққа риоя этилмаса, инсон бу мақсадларга эришолмайди. Агар ердаги ҳаёт ёмон бўлса, инсон осмондан мадад сўрамасдан ўз қалбига мурожаат қилмоғи керак. Инсон ўз ҳаётида тўғри йўл топа олиши ахлоқий қадриятларга таяниши, юксак хулққа эга бўлиши билан боғлиқ. Юксак ахлоқ - инсон қалбидagi ибтидоидир, унинг ўзига хос моҳиятидир. Демак, унинг фикрича, ахлоқ нима деган муаммони аниқламай туриб, инсон нима деган саволга жавоб бериб бўлмайди.

Конфуций ахлоқнинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрнини кўрсатиш билан бирга, унинг асосий мазмунини, моҳияти ва аҳамиятини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ахлоқнинг асосий мезони - одамларга ишонмоқ ва уларни севмоқдир. Севги бўлмаса, ишонч бўлмайди, ишонч бўлмаса, одамлар фаолиятида, умид ва орзуларида муштараклик шаклланмайди. Одамларнинг бир-бирига интилиши, муомаласи, муносабати асосида ахлоқ ётсагина, улар бир-биридан бегоналашмайди, балки бирлашади. Шу сабабли ҳам ахлоқ тушунчаси битта одамга нисбатан эмас, балки кишиларнинг бир-бирига муносабатига нисбатан қўлланилади. Фақат ахлоқ асосидагина одамлар ўртасидаги муносабатлар бир тизимга келади. Одамлар жамоасидан ажралиб яшаган шахс учун ахлоқ тушунчаси муайян бир аҳамият касб этмайди. У бошқалар билан муносабатга кирганидагина ўзининг фаолиятини, бошқаларнинг ўзига, ўзининг бошқаларга нисбатан бўлган муносабатини ахлоқ мезонлари орқали тушуниш ва тушунтириш имконига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ахлоқ одамларнинг ўзаро муносабатда бўла олишидир. Бу муносабат асосида бир-бирини тушуниш, ишониш, иззат-ҳурмат ётади. Ахлоқли одам ўзига раво кўрмаган ишни бошқаларга ҳам раво кўрмайди.

Одамлар ўртасидаги муносабатлар маросимлар, урф-одатлар, расм-русумларга риоя қилиш орқали бажарилади. Жамият тарихида юзага келган барча маросимлар, урф-одатлар одамларнинг бир-бирига ҳурмати ва ишончини ифодалаш, мус-

таҳкамлаш мақсадида шакллангандир. Шу сабабли ҳам Конфуций одамларни жамиятда мавжуд бўлган маросимлар, урф-одатлар, расм-русумларга қатъий риоя қилишга чақиради. Фарзандларнинг ота-онага ҳурмати уларни ош-нон билан таъминлашигина эмас, балки маълум расм-русумларни бажариш орқали уларнинг ҳурматини ўрнига қўйиши, кўнглини кўтаришидир. Ота кирганида ўрнидан туриш, унинг сўзини бўлмайд кулоқ солиш, кексаларга йўл бўшатиш, кўнглини кўтарадиган илик сўзларни айтиш ҳам ана шундай расм-русумлар туркумига киради. Умуман, турли расм-русумларга риоя қилиш, ўтмишдан мерос бўлиб қолган, ота-оналар эътибор қилиб келган анъаналарга таяниш улар асосида ўз маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш демакдир. Бундай расм-русумлар якка-якка одамларнигина эмас, балки авлодларни ҳам бир-бирига боғлайди, ахлоқий қадриятлар тараққиётидаги ворисликни таъминлайди, бебошликлар, ижтимоий ихтилофларнинг олдини олади. Маросим орқали бир одам бошқаларга нисбатан бўлган ўз муносабатини билдиради. Бу эса ҳамжиҳатлик, аҳиллик, биродарлик, осойишталикнинг асосий шартларидандир. Инсонларнинг турли маросимлар асосида шаклланган ҳамжиҳатлиги адолат, инсонпарварлик тўғрисидаги ҳар қандай мавҳум фикрлардан, мавҳум гоёлардан устундир.

Конфуцийнинг фикрича, ахлоқнинг биринчи асоси фарзандларнинг отага ҳурматидир. Ёшлар оталарни ҳурмат қилиши асосида бошқаларни ҳам қадрлашга ўрганадилар. Отага ҳурмат инсон зотига бўлган ҳурматнинг бошланиши, биринчи пойдеворидир. Отага ҳурматсизликни ҳеч қандай ахлоқий мезон билан оқлаб бўлмайди. Бу бир миллатгагина эмас, балки бутун инсониятга хос хусусиятдир. Ота-онани ҳурмат қилишга ўрганмаган шахс ҳеч қачон жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа олмайди, жамият, жамоа билан ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатда ҳам бўла олмайди. Бу тарбиясизликдир, инсонпарварлик гоёларини инкор этишдир. Ота ҳар бир шахс учун энг муқаддас инсондир. Отани ҳурмат қилишга ўрганмаган инсон ота бўлганида бошқаларни ҳам тўғри тарбиялай олмайди. Бу эса бир шахснинг эмас, балки аста-секин бутун жамиятнинг бузилишига олиб келади. Шу сабабли ҳам қадимги Хитойда бу масалага ниҳоятда жиддий ёндашганлар, ота-онани ҳурмат қилмаган, уларни ҳақоратлаган, жабр-ситам кўрсатган фарзандлар ўлим жазосига маҳкум этилган. Асрлар давомида бу ҳам ахлоқий такомиллик имкониятларини кенгайтирадиган, одамларнинг маънавий олами шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиган маросим, урф-одатларнинг бирига айланиб кетган.

Бутун бир халқ ота-онага хурматни жамият тараққиётига асос бўладиган маънавий омил деб ҳисобланган.

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар авлодлар меросини сақлаб турадиган, уларни биридан бирига ўтказадиган ва такомиллашиб, ривожланиб туришига имкон берадиган омилдир. Агар шу омилга эътибор берилмаса, ворисликка раҳна тушади, тараққиёт тўхтайти. Жамият ривожланиши янги ғоялар яратишга қодир бўлган ёш авлодлар юзага келиши билангина эмас, балки улар ота-оналар таъсирида ўтган авлодлар қолдирган меросни қанчалик ўзлаштира олишига ҳам боғлиқдир. Шу омилларни эътиборга олган Конфуций ёшларга насиҳат тариқасида қуйидаги сўзларни айтади: «Ота-онангга хизмат қил, уларнинг кўнглига қара. Улар бирор ишингдан норози бўлишадиганини сезсанг, хурматини яна ҳам юқори кўтар, иродасига қарши борма, чарчасанг ҳам, улардан хафа бўлма».<sup>1</sup>

Унинг фикрича ота-оналарнинг розилиги фарзандлар янгиликка интилишининг асоси бўлиши керак. Бу фикрлар консерватизм эмас. Ахлоқ - одамийлик борасидаги меросдир. Бу меросга назар ташламасдан олдинга силжиб бўлмайди. Агар инсоният маънавият борасида ўтмишга назар ташлаб олға бормаса, жамият ҳаётида катта инқироз бўлади. Инсон ўтмиш меросини ўрганганидан кейингина унга баҳо бериш, келажак режаларини тўғри белгилаш имкониятига эга бўлади. Ўтмишга хурматсизлик ахлоқий камолот имкониятларини ҳам издан чиқариб юборadi.

Ахлоқ масаласида консерватив бўлиш ва янгиликларга интилиш бир-бири билан узвий боғланган жараёнлардир. Шу сабабли ҳам қадимги Хитой одатига кўра ота-она вафот этганидан кейин уч йил мобайнида улар уйда ўрнатган тартиб бузилмаган.

Инсоннинг комиллиги, Конфуцийнинг фикрича, унинг ахлоқий етуқлигида, авлодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш имконига эга бўлганида кўзга кўринади.

Ахлоқий комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Кимки «Мен ахлоқий камолот чўққисига етдим», - деса, у ҳали комил инсон эмас. Инсон ҳеч қачон ўзининг ахлоқий камолоти даражасига ўзи баҳо бера олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга кўпроқ кўринади. Ҳеч қачон комил инсон ўзининг комиллигини пайқай олмайди. Чунки комиллик ахлоқий етуқлик мезони сифатида ҳар бир шахснинг бошқалар билан бўлган муносабатида кўзга ташланади. Комил инсон бошқалар билан муносабат жараёнида шакл-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Гусейнов А.А. Великие моралисты, с. 32.

ланади. Комиллик ахлоқий жиҳатдан бошқаларга нисбатан устулик ҳамдир. Шу сабабли комил инсон бошқаларнинг кетидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди. Комил инсонни ота-она, жамоатчилик, улар билан бўлган муносабатлар шакллантиради. Конфуцийнинг фикрича, олийжаноб инсон ҳаммага бир хил муносабатда бўлади, одамлардаги яхши фазилатларни ўрганади ва яхшиликка интилади, ҳаммани тенг кўради, бирор хатога йўл қўйса, аввало ўзини айблади. Ахлоқий камолот йўли одамлардан фақат яхши фазилатларни ўрганиш ва яхшиликка интилишдир. Ахлоқий етуклик - инсоннинг ўзига талабчанлиги кучли бўлишидир.

Қадимги хитой фалсафасида комил инсон муаммосининг асосий ўрин олиши маънавиятнинг жамият ҳаёти ва тарққиётидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри белгилашнинг натижасидир. Шу сабабли ҳам қадимги шарқ мамлакатлардаги фалсафий, диний-орифий таълимотларнинг барчасида инсон ва унинг маънавий камолоти масаласи марказий ўрин олган.

Буддачилик ғоялари ҳам жамият ҳаётидаги яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик муаммоларини талқин этишнинг ўзига хос йўлидир. Бу муаммога кенг кўламда ёндашиш, яхшилик ва адолатга эришишни инсон маънавияти даражаси билан боғлаш Будда ғояларининг ўзига хос фалсафий қарашлар тизимига айланиб кетишига олиб келган. Шу сабабли ҳам қадимги Ҳиндистондаги кўшлаб фалсафий қарашлар буддачиликнинг диний-орифий қарашлари билан боғланган.

Буддачилик ғояларига кўра, инсон табиятан такомиллашмаган жонзотдир. Шу сабабли ҳам у ўзининг бутун умри давомида бирор нарсадан қаноатланмай, ҳаммасидан норози бўлиб юради. Бу норозилик оламда ўрнатилган абадий тартиб ва ҳақиқат билан инсон фаолияти ўртасидаги зиддиятнинг ифодасидир.

Бу зиддиятларга барҳам бериш учун инсон руҳий такомиллашиб, адолатчиликсиз ва ёмонликдан юқори тура билмоғи керак. Бу ихтилофнинг биринчиси - унинг ўлимга бўлган муносабатидир. Оламда тирик жонзот борки, уларнинг ҳаммаси ўлимга маҳкум. Бу мутлақ ҳақиқат ва олам гирдобининг абадий қонунидир. Инсон эса бу қонунни четлаб ўтишга, дунёда абадий яшашга интилади. Туғилиш бор жойда муқаррар ўлим ҳам бор. Жисмоний ўлимнинг олдини олиш йўлларини изламай, абадийликка эришишга интилиш лозим. Инсон тана билан эмас, балки руҳи билан тирикдир. Руҳий абадийлик йўлини излаш абадийликка интилишнинг асосий йўналиши бўлмоғи керак. Бунинг учун инсон ўз қалбидаги ўлимдан кўрқиб сингари руҳий ҳолатни енгиши зарур. Бу эса фақат руҳий покланиш йўли билан амалга ошади. Руҳий покланиш эса ҳар бир

шахсининг маънавий, ахлокий камолотидир. Будда атамаси Buddha сўздан олинган бўлиб, «нурланиш», «уйғониш» деган маънони билдиради. Бу ерда инсон қалби руҳининг нурланиши, уйғониши назарда тутилади. Бу уйғониш, нурланиш инсоннинг барча дунёвий ғам-ташвишлар, лаззатлар, ғазаб ва ўч олишга интилиш, ёмонлик қилиш сингари иллатлардан воз кеча билишидир. Шундай йўлдан боришга қодир бўлган инсон дунёвий ҳаётнинг абадий гирдобидан қутулади ва мангуликка эришиш йўлига ўта бошлайди. Бу йўлни эса инсониятга Будда кўрсатади.

Буддачиликнинг бу борадаги диний, фалсафий қарашлари тизими асосан қуйидаги тўрт фикрда ифодаланган:

1. Дунёда азоб-уқубат ва азобланиш бор.
2. Азоб-уқубат ва азобланишнинг сабаби бор.
3. Азобланишнинг охири бор. Бу - нирванадир.
4. Азобланишдан қутулишга олиб келувчи йўллар бор.

Бу йўллардан Будда таълимотига таяниб адашмай бориш мумкин.

Нирванага етиб, абадийликка эришиш йўлидаги асосий ғов - одамлар ўртасидаги нафратдир, шу орқали келиб чиққан ишончсизлик, адолатсизликдир. Буддачилик ғоясига биноан нафратни нафрат билан тугатиб бўлмайди. Нафрат бўлмаган жойда нафратга қарши курашиш эҳтиёжи ҳам бўлмайди. Одамларни ўлдиришгина эмас, балки уларга ўлим тилаш ҳам гуноҳдир. Одам бировга ўлим тилаш ёки уни ўлдиришдан олдин унинг ўрнига ўзини қўйиб кўриши керак. Бошқаларга яхшилик қилиш, биринчи навбатда, инсон ўзига яхшилик қилишидир. Яхшилик орқали, бировнинг кўнглини кўтариш билан бирга, инсон ўзини ҳам руҳан поклайди. Ҳар ишда, ҳамма ерда, ҳаммага яхшилик қилиш инсон абадийликка эришишининг асосий йўлидир.

Зўравонлик қилмаслик, яхшиликка интилиш фақат одамларгагина эмас, балки бутун тирик жонзотларга нисбатан қилинмоғи керак. Ҳаёт, ҳаёт йўли оғирликлар, машаққатлардан иборат. Бу йўлда адашиш ҳам мумкин. Лекин бу йўлни яхшилик ва адолатга таяниб босиб ўтган инсон нирванага эришади ва бу дунё азобларидан бутунлай халос бўлади, уларни унутади.

Инсон руҳининг нирванага етиш муддати ҳар бир шахсининг ўз ҳаётида қилган яхшиликлари даражасига боғлиқ. Ёмонлик қилганларнинг жони бу дунёдан узилиб кета олмайди, азоб-уқубатда бир жонзотдан иккинчи жонзотга ўтиб юраверади. Жоннинг савобли ишлар орқали орттирилган ҳаловати нирванага етганда абадий масъудликка эришади. Нирвана сўзи «абадийлик, мангу сукунат» деган маънони билдиради. Шулар-

дан кўринадики, яхшилиқ, поклик, ҳалоллик, адолатлилик, меҳр-мурувватлилик ва раҳм-шавқатлилик, маънавий камолот йўлидан оғишмай бориш сингари ахлоқий фазилатлар инсон зотига мангулик бағишловчи омиллардир. Одамлар ўртасидаги яхши муносабатлар битта шахсни эмас, балки кўпчиликни дунёнинг азоб-укубатларидан халос этади.

Инсоннинг ахлоқий, маънавий камолоти жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосий омили деб қараш яҳудий динида ҳам катта ўрин олган. Яҳудий динининг ахлоқий қоидалари, қомилликка эришиш йўллари ҳақидаги таълимотлари ҳам Конфуцийнинг қарашлари, Буддачилик ғояларидан кескин фарқ қилмайди. Бу таълимотда ҳам инсонларнинг ахлоқий камолотини таъминлаш жамият ҳаётида адолат, ҳамкорлик, ҳамдардлик, аҳиллик, ҳамфикрлик, осойишталикни таъминлаш сифатида талқин этилади. Лекин яҳудий динига асос бўлган Мусо пайғамбарнинг васиятларида етук ахлоқий камолотга эришиш Олло севган ва ўзига яқин тутган бир миллатга, яъни яҳудийларга хос бўлган соф миллий фазилат сифатида қаралади.

Мусо пайғамбарнинг фикрича инсонга табиатан ахлоқий заифлик хос. Ҳар бир киши ўз манфаати, хузур-ҳаловати эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мақсадини ва ҳаёт йўлини белгилайди, ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун маънавий асослар излайди. Бу маънавий асосларни эса у ўзича белгилаётган ҳаракат қилади. Бу эса манфаатларни турлича тушунадиган одамларни бир-биридан узоқлаштиради, ихтилофларни кучайтиради. Оқибатда жамият ҳаётидаги одамларнинг фаолияти яшаш учун курашга айланиб кетади, ҳар ким ўз мақсадига куч билан эришишга ҳаракат қилади. Натижада инсоний муносабатлар заминида ётадиган ахлоқий омилларнинг кучи ва аҳамияти камай боради. Ахлоқий қадриятларга таянмаган курашлар натижасида ғолиб ҳам, мағлуб ҳам ҳеч нарса ютмайди, ўзи ўйлаган соқинлик, хузур-ҳаловатга эриша олмайди, ғамташвиши яна ҳам ортади. Агар бу курашларда кимдир бошқалар устидан ғалаба қозониб, ўз ҳукмронлигини ўрнатса, беҳисоб бойликлар ортгирса, бу билан у бахтли бўлиб қолмайди, балки ғамташвишлари яна ҳам ортади. У ўз ҳокимимиятини сақлаб қолиш учун бошқаларга нисбатан куч ишлатади, адолатсизлик қилади. Бойлик ҳам шундай. Бой одам бор нарсасини йўқотишдан қўрқади, кеча-ю кундуз ўз бойлигини ўйлаб, ғамташвишда юради. Шунча бойлик қилинган меҳнатга, ғамташвишларга арзimasлигини инсон кейинроқ сезади. Лекин бу фикрга етишганига қадар қанча-қанча адолатсизликларга, жабр-зулмга йўл қўяди. Камбағалда ҳам ўзига хос ғамташвишлар бор. Лекин у бойлиги кўп бўлган одамга нисба-



тан тинчроқ ухлайди, бошқалар устидан зулм ўтказишга эҳтиёжи ҳам бўлмайди. Бой бўлиш деган сўз ҳеч вақт бахтли бўлиш деган маънони англатмайди. Буларнинг барчаси якка шахснигина эмас, балки бутун жамиятнинг фожеасидир.

Бу фожеага барҳам бериш учун инсон қуйидагиларга амал қилиши керак:

1) Инсон уни яратган, ардоқлаган Олло борлигини билиши, унинг иродасига, кўрсатган йўл-йўриқларига риоя қилиши;

2) Инсон шахс сифатида алоҳида яшай олмаслигини, жамиятнинг бир қисми эканини билиши;

3) Худо танлаган, севган халққа мансублигини билиши, миллатдошлари ўртасида адолат, бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни таъминлаши.

Мусонинг бу васиятларида ахлоқ бутун инсон зотини эмас, балки яҳудий миллатига мансуб бўлган кишиларни бирлаштирувчи руҳий омил сифатида талқин этилади, ахлоқий бирлик миллий бирликнинг асосий шarti сифатида қаралади.

Ахлоқий, маънавий камолотга, миллий бирликка эришишнинг асосий шартлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

1) бир Худога, яъни Яхвега ишониш, бошқа худоларни тан олмаслик. Якка Худонинг кучи ва қудрати адолат эканига ишониш;

2) Оллодан, диндан чекинувчиларга нисбатан шафқатсиз бўлиш, ҳар қандай шафқатсизликда ҳам адолат чегарасидан чиқмаслик;

3) одамларнинг бир-бирига муносабати якка Худога муносабати сингари самимий ва садоқатли бўлиши, шахсий манфаатларга берилиб, умуммиллий манфаатлар ҳам борлигини унутмаслик;

4) ота-онани ҳурмат қилиш, бу ишни ҳар ким Олло олдидаги муқаддас бурчи деб билиш;

5) ўз халқининг фарзандларидан ғазабланмаслик, улардан ўч олишга интилмаслик;

6) ўз миллатдошларига, яқинларига тегишли бўлган мол-мулкка тегмаслик, уларга ҳасад қилмаслик;

7) одам ўлдирмаслик;

8) шахвоний интилишларга эрк бермаслик;

9) ўғрилиқ қилмаслик;

10) ёлғон гувоҳлик бермаслик.

Бу шартларга риоя қилиш миллатнинг бирлиги ва буюклигини таъминлайдиган асосий маънавий, ҳуқуқий омиллар сифатида қаралган. Бу фазилатлар яҳудийларнинг бошқа халқлардан афзаллиги ва устунлигини таъминлайдиган ахлоқий қадриятлар сифатида ҳам талқин этилган. Миллатнинг буюклиги унинг

харбий кучи, сони орқали эмас, балки етук ахлоқий кадриятларга таяниши асосида белгиланади.

Юқоридаги ахлоқий мезонлар Оллонинг иродаси сифатида талқин этилган, уларга тўла рия қилиш миллатнинг барча вакиллари учун мажбурий деб қаралган. Агар бу йўлдан бирор киши чекинса, бу хато учун унинг ўзигина эмас, балки келажак авлодлари ҳам жавоб беради. Бу ўринда ахлоқ масъулият сифатидагина эмас, балки қатъий қонун, ҳуқуқий мажбурият сифатида ҳам талқин этилгани кўзга ташланади. Бу ишда кўзланган асосий мақсад - миллатни тарбиялаш, уюштириб, тўғри йўлга солиш ва шу орқали уни улуғлашдир. Бу борадаги тадбирлар миллий давлатчиликни барпо этиш, уни мустақкамлашнинг ҳам асосий шарти сифатида қаралган. Бир одамнинг хатоси, гуноҳи учун унинг авлодлари ҳам жавоб беради, деган фикр миллий бурч ва масъулиятни кучайтиришга қаратилган.

Яхудий дини ғояларидаги ахлоқий кадриятлар талқинида ҳам янги фикрларни кўрмаймиз. Бу ҳам ахлоқ, ўзининг миллий, диний талқинига қарамай, умуминсоний кадрият эканини кўрсатади. Асли бугун тарихий тараққиёт давомида тўғри, адолатли деб топилган ахлоқий нормалар маълум ғоялар, эътиқодлар, миллий манфаатлар билан боғланади. Буни христиан динидаги ахлоқий кадриятлар талқинида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Христиан дини вакилларининг кўрсатишича, бу дин - ахлоқий, у талқин этаётган ахлоқ эса - динийдир. Бу ахлоқнинг асосий моҳияти - инсонларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати. Муҳаббат инсонларга худо бахш этган фазилатдир.

Бир вақтлар муҳаббатга асосланган муносабатлар одамлар ўртасидаги алоқаларнинг асосий шакли бўлган. Лекин маълум даврларда инсонлар илоҳий кучни унутиб, нима яхши-ю, нима ёмон эканини ўзимиз биламиз, деб йўлдан адаша бошлаганлар. Ўзи маъқул деб топган нарсаларга умуминсоний манфаат ва мезонларни эътиборга олмай ўзларича баҳо бера бошлаганлар. Бу эса одамларни бир-биридан айириб ташлаган, ўрталарига адоват ва ишончсизлик уруғларини сеппан. Бу фикрлардан ахлоқ масаласига шахсий мақсадлардан эмас, балки умуминсоний манфаатлардан келиб чиқиб ёндашиш керак, деган хулоса келиб чиқади.

Христиан дини ғояларига кўра, одамлар ўртасидаги худбинлик ва ишончсизликка барҳам бериш учун умумий муҳаббатга таянган дастлабки ҳолатга қайтмоқ лозим. Одамлар ўртасидаги муносабатлар оталар ва болалар, оғанилар, дўстлар, ҳамкорлар ва ҳамдардлар ўртасидаги муносабат даражасида бўлганидагина ўзининг дастлабки ҳолатига қайтади. Шундай муносабатгина

муҳаббатга таянади. Бундай муҳаббат жамиятнинг пойдеворидир. Одамларни Олло белгилаган муҳаббат йўлига солиш эса пайғамбарларнинг вазифасидир.

Муҳаббатнинг асосий моҳияти одамларни яхшилик билан ёмонликни фарқлашга, уларни бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатишдир. Ҳосил яхши бўлсин деб экинзорларни ёмон ўтлардан тозалаймиз. Жамият яхши бўлиши учун эса одамларнинг қалбини ёмон ҳислатлардан тозалаш керак. «Ўзингни қандай севсанг, бошқаларни ҳам шундай севгин», деган ғоя христиан динининг асосий ахлоқий қадриятлардандир.

Христиан динида кўрсатилишича, инсон билан инсон ўртасидаги муносабат илоҳий моҳиятга эга. Бу муносабатнинг дастлабки уруғларини худо инсон қалбига эккан. Бу муҳаббат Оллонинг ўзига, унинг қудратига ҳам ишончдир, муҳаббатдир. Лекин инсон Худони бевосита кўра олмайди, унга ўз муҳаббатини изҳор эта олмайди. Шу сабабли ҳар бир шахс ўзининг Худога бўлган муҳаббатини бошқаларга бўлган муҳаббати орқали изҳор этмоғи даркор. Ахир барча одам бир Худонинг севган бандаси-да. Бундан христиан динининг ахлоқий ғояларига асос бўлган қуйидаги икки хулоса келиб чиқади:

- 1) Инсон ўз яқинларини Худо орқали севади;
- 2) Инсон Худони ўзининг яқинлари орқали севади.

Муҳаббат одам қалбидаги инсонийликдир, илоҳийликдир. Муҳаббат инсонни Худога яқинлаштирадиган, барча гуноҳларидан халос эта оладиган маънавий қудратдир, кучдир, виждондир. Муҳаббат одамларни шахсий худбинлик, ҳасадўйлик, душманлик, адоват ва ғараз сингари ёмон ҳислатлардан халос бўлиш даражасига олиб келади. Муҳаббат инсон ҳаётига мақсад, моҳият, йўналиш беради. Исо пайғамбарнинг «Мен сизларни қандай севган бўлсам, сиз ҳам бир-бирингизни шундай севингиз» деган фикри христиан динидаги асосий ақидаларидан биридир.

Одамлар ўртасидаги муҳаббатнинг намоён бўлиш шартлари-га қуйидагилар киради:

- 1) Муҳаббат бошқаларни ҳурмат қилиш, уларга хизмат қилишдир. Бунинг учун инсон ўзини ҳам, бошқалар билан муносабатдаги ўрнини ҳам англаш зарур. Бошқаларнинг қилмишларига баҳо берганида инсон ўз қилмишларини ҳам шу тарозида ўлчаб кўриши керак. Ўзини англамаган инсон бошқалар билан ҳам тўғри муносабатда бўла олмайди. Ўзини билмаган одамга бош-қаларнинг гуноҳи ҳам катгароқ бўлиб кўринади ва уларни беғараз сева олмайди.

Христиан динида шундай бир ривоят бор. Исо пайғамбар хат ёзиб ўтирганида оломон бир аёлни тутиб келтириб, «Бу аёл зино қилиб гуноҳкор бўлди, уни тошбўрон қилиб ўлдириш ке-

рак»,- деган. Шунда Исо: «Агар ичингизда бегуноҳларингиз бўлса, бемалол тошбўрон қилаверинглар», - деган-да, хатини ёзишни давом эттираверган. Бироздан кейин бошини кўтариб майдонга қараса, ҳамма тарқалиб кетиб, битта аёлнинг ўзи қолган экан. Демак, инсон бировга баҳо беришдан олдин ўзига ҳам ҳолисона баҳо беришга ўрганиши лозим. Фақат виждонсиз кишиларгина ўз хатоларидан кўра бошқаларнинг камчиликларини кўришга мойилроқ бўладилар.

Гуноҳкор одам ўзини бегуноҳ деб ҳисоблаши ёки шундай деб кўрсатишга ҳаракат қилиши ҳам гуноҳдир. Ака-укалар ҳам бир-бирини айблаши керак эмас. Бунинг учун ота бор.

2) Муҳаббат - фаолликдир. Одамларни дилда, тилда севиш етарли эмас. Бунинг учун фойдали ишлар қилиш керак. Сен севган одамлар ширин сўзларингдангина эмас, балки амалий ишларингдан наф кўрсин. Ота-онага муҳаббат ҳам амалий ишларда намоён бўлиши керак. Шу сабабли ҳам чин муҳаббат соҳиб доим амалиётда бўлади, бошқаларга яхшилик қилишга, савобли ишларни бажаришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам одамларнинг айтган гапига эмас, балки қилган ишига қараб баҳо бериш керак.

Ҳадеб «Олло», «Олло» деявериш ҳам иймонлилик, Худога муҳаббат белгиси бўлавермайди. Бу муҳаббатни амалда кўрсатиш керак. Олло ҳам одамларнинг сўзига эмас, балки ишига қараб баҳо беради. Қиёмат куни одамларга яхшилик қилганлар кўп савоб орттирганлар қаторига киради. Хато қилишдан қўрқиб ишламаганлар, гуноҳ қилишдан қўрқиб таваккалига иш қилмаганлар савобли иш қилмаганлар қаторига киритилади.

3) Муҳаббат беғараздир. Ҳар қандай яхшилик сингари, муҳаббатнинг мукофоти ҳам унинг ўзида. Фойдага, шон-шухратга, машағга алмаштирилган муҳаббат ўз аҳамиятини йўқотади. Муҳаббат ҳеч қандай манфаат билан боғланмаслиги керак. Камбағаллар, бошпанасизлар, мусофирлар, етимлар, бе-валар, қувғин ва таъқиб этилганларга нисбатан бўлган муҳаббат энг савобли ва қадрлидир.

Ҳамма муҳаббатга муҳтож. Лекин бирор гуноҳ қилиб, қувғинда юрганлар ёки ич-ичидан афсусланаётганлар бошқаларнинг муҳаббатига кўпроқ муҳтож бўлади. Адашганларга нисбатан бўлган муҳаббат уларни тўғри йўлга солиш мақсадлари билан боғлангани учун ҳам савобли бўлади.

Муҳаббатнинг энг катта синови - одамнинг ўз душманларига муносабатидир. Бу ўринда Исо пайғамбарнинг қуйидаги сўзларини келтириш мумкин: «Душманларингизни севинг, сизни кўра олмайдиганларга яхшилик истанг, сизни лаънатлаганларни инсофга чақиринг, сизни камситганлар ҳақида дуо қилинг».

Душманни севишнинг ҳам ўзига хос ижтимоий, тарбиявий аҳамияти бор. Душманни севиш унинг олдинги гуноҳларини кечиришдир. Бундай кечиримлилик муҳаббат бор жойдагина бўлади. Душманларни севиш улар билан алоқаларни тиклаш, янги муносабатларга йўл очишдир. Зўровонлик муҳаббатта зид бўлади. Зўровонлик билан кўплаб мамлакатлар, халқларни босиб олиш, инсониятни қириб ташлаш мумкин. Лекин зўровонлик билан душманни дўст қилиб бўлмайди. Агар жамиятда зўровонлик сақланиб қолса бу ҳол муҳаббатнинг умуминсоний фазилат ва қадриятга айланишига тўсқинлик қилади. Муҳаббат адолатга таянади. Адолат эса инсонни яхши ишлари учун тақдирлаш, ёмонликлари учун жазолашдир.

Раҳм-шафқат ҳам муҳаббатнинг таркибига киради. Раҳм-шафқат муҳаббатнинг белгиси бўлгани учун конкрет даврларда адолатли деб тан олинган мезонлар чегарасидан чиқиб кетмайди. Адолатнинг ҳар бир давр билан белгиланган чегараси бор. Лекин муҳаббатнинг раҳм-шафқат шаклидаги кўринишида ҳеч қандай чегара йўқ. Бу - ҳар қандай вазият, сиёсат, эътиқод, манфаатга қарамай бутун инсон зотиغا яхшилик қилишдир.

Ахлоқий қадриятлар, ахлоқчиликнинг мезонлари масаласига ислом динида ҳам катта эътибор берилган. Ислому мухаммал ахлоқий ғоялар тизимидир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Мен Олло томонидан инсонлардаги комил ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», деган фикри ислом динида ахлоқ масаласи қанчалик катта ўрин олганини кўрсатади. Дарҳақиқат, Куръони каримда, ҳадисларда, шариат қондаларида ахлоқ масалаларининг катта ўрин олгани бежиз эмас. Ислому дини жаҳонда мавжуд бўлган динларнинг энг сўнгисиди бўлганлиги сабабли унинг ғояларида, қадриятларида ахлоқ ва одоб, комил инсонни тарбиялаш, маънавий камолотнинг мезонлари масаласи анча мухаммал ифодаланган. Ислому динида ахлоқий камолот муаммолари тор маънода ёки битта миллатнинг манфаатлари билан боғлиқ равишда талқин этилмайди. Ислому динида ахлоқ нормалари инсон ва жамият ривожланиши билан боғлиқ равишда ёритилган. Маънавий камолот эса жамият тарраққиётини таъминлаш, ундаги барча етилган муаммоларни ечишнинг асосий, ҳал этувчи шарти сифатида талқин қилинган. Ҳар бир шахснинг ахлоқ ва одоб борасидаги камолоти у эришиши мумкин бўлган ютуқнинг эса юксак чўққиси деб қаралиши ҳам масаланинг моҳиятига чуқур ёндашишнинг белгисидир. Ислому динида ахлоқий тарбия масалаларига катта эътибор берилганлиги сабабли бу дин жамият ҳаёти ва тарраққиётида бошқа динларга нисбатан каттароқ аҳамият касб этди.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики, турли диний фалсафий таълимотларда ахлоқ ва одоб муаммолари талқинида умумий ва ўзига хос томонлар бор. Бу борадаги умумий томонларда барча инсониятга хос бўлган ахлоқий қадриятлар ўзининг яққол ифодасини топган. Турли ирқлар ва миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг маънавиятидаги муштараклик, Инсон деган зотнинг умумий моҳияти ҳам шу билан белгиланади.

### 3. Миллий ахлоқ, унинг умумий ва хусусий жиҳатлари

Ахлоқ ва одоб борасидаги мерос ва қадриятларнинг бирлашиб, яқинлашиб, ўзаро бойиб бориши - тараққиёт қонунидир. Лекин бу жараён қанчалик тез ва кенг амалга ошмасин, миллий ахлоқий қадриятлар бутунлай бирлашиб, уйғунлашиб кетмайди. Миллат мавжуд экан, миллий ахлоқ унга хос бўлган ижтимоий, маънавий фазилатларнинг асоси бўлиб қолади. Бир миллат вакили бошқа миллатларнинг маданиятини қанчалик катта ҳурмат билан ўрганмасин, у миллий ўзинини унутиб, янги маънавий муҳитга бутунлай сингиб кетмайди. Ўз миллий ахлоқи ва одобини чуқур билган кишигина бошқа халқларнинг маданий меросини кенгрок ўрганиш эҳтиёжини сезади. Агар умуминсоний ахлоқни катта бир гулзор деб билсак, миллий ахлоқ ундаги ўзига хос хусусиятларга эга бир гулдир. Турлитуман гуллар қанчалик кўп бўлса, гулзорнинг шунчалик жозибаси чиройи ортади.

Миллий ахлоқ умуминсоний ахлоқий қадриятларга қандай, қай даражада, қайси мезонлар асосида риоя қилишда ҳам кўзга ташланади. Масалан, отани ҳурмат қилиш барча замонларда, барча халқларда ҳам юксак ахлоқий бурч деб ҳисобланади. Ўзбекларда ота касал бўлиб қолса, фарзандлар меҳрибонлик қилиб, бир кун бўлса ҳам умрини чўзишга ҳаракат қиладилар. Бу - ахлоқий бурч, отага ҳурмат, деб қаралади. Баъзи цимол халқларида эса ота оғирлашиб қолса, қариндошлари тўшланиб, фарзандларидан бири уни бўғиб ўлдириши одат бўлган. Бу ҳам ахлоқлилик, отага ҳурматнинг ифодаси саналган. Эҳтимол, бу одат чорвачиларнинг қийин шароитларда кўчиб юриши, оғир беморни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш қийин бўлгани билан тақазо этилгандир. Лекин бу ўринда ҳам отага ҳурмат билан боғлиқ бўлган муайян бир эътиқод бўлган.

Баъзи халқларда муайян миллий ахлоқий қадриятлар тизими бўлса ҳам уларга риоя қилиш қатъиян шарт эмасдек кўринади. Фарзандларнинг ота-онага ҳурмати, ота-оналарнинг ўз болаларига чуқур меҳр-муҳаббати табиий, ижтимоий омиллар

билан белгиланган ахлоқий бурчдир. Лекин айрим халқларда фарзандлар ота-онани ҳурмат қилмаслиги, ота-оналар ўз болаларини қаровсиз ташлаб кетиши ахлоқсизлик сифатида қаттиқ қораланмайди. Ҳозир эса бундай ахлоқий тубанлашиш—айрим мамлакатларда одатдаги бир ҳолга айланиб қолмоқда. Бу эса жамият ҳаётидаги маънавий инқирознинг кўринишларидан биридир.

Миллий ахлоқнинг моҳиятини шу миллатга мансуб бўлган кишилар тўларок, тўғрроқ тушунади. Четдан туриб миллий ахлоқ нормаларига баҳо бериш учун биринчи навбатда шу халқнинг руҳини, тарихий тараққиёти ва турмуш тарзини билмоқ керак. Туркистон халқлари ўзининг бутун тарихи давомида ахлоқий қадриятларга, одоб қондаларига тўла ва қатъий риоя қилишни муқаддас бурч деб қараб келган. Бу борада ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасида катта чегара ҳам бўлмаган. Ахлоқ нормалари чегарасидан чиқиш оддий хато эмас, балки муқаддас бурчдан чекиниш деб, жиноят деб қаралган. Жамиятни бошқаришда ҳам ахлоқ ҳуқуқ нормаларига нисбатан устувор аҳамият касб этган. Барча ҳуқуқ нормалари ҳам ахлоқ, одоб мезонлари асосида белгиланган. Қадимги ота-боболаримиз ўз халқигагина эмас, балки истило қилинган мамлакатларнинг халқларига ҳам муайян ахлоқий қадриятларга таяниб, улар чегарасида муомала қилганлар. Амир Темур ўзининг куч адолатдадир, деган ғоясига бошқа халқлар, мамлакатлар билан бўлган муносабатларда ҳам тўла амал қилган. Юксак ахлоқий қадриятларга таянган бу адолат Амир Темурнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; Саййидлари, уламолари, фузало ва машоихига таъзим бажо келдирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол вазибалар бериб, маошларини белгиладим; ўша юртларнинг улугларини оғаниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим».<sup>1</sup>

Ахлоқ ва одоб нормаларига конкрет ёндашиш бу муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ишлаб чиқишга имкон беради. Турк олими Зиё Гўкалп ахлоқ ва одоб мезонларига умумий ёндашмай, уларни ҳаёт ва фаолият билан боғланган туркумларга бўлиши ҳам фикримизнинг исботидир.

Зиё Гўкалп туркий халқларнинг тарихий анъаналарига таянган ҳолда ахлоқий қадриятларни ватаний ахлоқ, маслакий ахлоқ, овла ахлоқи (жинс ахлоқи), маданий ахлоқ, шахсий ахлоқ ва байналмилал ахлоққа бўлади. Ахлоқ нормаларини бундай гуруҳларга бўлишнинг тарихий ва амалий асослари бор. Бу, бир томондан, тарихий меросга таяниш бўлса, иккинчи

<sup>1</sup> Амир Темур ўнгилари. Тошкент, «Наврўз», 1992, 36-бет.

томондан ахлоқ масаласини конкрет даврдаги миллий тарбиявий анъаналар билан ҳам боғлашдир.

Зиё Гўкалпнинг бу борадаги фикрлари туркий халқлар, Туркистон халқлари миллий ахлоқий қадриятлари билан боғлиқ бўлгани учун уларни алоҳида таҳлил этиб кўрамиз.

Ватаний ахлоқ кишиларнинг ўз Ватанига, халқига, унинг тарихи ва тақдирига бўлган муносабатидир. Ватаний ахлоқ - ватанпарварликдир, миллатпарварликдир.

Турон, Туркистон халқларида ватаний ахлоқ барча даврларда ҳам кучли бўлган. Улар ўз эли, юрти, қадр-қиммати, орномуси учун жонини фидо қилишдан ҳам қайтмас эдилар. Қадимги ота-боболаримиз элни оламни яратувчиси бўлган Кўк Тангрининг ердаги кўланкаси ҳисоблаганлар. Эл ўтирган мамлакат «юрт», «ўлка» деб аталарди. Улар қаерга борса, асли юртини унутмас, ўз элига, юртига қайтишни орзу қиларди, чунки муқаддас саналган ота-боболарининг мозори шу ерда эди. Болалик чоғи, бобо ўчоғи, она кучоғи ҳам шу ерда деб қараларди. Бу эътиқод асрлар давомида Туркистон халқларига хос ахлоқий фазилатларни шакллантирди.

Ҳамма ўз элини, Ватанини севади. Бу - умуминсоний фазилатдир. Лекин бу фазилат ота-боболаримизда бошқалардан кўра кучлироқ бўлган ва уларнинг ҳаётий идеалларига чуқурроқ таъсир этган. Шу миллий ахлоқий фазилат туфайли миллатдошларимиз кўплаб гўзал ўлкаларга борсалар ҳам, ўз она юртини унутмаганлар, унга қайтишни ҳар куни, ҳар дақиқа орзу қилиб юрганлар. Ўзбеклар барча даврларда ҳам ўз ватанидан олисда яшашни мусибат, катта бахтсизлик деб ҳисоблаганлар. Халқнинг «ўзга юртга подшо бўлгандан кўра ўз юртингда гадо бўлганинг яхши» деган мақолида ҳам худди шу эътиқод ифодаланган. Қадимги турк ҳоқонлари ҳам ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кўра кўпроқ халқининг, юртнинг бирлиги, тинч-лиги ва фаровонлигини ўйлаган. Буни исботлаш учун Зиё Гў-калп Урхун ёзувларида битилган қуйидаги сўзларни келтиради: «Турк тангриси турк миллати йўқ бўлмасин дея оталаримни туғдирди ва мени туғдирди. Мен ҳоқон бўлгунча кундуз ўтирмадим, кечаси ухламадим. Турк миллатининг очини тўйдирдим, юпунини кийинтирдим, фақирини бой қилдим».<sup>1</sup> Бу халқ муқаддас деб ҳисоблаган, эътиқод қилган маънавий фазилатларнинг конкрет бир шахс тилидан айтилишидир.

Катталарни, миллат йўлбошчиларини ҳурмат қилиш, уларнинг амрига итоат қилиш ҳам туркона ахлоқнинг белгиларидан бири бўлган. Элбошини ҳурмат қилиш юртда тинчлик, осойишталик бўлишини таъминлашнинг йўли бўлган. Бундай ахлоқий фазилат-

<sup>1</sup> Зиё Гўкалп. Туркчилик асослари. Тошкент, 1993, 101- бет.



ларни ўз хоқонидан ажралган бир кишининг куйидаги сўзларида яққол кўриш мумкин: «Давлатли бир миллат эдим. Давлатим ва шавкатим қани? Хоқонли бир миллат эдим. Хоқоним қани? Қайси хоқонга ишмини ва кучимни бераман».<sup>1</sup>

Ватаний ахлоқ бир мамлакатда яшовчи, бир миллатга мансуб бўлган кишиларни бирлаштирувчи маънавий омиддир. Ватаний ахлоқ ватан хавф остида қолган, миллий бирлик ва бирдамлик заифлашган даврларда катта аҳамият касб этади. Душманлари кўп бўлган миллатлар учун ёшларда ватаний ахлоқни тарбиялаш ва такомиллаштириш миллий мустақилликни сақлаб қолишнинг асосий шартларидан бирига айланади.

**Маслакий ахлоқ** ҳам Туркистон халқлари маънавиятида катта ўрин олиб келган. Маслак - бу йўл демакдир. Маслакий ахлоқ бир йўлдан, бир мақсад сари бораётган кишиларнинг бирлигидир. Маслак бирлиги уруғ, қабила бирлигидан устундир. Уруғ бирлиги анъана сифатида авлоддан авлодга ўтиб боради. Маслакий бирлик эса бу бирликни аниқ мақсадлар, уларни ифода этувчи ғоялар билан боғлайди. Маслакий ахлоқнинг маъноси «дунёда ва охирада халқнинг манфаатини аъло ва афзал кўрмоқ ва унга эргашмоқдир».<sup>2</sup>

**Касбий ахлоқга** эса ҳамкасабалик масъулияти киради. Касбий ахлоқ ишлаб чиқаришдаги бирликнигина эмас, балки кишиларнинг бошқа бирликлари ичидаги бурч ва масъулият бирлигини ҳам ифодалайди. Бу турмуш, ишлаб чиқариш борасидаги бирлик бўлиб, одамларнинг ўзаро ишончига асосланади. Бу - қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар, кўни-кўшнилар ўртасидаги муайян ахлоқий, ҳуқуқий бурч ва масъулиятга асосланган бирлик ҳамдир. Бу бирликда ахлоқий заминлар мустаҳкам бўлиб, одамлар бир-бирига қаттиқ ишонганликлари сабабли, улар бир-бирига ҳаётини, ҳуқуқини, мулкани, авлодини, асрорини ишониб топшира берганлар. Булар ўртасида келишим бўлиб, бу «вазифанома» деб аталган.

**Оила ахлоқи.** Ота-боболаримиз жуда қадим замонлардаёқ оилани муқаддас деб ҳисоблаганлар. Оилавий муносабатларга асос бўлган ахлоқ, одоб нормалари ҳозирги динлар келиб чиқмасдан минглаб йиллар олдин шаклланган. Оила ахлоқи ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ нормаларининг энг қадимийси ва энг муҳими бўлган. Оила ахлоқи эр ва хотин ўртасидаги муносабатнигина ифодаламай, болалар учун ҳам инсон сифатида шаклланишнинг дастлабки ва асосий мезони бўлган. Қадимги ота-боболаримиз оилавий ахлоқни унинг мазмуни ва даражасига қараб, тўрт босқичга бўлганлар: бой (уруғ), сой (авлод-ажлод),

<sup>1</sup> Зиё Гўкалп. Туркчилик асослари. Тошкент, 1993, 102- бет.

<sup>2</sup> Шу асар, 103- бет.

торкун (умумий ўчоқ бирлиги), барқ (конкрет оила ва қариндош-уруғчилик муносабатлари). Ахлоқ ва одоб нормалари айнан бир хил бўлмаса ҳам, мавжудларига риюя қилиш масъуляти ҳамма ерда кучли эди.

Оиланинг турли босқичларидаги ахлоқий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1) уруғ, авлод-аждод, ўчоқ бирлигини бир оила деб қараш ва унга қирувчи барча кишилар билан яхши, яқин алоқада, ҳамкорликда бўлиш;

2) уйга, ота-онага, фарзандларга муҳаббатли бўлиш;

3) уйланган ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларга сеп ва ҳадялар бериш;

4) ҳар бир эшикни муқаддас деб билиш, уйга кирмасдан олдин эшикка салом бериш;

5) феминизм анъаналарига содиқ ҳолда аёлларни ҳурмат қилиш.

Аёлларни ҳурмат қилиш турк шаманизмида ҳам энг муқаддас анъаналардан ҳисобланган.

Ўзбек халқининг миллий ахлоқий қадриятлари ҳам қадимги ота-боболаримиз қолдирган мерос, миллий, маҳаллий заминда, кундалик ҳаёт билан боғлиқ равишда шаклланган анъаналар, ислоний қадриятлар асосида юзага келган. Ислон дини турли минтақаларда яшовчи халқларнинг ахлоқий меросини яқинлаштириб, бир ғоя асосида бирлаштириб, янада ривожланишига асос бўлди. Шу сабабли ўзбек халқининг ахлоқий қадриятлари илдизини фақат ислон динидан излаш масалага бир ёқлама ёндашиш бўлади.

Турон, Туркистон халқларининг ахлоқ ва одоб борасидаги мероси ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Авесто»да, халқ оғзаки ижоди намуналарида, Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарларида, ватандошимиз бўлган буюк мутафаккирлар, шоирлар ва олимларнинг меросида кўзга ташланади. Юсуф хос Ҳожибнинг асарида у яшаган даврдан аввал ўтган авлодларнинг юксак ахлоқ ва одоб борасидаги қадриятларидан намуналар келтирилган. Бу миллий ахлоқ қанчалик қадимий тарихга эга эканини кўрсатади.

Абуносир Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» номли асари ҳам халқнинг қомил ахлоқли шахсни етиштириш, шу йўл билан адолатли жамият қуриш тўғрисидаги орзулари ифодасидир. Одил, адолатли жамиятни юксак ахлоқли, одобли, жисмоний ва ақлий баркамол кишилар қуриши мумкин, деган фикр шарқ фалсафасида катта ўрин олган ғоялардан бири бўлган. Форобий адолатли жамият қуришга қодир бўлган одам-

ларнинг ахлоқий фазилатларида куйидаги муҳим сифатлар бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

1. Жисмоний саломатлик ва ақлий камолотнинг бирлигини таъминлаш зарур. Бундай одамларнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан бажара олсин.

2. Барча масалани, муҳокама ва мунозарани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрларнинг чинлигини тезда пайкай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай ёдида сақлаб турадиган бўлсин.

4. Зеҳни шу даражада ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришини тездан билиб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раван ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни билмай осонликча ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичимлик ичишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинлари ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган, ёлгон ва ёлгончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Рухнинг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олийжаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

10. Дирхам, динор ва шу каби туркумга қарашли буюмларга жирканч билан қарайдиган бўлсин.

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга хайрихоҳ, адолатсизлик қилиб жабр-зулим ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган барча нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб топган нарсасини амалга оширишда қатъийлик

кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўрқиш ва ожизликни билмасин.<sup>1</sup>

Бу фикрлар якка шахсга, давлат бошлиқларига ҳос бўлган ахлоқий сифатлар, фазилатлар тарғиби эмас. Бу ўринда гап фозил шахар аҳолисининг барчаси учун умумий ва зарурий бўлган ахлоқ нормалари ҳақида бормоқда. Агар юқоридаги ахлоқ нормаларини алоҳида ва яхлит таҳлил этиб кўрсак, уларда одамлар ўртасидаги адолатли муносабатларга асос бўладиган ахлоқ нормалари мукамал, жамулжам бўлганини кўрамыз. Демак, комиллик битта яхши сифатга эга бўлиш эмас, балки барча мукамал ахлоқий фазилатларни эгаллашдир. Форобий инсон камолотининг юқоридаги мезонларини белгилашда Турон, Туркистон халқларининг ахлоқий қадриятларидан кенг фойдалангани шубҳасиз.

Бу ахлоқий қадриятларнинг заминиди одамларга ҳурмат, уларнинг аҳил, тинч, фаровон турмушини таъминлашга интилиш ётади. Бу - инсонпарварликдир. Инсонпарварлик бошқаларга нисбатан ишонч ва ҳурмат, кўнглини кўтариш, ҳамдард ва ҳамроҳ бўлиш, оғирини енгил этишга кўмаклашишдир.

Ўзбек миллий анъаналарига кўра дардманларга малҳам топиш, ожизлар ва камбағалларнинг кўнглини кўтариш, етимлар ва бева аёлларга ёрдам, раҳм-шафқат қилиш инсонийлик жиҳатдан бурч, диний жиҳатдан катта савобли ишдир.

Алишер Навоий бу ҳақда қуйидаги ажойиб мисраларни ёзган:

Кимки бир-кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Демак, бир муҳтожнинг, ноилож, чорасиз қолган одамнинг кўнглини кўтариш, дардига малҳам топиш савоблик даражаси жиҳатидан вайрон бўлган Каъбани қайта тиклашдан кўра афзалроқ.

Худди шу маънодаги ахлоқий-гуманистик ғояларни Бобораҳим Машраб шеърларида ҳам учратамиз. Мисол сифатида унинг қуйидаги ажойиб фалсафий мисраларини келтириш мумкин:

Тавофи олами дил қил, жаҳонда ҳар башардан сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар каъба бузулмасму?

Демак, дунёдаги энг катта гуноҳ - киши дилини ранжитишдир. Бу шафқатсизликдир, инсон қадр-қимматини ерга уришдир. Бир кишининг дилини ранжитиш юзлаб каъбани бузишдан ҳам кўра кўпроқ гуноҳдир. Бу мисраларда инсон қадр-қиммати ҳақидаги миллий ахлоқий қадриятлар ҳамма нарсадан устун қўйилаётганини кўрамыз.

<sup>1</sup> Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993, 186- 187-бетлар.

Баҳовуддин Нақшбанд ҳам инсонга хизмат қилиш, унга раҳм-шафқат, меҳр-мурувват кўрсатишни савобли ишлар туркумига киритади. Унинг фикрича, намоз ўқиётган вақтда бир одамга ёрдам бериш керак бўлиб қолса, дарҳол намозни тўхтатиб, ёрдамга ошиқиш керак. Ночор қолган одамга кўрсатилган ёрдамдан келган савоб намоз ўқиб орттирилган савобдан афзалроқдир.

Булар ҳаммаси минглаб йиллар давомида шаклланган ва ривожланган, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган шарқона, ўзбекона ахлоқий қадриятлар тизимига киради.

Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг меросида, бошқа манбаларда ўзбекона ахлоқ, одобга асос бўлган маънавий фазилатлар ҳақида кўплаб қимматли фикр-маълумотлар мавжуд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб ажойиб ахлоқий сифатларни тасвирлайди. Булар - иймон ва эътиқодлилиқ, андишаллилиқ, оилага муҳаббат, болажонлиқ, ҳалоллиқ, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслиқ, фарзандларнинг ота-оналарига бўлган меҳрибонлиги, диний қадриятларга риоя қилиш, фаҳм-фаросатлилиқ, саводхонлиқ, саҳоватлилиқ, мардлик, хушсуҳанлилиқ, одиллиқ, ҳаёлилик, илми қадрлаш, саҳийлик, шинавандалиқ, шеъриятни севиш, оқ кўнгиллилиқ, меҳнатсеварлик қабилардир. Алишер Навоий ва бошқа шоирларнинг асарларини шу нуқтаи назардан таҳлил этсак, миллий ахлоқий қадриятларнинг янги-янги жиҳатларини кашф этишимиз мумкин.

Ўзбек халқининг ҳозирги миллий ахлоқий қадриятлари тизимига дўстлик, ўртоқлик, меҳмондўстлик, одамгарчилиқ, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик ва чаққонлик, укувчанлик, саҳийлик, хушмуомалалиқ, жамоатчилиқ ичида ўзини тута билиш, кўпчилиқ билан мулоқотда бўлишга интилиш, ҳаёлилик, сизлаб муомала қилиш, озодалиқ, хушчақчақлик, хушфёллиқ, мардлик, назокатлилиқ, самимийлик, зийраклик, лутф-карамлилиқ, рўзгорпарварлик, шинавандалиқ, пирынсўзлик, ташаббускорлик, она юрти ва халқига муҳаббатлилиқ, инсофлилиқ, диёнатлилиқ, ростгўйлик, ҳалоллиқ, орномуслилиқ, тўғрилиқ, режаллик, поклик, сабр-андишаллилиқ, вазминлик, ҳожатбарорлик, юшпоққўнгиллик, ота-онани ва катталарни ҳурмат қилиш, андишаллилиқ, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат, инсофлилиқ, иймонлилиқ, миллий гурур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналмилаллик сингари фазилатлар киради.

Ўзбек халқининг ахлоқ ва одоб борасидаги қадриятлари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган. Исломга қадар юзага келган ахлоқий ғоялар, исломий анъаналар, буюк мутафаккирларнинг ҳикматли фикрлари, халқ оғзаки ижодида

ифодаланган маросимлар, урф-одатлар, муомала ва юриштириш қоидалари уларга асос бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ахлоқ ва одоб борасидаги асрий анъаналаримиз яна ҳам кенг кўламда ривожланишга имкониятлар юзага келди.

Ўзбек халқи ахлоқий қадриятларига, миллий тарбияга асос бўлган маънавий омиллари туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**а) Инсон жамиятда яшаши, ўз-ўзини англаши ва жамоатчилик билан муносабатда бўлишидаги ахлоқ, одоб нормаларининг асослари:**

- одамлар билан кўришганда биринчи бўлиб салом бериш ва алик олиш;
- жамоатчилик билан мулоқотда аввал яхши ўйлаб, кейин сўзлаш;
- устозларга эргашиш ва уларга садоқатли бўлиш;
- муомалада керак сўзларни айтиш, ноўрин сўзламаслик;
- айтилган ерга бориш, айтилмаган ерга бормаслик;
- ҳаёли, андишали, оқкўнгли, холис ниятли бўлиш;
- ҳамма ишга ноўрин аралашвермаслик;
- кўпчилик олдида кеккаймаслик, камтар ва камсухан бўлиш;
- одамлар билан муносабатда тилга зўр бермаслик;
- одамларга ноўрин ваъдалар бермаслик, берган ваъданинг эса устидан чиқиш, вақтида бажариш;
- дил дардини фақат тушунадиган одамларга айтиш;
- дилозорлик, безорилик қилмаслик;
- элдан ажралмаслик учун кўпчилик рию қилаётган анъаналарни ҳурмат қилиш;
- иш ва сўз билан элда яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиш;
- донолар сўзига қулоқ солиш, улардан ибрат олиш;
- олимларни ҳақорат қилмаслик ва камситмаслик;
- устозларни ҳурмат қилиш, уларни масҳара қилмаслик;
- дўстини ёмонлаганларга эътироз билдириш;
- ҳам сўзда, ҳам ишда етти ўлчаб бир кесиш;
- етимлар, бевалар, бечораларга озор бермаслик, ҳар доим раҳм-шафқат қилиш;
- дўстлар, яқинлар билан ёвлашмаслик;
- ёлгон гапирмаслик, ўйламай қасам ичмаслик;
- доимо эл билан бўлиш, эл ғамида яшаш;
- муомала ва мулоқатда тилга эҳтиёт бўлиш, айтилган гап - отилган ўқ эканини унутмаслик;
- ночорлар, ногиронлар, бечораларга шафқатсизлик қилмаслик;

- ўтиб кетган низоларни қайта кўзғамаслик;
- ўзини мақтамаслик, эл-юрт, қўни-қўшнилар фикрига қараб ўзига баҳо бериш;
- ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилиш;
- аччиқ, ноҳақ гап, ноўрин ҳақорат инсон қалбига қилич тигидан ҳам кўпроқ зарар беришини билиш;
- яхшилик кўрган жойга ёмонлик қилмаслик;
- бировнинг яхши ният билан қилган маъракасини бузмаслик;
- қийналган одамни тухмат ва адоват билан яна қийноққа солмаслик;
- кенг қалбли бўлиш, ҳар нарсани қўнғилга олавермаслик;
- ҳар доим, ҳамма ерда, ҳамма ишда уят ўлимдан ортик эканини билиш;
- билган ҳунари, ўрганган билимини сахийлик билан бошқаларга ҳам ўргатиш;
- мусулмонларга меҳрибонлик кўрсатиш;
- бировни билмай, кўрмай туриб у тўғрисида яхши, ёмон сўзларни айтмаслик;
- имкони борича золимларни зулм қилишдан тўхтатиб қолиш;
- сўзи ўтадиган кишиларни ҳаром, гуноҳ ишлардан қайтариш;
- айрилмас қўшнига ноўрин сўзларни айтмаслик;
- бирор жиҳатдан зарар етказиб қўшнилари раңжитмаслик;
- ҳамма ишда қўни-қўшнилари раңжитмаслик ҳам манфаатини ҳисобга олиш;
- бирор ишни ўз имконига қараб орзу қилиш, кўрпага қараб оёқ узатиш.

**б) Жамоатчилик ичида ўзини тутиш:**

- кўпчилик олдида ҳар сўзни ўйлаб гапириш;
- маракаларда кўп лақиллаб бошқаларни раңжитмаслик;
- савол берганда ҳам ётиқ бўлиш, заҳарҳанда қилмаслик;
- аҳмоқлар билан мунозара қилишга интилмаслик;
- кўпчилик олдида ноўрин сўзлаб кулавермаслик;
- эл ичида обрў орттириш қийин, обрўни тўкиш осон эканини билиш;
- бировнинг уйига бемаҳал, руҳсатсиз кирмаслик;
- бировга ноўрин таъна ва маломат қилмаслик;
- дўст тавлашда адашмаслик, доим яхшилар билан бўлиш, нодонларга сир бермаслик;
- улуғларни улуғлаш, доим кексаларнинг дуосини олишга интилиш;

- шармандаликдан уялиш, кечиримли бўлиш;
- элда яхши ном қолдириш учун яхши хулқли бўлиш, хайр-эхсон қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш;
- ёлғон сўзлар, ёмон ишлардан ўзини олиб қочиш;
- доимо хушёр бўлиш, бир оғиз сўзданоқ бошқаларнинг кайфиятини яхши англаб олиш;
- ўзи сув ичаётган қудуққа туфламаслик;
- муносабатда бўлган одамлар, яқинлар билан орани узил-кесил узиб юбормаслик;
- бошқаларни ҳурмат қилиб ҳурмат орттиришга интилиш;
- ўзига раво кўрганни бошқаларга ҳам раво кўриш;
- уришганларни ярашгириб қўйиш, бировларнинг ўртасига тушиб орасини бузмаслик;
- ҳар нарсадан гумонсирамаслик, одамларга ишониш;
- ноҳақ, гуноҳ ишларни қилаётганларга ёрдам бермаслик;
- одамларни имкони борича муроса-ю мадорага келтириш;
- бировнинг молини ўғирламаслик ва таламаслик;
- бировга ёмонлик қилишдан аввал унинг ўрнига ўзини кўйиб кўриш;
- жамоатчилик олдида ўзини енгил тутмаслик;
- яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш;
- занфларга, бечораларга бағрини кенг очиш;
- ишда, танлаган йўлда қатъий бўлиш, иккиюзламалик қилмаслик;
- илиқ сўз билан одамларнинг кўнглини кўтариш;
- дўстларга, яқинларга нисбатан тухмат ва иғво қилмаслик;
- ноўрин ваъда бермаслик, берган ваъдани бажариш;
- шафқат сўраганга шафқатсизлик қилмаслик;
- оғир вазиятда дўстларни ташлаб кетмаслик;
- муомалада каттани катта; кичикни кичик деб билиш;
- ёшларни тўғри йўлга бошлаш;
- манманликка берилмаслик, доим камтар бўлиш;
- яхши одамларни авайлаб асраш;
- нодон сўзлаганда ҳам ундан ўзига хулоса чиқара олиш;
- яхши хулқни олий фазилат деб билиш;
- тил билан дил бир бўлиши;
- адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатиш;
- ғам-ташвишли кишиларга таскин бериш;
- тижоратда ҳалол, иймонли, инсофли бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш;
- олган қарзни иложи борича тезроқ қайтариш;
- бировни алдаб текинга ишини қилдирмаслик.



### **в) Фарзандлик бурчи ва бола тарбияси:**

- ота бор жойда унинг ўрнига ўғли сўзламаслиги;
- фарзандларни яхши хулқларга, меҳнатга ўргатиш;
- одоб-ахлоқ қоидаларини болаларга жуда ёшлигиданок ўргатиш;
- ота-онага мол ўртоғи эмас, жон ўртоғи, суянчиқ бўлиш;
- ақл-одоби, юриш-туриши билан ота-онанинг обрўсига обрў, соғлиғига соғлиқ қўшиш;
- ака-укалар бир-бирини ҳурмат қилиши, сингиллари, опаларини эъзозлаши;
- ота-она розилигини, дуосини олишни виждоний бурч деб билиш;
- ота-она олдида номаъқулчилик қилмаслик, ноўрин сўзламаслик;
- ота-онанинг панд-у насиҳатига қулоқ солиш;
- ота-онага оқпадар бўлиш кечириб бўлмайдиган гуноҳ эканини англаш;
- ота-оналарнинг уйда ўрнатган анъаналарига ҳурмат билан қараш ва уларни давом эттириш;
- кексайган ота-онанинг елкасига юк бўлиб олмаслик;
- отанинг дўстларини дўст тутиш, уларга ҳурмат, иззат-икром кўрсатиш;
- онага ҳурматни энг юксак буюклик деб билиш;
- онанинг дилини ранжитмаслик;
- шараф тожини эмас, она розилигини излаш;
- онанинг аччиқ сўзларидан ҳам ширин сабоқлар олишга одатланиш;
- онадан қарздорликни етти хазина билан ҳам ўзиш мумкин эмаслигини билиш;
- ота-онадаги ёмон иллатлардан ўзини олиб қочиш;

### **г) Оиладаги муносабат, ҳурмат:**

- ота-она фарзандларини ноўрин мақтай бермаслиги, талтайтириб тўғри йўлдан чиқармаслиги;
- ота-она оилада арзимаган ишдан жанжал чиқишига йўл қўймаслиги;
- уйга меҳмон келганда уй бекасининг бағри кенг бўлиши;
- ифбат аёлнинг ҳурмати бўлишини билиш;
- аёл ҳар қандай шароитда ҳам эр, оила шарафини баланд тутиши;
- эрнинг оилада бағри кенглиги, кўча хандони, уй зиндони бўлмаслиги;
- аёл эрини алдамаслиги, ҳамма масалада у билан бамаслаҳат иш тутиши;

- аёл ишчан бўлиши, уй-рўзғор ишларини тоза, покиза юритиши;

- бўлар-бўлмасга инжиклик қилиб, эрига озор бермаслиги, қийинчиликларда эрига кўмакдош бўлиши;

- эридан сарф-ҳаражатларни камроқ талаб қилиши, эри ёқтирганини ёқтириб, ёқтирмаганини ёқтирмаслиги;

- эр ва фарзандлар аёлнинг уйидаги хизматини қадрлаши, унга кўмаклашиши;

- ота-она фарзандларини ўзларининг муомаласи, аҳиллиги билан тарбиялаши;

- эр кўча севгиси деб ҳалол хотинини бадном, уйини безовта қилмаслиги;

- хотини билан иложи борича ширин муомалада бўлиши;

- хотинидан назокат ва иффатни талаб қилиши;

- хотинининг камчилиги бўлса, буни унга ётиғи билан тушунтириши, бўлар-бўлмасга жанжал чиқаравермаслиги;

- эр оила ташвишларини ўз зиммасига олиши;

- эр хотини ва болалари билан бирга ўтириб овқатланиши;

- хотин эрининг, эр хотинининг қариндошларини яқин тутиши;

- хотини қиз тугса, барака умид қилиб севиниши;

- ота қиз фарзандларига кўпроқ меҳр-шафқатли бўлиши;

- эр хотинидан асосиз шубҳаланмаслиги;

- эр хотинига, фарзандларига қўлидан келмайдиган ишларни буюрмаслиги;

- эр хотини ва фарзандларини кичик камчиликлари учун қаттиқ қоймаслиги;

- қиз болани зўрлаб турмушга чиқармаслик;

- хотин эрининг уйдан бесабаб кетиб қолмаслиги;

- эр сабабсиз хотинини талоқ қилмаслиги;

- ота-она фарзандларининг бирини бошқасидан ортиқ кўрмаслиги;

- хотин эрининг уй юмушларини бажаришдан эринмаслиги;

- эр оиласига бахиллик, қизғанчиқлик қилмаслиги;

#### **д) Ҳалоллик, иймонлилик, инсофлилик мезонлари:**

- бекор юриб вақт ўтказмаслик;

- омонатга хиёнат қилмаслик;

- нафс-у ҳавога берилмаслик;

- билимли бўла туриб ғофилларнинг ишини қилмаслик;

- ҳар ишда савоб олишни ўйлаш;

- одамларни иғво қилмаслик;

- дунёдан ўтганларнинг фақат яхши томонларини ўйлаш, беморларни бориб кўриш;

- мухтожларнинг ҳожатини чиқариш;
- тангрининг берган неъматларига шукур қилиш;
- жаҳли чиққанида ўзини босиб туриш;
- фитна, фиск-фасодлардан узоқ юриш;
- очиқ юз, яхши хулқ билан одамларнинг кўнглини олиш;
- мухтож бўлганда ёрдамни ҳалол, иймонли одамлардан сўраш;
- ҳалол меҳнат, касб билан кун кўришга одатланиш;
- садақани ҳам ҳалол пулдан бериш;
- хавф-хатари бўлса ҳам, ростгўйлик йўлидан бориш;
- барчага меҳр-оқибатли бўлиш;
- қўл остидагиларга ҳимматли бўлиш;
- яхшиликка шукур қилиш, ёмонликни кечирिश;
- одамлар билан муомалада яхшиликни яширмаслик, ёмонликни оширмаслик;
- одамлар маслаҳат сўраса, уларга тўғри йўл кўрсатиш;
- бахиллик қилмаслик;
- ёлғон гувоҳлик бермаслик;
- зиёфатга борганида қорни очларни кўпроқ ўйлаш;
- хайр-эҳсонни қариндошларидан бошлаш;
- ҳеч кимга таъмағирлик қилмаслик;
- ўзига хайр-эҳсон қилмаганларга ҳам хайр-эҳсон қилиш;
- одамларни ноҳақ йўлга бошламаслик;
- ҳикматга ташналик, билган ҳикматни бошқаларга ҳам ўргатиш;
- нафсини тарбиялаш, кўзи тўқ бўлиш;
- уят деб ҳисобланган ишларни ўзи ёлғиз қолганида ҳам қилмаслик;
- ишига пушаймон бўлиб узр сўраганларнинг гуноҳини кечирिश;
- шошилмай, сабр-қаноат билан иш қилиш;
- одамларга тўғри, холис маслаҳат бериш;
- дўстлар билан узоқ аразлашиб юрмаслик;
- гуноҳ қилганида кетидан савобли иш қилишга ҳаракат қилиш;
- дўстликни ҳам фарзандларига мерос қилиб қолдириш;
- одамларга макр-ҳийла, хиёнат қилмаслик;
- бировнинг айбини топиб устидан кулмаслик;
- одамларнинг айбини билишга интилмаслик;
- ўзини катта тутмаслик, кибр-ҳавога берилмаслик;
- ноҳақлик, адолатсизликларга бефарқ қарамаслик;
- оғир ишда ғайратли, шижоатли бўлиш;
- яхшиликка бошлаганларни устоз деб билиш;
- ҳар ишни бажаришга аввал оқибатини ўйлаб киришиш;

- сўзлаётган кишининг гапини бўлмайд тинглаш;
- дўстларининг камчилигини ётиги билан тушунтириш;
- бахтли одамларга ҳасад қилмаслик;
- бошга ташвиш келганида саросимага тушмаслик, ақл-идрок билан ундан чиқиш йўлини ўйлаш;
- ҳар қандай яхшилиқни беминнат қилиш;
- нафс кўнглини ёмон ишларга бошлаганида ўзини тийиш;
- қўлига тушган бировнинг молини эгасига қайтариб бериш;
- ичган қасамини оқлаш, ноўрин қасам ичмаслик;
- айбисиз кишилар ифво қилинганда бефарқ бўлмаслик;
- ўзига, бировга зулм қилдирмаслик учун ёлғонни ишлатиш;
- оралари бузилганларни яраштириб қўйиш учун ёлғон сўзлаш;
- савдо-сотикда бировнинг молини ўз молига аралаштирмаслик;
- нуқсонли, айбли молни алдаб сотмаслик;
- омонат олган нарсани ўзлаштириб олмаслик;
- етимларнинг молларига хиёнат қилмаслик;
- хизматини бажарган кишиларни инсоф билан рози қилиш;
- сув каби сероб нарсаларни бошқалардан аямаслик;
- бировнинг айбини юзига солмаслик;
- бировларнинг устидан қулмаслик;
- бировларга тухмат ва бўҳтон қилмаслик;
- бировни ота-онаси туфайли камситмаслик;
- гап ташиб чақимчилик қилмаслик;
- икки душман тараф ўртасида туриб иккиюзламалик қилмаслик;
- яширинча сўзлаётган кишиларнинг гапини тингламаслик;
- бировларнинг гапини бўлиб ўз сўзини ўтказмаслик;
- бировнинг ҳеч кимга зарари тегмайдиган сирларини элга ошкор қилмаслик;
- садақа сўраб келган гадони жеркиб жўнатмаслик;
- бажариш нияти бўлмаган ишларга ваъда қилмаслик;
- золимларнинг зулмига ёрдам бермаслик;
- бировни бекорга ва беҳуда кўрқитмаслик;
- бировни алдаб тўғри йўлдан адаштирмаслик;
- Алдаш нияти билан одамларга нотўғри маслаҳат бермаслик;
- фақир кишиларни фақирлиги учун хўрламаслик;
- мансабдорларга тилёғламалик қилмаслик;
- ҳеч кимга гуноҳ ишларни буюрмаслик, ҳеч кимни савобли ишлардан қайтармаслик;

- дунё лаззатлари ва бойликларига меҳр қўймаслик;
- бировларга етган офат ва зарардан суюнмаслик;
- кишиларни қулдириш учун бировни мазах қилмаслик;
- гунохли сўзлар, ғийбатли гапларни тинглаб ўтирмаслик;
- бадавлат кишиларни ортиқча ҳурмат қилиб ўзини ерга урмаслик;
- ўтган ишга ёлғон қасам ичмаслик;
- ўз сўзини ўтказиш учун ҳақ сўзга қарши чиқмаслик;
- ўзида йўқ сифатлар билан мақтанмаслик;
- бировга яхшилиқни беминнат қилиш;
- ҳаром ишлар қилинаётганини кўриб жим томоша қилиб турмаслик;
- кучи, қудрати етмайдиган ишга жаҳл билан киришмаслик;
- одамлар орасида юриб уят ва жирканч ишларни қилмаслик;
- улуғ кишилар сўзлашаётганида сўзларини бўлмаслик;
- бирор ишни бировнинг жаҳлини чиқариш учун қилмаслик;
- иш билан банд кишининг олдига кўп келмаслик ва кўп сўзламаслик;
- дилозор бўлиб эл-у юртни безор қилмаслик.

#### е) Ватанни севиш:

- ватанни ҳимоя қилиш учун ҳарбий хизматни ўташ;
- ватанфурушлик, миллатфурушлик қилмаслик;
- ватан душманлари ва хоинларига нафрат билан қараш;
- ватан манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш;
- ватан, мамлакат рамзларини муқаддас деб билиш;
- ватанга тўхмат қилмаслик, унинг обрўсини ҳамма ерда батанд кўтариш;
- ватан тарихини билиш ва у билан фахрланиш;
- буюк ватандошларининг номини ҳурмат билан тилга олиш ва қолдирган меросини ўрганиш, қадрлаш;
- ватансизликни оғир азоб-уқубат, фожеа деб билиш;
- барча ватандошларни қадрлаш, улар билан ватан манфаатлари йўлида бирлашиш;
- ватан истиқболини билиш ва бу йўлда фидойилик қилиш.

Юқорида саналганларнинг ҳар бирини алоҳида ахлоқ, одоб нормаси деб қараш мумкин эмас. Улар ахлоқли, одобли деб баҳоланадиган ишлар, муносабатлар, мулоқотлар, юриш-туриш, ўзини тутиш нормаларига, уларнинг конкрет шароитдаги барча кўринишларига асос бўладиган маънавий-фалсафий асослардир. Уларнинг ҳар бири инсониятнинг узоқ йиллик тажрибасини умумлаштиришдан келиб чиққан ҳулосалар бўлиб, уларга рия

этиш одамларнинг фаолияти, ҳатти-ҳаракатига ахлоқий мазмун бағишлайди.

Жамият ўзгаради, ривожланади, инсоният маънавий камолотнинг яна-да юқорироқ поғонасига чиқади. Лекин инсон фаолиятига ижобий мазмун ва мақсад берувчи бу мезонлар ўзгариб, ривожланиб турса ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолаверади. Уларнинг ҳар бири ахлоқ, одоб амалларининг барча қирраларига, шаклларига асос бўлади. Таълим, тарбия ишларида бу мезонларнинг ҳар бири инсон маънавиятини шакллантирувчи, бойитувчи омиллар сифатида ёритилмоғи зарур. /

#### 4. Ахлоқий қадриятларнинг тарбиявий аҳамияти

Тарбия - инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимидир. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёнлардир. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай деган: «Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир... Чунки дарс олувчи тарбия олувчи, амал қилувчи демакдир».<sup>1</sup>

Инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнини, барча маърифий тадбирлар мажмуасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади.

Тарбия, хусусан миллий тарбия ҳақида сўз борганида бу тушунчанинг моҳияти устида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим.

Тарбия сўзи асли арабча бўлиб, «парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш» деган маънони англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукамал тарбия бериш маънавий камолотнинг барча жабҳаларини ривожлантириш учун субъектив омил яратишдир.

Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ва малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Инсон шахси маънавиятини шакллантиришдек олийжаноб вазифага бутун умрини бағишлаган кишилар одатда ўз замонасининг илғор ва фидойи кишилари бўлганлар.

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 15- 16- бетлар.

Ғаззолий бу ҳақда шундай деган эди: «Шайхнинг (тарбиячининг) муриди тарбиялаш қалити ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоғи учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалангани каби бир ҳол».<sup>1</sup>

Тарбиянинг моҳияти, мақсадлари, усуллари инсониятнинг ўзига хос тарихий, маънавий қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Тарбияга мақсад ва йўналиш берадиган йўллар ҳам асосан муайян этник бирликнинг ўзига хослигини билдирувчи маънавий асослари ҳисобланади. Умуман тарбия шахснинг ахлоқи ва одоби, психологияси, турмуш тарзи ва фаолияти, аймони ва эътиқоди шаклланишига асос бўлади.

Миллий тарбия инсон шахсини шакллантиришда миллий маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш, ҳар бир халқ маънавиятига ўзига хос йўналиш беришга ҳаракат қилишдир. Миллат мавжуд экан, унинг маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган тарбиянинг ўзига хос усуллари, мазмуни ва тизимлари ҳам такомиллашиб бораверади. Марказий Осиё халқларининг умуман тарбия, хусусан миллий тарбия тажрибаси ва назариясига оид кўплаб фикрлар Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Нарсиддин Тусий, Жалолиддин Давлоний, Ғиёсиддин Мансур, Алишер Навоий асарларида, Темур тузукларида мукаммал ёритиб берилган. Тарих тажрибаси, буюк мутафаккирларнинг мероси миллий педагогика аъёналари шаклланиши ва ривожланишида ҳам асос бўлган.

Миллий тарбиянинг ўзига хос шарқона жиҳатларини ёритиб берувчи асарлар ҳам борки, уларда олдинга сурилган ғоялар хануз тўла ўрганилиб, амалиётда қўлланилаётгани йўқ. Буларни чуқур ўрганиш таълим-тарбия ишени янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Булар қаторига Ибн Арабий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Пошшаҳўжа Абдуваҳобхўжа, Юсуф Самандархўжа Термизий, Бархурдор Туркман Фароҳий, Абдурахмон Шараф, Абдурахмон Сайёҳ ва бошқаларнинг ахлоқ ва одобга бағишланган асарлари қиради. Қуръони карим, Ҳадислар, шарият ҳукмларида ўртага қўйилган ахлоқ мезонлари ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Миллий ахлоқий қадриятларнинг, миллий тарбия усуллари-нинг аҳамиятини камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳар қандай шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши миллат маънавий камолоти имкониятларини чеклаб қўяди. Жамият тараққиётининг барча давларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний

<sup>1</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. Бухоро, 1992, 18-бет.

кадриятлар уйғунлиги асосида белгиланган. Бу фикр мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари йўналишларини белгилаш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Миллий тарбиянинг баъзи томонлари устида қисқа тўхтаб ўтайлик.

Миллий тарбиянинг асосий хусусиятларидан бири ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдир.

Ўзбеклар ҳамма вақт ахлоқ, одоб тарбиясига биринчи даражали аҳамият бериб келганлар. Олимат ул Банотнинг миллий тарбия анъаналари ҳақида қуйидаги фикрларида ҳам чуқур маъно бор. У шундай деб ёзган эди: «Ота-оналар қўлида болалар азиз омонатлардир. Шунинг учун ҳам уларни гўзал тарбия этмоқ, яхши хулқларга ўргатмоқ ва кўркам одатларни тушунтирмоқ лозим бўлади. Тарбия билан бир болани олтин этмоклик мумкин, тупроқ қилмоқ ҳам мумкин. Буларнинг ҳар иккисига ота-оналари сабаб бўладилар. Энди шунга фикр-у эътибор қилинсу! Болаларни тарбия этувчи оналарнинг ўзлари тарбиялари, билган нарсалари қандай даражада бўлмоғи лозим. Гапира бошлаши билан болаларга ўз тилимиз «туркча» билан иймон ўргатилади, алҳамду, оятил курси каби сура, оятлар ҳам ёдлатилади. Ушбу вақтдан бошлаб ислом одоблари билан болаларни тарбия этиш бошланади. Тарбия хусусида тиришмоқ жуда ҳам зарурдир, чунки бу чоғда болалар тол навдаси каби қаёққа букса, ўша ёққа букилади.

Олти, етти ёшга тўлганда ўқитиш бошланиб, мактабга ҳам юборадилар. Ушбу ёшларда ҳам қизлар билан эр болаларни айрим ётиш ва ухлатишга ўргатилади. Намоз ўқимоқ ҳам билдирилади. Ҳамиша кузатиб борилиб, болаларнинг хулқларини тузатишга ҳаракат қилинади. Хулқсизлик, хусусан, тез аччиқланмоқ, йўқ нарсага қайғурмоқ каби нарсалар хасталик жумласидандир. Шунинг учун уларни битиришга ғайрат қилмоқ лозимдир.

Болалар учун бир-бирини кўрқитмоқ, кўрқитадиган қилиб ҳикоялар сўзламоқ ҳам зарарлидир. Шу сабабли ҳаттоки болалар тунлари ўз сояларидан ва ёки бошқа соялардан кўрқа бошлайдилар. Ётгач, ухлай олмай, ухласа ҳам, безовталаниб, роҳатсизланадилар. Бунинг натижасида бир хасталик келиб чиқади.

Ўшандоқ болаларнинг танлари, уст-бошлари иссиқ бўлмоғи лозим. Тирноқлари ҳам олинган бўлиб, кийим киймоқ, ошамоқ, ичмоқ ва катталар билан ўтирмоқ одобларини билдирмоқ ҳам зарур.



Овқатланаётган вақтда ҳаминша силкиниб, қимирлаб турмоқ, қош ва кўзлари билан ишора қилмоқ, кийим ва аъзолари билан ўйнамоқ, четга айланиб қарамоқ ёки бошқа кишининг овқатланишига қараб турмоқ, одамлар олдида керешмоқ, кишилар ё овқатга қараб йўталмоқ, ёнида бўлганлар билан яширинча сўзлашмоқ, қийқириб кулмоқ, овозини баланд қилиб ёки эшиттирмай пичирлаб сўзламоқ, катталар ёнига кирганда қўлида зонт ёки таёқ тутиб кирмоқ каби нарсалар жумласи адабсизлик саналади. Шулардан болаларни иложи борича сақламоққа ҳаракат қилинади.

Болаларга меҳрибон бўлмоқ, кўнгилларини топмоқ улуғлик саналади. Совға бераётганда кичкиналардан ва қизлардан бошлаб бермоқ одобдандир. Таъқиқланмаган ўйинларга рухсат берилади. Зехн ва хотирани яхшилашга ўйиннинг фойдаси бордур”.

Миллий тарбия анъаналарида бу масалаларга кўп эътибор берилишининг сабаблари бор. Юқорида айтиб ўтилганидек, ахлоқий камолот инсонда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади, бурч ва масъулият, бахт, диёнат, яхшилик, ёвузлик, ҳақ ва ноҳақлик тўғрисидаги тушунчалар шаклланишига асос бўлади. Инсоннинг билими, касби, ҳунари, малакалари ҳам муайян даражадаги ахлоқ ва одоб асосида шаклланади.

Ахлоқ, одоб тарбиясининг ҳамма жиҳатлари аҳамиятлидир. Умуман, юксак маданиятсиз олийжаноб ахлоқ бўлмайди. Ҳар қандай ахлоқ кундалик одоб нормаларида намойён бўлади. Олдий хатти-ҳаракатларда ҳам муайян даражадаги маданият ифодаланади. Маданиятнинг ибтидоси, аввали салом-алиқдан бошланади. Очиқ чеҳра билан салом берган кишида самимият бўлади. Самимиятли киши ўзгаларга ёмонликни раво кўрмайди. Баҳовуддин Нақшбанд айтганидек, яхши кишиларни яхши кўриш барчага хос хислат. Ёмонларни ҳам яхши кўра олган киши ҳаммадан устун бўлади.

Ахлоқ, одоб тарбияси кўп қиррали, мураккаб жараён. Улардан яна бири кишиларни самимийликка, оддийликка, камтарликка ўргатишдир. Самимият, камтарлик, оддийлик эгизак фазилатлардир.

Оддийлик - маънавий гўзаллик ва баркамоллик, улуғворлик ва олийжаноблик белгисидир. Худди шу фазилатлар қарор топган жойда адолатли инсоний муносабатлар шаклланади. Бундай фазилатлар, энг аввало, инсоннинг фаҳм-фаросатига боғлиқ. Фаҳм-фаросатли киши қайси ўринда нима дейишни, қандай хатти-ҳаракат қилишни тўғри белгилай олади. Фаҳм-фаросат ақл-идрок билан боғланган бўлиб, уларнинг бирлиги шахснинг ички маданиятини белгилайди. Бундай фазилатга эга бўлган инсонни яхши тарбияланган киши деймиз. Тарбияланган киши-

лар дил амри билан яшайдилар, уларнинг тили билан дили, сўзи билан иши бир бўлади. Бундай фазилатларни шакллантириш биринчи навбатда тарбиячиларга боғлиқ. Агар тарбиячи нодон бўлса, нодонлар кўпайиб кетади. Агар мураббий тарбиясиз бўлса, атрофида тарбиясиз кишилар тўпланиб қолади, чунки улар устозига таклид қила бошлайдилар. Бундай ҳолатнинг олди олинмаса, тарбиясизлик бутун жамиятга томир ёйиши мумкин.

Инсон ақли бўлиши керак, деймиз. Аммо ақл виждонга, иймонга бўйсунмоғи лозим. Виждон билан донолик муштарак бўлса, буюклик тантана қилади, олам жаннатга айланади, яхшилар яйрайди. Ақл билан виждонсизлик, ахлоқсизлик бирлашса, ҳаёт дўзахга айланиши, яхшилар ўтда куйиши ҳеч гап эмас. Ҳадисларда айтилганидек, раҳбарлар одил, бошлар сахий бўлса, ишлар бамаслаҳат қилинса, инсон учун жаннат шу дунёнинг ўзидир. Бундай ҳолат жамиятдаги вазиятни яхшилабгина қолмай, одамларни тарбиялашга ҳам ижобий таъсир этади. Тарбиячининг ҳар бир хатти-ҳаракати ёшлар кўзи олдида содир бўлади. Тарбиячи битта ногўғри ҳаракати, қўпол сўзи билан кишилар назаридан қолиши мумкин.

Одамлардан ҳадиксираш ҳам ахлоқсизликдир. Ҳадиксираш кишини ваҳимага солади. Ҳар нарсадан ваҳима қилавериш руҳий хасталик аломатидир. Ҳар қандай соғлом одамда у ёки бу тарзда ҳадиксираш, шубҳаланиш бўлади. Аммо ҳадеб ҳадиксираш ҳам пировард оқибатда кишини шубҳа бандасига айлантириб кўяди. Шунинг учун ҳар бир одамда бошқаларга нисбатан ишонч бўлмоғи керак.

Келажакка ишонч одамларга бўлган ишончдан бошланади. Бу фазилат барча инсонлар учун жуда зарур. Ҳар бир ҳодисага умумдавлат нуқтайи назаридан қарамоқ керак. Кишидаги гинақудурат унинг шахсий иши эмас, балки катта ижтимоий аҳамиятга моликдир. Агар шундай бўлмаса, бу ҳолатдан жамият зарар кўради.

Катталарнинг ҳурматини, кичикларнинг иззатини ўрнига қўйиш ҳам миллий тарбия анъаналарига киради.

Одатда, инсоният икки ишда катта хатога йўл кўяди: биринчиси - ёшларни ҳали ёш деб, уларга ишонмаганида, иккинчиси - кексаларни қари деб, четга суриб қўйганида.

Ёшларда келажакка интилиш билан боғлиқ бўлган катта ташаббус, куч ва ғайрат бўлади. Кексалар эса ҳаёт йўлида кўп иссиқ ва совуқларни бошидан кечириб, бой тажриба орттиргани учун уларда узоқни ўйлаб, босиқлик билан иш қилиш, етти ўлчаб бир кесиш сингари маънавий бойлик ва етук тафаккур салоҳияти бор. Ўзбекларнинг, «қари билганни пари билмас» деган ҳикматли сўзи замида шу маъно ётади. Ёшларнинг та-

шаббуси, кучи ва ғайрати кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаси билан боғланганидагина ижобий самараларга эришиш мумкин. Демак, кексалардаги консерватизмни ҳам жамият маънавияти тараққиётида ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.

Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда тараққиётнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда ёшларнинг ғайрати, келажак режаларини тезроқ амалга оширишга интилишини кекса авлоднинг тажрибаси ва ақлий салоҳияти билан боғлашга эътибор берилмоқда. Ёшлар ялонғоч отни миниб, тупроқ чангитиб чопишга интилаётганида кексалар, бундай йўллардан кўп ўтганликлари, унинг ўйдим-чуқур ерларини яхши билганликлари сабабли, отнинг жиловини ушлаб, мақсадга машаққатсиз, талофотсиз етиш йўлларини ўргатадилар.

Кекса авлоднинг бой ҳаётий тажрибасини менсимаслик ҳамма даврларда ҳам жамият учун фалокатли оқибатларга олиб келган. 1920-30 йилларда ҳали ҳаётда бирор оғир сабоқни кўрмаган, баланд-пастини билмаган 14-15 ёшлик комсомоллар кўшлаб ишбилармон, меҳнатсевар деҳқонларни қулоқ қилиш, мол-мулкни мусодара этиб, узоқ юртларга бадарға етиш вази-фасини ўз зиммасига олгани катта ижтимоий, иқтисодий бўҳронларга сабаб бўлди. Ўз отасини «фoш» этиб, бошига кўп кулфатлар келтирган Павлик Морозовнинг «жасорати» ҳам етук инсонга хос бўлмаган ахлоқсизлик намунаси эди.

Хитойда асримизнинг ўртасида амалга оширилган «маданий инқилоб» ҳам тажрибасиз, фақат эҳтирос ва ҳиссиётлар таъсиридаги ёшларнинг кекса авлод юзига оёқ қўйишидан бошқа нарса эмас эди. Ҳозир ҳам ёшлар ўртасида кекса авлоднинг қадрига етмайдиганлар, уларни менсимайдиганлар йўқ эмас. Агар кексаларни ҳурмат қилиш сингари ахлоқий фазилатлар заифлашса, бундай ҳол ўзбекларнинг ахлоқ ва одоб борасидаги қадриятларида катта бўҳрон етилиб келаётганининг белгиси бўлади.

Миллий тарбиянинг муҳим томони ёшларга миллий мерос ва қадриятларни, диний ахлоқ мезонларини ўргатишдан ҳам иборат.

Аслида миллий мерос фақат исломий маънавиятни ўргатишгина эмас, балки исломдан олдинги неча минг йиллик тарихимиз давомида таркиб топган ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, эъзозлаш ҳамдир. Чунки миллий ахлоқий қадриятлар халқимизда араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд эди. Ислom мафкураси маҳаллий халқларнинг барча ижобий ахлоқий меросини ўзига сингдириб, диний қадриятлар туркумига киритган.

Демак, мусулмончилик деб аталаётган ахлоқий қадриятлар мусулмон олами таркибига кирган барча халқларга тарихан ҳам хос бўлган етук маънавиятнинг йиғиндиси дир. Зардуштийлик,

унинг буюк ёдгорлиги бўлган «Авесто»да ҳам ажодларимизнинг етук ахлоқий мероси ўз ифодасини топгани маълум.

Мустақиллик туфайли диний қадриятларимизни чуқурроқ англаб етишимизга имкон туғилди. Диний қадриятлар турлитуман бидъат ва хурфотлардан ажратиб ўрганилса, инсонни покликка ундайди. Ҳар қандай диннинг олий мақсади одамнинг одамийлигини йўқотмасликка чақиришдир. Зеро, бу ёруғ оламда барча нарсалар одам учун яратилган ва унга хизмат қилмоғи лозим. Энг катта савоб - бу инсоннинг кўнглига озор етказмасликдир. Ана шуни тушуниб олган инсон диёнатли бўлади. Диёнат инсоннинг жамият, халқ олдидаги масъулиятини, авлодаждолари олдидаги жавобгарлигини, ота-оналар олдидаги қарздорлигини англашидир. Мана шу фазилат эътиқодга айланмоғи зарур.

Диёнатли киши ориятли бўлади. Орият - ор-номуслилик бўлиб, у бир одамга хос бўлган шахсий фазилатгина эмас.

Орият миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуси билан ҳам боғлиқ бўлиб, ахлоқий етукликнинг муҳим белгисидир. Ор-номус кучлилиги ўзбек халқига хос бўлган ахлоқий фазилатлардан бири экани узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яққол кўзга ташланиб келди. Ана шуларни англаб етиш учун кишида тан ва руҳ поклиги бўлиши зарур. Тан поклиги жисмоний соғломликни билдирибгина қолмай, исқирт ва палид ишлардан ўзини сақлаш ҳамдир. Руҳ поклиги эзгуликни англаш ва айни вақтда унинг тантанаси учун курашишдир. Руҳан заиф кишилар кадр-қимматни тушуниб етмайдилар. Бундай кишилар кўпайиб кетса, иттифоқ ўрнини нифок, адолат ўрнини зулм, дўстлик ўрнини адоват, мурувват ўрнини ҳасислик, саҳоват ўрнини баҳиллик, муҳаббат ўрнини нафрат, тавозе ўрнини кибр, сadoқат ўрнини хиёнат, ҳавас ўрнини ҳасад, шафқат ўрнини бераҳмлик, мулойимлик ўрнини кўполлик, ҳурмат ўрнини тухмат, қаноат ўрнини таъна эгаллайди. Натижада жамият маънавий таназулга юз ўгиради.

Мусулмончилик ва одамгарчилик тушунчалари одатда тенглаштирилади. Одамгарчилик - кишиларга хос энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштиришдир. Ислоҳ ҳам ўзининг инсонпарварлик ғоялари туфайли оламга кенг ёйилган, чунки унинг замирида адолат, меҳнат, ҳақиқат, ҳолис ният, маърифат каби гўзал ахлоқий заминлар ётади.

Ислоҳий қадриятлар инсон маънавияти шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлса ҳам ҳозир амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларининг ягона асоси, мезони бўла олмайди. Диний тарбия кишиларда дунёвий билимларга ҳафсаласизлик, жоҳиллик, нодонлик, экстремизм сингари хислатларни шакллантириш билан боғланмаслиги керак. Одиллар ўрнини золимлар, олим-

лар ўрнини жоҳиллар эгалласа, муслмончиликка ҳам футур етади.

Миллий тарбия жамият тараққиётнинг муҳим асосларидан бири бўлган инсон омилини шакллантириш билан ҳам боғлиқ.

Тарихимизга назар ташласак, ижтимоий ривожланишга катта ҳисса қўшган шахслар биринчи навбатда маънавий баркамол кишилар бўлганини кўришимиз мумкин. Сўнги вақтларда инсон омили ҳақида тез-тез гапириладиган бўлиб қолди. Аммо унинг туб моҳиятини баъзан чуқур англаб ета олмаيمиз. Инсон омили - шахснинг маънавий жиҳатдан камол топишидир.

Абдулла Авлоний ва бошқа маърифатпарвар фидойилар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятдан таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ахлоқни юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини кўрсатган эди. Уларнинг маърифатчилик фаолияти асосида маънавий инқирозга дучор бўлган миллат учун нажот излашга интилиш мақсади етади. Жамият тараққиётининг моҳиятини тўғри англаган Авлоний ўзбек миллати фақат маънавий камолот орқалигина ўз мустақиллигига эришиши мумкинлигини таъкидлаган.

Тараққиёт йўлидаги ютуқлар иқтисодий, сиёсий юксалиш кўрсаткичларидагина эмас, балки кишиларнинг ахлоқи, руҳи кайфиятида ҳам кўзга ташланади.

Ривожланган давлатларда инсон омилининг аҳамиятини аллақачон тўла англаб олишган. Америкалик йирик миллиардер Форд 1936 йилда: мен шу кунгача машина омилига бериб келган барча диққат-эътиборимни бундан буён инсон омилига қаратганим бўлсин, деб айтган эди. Ривожланган мамлакатларда ақлий, ахлоқий камолот билан белгиланадиган инсон омилининг ижтимоий тараққиётдаги ўрнини англаш аллақачон давлат сиёсатида айланган.

Моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда фақат хорижга сифиниш, миллат ва мамлакат манфаатларини унутиш ҳам манқуртликнинг ўзига хос кўринишидир. Манқуртлик - умуммиллий манфаатни унутишдир, ҳамма масалаларда тор шахсий манфаатлар доираси билан чекланиб қолишдир. Бундай маънавий муҳит жамият тараққиёти йўлида ғов бўлади. Ҳозир орамизда катгароқ даромад олиш имконияти туғилиб қолса, ватан, миллат манфаатларини бутунлай унутиб қўядиган кишилар, мансаб ёки катта пул ваъда қилинса, ватан манфаатларига хиёнат қилишгача бориб етадиганлар йўқ деб ўйлайсизми?!

Барча даврларда фидойи инсонлар оташин ватанпарвар бўлганлар, миллат ва мамлакат тақдир ҳақида кўп ўйлаганлар, қайғурганлар, миллий истиқлол учун янги имкониятлар излаш-

га, уларни амалга оширишга ҳаракат қилганлар. Бундай кишилар онадан ватанпарвар бўлиб туғилмайди, уларнинг иймони, эътиқоди тарбия жараёнида шаклланади.

Миллат ва мамлакат учун жон куйдирган барча шахсларда ватанга меҳр ва эътиқод амалий фаолиятининг асоси бўлган. Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Тавалло, Абдулла Қодирий сингари сиймолар фақат маърифатпарвар эмас, балки биринчи навбатда ватанпарвар бўлганлар. Улар ўз хушхаловатларидан, тинчлигидан кечиб бўлса ҳам, ватан ва халқ манфаатларини, истиқболини ўйлаганлар.

Ҳозирги кунда мустақил тараққиёт йўлидан қайтишга ундаётганларни, вақтинчалик фойдаларини ҳисобга олиб собиқ марказга сажда қилаётганларни, енгил даромад кетидан қувиб тижоратга ўтиб кетаётган мутахассис ёшларни ҳақиқий фидойилар деб бўладими? Уларда ватан ҳақида яхши фикрлар бўлса ҳам, эътиқод ва иймон билан боғланган фидойилик йўқ.

Ватан тарихининг мураккаб бурилиш давларида ёшларни мамлакатга, миллатга фидойилик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти катта. Ҳар бир фуқаронинг ўз миллатига, ватанига бўлган муносабати ана шундай даврларда катта ахлоқий аҳамият касб этади. Бундай ҳоллар ҳам ахлоқий тарбияни кучайтириш нақадар зарур эканини кўрсатади.

Ҳозир Ўзбекистон мураккаб, масъулиятли ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу давр ватанимиз, миллатимиз учунгина эмас, балки ҳар биримиз учун ҳам муҳим синов палласидир. Худди мана шундай даврда Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганларидек “Элим деб, югим деб ёниб яшаш керак”. Бу фазилят фақат айрим кишиларгагина эмас, балки бутун миллатга хос бўлгандагина яхши самара беради. Ўзбекистонда ҳозир амалга оширилаётган ишлар биз учунгина эмас, балки келажакда яшайдиган авлодлар тақдири учун, ватанимизнинг шон-шухрати, жаҳондаги обрў-эътибори учун ҳам аҳамиятли.

Миллий тарбиянинг асосий хусусиятларидан бири ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, ишбилармонлик ва тadbиркорликка ўргатишдир.

Ўзбекистонда ишбилармонлик, тadbиркорлик, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши билан манфаатдорлик туйғулари кучаймоқда. Бу жараён ҳам маънавият, таълим-тарбия ишлари билан боғлиқ. Маънавияти етук бўлган мамлакатдагина бозор муносабатлари самарали амалга ошади.

Манфаатдорликни адолатли, оқилона англаш ҳам маънавий камолот даражаси билан боғлиқ. Ўз манфаатларини амалга ошираётган инсон ватан манфаатларини унутиб юбориши мумкин эмас. Ўзбекистон мустақиллиги барқарор бўлса, ислохотлар муваффақиятли амалга оширилса, мамлакатимиз бой,

обрўли, қудратли давлатга айлансагина ҳаммамиз ўз манфаатларимизни рўёбга чиқара оламиз. Бинобарин, мустақил давлатимиз манфаатлари ҳақида қайғуриш ҳар бир фуқаро ўз манфаатлари ҳақида ўйлашидир. Биз якка ҳолда эмас, балки аҳил бўлиб, юртимиздаги осойишталикни мустаҳкамлаб, қўлни қўлга бериб, узоқни ўйлаб меҳнат қилсаккина ватанимиз равнақ топади, шахсий манфаатларимиз рўёбга чиқиши учун имконият кенгайди. Ҳаёт тажрибасининг бу ҳақиқатини тарбия жараёнида ёшларнинг онгига чуқурроқ сингдириб бориш аини муддао бўлади.

Ҳозир Ўзбекистон ёшлари ўртасида ахлоқ, одоб тарбиясини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Лекин бу борада чуқур эътибор бериш керак бўлган айрим муаммолар ҳам бор. Айрим ўқувчилар ўқишни ташлаб ёки хўжақўрсинга мактабга бориб, бозорларда, кўчаларда юриб, пул топишга интилмоқда. Ўтиш даври қийинчиликларини рўқач қилиб, ўз вазифасига лоқайдлик билан қараётган муаллимлар ҳам оз эмас. Ҳаётнинг мақсади тўйиб овқат ейишига эмас, ватан, миллат обрўси, қадр-қимматини улуғлаш ҳамдир. Муайян ватанда яшаган инсон шу ватан учун ҳам яшайди.

Умумтаълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган олий ўқув юрғларида ҳам тарбия соҳасидаги миллий анъаналарни амалда қўллаш ишлари етарли йўлга қўйилмаган. Айрим олий ўқув юрғларида ўқитувчилик мутахассислиги бўйича таълим олаётган йигитлар иқтисод ва тижорат бўйича мутахассислар тайёрлайдиган бошқа институтларга, университетларга ўтиб кетмоқдалар. Ўқитувчилар тайёрлайдиган факультетларда эса асосан қизлар қолимоқда. Албатта, ўқитувчилик касби аёлларнинг қобилияти, уй шароитларига анча мос келади. Лекин мактаблардаги таълим-тарбия ишларида ўзига хос куч ва иродага, ёшларга таъсир этишининг катта имкониятларига эга бўлган эркак ўқитувчиларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ўз истиқболини чуқур англаган халқ, давлат таълим, тарбия масканларидаги ҳолатга асло бефарқ қарай олмайди. Бундай вазият келажакда оғир оқибатларга олиб келиши турган гап. Ёшларнинг мактабларда олаётган билими ва тарбияси уларнинг маънавий камолотида асосий роль ўйнайди. Бу бир шахс учунгина эмас, балки бутун жамият учун аҳамиятлидир. Бу борадаги асосий вазифалар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 27 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунда, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида атрофлича кўрсатиб берилган.

Албатта, тижорат ишлари иктисодий тараққиётимизга ижобий таъсир этади, лекин ҳеч қачон унинг ҳал қилувчи омили бўла олмайди. Ишбилармонликни ҳалоллик билан олиб боришни ҳам ёшларга ўргатиш керак. Ишбилармонлик стук ахлоқ ва одобга асосланганида яхши самара беради. Акс ҳолда унинг жамиятга келтирадиган моддий, маънавий зарарини ҳеч ким ҳеч нарса билан қоплай олмайди. Ҳеч қачон «олди-сотти» билан жамият бойимайди. Мамлакатнинг ўзи моддий ва маънавий неъматлар яратмас экан, бундай давлат ҳеч қачон буюк бўлмайди. Тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили - фан-техника ютуқларини эгаллаш, ривожлантириш ва тезда ҳаётга жорий этишдир. Агар мамлакатимизнинг илмий салоҳияти заифлашиб қолса, ёшларда фан, техника асосларини эгаллашга интилиш сусайса, дунёдаги қолоқ мамлакатлардан бири бўлиб қоламиз. Чет мамлакатлардан келтирилган тайёр маҳсулотларни бозорларда, дўконларда сотаверсак, ўзимизда ишлаб чиқаришни фан, техника ютуқлари асосида ривожлантирмасак, қарамликнинг бир ҳолатидан иккинчи ҳолатига тушиб қолишимиз мумкин. Тараққиётимизнинг бу заруриятини ҳам ёшлар чуқур англаб етмоқлари керак. Бу ҳам ахлоқий бурч ва масъулиятдир. Иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаган халқ ҳеч қачон сиёсий мустақилликка эга бўлмайди.

Миллий таълим-тарбияга алоқадор яна кўп муаммолар бор. Булардан бири - ёшларга меҳр-мурувватлик, хайр-эҳсончиликнинг миллий, диний асосларини ўргатишдир. Меҳр-мурувват, хайр-эҳсон масаласини қай даражада тушуниш ҳам ёшлар орасида олиб бориладиган тарбиявий ишларга боғлиқ.

Ўтмишда маҳаллий халқларга мансуб бўлган бойлар, савдогарлар хайр-эҳсон йўли билан мактаблар, касалхоналар, йўллар, мадрасалар, кўприклар қуради, бева-бечораларга, етим-есирларга ёрдам кўрсатар эдилар. Лекин нима учундир ҳозирги тижоратчиларнинг бутун диққати фақат масжидлар қуришга қаратилмоқда. Сўнгги уч йил давомида Ўзбекистонда уч мингдан ортиқ ҳашаматли масжидлар қурилди. Масжидлар ҳам маънавий камолот учун керак, албатта. Лекин миллатнинг маънавий камолот даражаси мамлакатдаги масжидларнинг сони билан белгиланмайди. Ҳозирги асосий мақсадимиз, диний кадрларнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, дунёвий жамият қуришдир. Бундай жамият қуриш учун мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илм, фан ва маданият ўчоқлари кўплаб керак. Мактаблар ва боғчалар, илм ва маданият ўчоқлари, касалхоналар қуриш, кишлоқ ва шаҳарларни обод қилиш, кўп болали оилаларга ёрдам бериш ҳам бениҳоя савобли ишдир, хайр-эҳсондир. Ҳадисларда айтилганидек, бир бечо-



ранинг кўнглини олиш савоблилиги жиҳатидан тоат-ибодатдан устун туради.

Ватан истиқболига катта масъулият билан қараш туйғусини шакллантириш ҳам миллий тарбия тизимида ҳамма вақт катта ўрин олиб келган.

Ҳозир Ўзбекистонда кўшлаб ислохотлар ўтказилмоқда. Бу ислохотларнинг моҳиятини тушуниш, вақтинчалик қийинчиликларни рўқач қилмасдан, уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ҳам кўп жиҳатдан тарбиявий ишларга боғлиқдир. Бу ислохотларнинг моҳиятини ёшларга тўла тушунтириш лозим.

Миллий тарбия анъаналари, усулларидан фойдаланиш фақат ўтмишга эмас, балки асосан келажакка қаратилган бўлмоғи зарур. Ҳозирги масъулиятли даврда тарбия масалаларида хўжақўрсинга иш қилиш, шахсий худбинлик ботқоғига ботиш, маънавиятнинг жамият тараққиётидаги ҳал қилувчи аҳамиятини билмаслик ёки унга эътиборсизлик билан қараш келажак илдизларига болта уришдир.

Миллий тарбия тизимида катта ўрин олган масалалардан бири ёшларда миллий ғурур туйғусини тарбиялашдир.

Ўқув юрглари жамоаси, ҳар бир ота-она ёшларда миллий ғурур ҳиссини тарбияламоғи лозим. Зотан, инсонда мавжуд бўлган энг нозик ҳислардан бири - миллий ғурурдир. Уни ёшлик йилларидан бошлаб тарбиялаш асраб-авайлаш зарур. Ватан оstonадан бошланади деган нақл бор. Кўчага чиқсанг, одамларни кўрасан, булар сенинг халқинг! Бироз юрсанг, далалар, боғу-роғларни, шалдираб оқаётган сувларни, бошингни кўтарсанг, мовий осмонни, ерга қарасанг, она заминни кўрасан, булар - она табиат! Демак, сен якка-ёлғиз эмассан, танҳоликда яшаётганинг йўқ. Одамлар орасида яшаётган экансан, сенинг ташвишинг ҳам, қувончинг ҳам битта ўзингники эмас. Бошқаларнинг ташвиш ва қувончига сен ҳам шериксан! Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда инсон бўлиб туғилганинг учун ғурурланасан! Миллий ғурур ҳисси худди шундан бошланади. Инсоннинг маънавияти ҳам, уни тарбиялаш ҳам шу ердан бошланади. Маънавият илдизлари жуда оддий кўринади-ю, аммо у инсон ҳаётий фаолиятларининг илдизларига бориб тақалади.

Миллий ғурур туйғусини тарбиялаш ҳам умумтаълим мактаблари фаолиятидан катта ўрин оломоғи зарур. Афсуски бу масалага ҳали ҳамма ерда етарли эътибор бера олганимиз йўқ. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни асосида тайёрланган кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия ишларининг шу томонига ҳам катта эътибор берилган.

Миллий тарбиянинг муҳим жиҳатларидан бири тарбия ва таълим ишларини узвий боғлиқ равишда олиб боришдир.

Халқ педагогикаси анъаналарига кўра болаларга олдин тарбия берилган, сўнгра таълим ўргатилган. Фақат тарбия кўрган болагина ихлос ва иймон билан илмни эгаллашга интилади. Ёшларда маънавий камолот заиф бўлса, улар таълим олишга, ҳаётда ўзига муносиб ўринни эгаллашга бефарқ қарайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, одатда, яхши ўқийдиган болалар яхши тарбия кўрган бўладилар.

Ҳозирги кунда барча мактабларда тарбиявий ишларни биринчи ўринга қўйиш зарур бўлиб қолмоқда. Фақат етук тарбия омили заминидagina ўқувчилар таълим олишга ихлос ва умид билан интилишлари мумкин. Фикримизча, ахлоқ-одоб тарбияси билан боғлиқ бўлган дарслар умумтаълим мактаблари ўқув режаларининг учдан бир қисмини ташкил қилиши зарур. Мактаблардаги умумий билим берадиган айрим фанларни қисқартириб, уларнинг ўрнига ахлоқ ва одоб тарбиясига асос бўладиган фанларни кўпроқ киритмоқ керак.

Ҳозир ёшларни кўпроқ мустақил ҳаётга тайёрлаш керак. Улар мактабни битириб, ҳаётда ўзига хос муносиб ўрин ола билсин. Қизлар физика қонунларини, ой билан ер ўртасидаги масофани ва бошқа илмий масалаларни ўрганиш билан бирга, уй-рўзгор тутишни, мазали таом пиширишни билиши, ибo, ҳаё, андиша, ифғат сингари маънавий қадриятларни эгаллашлари ҳам жамиятимиз учун ниҳоятда аҳамиятли. Чунки бугунги ўқувчи қизларимиз эртага оила куради, фарзандларини тарбиялайди.

Ҳозир олий ўқув юртларида ахлоқ-одоб масалалари бўйича таълим берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш ҳам етарли даражада йўлга қўйилмаган. Айрим олий ўқув юртларида маънавият асослари бўйича дарс берувчи муаллимларни етиштирадиган факультетлар очилш ҳам зарур бўлиб қолди.

Миллий тарбия тизими қотиб қолган ақидавий усуллар йиғиндисидан иборат эмас. Таълим-тарбиянинг замонавий услубларини ўрганиш ҳам яхши самара беради.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда тарбия ва таълим ишларини такомиллаштиришга ижодий ёндашилганлиги, бу борада назарий ақидалар доираси билан чекланмай, амалий самара масаласи биринчи ўринга қўйилганлиги ҳаммамизга маълум. Лекин бу мамлакатларнинг тажрибаси қанчалик яхши бўлма-син, биз уларни кўр-кўрона ўз воқелигимизга тадбиқ эта олмаймиз. Таълим-тарбиянинг ҳар қандай замонавий усуллари ахлоқ, одоб, турмуш тарзи, миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз билан боғлансагина ижобий самара беради.

Тарбия, таълим болаларнинг эркин, мустақил фикрлаш имкониятларини чуқурлаштиришга ҳам хизмат қилади. Ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилияти шаклланишида ўқув жараёнида техника воситаларидан кенг фойдаланишнинг ўрни катта. Лекин бу масалага ҳам болаларнинг тафаккур салоҳияти шаклланишининг физиологик, биологик, психологик жиҳатларини ҳисобга олмай ёндашиб бўлмайди. Болалар оддий ҳисоб-китобни микрокалькуляторлар, бошқа ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалга оширишининг ижобий ва салбий томонлари бор. Фикрлаш имконияти эндигина шаклланаётган ёшлар бу ишларни ўз ақли билан мустақил ҳал этишга ҳам ҳаракат қилишлари лозим. Агар аниқ фанлар билан боғлиқ бўлган барча вазифалар фақат техника асбоблари орқалигина бажарилаверса, ёшларнинг мустақил, чуқур ижодий фикрлаш имкониятлари чекланиб қолади. Компьютерлар ҳам ўқув жараёни учун қанчалик муҳим, фойдали бўлмасин, улар асло инсон хотираси ўрнини эгаллай олмайди. Ҳар қандай билим компьютер хотирасидагина эмас, балки ёшларнинг миёсида ҳам сақланиши керак. Инсон миёси турли билимлар, фактларни ўз хужайраларида сақлабгина қолмай, уларни муайян вазият, талаб ва имконият асосида таҳлил этади, умумлаштиради, хулосалар чиқаради. Фан ва техника қанчалик ривожланмасин, энг мураккаб ҳисоблаш машиналари инсон миёси ўрнини боса олмайди. Ҳар қандай мураккаб программа ҳам машина хотирасига инсон томонидан киритилади. Шунинг сабабли ҳам қатор ривожланган мамлакатларда ўқув жараёнида техника воситаларидан фойдаланиш масаласига янгича қараш шаклланимоқда.

Бу фикрлардан таълим-тарбия жараёнида фан ва техника воситаларидан фойдаланиш шарт эмас, деган хулосага келмаслик керак, албатта. Ёшларга, биринчи навбатда, янги техниканинг сирларини, улардан фойдаланиш йўллариини ўргатмоқ керак.

Ҳозир матбуотда мафкура ва маънавият назариясига бағишланган мақолалар чоп этилмоқда. Лекин уларда ахлоқ-одоб тарбиясининг долзарб масалаларига етарли эътибор берилмайди. Айниқса, миллий тарбия борасидаги ажойиб анъаналар, қадриятлар тарғиботи эътибордан четда қолмоқда. Бу борада ўйлаш керак бўлган муаммолар ниҳоятда кўп. Таълим, тарбия ишларига эътиборсизлик мамлакатнинг, миллатнинг истикболига эътиборсизлик бўлади.

## IV-БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ БАЪЗИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

### 1. Маънавий камолот - мустақил тараққиётимиз омили

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши ҳам тарихнинг кўп асрлик сабоқларига, жамият олдида турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир.

Шу сабабли ҳам мустақил Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш, маърифий-тарбиявий ишларни мунтазам амалга ошириш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Республика раҳбарияти сўнгги йилларда маънавиятни юксалтиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди, кўшлаб тадбирларни амалга оширди. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказининг ташкил этилиши, таълим ва тарбия ишлари янги концепциясининг ишлаб чиқилиши шулар жумласидандир. Энг муҳими ва аҳамиятлиси шу бўлдики, маънавиятга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Каримов бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб, қўйидаги фикрларни айтган эди: «Мустақиллигимизнинг дастлабки қулариданок аждоқларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз».<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзбек халқи сиёсий мустақиллик ва озодликка эришди, ўз тақдирининг эгаси, тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Миллий ўзликни англаш жамият ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам халқнинг маънавий камолоти даражаси билан боғлиқ. Юксак маънавият соҳиб бўлган халқгина миллий ўзлигини тўла ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида.., 137- бет.

тўғри англаш имконига эга бўлади. Миллий ўзлигини, манфаатларини, тараққиёти истиқболини чуқур, холисона, одилона англаган халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олиншини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган.

Ўтмишдан чуқур бухронлар мерос бўлиб қолган ҳозирги шароитда жамият аъзоларининг маънавиятини юксалтириш мураккаб, масъулиятли вазифадир. Мустақиллигимизнинг биринчи қадамлариданоқ бу борадаги қийинчиликлар ҳам яққол кўзга ташлана бошлади. Жамият ва шахс маънавиятининг собиқ совет тузуми даврида шаклланган мазмуни мустақиллик, миллий истиқлол ва истиқбол билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш учун замин бўла олмас эди. Ўнлаб йиллар давомида ниқоблаб келинган, кишиларнинг онги, дунёқараши, ахлоқи ва эътиқодида томир отган маънавий инқироз хатарли бир ҳолатда бўлиб, кишиларнинг ташқи фаолияти билан ички дунёси бир-бирдан ажралиб қолган эди. Кишиларнинг ички дунёси мазмунида нималар бўлаётганини билиш қийин бўлган темир қўрғонга айланганди. Тилида партияга, совет тузумига ишонч, садоқат тўғрисида баландпарвоз сўзларни айтаётган катта раҳбарларнинг ҳар бир нутқини гулдурос қарсақлар билан кутиб олаётган кишилар дилида бошқача ўйлар, сиёсат ва тазйикдан ниҳоятда кўрқиб, ўз фикрини очик айта олмас эди. Миллат қадр-қимматини билиш, миллий манфаатларни ҳимоя этиш борасида ҳам лоқайдлик ҳолатлари томир отди. Бундай руҳий ҳолат қон-қонига сингиб кетган кишиларнинг онги ва эътиқодини бирданига ўзгартириш ҳам мумкин эмас. Бу борада кўзбўямачиликка йўл қўйиш, жамият маънавий ҳаётида ҳали амалга ошмаган ўзгаришларни бўрттириш ниҳоятда хатарлидир. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борадаги кўзбўямачилик, хўжақўрсинга иш қилиш ижтимоий, иктисодий, сиёсий ҳаёт соҳаларида янги ва янги инқирозлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Миллий онг ўсиши билан боғлиқ бўлган янги маънавиятнинг шаклланиши эса ма-шаққатли, кенг қўламдаги тарбиявий, маърифий ишларни амалга ошириш орқалигина ҳал этилиши мумкин бўлган жараёндир.

Тоталитар тузум шароитида таркиб топган маънавий бухронга барҳам бериш, янги иймон, эътиқод, дунёқарашга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, маълум вақтни талаб қилувчи вазифа бўлганлиги сабабли тарихни масъулиятли бурилиш даврларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолати ҳам юзага келади. Жамият ҳаётидаги маънавий бўшлиқ маънавий инқирозга нисбатан ҳам хатарлироқдир. Бир маънавий эътиқодга ишончини йўқотган кишилар, янги маънавият ва мафкура қалбида чуқур томир отмаганлиги сабабли, жамият

тараққиётининг янги босқичдаги асосий вазифалари билан белгиланмаган, сохта, юзаки, чуқур асосланмаган ғоялар, хатто экстремистик кайфиятлар таъсирига тушиб қолиши ҳам мумкин. Шу сабабли тарихнинг бурилиш даврилари кишиларнинг эътиқодда иккиланишлар, янглишишлар, бирор ғояни чуқур англамай унга берилиш ҳоллари кучайиши билан ҳам характерланади. Бундай ҳолат ўтмишдаги маънавий инқироз оқибатлари ҳали сезиларли бўлган шароитда кишилар тараққиётнинг оқилона, одилона йўларини, бу борадаги мураккабликларни англай билиши қийинлиги билан ҳам белгиланади. «Шошилган ўрдак ҳам бош билан, ҳам дум билаш шўнғийди» деганларидек, бундай даврларда айрим ёшлар, зиёлилар ақл-идрокдан кўра кўпроқ ҳиссиёт ва эҳтирослар таъсирига берилиб кетиши ҳам мумкин. Ўтиш даврининг мураккаб муаммоларига вақтинчалик эҳтирос ва ҳиссиётлар асосида ёндашиш ҳеч қачон ижобий оқибатларга олиб келган эмас.

Мураккаб ўтиш даврининг вазифалари ўта масъулиятли бўлиб, бу даврда йўл қўйилган бир хато қўшлаб янглишишларга, оқибатда катта қийинчиликларга олиб келади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларни ақл-идрок билан, оқибатларини тўла ва тўғри ҳисобга олиб, ҳал этмоқ керак. Жамият тараққиёти жараёнида баъзан учраб турадиган миллий калондимоғлик, шовинизм ва агрессив миллатчилик, ўтмишни бирёқлама идеаллаштириш, бошқа халқларнинг тарихи, миллий-маданий мероси ва қадриятларини камситиш, диний манманлик ва экстремизм, диний мерос ва ақидаларни ўта идеаллаштириб, уларни жамият ҳаётидаги барча муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли ва воситаси сифатида талқин этиш ҳоллари вақтинчалик кайфиятларга асосланган хулосалардир.

Ислом Каримов Ўзбекистонда мустақил тараққиётимизнинг биринчи даврларида бу борада мавжуд бўлган вазиятни чуқур фалсафий таҳлил этиб, куйидаги хулосаларга келган эди: «Бир асрдан зиёд давом этган тоталитар қарамликдан кейин бу жараён дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» сифатида кечди. Лекин биз аввалги тузумнинг қадриятларини шунчаки инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдиришини англаб эдик. Шу билан бирга, ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескиликка - ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин. Айни шу инкор этиш овларида экстремистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши

муҳолифат бўлиши мумкин эди. Жангари миллатчилик, диний муросасизлик ва «ўзимизники» бўлмаган ҳамма нарсага нафратнинг қоришмаси шундай муҳолифатнинг сиёсий мақсадларидир. Жамиятимиз ўша кунлари юз берган аниқ экстремистик руждаги хатти-ҳаракатларда бундай муносабат нақадар тажовуз-корона эканлигини, ундаги вайрон этувчи омил ҳамда айрим сиёсийлашган жангари гуруҳларнинг гидроки доирасига сиймайдиغان нарсаларга нисбатан нафратнинг нақадар кучли эканини кўрмаслиги мумкин эмас эди»<sup>1</sup>.

Ўтиш даври воқеаларининг жангари экстремистлар, сохта ватанпарварлар кўрсатган йўлдан бориши қанчалик хатарли оқибатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас. Бу йўл мамлакатимиздаги ички ижтимоий, сиёсий зиддиятларни кескинлаштириши, бошқа мамлакатлар билан бўлган алоқалар заифлашувига, шу йўл билан мустақил тараққиётимиз имкониятлари чекланишига олиб келиши турган гап эди. Бошқа халқларнинг манфаатлари, эътиқодини ҳурмат қилган, обрў-эътиборини ўрнига қўйган, ўзини жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми деб билган миллатгина кенг тараққий этиш имконига эга бўлади. Бундай йўл маънавий тараққиёт имкониятлари учун айниқса ахамиятлидир.

Маънавият ва мафкура соҳасидаги алғов-далғовлар, митинг-гбозликлар, узокни кўра олмайдиغان мансабпараст кишилар ташкил этган тартибсизликлар, миллий калондимоғлик кайфиятлари чуқур ижтимоий заминга эга бўлмаган вақтинча ҳодисалардир. Тарихдан маълумки, алғов-далғов даврларнинг маълум бир босқичида тараққиётининг янги шароитдаги моҳияти билан белгиланган мафкура тизими шаклланиб, жамият маънавий ҳаёти ва камолотига тобора кучлироқ таъсир эта бошлайди. Ўзбекистоннинг сўнгги етти йиллик тарихида бўлиб ўтган воқеалар ҳам бунинг исботидир. Ҳозир Ўзбекистонда кўшаб мураккаб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммоларга оқилона, масъулият билан ёндашмаслик нағижасида юзага келган маънавий тутруқсизлик ва парокандалик даври тутади. Амалпараст, нодон сиёсатчиларнинг ким экани, улар қандай мақсадларда омманинг онгига, эътиқодига таъсир этмоқчи бўлганликлари ҳам аён бўлиб қолади. Уларнинг аксарияти мустақил давлатимиз тараққиётининг ички зарурияти ва имкониятларини англаб, тўғри йўлни танлади. Баъзилари эса ўжарлик ботқоғига чуқур ботиб, мансабпарастлик касалига учраб, республикамизда бўлаётган улкан ўзгаришларни сохта-лаштириш билан шуғуланмоқдалар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.., 138-,139- б.

Президентимиз Ислом Каримовнинг сабр-тоқат, донолик, узоқни кўра билишлик, адолат асосида олиб бораётган сиёсати ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Ўзбекистонда катта оммавий тартибсизликлар, миллий адоватлар, ноҳақ қон тўкилиши ҳоллари юз бермади. Республикадаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг барқарорлиги раҳбариятимиз олиб борган сиёсатнинг инсонпарварликка асосланган маънавий замини билан белгиланди ва мустақиллигимиз мустаҳкамланишига, кўшлаб иқтисодий, сиёсий ислохотларни аста-секин, изчиллик билан амалга оширишга шароит яратди. Булар маънавий тараққиётнинг асосий белгиси бўлган миллий уйғониш ва маънавий пок-ланиш жараёнларининг белгисидир.<sup>1</sup>

Маънавиятга эътибор мавсумий вазифа эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда маънавият муаммоларига эътибор кун сайин кучайиб бормоқда.

## **2. Маънавиятни ривожлантиришнинг айрим назарий масалалари**

Маънавий тикланиш, покланиш ва юксалишнинг мустақил Ўзбекистон шароитидаги янги муҳим назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Маънавият масалаларига оқилона, конкрет шароитни ҳисобга олиб ёндашиш комил инсонни тарбиялашнинг янги йўлларини излашдир. Буюк мутафаккир Бедил айтганидек, меъмор дастлабки ғишғи тўғри қўймаса, бинонинг боши юздузларга етса ҳам, у қийшиқ бўлиб қолаверади. Бу фикр биринчи навбатда таълим, тарбия ишларига тааллуқлидир.

*Маънавий камолот, таълим-тарбия ишларини яхшилашнинг ҳозирги кунда катта эътибор бериш зарур бўлган кўплаб назарий муаммолари бўлиб, шулардан бири - маънавиятнинг илдизларини ўрганишдир.*

Маънавият тақдирнинг эҳсони, инсоннинг туғма хусусияти эмас. Маънавият фақат инсонга хос фазилат бўлиб, у жамият тараққиёти жараёнида шаклланади. Одам фарзанди маънавият билан туташ бўлганидагина инсон деган буюк ва шарафли номга муносиб бўлади. Шу сабабли ҳам маънавиятлилик инсоний камолотнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Инсонда маънавиятни эгаллаш ва ривожлантиришга имкон берадиган, ирсият қонунлари билан белгиланган туғма истеъдод ва имкониятлар ҳам бор, албатта. Ислом Каримовнинг Шахс имкониятлари жуда чуқур ирсий асосларга эгадир, деган сўзлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Туғма ирсий имкони-



ятлар меҳнат, ҳаёт тажрибаси, жамоатчилик таъсири асосида сайқал топиб, эътиқодга, руҳий моҳиятга айланади ва инсон онгида, қалбида чуқур ўрнашади. Ислоом Каримов маънавиятнинг ижтимоий моҳияти устида алоҳида тўхтаб, у «инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади»<sup>1</sup> деган чуқур фалсафий фикрларни айтган.

Демак, маънавият инсонга хос бўлган ирсий имкониятлар, қобилият куртақларининг ҳаёт тажрибаси, аجدодлар мероси ва намунаси, билим, ахлоқ, одоб асосида шаклланиб, шахснинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи руҳий асосдир.

Ҳар қандай ривожланган ҳайвоннинг боласини қанчалик тарбиялашга уринмайлик, унда онг пайдо бўлмайди, маънавий ривож топмайди. Маънавият фақат инсонга хос бўлган фазилатдир.

*Маънавият инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат, шахс ривожланиши ва камолотининг асосий омилдир.* Шунинг учун ҳам «маънавият инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир».<sup>2</sup>

Маънавият инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч, куч ва қудрат бахш этади. Инсон ақли ва қўли билан ниманики яратмасин, улар ғоя ва тушунча, билим, истеъдод, қобилият сифатида шаклланган маънавият заминиде юзага келади. Шахс маънавияти миллат, давлат, жамият маънавиятининг бир бўлагидир. Шахснинг маънавий камолоти одамлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар, жамият ҳаётидаги шароит ва имкониятлар асосида амалга ошади.

Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онга таъсири катта, албатта. Лекин маънавият борлиқнинг инсон онгидаги соясигина эмас. Маънавият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароитлар таъсирида шаклланса-да, унинг жамият моддий ҳаёти шароитларига бевосита боғлиқ бўлмаган нисбий мустақил томонлари ҳам бор. Жамият тараққиёти ҳақидаги ҳар қандай ғоялар, қарашлар аввал инсоннинг ижодий тафаккурида шаклланади, кейин эътиқодга айланиб, унинг ҳаётий фаолиятига, жамият тараққиётига йўналиш беради. Маънавиятнинг муайян мақсадлар билан боғланган инсон фаолиятига таъсир этиши эса маърифий, тарбиявий, мафкуравий тadbирлар асосида амалга ошади. Жамият ҳаётининг ўзи ҳам кишилар ўртасидаги муайян мақсад ва манфаатларга асосланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг кўринишидир. Масаланинг бу томонини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 71- бет.

<sup>2</sup> Шу асар, 72- 73- бетлар.

тушунишда Ислом Каримовнинг куйидаги фикрлари катта аҳамиятга эга: «Маънавият турли халқлар, мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади, уларнинг тақдирини ўзаро хурма асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар даврида миллион-миллион кишилар тақдирини билан шаклланди».<sup>1</sup>

Маънавият кишиларда ўзаро мулоқотга, ҳамкорликка, ҳам жиҳатликка эҳтиёж туғдиради, ўзи ҳам шундай эҳтиёжлар асосида шаклланади, ривожланади. Шахс ўз ҳаёти ва тақдирини бошқаларсиз тасаввур этолмаслиги ҳам унинг маънавияти даражаси билан боғлиқ. «Инсон, - деб ёзади Ислом Каримов, ўзини халқнинг бир зарраси деб сезганидагина, у ҳақида ўйлаб меҳнат қилиб яшаганидагина маънавиятга туташади».<sup>2</sup>

Маънавий тубанлашиш жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий мезонларидан, юксак инсоний фазилатлардан чекиншидир. Ҳақандай маънавий тубанлашган шахс кундалик фаолиятида фақат ўз манфаатларини кўзласа ҳам, бошқалар билан муносабатда бўлиш мезонларидан бутунлай чиқиб кета олмайди, ўзининг жамиятнинг бир аъзоси эканини, шу жамиятсиз мақсадларини эриша олмаслигини фикран, руҳан ҳис қилади. Маънавият кишиларни уюштирадиган, яхлит жамоага бирлаштирадиган руҳи омиддир.

*Маънавият мазмун жиҳатидан серқирра ва кенг қўламдир.*

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, маънавиятнинг моҳияти қирралари, ривожланиш имкониятлари шунчалик каттаки, «ун ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам... Инсон уни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди».<sup>3</sup>

Маънавият ўзининг тарихий илдишларини, инсонга хос бағча олийжаноб фазилатларни қамраб олиши жиҳатидан бепойиш Миллий умуминсоний қадриятлар маънавиятнинг моҳияти, имкониятлари чексиз эканини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Маънавият серқирралиги, маънавий камолот жараёни чексиз эканини кўрсатувчи асосий омил - унинг ривожланиш имкониятларидир.

Ҳар бир тарихий давр конкрет шароит, эҳтиёж ва имкониятлар билан тақозо қилинган ҳолда маънавиятнинг янги шакллари ва мезонларини яратди. Бу мезонлар қандайдир бирун сунъий қоида эмас, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган имконият ва эҳтиёжларнинг ифодасидир. Жамият тараққиёт

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 71- бет.

<sup>2</sup> Шу асар, 72- бет.

<sup>3</sup> Шу асар, 71- 72- бетлар.

олдинга қараб борувчи жараён бўлганлиги сабабли унинг асосий таркибий қисми бўлган маънавий камолот ҳам узлуксиз давом этаверади. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даври маънавий камолотнинг ҳам янги босқичидир.

Маънавиятнинг бепоёнлиги ва чексизлиги тарихий тараққиётнинг узлуксизлиги билан белгиланади. Бу тараққиёт босқич-лари ўртасидаги боғланишлар ворислик, тобора юксаклик сари интилиш билан боғлиқ. Конкрет тарихий шароитда яшаган инсон бу узлуксиз, чексиз жараённинг барча қирраларини тўла қамраб ололмайди. Маънавият умуминсоний фазилат бўлгани сабабли ҳар бир шахс ўз онгида унинг маълум томонларинигина акс эттира олади. Маънавий камолот айрим шахсларни эмас, балки барча жамият аъзоларини қамраб олгандагина катта ижтимоий аҳамият касб этади.

*Маънавий камолот маънавий эҳтиёжларнинг мазмуни ва даражаси билан боғлиқ.*

Жамият тараққиётини тезлаштирувчи асосий куч - иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиёт заруриятлари билан белгиланган, маънавият билан мушгарақлашган эҳтиёждир. Эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай тараққиёт ва юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавиятлилик даражаси билан белгиланади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ривожланишнинг охириги нуқтаси бўла олмаганидек, маънавий ривожланишнинг ҳам сўнги чегараси бўлмайди. Маънавий камолотнинг ҳар бир босқичи конкрет даврларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланган. Маънавият борасидаги бир эҳтиёж рўёбга чиқиши ўз навбатида янги, яна-да кенгрок эҳтиёжлар шаклланиши учун замин бўлади. Бинобарин, маънавиятнинг янги чўққиларига етиш эҳтиёжи шахс ва жамият камолотининг ҳал қилувчи омили сифатида инсон фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Маънавий камолотга эҳтиёж бирор чегарага бориб тугалланмайди ҳам. Ислоҳ Каримов кўрсатиб ўтганидек, «Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар, қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди».<sup>1</sup>

Маънавият чашмасини доимо излаш - инсон камолотини белгиловчи эҳтиёж, ҳаётининг мақсади ва мазмунидир. Агар инсонда шу эҳтиёж бўлмаса, камолот сари интилиш билан боғлиқ бўлган зарурият ҳам бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 71- бет.

Маънавий эҳтиёж инсоннинг фақат ички, соф руҳий, субъектив ингилишигина эмас, балки унинг ҳар бир шакли объектив воқелик қонунлари ва заруриятлари асосида юзага келади. Лекин бу объектив таъсир инсоннинг қўли ва оёғини боғлаб олиб, хоҳлаган томонга етаклаб кетавермайди. Инсон ҳар қандай ташқи таъсир ва заруриятни ўз ички эътиқоди, иймон ва виждон тарозисига солиб, амалий фаолияти, мақсадлари билан боғлайди. Ташқаридан бўлган ҳар қандай даъватни тинглашга қодир бўлган инсонда ўз-ўзини англаш, ўз фаолиятига йўналиш бера олишдек субъектив имконият ҳам бор. Маънавий камолот эҳтиёжларини қондириш жараёни шу йўсинда амалга ошаверади. Эҳтиёжнинг шаклланиши объектив муҳит таъсирига асос-ланса-да, уни рўёбга чиқаришнинг йўллари инсоннинг фаолиятига асос бўлган маънавий оламига боғлиқ. Ҳар бир шахс ўзининг эҳтиёжларини иймони, эътиқоди, манфаати, дунёқаршидан келиб чиқиб амалга оширади.

Маънавий эҳтиёжлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос миллий, минтақавий, диний ва умуминсоний жиҳатлари ҳам бор. Бинобарин, маънавий эҳтиёжнинг мазмуни, аҳамияти ва даражасини белгилаб берувчи мезонлари ҳар доим, ҳамма ерда бир хил бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларида шаклланаётган янги маънавий эҳтиёжлар мустақил давлатимизга, халқимизга муҳаббат, танлаган йўлимиз ва юртимизнинг истиқболига ишонч билан суғорилган. Ислоҳ Карямов кўрсатиб ўтганидек: «Бугун... Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Биз унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқлаймиз ва бутун вужудимиз билан ҳис қиламиз... Бугун диққат қилсак, истиқлол қўлга киритилгандан сўнг биз ўз кучимизга, қудратимизга кўпроқ ишона бошладик. Шу туфайли барчамиз вазминлашиб, ўз қадр-қимматимизни тиракроқ англай бошладик».<sup>1</sup>

Мустақиллик шароитида шаклланган янги эҳтиёжлар - маънавий камолот жараёни тезлашишининг муҳим омилларидан бири. Инсоннинг онглилиги, иймони, виждони, эътиқоди, масъулияти билан боғланган бу эҳтиёжлари маънавиятнинг янгидан янги қирраларини эгаллашга имкон беради.

*Халқнинг моддий турмуш даражаси ва маънавияти бири-бири билан боғлиқдир.*

Маънавият барқарор бўлмаган жойда моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти ҳам юксак бўлмайди. Фақат қорин тўйишини, ялши кийинишни, бойлик

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 73- бет.

ортгиришни ўйлаган одам юксак маънавият эгаси бўлиши қийин. Ҳадисларда айтилганидек, энг бой, бадавлат киши молдунёси кўп одам эмас, балки кўзи тўқ, нафс балосига мубтало бўлмаган шахсдир. Маънавий қашшоқ бўлган одам тўқ, фаровон, маданий турмуш кечириб меъёрларини ҳам билмайди.

Етук маънавият, ижодий, ақлий салоҳият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни кўришга, оғир шароитларда ҳам юксак мақсадларни олдига қўйиб, унга иймон, эътиқод билан интилишга қодир бўладилар. Халқимизда «қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман» деган мақол бор. Иймонли, инсофли, виждонли, ҳалол кишилар учун обрў-эътибор, қадр-қиммат ҳар қандай моддий бойликлардан афзалдир.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар оғир, мураккаб, масъулиятли шароитларда халқнинг билими, ахлоқи, миллий масъулият, қадр-қиммат туйғусини кучайтиришга ҳаракат қилгани тасодифий эмас. Ватан ва миллат олдидаги ўз масъулиятини англаган, обрў-эътиборини билган халқгина тез вақт ичида ўз мамлакатини дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айлантира олади. Моддий фаровонликка маънавий камолот орқали йўл топиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам ҳозирги мураккаб ўтиш даврида вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар, моддий етишмовчиликлар мавжуд, албатта. Истиқболни ўйлаган маънавий баркамол кишиларнинг бутун фикр-зикри шу қийинчиликлар билан чекланиб қолмаслиги лозим. Етук маънавият сари интилишни асосий мақсад қилиб қўйган кишиларгина бу қийинчиликларни енгиб ўта оладилар.

Ҳозир Ўзбекистонда фуқароларнинг миллий онгини ошириш, масъулияти ва бурч туйғусини кучайтириш, эътиқодни мустаҳкамлашга катта эътибор берилаётганлиги ҳам истиқболимиз режаларини белгилашда чуқур илмий асосга таянилганлигининг исботидир. Ислом Каримовнинг «Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажакка болта уриш демакдир»<sup>1</sup> деган фикри маънавий камолот ва маърифий тадбирларни мунтазам, изчиллик билан ўтказиш мустақил тараққиётимизнинг, халқни моддий турмуш шароитларини яхшилашнинг асосий омилларидан бири эканини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

*Инсон маънавияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий сифати ва фазилатларининг яхлит тизимидир.*

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 73- бет.

Бу тизим асосан қуйидагилардан иборат:

а) Ижтимоий-сиёсий, мафкуравий эътиқодлар билан боғланган маънавият белгилари:

Булар жумласига миллат обрўси, кадр-қиммати, мустақилликнинг моҳияти, Ватан истикболини чуқурроқ англаш билан боғлиқ бўлган миллий онг, мамлакат, миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, уни ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенгрок қўллаш имкониятларини излаш, табиатни муҳофаза қилиш, демографияк жараёнларга оқилона ёндашиш, ҳар қандай шароитда ҳам она юрт манфаатларини ҳимоя қилиш, обрў-эътиборини кучайтириш, шарқона ахлоқий-хуқуқий заминларга асосланган демократия, виждон эркинлиги мезонларига риоя қилиш, ижтимоий адолатнинг миллий, умуминсоний қадриятлар билан боғланган қоидаларга таяниш, миллий маҳдудлик ва миллий калондимҳоғликка йўл қўймаслик, аждодларимиз бошлаган улўғ ишларни соғлом ақл билан, давр шароитлари ва имкониятлари, эҳтиёжлари асосида ривожлантириш, ҳар қандай шароитда ҳам миллий манфаатлар устиворлигини сезиш ва уларни адолатли равишда ҳимоя этиш, мустақил ва ижодий фикрлаш, фан, техника ютуқларини ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш уларни ҳаётда самарали қўллашга интилиш, ҳар бир фуқоро давлатнинг ишончли таянчига айланиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда пухталиқ, мулоҳазалиқ, янгилликни фаҳм қила билиш, ўтмишга бирёқлама баҳо бермаслик, аждодлар тажрибасини ижобий томонларидан фойдалана билиш, давлат рамзларини ҳурмат қилиш, мамлакат ва миллат бошига тушган қийинчиликлар хусусида қайғуриш ва бошқалар қиради.

б) Ахлоқ, одоб борасида миллий, диний ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги билан белгиланган маънавият белгилари:

Булар қаторига ота-она, кўни-кўшни, қариндош-уруғ, ёр-у биродарларни самимият билан ҳурмат қилиш, ҳамма ишда иймонли, инсофли, ҳалол бўлиш, ўз манфаати учун меҳнат қилганда бошқа шахслар манфаатларини ҳам унутмаслик, инсонни улуғлаш ва унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, хайр-саҳоват, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат сингари диний, миллий ахлоқий қадриятларга амал қилиш, жамиятда осойишталиқ ва тинчлик, аҳиллик, тотувлик қарор топишига ҳисса қўшиш, ҳақиқатга ташналиқ ва хуқуқий саводхон бўлиш, миллатнинг фаҳри бўлган олимларни, зиёлиларни ҳурмат қилиш ва фаолияти учун ёрдамлашиш, овлада, мактабда таъ-

лим, тарбия ишлари муштараклигини таъминлаш, ақлий, жисмоний қобилиятларни ҳар томонлама камол топтириш, таълим-тарбияни миллий, умуминсоний кадриятларга асосланиб амалга ошириш ва бошқалар қиради.

в) Миллий муносабатлар маданиятига асос бўлган маънавий фазилятлар:

Миллий муносабатлар маданияти ҳам маънавиятнинг бир кўриниши ҳисобланади. Ўзбекистон ҳамма вақт кўп миллатли бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Республика-мизда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини тенг ҳимоя қилиш, миллий муносабатнинг барча муаммоларини қонунилар, ижтимоий адолат мезонлари асосида ҳал этиш - Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ички сиёсатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Бу ҳақда Ислоҳ Каримов шундай дейди: «Юртимизда яшаётган бошқа барча халқларнинг вакилларига одилона қараш, уларга меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчга айланган»<sup>1</sup>

Миллий муносабатлар масаласига маънавият мезонлари заминиди ёндашиш турли халқлар ўртасида аҳилик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик муносабатлари барқарор бўлишига олиб келмоқда. Ислоҳ Каримов айтганидек, «Ўзбекчилик» деб аталган олийжаноб тушунчанинг мазмунида миллатчилик, миллий калондимоғлик эмас, балки кўни-кўшни бўлиб яшаётган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида бирга меҳнат қилаётган барча фуқароларга иззат-хурмат билан қараш, мусофирпарварлик ва меҳмондўстлик сингари ўзбекона маънавият ётади. Бошқа халқларнинг миллий манфаатлари, ҳис-туйғуларини хурмат қилиш ўзбекларнинг миллий фазилятидир. Ўзбекистон Конституциясида барча халқларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш мустақил давлатимизнинг муҳим вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилган. Конституциямизда қўлланган «Ўзбекистон халқи» деган тушунча орқали Ўзбекистон шу ҳудудда яшаётган барча халқларнинг она юрти экани қайд этилган.

*Маънавий камолот билан ижтимоий ва миллий онг юксалиши муштаракдир.*

Миллий онгнинг юксалиши маънавият тараққиётининг даражаси ва имкониятлари билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг асоси ва маҳсули сифатида юзага келади. Миллий ўз-ўзини англаш ўз навбатида маънавий камолотга янги имкониятлар, йўналишлар очиб беради.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 80- бет.

Миллат ўз тарихини, кадр-қимматини билиши, кел-комил ишонч билан бориши маънавият ва миллий онг би билан боғлиқ равишда ривожланиб бораётганини и бўлади.

Маданий юксалиш ва маънавий покланишнинг за ҳам онг ётади. Ўз тарихини, ватани ва халқи олдида вазифаларни теран англаб етган кишиларгина ма покланиш имконига эга. Маънавий покланиш миллий мас туйғуси кучайиши ҳамдир. Биз иқтисодий ўнгланиш, и дий тикланиш ва иқтисодий ривожланишнинг ма ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳарак билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз... Одамла омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий м ларда собит турадиган бўлсинлар. Маънавият ва иқтисо бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб ( Камолотнинг йўли мана шу, дейди Ислоҳ Каримов.

*Маънавият ривожланиши билан ўлкамизда амалга ( лётган иқтисодий, сиёсий, ислохотлар ўртасида ( диалектик алоқадорлик мавжуд.*

Ислохотларни давлат белгилайди. Лекин уларда о сурилган мақсадлар омманинг онгига сингиб, фаолиятиг навий асос бўлгандан кейингина амалга ошади. И белгиланса-ю, оммада уни тушуниш учун маънавий имк эҳтиёж бўлмаса, ҳар қандай яхши мақсадлар ҳам амалга ( ора йўлда қолиб кетаверади. Фуқароларнинг онгли фа асосида амалга ошрилган ислохотлар уларнинг мал камолоти янада тезроқ юксалиши учун янги имкон яратиб беради.

Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши иқтисодий имкониятларгагина боғлиқ эмас. Табиий бойли кўп бўлиб, халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган ма ҳеч қачон келажаги буюк давлат бўла олмайд.

Маънавиятнинг ривожланиши мамлакатнинг т иқтисодий ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Давлатни буюклик даражасига кўтара оладиган Ватан ва миллат равнақи йўлида фидокорона меҳнат қил юксак маънавиятли фуқаролардир.

*Мустақил ижодий тафаккур - маънавий камоло белгисидир.*

Инсон тафаккурининг ривожланиш имкониятлари ( эканлиги ҳаммага маълум. Тарихий тараққиётнинг ҳақ босқичига мос бўлган тафаккур салоҳияти шу даврла шароитлари, имкониятлари ва эҳтиёжлари билан белгил. Жамият тараққиётининг истиқболи билан боғлиқ бўлган (



хам маънавий мерос, инсон яшаётган шароитлар, кишилар орзу қилган мақсадлар, фан кашфиётларидан келиб чиқадиغان имкониятлар билан боғлиқ. Инсониятнинг тафаккур салоҳияти етук бўлган даврларда мутафаккирлар келажакда амалга ошадиغان ғояларни, илмий баҳоратларни олдинга сурганлар. Эркин ижодий тафаккур муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий заминларда юзага келади ва маънавиятнинг ривожини қанчалик муштарак бўлса, ижтимоий тараққиёт учун замин бўладиغان илғор ғоялар кўпроқ майдонга келади ва тараққиётга ижобий таъсир этади.

Эркин, ижодий тафаккурни сиёсий, авторитар қарашлар, муайян сиёсий, гуруҳий, шахсий манфаатлар асосида чеклаш барча даврларда ҳам жамият маънавий камолотга салбий таъсир этиб келган. Ижодий, эркин фикрлаш имкониятлари чеклаб, чегаралаб қўйилган шароитларда инсон ўзига хос бўлган маънавий имкониятнинг кенг қўламда намоён эта олмайди.

Совет тоталитар тузуми даврида зиёлиларнинг, барча фуқароларнинг ақлий салоҳияти, эркин фикрлаш имкониятлари партиявийлик ва синфийлик мезонлари билан чегаралаб қўйилди. Одамлар қандай фикрлаши кераклиги ҳақида юқорида буйруқлар, кўрсатмалар берилди-ю, лекин улар ўз виждони ва иймони асосида қандай фикрлаётгани, нималар ҳақида ўйлаётгани билан ҳеч ким қизиқмади. Бундай сиёсий мезонлар тафаккур турғунлигига олиб келди, ижод ва ҳолисона илмий изланишлар имкониятлари чеклаб қўйди. Кўнлб одамлар ўз эътиқоди, иймони, ихлоси асосида эмас, балки юқоридан берилган кўрсатмалар, партиявий шиорлар, марказ белгилаб берган чизиқлардан чиқмай фикрлашга ўрганиб қолди. Ўнлаб йиллар давомида катта ақлий салоҳият соҳибини бўлган олимлар бирор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммони, маънавиятга, маданиятга оид бўлган масалаларни мустақил, ҳолисона ҳал этолмай келдилар.

Ақлни ишлатмай, юқоридан берилган кўрсатмаларни кўр-кўрона тарғиб этиш жамиятшунос олим бошига тушган энг оғир мусибат бўлди. Бирор ижтимоий-сиёсий, илмий муаммони мустақил таҳлил этишга, ўз фикри ва мулоҳазасини очиқ айтишга ҳаракат қилган зиёлиларга «халқ душмани», «миллатчи», «тарихни идеаллаштирувчилар», «космополитлар», «марксизм - ленинизм ғояларидан чекинувчилар» деган сиёсий айблар қўйилди. Мафкура борасида кетма-кет бўлиб турган қагафонлар одамларни чўчитиб қўйди, улар орасида кўрқоқлик, лоқайдлик, тушқунлик, ишончсизлик, миллат олдидаги масъулиятни тўла ҳис қилмаслик сингари кайфиятларни кучайтирди.

Халқ оммасини ҳам мустақил фикрлаш имкониятидан маҳрум этиб, катта раҳбарларнинг кетидан кўзини юмиб, қулоқни қар қилиб борадиган пассив оламонга айлантиришга ҳаракат қилинди. Қарамлик ҳолатига тушиб қолган миллатларнинг тарихига, маданий мероси ва қадриятларига, буюк алломалари ва тарихий шахсларига баҳо бериш ҳам марказнинг кўрсатмасига боғлиқ эди. Бундай сиёсат миллий онгнинг ривожланишига, миллатнинг ўз манфаатларини англаб олишига тўсқинлик қилади ва маънавий бўҳронни турғунлаштиради.

Мустақиллик шароитида маънавиятни кенг қўламда ривожлантириш, унинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини кучайтириш, тафаккурни зўравонликка асосланган мафкура занжирларидан ҳалос этиш, фуқароларнинг эркин, ижодий фикрлашига имкон яратиш зарурияти кучаймоқда.

Миллий тафаккур миллий онгнинг ақлий фаолият, амалиёт борасида намоён бўлишидир, миллий манфаатларни англаш ва уларни амалга ошириш йўллари йўлашдир. Тафаккур бутун инсониятга хос хусусят бўлса ҳам, унинг миллий жиҳатлари мана шу масалаларда кўринади. Миллий тафаккурга миллатнинг ахлоқи, психологияси, тарихий анъаналари, турмуш тарзи, меҳнат фаолиятининг хусусияти ва йўналишлари бевосита таъсир этади.

*Дин - инсон маънавияти ривожланишининг муҳим омили.*

Диний қарашларни кимлардир ўз хоҳиши ва истаги билан яратган эмас. Ҳар қандай диний таълимотлар жамият тараққиётининг муайян босқичида объектив, субъектив эҳтиёжлар, заруриятлар асосида келиб чиқади. Қуръон, ҳадислар, шариат қоидалари, ислом ҳуқуқи асосларида олдинга сурилган барча ғоялар заминида руҳий покланиш, иймон, виждон, эътиқод билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммолар ўртага қўйилган. Жамият ҳаёти ва шахсий ҳаётдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун инсон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли, ҳалол, эътиқодли бўлиши керак деган ғоя ислом динининг мазмунида катта ўрин олган.

Ҳадислар, шариат қоидалари инсон маънавий камолотининг асосий йўллари ва мезонларини белгилаб беради. Инсон - Олло яратган буюк мавжудот, унга хизмат қилиш - энг саҳоватли иш дейлиши маънавиятга муайян мақсад берувчи ғоядир.

Афсуски, марксизм-ленинизмнинг «Дин халқ учун афюндир» деган ғояси динга нисбатан салбий муносабатни юзага келтирди. Ўнлаб йиллар давомида атеистик сиёсат таъсирида бўлиб, маънавий камолотнинг катта имкониятларини қўлдан бой бериб қўйдик. Совет тузуми даврида жамият ҳаётида кенг авж олган маънавий инқирознинг сабабларидан бири ҳам шу эди.

Динларга нисбатан бўлган оқилона муносабат маънавий камолот даражасининг кўрсаткичи саналади. Мустақил тараққиётимизнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилар эканмиз, бу мақсадга эришиш йўлида кишиларнинг диний эътиқодларини мустаҳкамлаш ҳам катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз керак.

Дин ўзининг ижтимоий таъсири ва кучи жиҳатдан ҳар қандай мафкурадан устун туради. Сўнгги минглаб йиллар давомида жамият ҳаётида кўшлаб сиёсий, мафкуравий қарашлар тизими шаклланди ва вақт ўтиши билан йўқолиб кетди, диннинг ижтимоий илдизлари эса заифлашмади. У кишиларнинг онги, эътиқоди, фаолияти, ахлоқи ва одобига ҳамма вақт таъсир этиб келди ва келмоқда. Динга эҳтиёж маънавий камолотга бўлган эҳтиёжнинг бир кўринишидир. Динсиз жамият маънавий жиҳатдан заиф ва қашшоқ бўлади.

Мустақил Ўзбекистонда динга нисбатан шаклланган янгича муносабат умуминсоний қадриятларга, тарих тажрибасига, халқимизнинг миллий ва диний эътиқодини чуқур таҳлил этишга асосланган. Бинобарин, Ўзбекистонда маънавият ва маърифатни юксалтириш билан боғлиқ барча режаларни белгилашда ислом динининг имкониятларидан ҳам тўла фойдаланиш лозим. Асрлар давомида дин одамларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштишга, ҳамжиҳат бўлишга, тинчлик, тотувликни мустаҳкамлашга, миллий, ирқий камситишларга йўл қўймасликка, меҳнатсеварликка, меҳр-оқибатликка чорлаган экан, унинг бу имкониятлари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик, оқойишталик, аҳилликни таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Дин сиёсат эмас, балки маънавият эканини унутмаслик керак. Динни қурол қилиб, ўз сиёсий мақсадларига эришиш йўлида кишиларнинг ҳиссиётларидан фойдаланишга интилиш катта гуноҳдир. Сиёсатга аралашган баъзи руҳонийларнинг хатти-ҳаракатлари қардош тожик халқининг бошига қанчалар мусибат келтиргани ҳаммага маълум.

Диний эътиқодларнинг турли-туманлигига асосланиб кишиларни бир-бирига қарши қўйиш ислом динининг моҳиятига тўғри келмайди. Ҳадисларда ҳам бошқа динга мансуб кишиларни камситиш ёки ҳақорат қилиш катта гуноҳ экани очиқ кўрсатилган.

Диний ва дунёвий билимларни эгаллашга интилишни, олимларни қадрлашни ҳам ислом дини муқаддас бурч деб билади.

Беш қўл баравар эмас, деганларидек, орамизда динни кун кўриш воситасига айлантириб олган, керак бўлса Куръонни

ҳам пулга сотиб юборишга қодир уламолар йўқ эмас. Улар ўзларининг нодонлиги, ислом динини яхши билмасликлари сабабли уни бидъатга, хурофотга айлантириб юборишлари, диний ва дунёвий билимларни бир-бирига қарама-қарши қўйишлари ҳам мумкин. Бундайларнинг фаолияти динига ҳам, жамиятга ҳам зарарлидир.

Диний эътиқод билан дунёвий билимлар бирлашсагина улар инсон қалбидан чуқур ўрни олади. Демак, диний ва дунёвий билимлар муштарақлиги ҳозирги кунда амалга ошаётган маънавий камолотнинг муҳим шартларидан биридир.

Маънавий камолотнинг ҳозирги кундаги бу муҳим назарий муаммоларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Булар - мустақиллик шароитида амалга оширилаётган таълим, тарбия ишларида катта эътибор бериш зарур бўлган масалалардир. Маънавиятни тарғиб этиш унинг назарий асосларини ҳам чуқур билишни тақозо этади.

### **3. Ватанпарварлик - етук маънавиятлилик белгиси**

Жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган маънавий кадриятлардан бири - ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик она юртининг, халқининг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этади.

Демак, ватанпарварлик - ўз тақдирини ватан, миллат тақдирини билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шухрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилари ватанпарварлик туйғусининг даражаси билан боғлиқдир. Ватанпарварлик ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий кадриятларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Қадимги ота-боболаримизда Ватанга, элига муҳаббат муқаддас туйғу эди. Улар ватан, халқ манфаати, миллий қадр-қиммат, орномус масаласини ҳамма нарсадан устун қўйганлар, керак бўлганда бу манфаатлар йўлида жонини қурбон қилишни ўзлари учун шараф деб билганлар.

Ватан сўзи асли арабча бўлиб, одамнинг ота-боболари яшаб ўтган, ўзи ҳам яшаётган мамлакатни ифодалайди. Агар ҳар бир одам ўзи туғилган шаҳар ёки қишлоқнигина ватаним деб

тушунса, бу маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиради, кишиларни муайян ҳудудда яшаётган ижтимоий этник бирлик сифатида уюштиришга, бирлаштиришга, ўз манфаатларини бир ёқадан бош чиқариб ҳимоя қилишга тўсқинлик қилади. Яхлит ягона ватанни тан олмаслик миллий парокандаликнинг белгисидир.

Ватан тушунчаси этник бирликларга нисбатан қўлланилганда муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳамият касб этади. Ватаний бирлик тарихан шаклланган, инсон қалбида илдиз отган, истиқбол муаммоларини чуқур англаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий бирликдир. Инсон ўзининг бутун орзу-умидларини ватан истиқболи, унинг барқарорлиги, тараққиёти билан боғлайди. Шу асосда юзага келган билимлар, тасаввурлар, этиқодлар ва ватанга бўлган муносабатни белгилайди. Ватанга бўлган муносабат маънавий даражасига кўтарилиб, инсон фаолиятига мақсад ва йўналиш бериши - ватанпарварликдир. Ватанпарварлик айрим шахсларнинг фаолиятида ҳам кўринади. Бироқ бундай фаолият ижтимоийлашиб, кўпчиликка хос бўлган маънавий даражасига кўтарилгандагина тараққиётнинг муҳим омилига айланади. Ватанпарварлик - бир ижтимоий, этник гуруҳга мансуб бўлган кишиларнинг ўз тарихини, тили, маданияти, урф-одатларини, миллий обрўси, кадр-қимматини билиш, ҳурмат қилиши, уларга таяниши, бошқа халқларнинг ҳам обрў-этиборини, манфаатларини ҳурмат қила билишни ифодалаувчи маънавий фазилатдир.

Кишилар ватанни бир сўз билан эмас, балки она ватан деб атайдилар. Ватан инсон учун она каби қадрдон ва мўътабардир. Инсон учун она битта бўлади. Иймонли, этиқодли кишилар учун ватан она каби муқаддас ва биттадир. Ватанга бўлган муҳаббат кишиларни ҳар қандай мафкуравий ғоялардан кучлироқ асосда бирлаштиради, улуғ ишларни ҳамжиҳатлик билан бажаришга сафарбар этади.

Ватанпарварлик, ватанни улуғлашдан ташқари, унинг кадр-қимматини, мустақиллигини ҳимоя қила билишдир. Ватанпарварликнинг аҳамияти ватан тараққиётининг энг масъулиятли даврларида яққолроқ кўзга ташланади.

Ватанга ҳиёнат қилиш, ўз манфаатини Ватан манфаатига қарама-қарши қўйиш - сотқинликдир. Барча даврларда ҳам ватанни пул, маиший қулай шароитга алмаштиришга, ватанфурушликка маънавий тубанлаштиришнинг бир белгиси сифатида қаралган. Қадимги туркий давлатлардан бирининг асосчиси Мэтэхон билан боғлиқ қуйидаги воқеа аждодларимизга хос бўлган ватанпарварликнинг мисоли бўла олади.

Кўшни давлатнинг подшоси бу мамлакатга хужум қилиш учун баҳона қидирган. Мэтэхон эса уруш чиқиб, эл юртининг вайрон бўлишини истамас эди. Урушқоқ кўшни даставвал Мэтэхондан жуда яхши кўрган отини сўраган. Мэтэхон ноилж бу талабни бажарган, ҳеч иккиланмай отини унга берган. Кейин чиройли канизагини сўраган. Мэтэхон ноилж бу талабни ҳам бажарган. У, «мен ватанимни ўз ишқим ўтрисига хор этмайман», деган. Кейин мамлакатининг экинсиз, ўрмонсиз бир парча ерини сўраган. Шунда Мэтэхон куйидаги сўзларни айтган экан: «Ватан, бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимнинг салоҳияти йўқ. Бундан буёғига уриш қилажакмиз. Энди мен отимни душманга сураман, орқамдан келмаган ўлдирилажакдир».

Тарихда номи маълум ва машҳур бўлган буюк мутасаввуф олим Шайх Нажмиддин Кубро ҳақиқий ватанпарвар, қаҳрамон бўлгани маълум. Мўғуллар Туркистон заминининг кўп шаҳарларини вайрон қилиб, Хоразмга хужум бошлаганида ички низолар гирдобига ўралиб қолган Хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатини, халқини ўз ҳолига ташлаб қочиб кетади. Шунда 76 ёшли Кубро масъулиятни ўз зиммасига олиб, шаҳар ҳимоячиларига раҳбарлик қилди, қўлига қурол олиб жангларда иштирок этди. Мўғул кўшинлари бошлиғи оламга номи кетган бу буюк олимни яхши билар эди. Шунинг учун ҳам шаҳар камал қилинган дастлабки кунларида у Куброга омонлик беришга ваъда қилди ва оиласи, қариндош-уруғлари билан шаҳардан чиқиб, хоҳлаган мамлакатига кетишига розилик берди. Лекин Кубро бу таклифга кўнмади, шундай оғир кунларда халқ, мамлакатини ташлаб кетиб, жонини асраб қолишни ўзи учун номус деб билди. У қўлига қурол олиб, жанг майдонларида ажнабий босқинчиларига қарши курашда халок бўлди.

Мустамлакачилик ва совет тузуми даврларида миллатнинг кадр-қимматини тиклаш, маънавиятини ошириш учун бел боғлаб курашган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий ва бошқалар ҳам ҳақиқий ватанпарвар бўлганлар. Улар ватан тарихидаги энг оғир даврларда эл, халқ, ватан аҳволини кўриб куйиб ёнганлар, унинг истикболини ўйлаб ҳаракат қилганлар, маънавият ва маърифат зиёсини тарғиб этиб, халқнинг миллий онгини кўтарганлар, обрў-эътибори, кадр-қимматини ҳимоя қилганлар.

Уларнинг фаолияти, қолдирган мероси элим деб, юртим деб, унинг истиқболи деб қуйиб, ёниб яшашнинг намунасиدير.

Абдурауф Фитратнинг ўлкада ҳукмронлик қилаётган мустамлакачилик зулмидан, халқнинг тарқоқлиги ва парокандалигидан қуйиб ёзган асарлари ватанга бўлган чesкиз ҳурмат, муҳаббат, унинг ХХ аср бошидаги оғир аҳволдан қуйинишнинг ифодасидир.

Ватанпарварлик - етук маънавиятдир. Маънавияти заиф бўлган халқда ватанпарварлик туйғуси ҳам кучли бўлмайди. Шу сабабли ҳам барча даврларда босқинчилар халқнинг маънавий камолоти имкониятларини чеклаш йўли билан унинг ватан ҳақидаги буюк туйғуларини заифлаштирмоқчи бўлганлар. Маърифат зиёсини сочиб, халқнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтирадиган куч зиёлилар эканлигини яхши тушунган ажнабий босқинчилар даставвал миллатни шу маънавий раҳнамоларидан маҳрум қилишга ҳаракат қилган.

Ватанпарварлик муайян миллат вакиллари аниқ мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштирувчи умуммиллий ғоя ҳамдир. Агар бирор миллатнинг вакиллари тарқоқ, уюлмаган, умуммиллий манфаатлар бирлигини англамаган, қабила - уруғчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик гирдобига ўралиб қолган бўлса, уларда мушгарақ ватанпарварлик эътиқоди ҳам бўлмайди. Бундай миллат кишиларини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиб, асорат остига олиш ҳам қийин эмас. Ватанпарварлик эътиқоди билан суғорилган миллий бирлик, бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуси миллатнинг кучи ва қудратини белгилувчи, истиқболини порлоқ қилувчи субъектив омилдир.

Ватанпарварлик сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлганидагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин. Мураккаб шароитларда мустақиллигимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий асослари мустаҳкамланаётган ҳозирги куларимизда ватанпарварлик эътиқоди амалий ишларда, фуқароларнинг қундалик фаолиятида намоён бўлиши айниқса катта аҳамиятга эга. Бундай шароитларда инсон фаолиятида онглилик билан фидойилик бирлашмоғи зарур. «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги, - деб ёзади И.Каримов, - бу қайта ўзгариш йўлини кўрсатувчи, кўзлаган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ерига, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, аёнчаларини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фаҳрланиш, халқимиз қисматига тушган қийин-

чиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жиҳатлаштирувчи асоси ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Тарих сабоқлари бу ҳақиқатни кўп марта амалда исботлаб берди. XX асрнинг 20-, 30-, 50-, 80- йилларида ватанпарварлик туйғуси заиф бўлгани учун халқимизнинг бошига кўп мусибатлар тушди. Ҳақиқий ватанпарвар, миллат фидойилари қатағонликка учраб, жисмоний йўқ қилиб юборилганда ҳам кўп зиёлилар четда кўл қовуштириб, томошабин бўлиб туравердилар, бу ишлар миллатимиз тақдиридаги катта фожеа эканини англаб етмадилар. Ҳатто баъзи миллатдошларимиз қатағончиларнинг пинжига кириб олиб, миллатпурушлик қилдилар, ўз халқини, унинг етук фарзандларини бадном этишда фаол иштирок этдилар. Гдиян, Иванов, Бугурлин ва бошқалар ўзларининг барча иғво ва тухматларини уюшган, аҳил, миллий онги етук бўлган бошқа бирор миллатга нисбатан қила олмас эди. 80- йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда бўлиб ўтган воқеалар бир томондан совет давлати олиб борган шовинистик сиёсатнинг оқибати бўлса, иккинчи томондан, ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий бирлик, бирдамлик, ҳамдардлик туйғуси кишиларда анча заиф бўлганининг натижаси ҳамдир. Ҳамдардлик, оқибатлилик ҳам ватанпарварликнинг белгисидир.

Ватанга меҳр ва муҳаббат, ватанпарварлик эътиқоди тарихий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доим такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватаннинг қадр-қимматини, тарихи, тақдири, истиқболини қанчалик кўп англасак, бу эътиқодни ўз ҳаётимиз, фаолиятимиз, орзу-умидларимиз билан чуқур боғласак тўлароқ маънода ҳақиқий ватанпарвар бўлиб камол топаверамиз. Бу чексиз жараён. Инсонда ҳеч қачон тугалланган ватанпарварлик эътиқоди бўлмайди. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичлари ватанпарварликнинг, она юртга бўлган меҳр-муҳаббатнинг янги-янги қирраларини келтириб чиқараверади. Бинобарин, ҳар бир шахсда Ватан тушунчасининг шаклланиши унинг маънавий камолоти ва жамият ривожланиши билан боғлиқдир.

Ҳар бир шахс маънавияти, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланиши натижасида ватаннинг аҳамияти ва моҳиятини тўлароқ англай бошлайди. Ниҳоят, Ватан инсон қалбига «муқаддас саждагоҳ» сифатида ўрин олади. Инсоннинг маънавий камолоти жараёнида ватанга меҳри, ватанпарварлик эътиқоди ривожланиб, қалбидан чуқур ўрин олиб иймон даражасига кўтарилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 76- бет.



Ўзбекларда, «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўк» деган чуқур мазмунли ҳикматли сўз мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам, ватанда яшаб туриб, кўпинча унинг моҳиятига, ўзимиз ва халқимиз учун бўлган аҳамиятига етарли эътибор бермаймиз. Ватандан олисда бўлган пайтимиздагини унинг қадрига кўпроқ ега бошлаймиз. Ватангадолик - ўзбек халқининг тасаввурида инсон учун энг оғир мусибат. Шу сабабли ўзбек қаерда бўлса, унинг қалбини Ватани билан боғлаб турган ришталар асло узилиб кетмайди. Ўзбек ўз ватанига фақат киндик қони билан эмас, балки қалби, меҳри, умид ва орзулари билан боғланган. Катта бойликлар ваъда қилинса ҳам асл ўзбеклар ўзга юртларга кўчиб кетмайди.

Хорижий мамлакатларга сафарга борганимизда бироз вақт ўша юртнинг ўзига ҳос жиҳатларига маҳлиё бўлиб юрамиз. Бир неча кун ўтгандан кейин ўз она юртимизни, қадрдонларимизни соғина бошлаймиз. Орадан 10-15 кун ўтгандан кейин ҳар куни она юртимизга қайтишимизни кутиб юрамиз. Ватандан олисда бўлган киши унинг қадрига кўпроқ етади. Ана шундай пайтларда туғилиб ўсган юртимиз биз учун қанчалик азиз ва муқаддас эканини чуқурроқ ҳис этамиз. Хориждан қайтиб келганди дўстлар доим, қандай гўзал, ажойиб мамлакатларни, шаҳарларни кўрдингиз, деб сўрашади. Биз эса уларга: «Бизнинг юртимиздан, маҳалламиздан гўзалроқ жойни дунёнинг бирор ерида кўрмадик», - деб жавоб берамиз.

Крим татарлари Ўзбекистонга кўчириб келтирилгандан кейин анча оғир қийинчиликларни бошидан кечиргани маълум. Кейинроқ бориб бу меҳнаткаш халқ тили, урф-одатлари, маданияти туташ, дини бир бўлган ўзбеклар билан оға-инидек бўлиб кетди. Улар Ўзбекистонда яхши уй-жойлар қуриб, тўқ ва фаровон яшай бошладилар. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз ватанларига кўчиб кетиш ниятидан воз кечмадилар. Оғир тайзиқларга қарамай, бу йўлда уюшқоқлик билан кураш олиб бордилар. Ўша даврларда мен крим татарларининг кўзга кўринган вакили, марҳум дўстим Саид Мамедович Тоировдан: «Кримга кўчиб нима қиласизлар, у ерда сизларни ҳеч ким кучоқ очиб қутиб олмайди. Ўзбекистонда ҳеч ким сизларни камситаётгани йўқ-ку», - деб сўраган эдим. У менга қараб: «Сизлар ўз ватанингизда яшамокдасизлар, шунинг учун ҳам ватан туйғуси инсон учун қанчалик буюк эканини баъзан тушуниб етмайсизлар. Бизнинг кексалар умрнинг вақт-соати яқинлашиб қолса, «ўлсам, Қримга олиб бориб дафн этинглар» -деб васият қилишади. Биз ўзбеклардан миннатдоримиз, лекин Крим бизнинг Она Ватанимиз, у ерда ота-боболаримизнинг минг йиллик қабрлари бор», деб жавоб қайтарган эди. Унинг бу сўзларида катта ҳаёт ҳақиқати бор эди.

Шундай эътиқодни 1966 йилда Белгияга сафарга борганимда ҳам кўрган эдим. У ерда бизни Белгиялик руслар жамиятига меҳмонлар таклиф этишди. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар Россия ва Украинадан кўшлаб ёш қизларни Германияга ишга олиб кетишган. Ўша йилларда Германияга Белгиядан кўшлаб йигитлар келтирилган экан. Улар бу ерда топишиб, оила қуришиб, урушдан кейин Белгияга кўчиб келишган. Брюсселдаги руслар жамиятида бир ўзбек аёлини ҳам учратдим. Бу аёл Ўзбекистондан Украинага кулоқ қилинган ўзбекларнинг қизи экан. У Брюсселда эри билан бой, бадавлат яшаган. Қизи ҳам катта фабриканинг эгаси бўлган кишига турмушга чиққан. Аёл менинг олдимга келиб, бир даста пул узатди ва Ўзбекистон тупроғидан почта орқали бир сиқим юборишимни сўради. Мен ундан: «Тупроқни нима қиласиз?» - деб сўрасам, у кўзига ёш олиб, «Мен қариб қолдим, ота-онам бир умир орзу қилган юртга бора олмайман; агар ўлсам, шу тупроқни қабрда бошим остига қўйишларини илтимос қиламан», - деди. Бу инсон қалбидаги Ватанга бўлган эътиқоднинг кичик бир учқуни эди. Афсуски, ўша оғир даврларда бу аёлнинг илтимосини бажара олмадим.

1979 йилда АҚШга борганимда ҳам ватан туйғуси инсон қалбида қанчалик чуқур ўрин олишининг гувоҳи бўлганман. Мен ўзбеклар яшайдиган жойга бордим, улар билан учрашдим, суҳбатлашдим. Уларга бир неча пахта гулли пиёла совға қилсам, ватан тупроғидан бўлган деб, улар пиёлани бағрига босар, кўзларидан ёш тўкилар эди.

Бундай мисолларни кўшлаб келтириш мумкин. Хорижда ўзбеклар анча бой, бадавлат, тинч яшаётган бўлсаларда, Она Ватан ҳақида сўз борганида кўзларига ёш келади. Демак, ватанга эътиқод, инсон учун буюк маънавият. Бундай эътиқоддан бебаҳра бўлиш эса иймонсизликдир. Тарихнинг барча даврларида ҳам иймонсиз кишиларгина ўз ватанининг тақдирига бефарқ қараганлар, халқи ва она юрти манфаатларига сотқинлик қилганлар.

Ватан ҳақидаги тушунчанинг моҳияти биз туғилиб ўсган, яшаётган ватанимизнинг ўзи эмас, балки бизнинг унга нисбатан бўлган эътиқодимиздир. Инсон ватанининг, халқининг қадр-қимматини, аҳамиятини руҳан англаб етганидагина ватанпарварлик унинг қалбидан чуқур ўрин олади.

Ватанга муҳаббат сиёсий мафкура эмас, балки баркамол ахлоқдир.

Ватанпарварлик тушунчаси таркибига кирган барча фазилатлар ахлоқий қадриятлар тизимига ҳам киради. Шу сабабли ҳам ватанпарварлик ўз моҳияти жиҳатидан бирор ҳудудга, мамлакатга бўлган оддий ҳурматдан чуқурроқдир.

Ватанпарварлик, бир жиҳатдан, шахснинг ўз халқига бўлган ҳурмати ва садоқатининг кўринишидир. Шу маънода ватанпарварлик миллатпарварлик ҳамдир, миллий руҳ ва эътиқоднинг кўринишидир. Миллатпарварлик - ўз халқининг тарихи, тақдирини билиш, унинг манфаатларини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилишга тайёр бўлишдир.

Ватанпарварлик - миллий худбинлик эмас, балки бошқа халқларнинг ҳам қадр-қимматини, маданиятини, манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қила билишдир. Ватанпарварлик биз яшаётган мамлакат, биз мансуб бўлган миллат тақдири, истиқболи бошқа халқларнинг тараққиёти, тақдири билан боғлиқ эканини англашда ҳам намоён бўлади. Ҳар бир халқ истиқбол сари бир ўзи эмас, балки бошқалар билан ҳамкордик ва ҳамжиҳатликда боради. Барча мамлакатлар ва халқларнинг тарихи бир-бири билан узвий боғланган жараён эканлигини англаш ҳам ватанпарварликка киреди.

Демак, ватанпарварлик байналмилалчилик эътиқодини ҳам ўз ичига олади.

Ватанпарварлик инсон зотиغا мансуб бўлган барча кишиларга нисбатан бўлган ҳурмат ва эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Биз турли мамлакатларда, минтақаларда яшаб, турли тилларда сўзлашсак, турлича маданиятлар, урф-одатлар, ахлоқий фазилатларнинг соҳиби бўлсакда ўртамизда муштарак манфаатлар кўп. Бу муштараклик ҳозирги кунда бутун инсоният олдида турган умумий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммолар бирлиги, яқинлиги, умумий вазифаларда янада кўпроқ кўзга ташланмоқда. Ҳозир биз бутун инсониятнинг тақдирини ўйламоғимиз керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ватанпарварлик инсонпарварлик ҳамдир.

Ватанга ҳурмат, ватанпарварлик инсон маънавиятига доим хос бўлган хусусият. Лекин бу эътиқод ҳар доим бир хил бўлиб туравермайди. Тинчлик, фаровонлик даврларида кўпинча ватан ҳақида камроқ ўйлаймиз. Тасаввуримизда турмушимиз ва тарққиётимизнинг муайян вазияти табиий ҳолдек бўлиб кўринади. Лекин ватан, миллат бошига бирор мусибат тушганида ватанпарварлик эътиқоди кучайиб кетади. Ҳар бир шахснинг ўз ватани ва халқига бўлган эътиқоди қай даражада кучли экани ана шундай даврларда яққол кўзга ташланади. Мана шундай даврларда ватанпарварликнинг умумий жиҳатларидан кўра муайян миллат ва мамлакат манфаатлари, тақдири, мустақиллиги билан боғлиқ бўлган томонлари анча кучаяди.

Зиё Гўкалп ватанпарварликнинг юқорида баён этилган жиҳатларини ватаний ахлоқ тушунчаси орқали ифодалаган.

Унинг фикрича, маданий ахлоқ мазмун жиҳатдан ватаний ахлоқдан кенгроқ. Мамлакат ва халқ ҳаётида оғир даврлар юзага келганида ватаний ахлоқ маданий ахлоққа нисбатан кўпроқ аҳамият касб эта бошлайди.<sup>1</sup>

Ватанпарварлик муайян миллий маданият, мафкура, эътиқодлар асосида шаклланади ва ривожланади. Шу маънода ҳозирги миллий истиқлол мафкураси мустақил Ўзбекистон ватанпарварлигининг назарий асосини ташкил этади. Шу мафкура асосида шаклланган ватанпарварлик миллий бирлик ва бирдамликни кучайтиришга имкон беради.

Тарихий тараққиётнинг турли даврларида миллатлар ижтимоий гуруҳларга бўлинади. Уларнинг маънавий даражасида, манфаатларида тафовутлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу тафовутлардан қатъий назар, муайян миллий мафкурага асосланган ватанпарварлик умуммиллий фазилат сифатида шаклланади ва сақланади.

Бир миллат вакиллариининг ватан, ватанпарварлик ҳақида тушунчалари бир-бирига тўғри келмаса, муштарак миллий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

#### 4. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўллари

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ниҳоятда серкирра, мураккаб ва масъулиятли вазифа.

Бу ўринда асосий эътибор ватанпарварлик тушунчасининг моҳияти ва аҳамиятини ёритишга, унинг шахс маънавий камолоти, мамлакат ва миллат тараққиётидаги ўрнини кўрсатишга қаратилади.

Ватанпарварлик эътиқоди турли конкрет фанларни ўқитиш, маърифий-тарбиявий тадбирлар ўтказиш жараёнида шаклланади. Шунинг учун ҳам ёшларни тарбиялаш жараёнида улардаги ватанга меҳр, ҳурмат туйғусини бурч, масъулият, иймон, эътиқод даражасига кўтариш лозим.

Ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларда қуйидаги масалаларни ёритишга катта эътибор бериш керак.

*Ватан-бетакрор она диёрдир.*

Ватанпарварлик эътиқодини шакллантиришнинг энг муҳим асосларидан бири ёшларда ватан ва унинг моҳияти, инсон ҳаёти ва фаолияти учун аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Зиё Гўкалп. Туркчилик асослари. Тошкент, 1994, 63- бет.

Ватан ҳақидаги тушунчани фақат ўтмиш фактлари билангина эмас, балки мамалакатнинг келажаги, истиқболи вазифалари билан ҳам боғлаб шаклантиришга аҳаимият бериши керак. Ватанимиз қудратли ва бой бўлса, она юртимизда тинчлик, осойишталик, аҳиллик, биродарлик, ҳукмронлик қилсагина, Ўзбекистон келажақда буюк давлат бўла олиши мумкинлигини ёшлар чуқур англаб етмоғи зарур. Бундай туйғу уларни ватан манфаатлари йўлида ҳалол, фидокорона меҳнат қилишга ундайди. Ёшлар инсон учун ватан битта эканлигини, Ўзбекистон дунёдаги барча ўзбекларнинг бошини қовуштирадиган, кадр-қиммати, манфаатларини ҳимоя қила оладиган, порлоқ истиқболини тамиглай оладиган ягона мамлакат эканлигини билмоғи ва кадрламоғи керак.

*Ўзбекистоннинг истиқлол ва истиқболини чуқур ўрганиш.*

Халқимизнинг ватанпарварлик эътиқоди мустақил мамлакатимиз истиқлоли ва истиқболи билан боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий муаммоларни чуқур англаб етиш асосида шаклланади. Ёшлар ўз ватанинг кадр-қиммати, имконияти ва шароитларини, ёрқин истиқболини тўла билиб келажақка умид ва ишонч билан боришга қодир бўла оладилар.

Ватанпарварлик билан боғланган фаолиятнинг катта-ю кичиги бўлмайди. Инсон ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида, босган қадами, қилган иши-ю, айтган сўзларидан Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини унутмаслиги лозим. Машҳур форс шоири М.Солмон Соважий ёзганидек:

*Ватанга нафи йўқ яшаган ҳар кун  
Инсон ҳаётини қилур бемазмун.*

Ховлимиз, кўчамиз, маҳалламиз обод бўлсин деб кўчат эксак, бирор жой ифлос бўлса, уни ачиниб, куйиб-пишиб тозаласак, оилавий низолар келиб чиқса яхши ният билан ўртага тушиб эр-хотинни ярашгириб қўйсақ, бугун билимимиз, ҳунаримизни ёшларга меҳр билан ўргатиб, уларни тарбияласак, фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини эгаллаб, ривожлантириб, ҳаётга тадбиқ этсак, ишбилармонлик, тадбиркорлик йўлидан бориб, яхши сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарсак, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганимизда ҳам ватанпарварлик туйғуларини намоён қилган бўламиз.

Хорижда бўлганимизда юриш-туришимиз, ҳар бир айтган гапимиз, қилган ишимиз ҳам ватанга обрў ёки иснод келтириши мумкин. Ватанимизнинг номига доғ тушиши ҳар биримизнинг бадном бўлишимизга олиб келади.

Ватан обрўси - бизнинг обрўимиздир. Бу обрўнинг аҳамитини пул билан, вақтинча фойда келтириб турган ишлар билан ўлчаб бўлмайд.

Тижорат ишларида инсофли бўлиш, ҳаромдан, ўғирликдан, бировларни алдашдан ҳазар қилиш ҳам ватанпарварликка хос хусусият саналади. Бу ерда гап олувчи ва сотувчи ўртасидаги муносабат хусусида эмас, балки фуқароларнинг миллий, диний кадриятларига муносабати хусусида ҳам кетади.

Бизнинг бир-биримизга бўлган муносабатларимизни кўрган одам миллий маънавиятимиз даражасига ҳам баҳо беришга ҳаракат қилади. Ватан, миллат олдидаги бурч масъулиятни ҳар доим ҳис қилиш шундай маънавий омилларни бирдир.

*Мустақил Ўзбекистонда ҳозир шаклланаётган ватанпарварликнинг ўзига хос моҳият ва хусусиятлари.*

Мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган ватанпарварлик маъхум, сиёсий шиорга айланиб қолган совет ватанпарварлигидан фарқ қилади. Бу - тараққиёт тақдирини ўз қўлига олган, она юртининг бой имкониятларидан истиқлол ва истиқбол манфаатларини кўзлаб оқилона фойдаланиш йўлига ўтган, миллий бирлик, бирдамлик, тенглик ва тенг ҳуқуқлилик борасидаги кадриятларга таяниб, миллий ўзлигини англай бошлаган халқнинг маънавий фазилатидир.

Республика аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи ўзбекларнинг шу табарруқ, ота-боболаридан мерос бўлиб қолган заминдан бошқа Ватани йўқ. Ўзбеклар шу она диёрни севади, унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Бу - ўзбек миллий ватанпарварлигининг маънавий, ижтимоий илдиэларидир.

Ўзбекистонда яшашётган барча халқлар ҳам мустақил республикамызда вазият барқарор бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт сурьатлари тезлашувидан манфаатдордирлар. Республикамызда яшашётган бошқа халқлар вакилларининг мамлакатимизнинг тараққиётига, ижтимоий-сиёсий барқарорлик сақланишига кўшган ва кўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон ватанпарварлиги умумхалқ маънавиятига айланганлигини кўрсатади.

*Она юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш.*

Тарих фани ўтган даврларнинг саҳифасигина эмас, балки кишиларнинг маънавияти, иймони ва эътиқоди, руҳий кайфиятига кучли таъсир этувчи омилдир. Она Ватан тарихини холисона билиш, ўтмишни тўғри англаш билан бирга, аждодлар тажрибасини ҳисобга олиб, мустақил ривожланишнинг янги имкониятларини топишга йўл очишга, ватанни янада чуқурроқ эътиқод билан севишга олиб келади. Ислом Каримов бир гуруҳ

журналистлар ва тарихчи олимлар билан суҳбатда айтганидек, “ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”.<sup>1</sup>

Таълим, тарбия ишлари жараёнида Туркистон, Ўзбекистон халқлари тарихининг ёшларда ватанпарварлик эътиқодини мустаҳкамлашга бевосита таъсир этадиган қуйидаги саҳифаларни кенг ёритиш зарур:

- Турон, Туркистон инсон авлоди шаклланган илк манзиллардан бири эканлиги (Тешиктош, Селенгур топилмалари ҳақидаги маълумотлар);

- Турон, Туркистон заминида миллий давлатчилик шаклланиши, ривожланиши тарихи, анъаналари ва қадриятлари;

- Туркистон замини инсоният цивилизацияси шаклланишининг йирик манзилларидан бири экани;

- Қадимги Паркан, Бақтрия, Хоразм, Суғдиёна, Тоҳаристон, Турк хоқонлари даврида шаклланган маданият, диний-фалсафий меросининг таҳлили;

- Араблар Марказий Осиёни босиб олиши арафасида Туркистонда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт даражаси;

- Туркистонда ислом цивилизацияси ривожланишининг тарихий, ижтимоий, илмий маданий илҳизлари;

- Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар даврида Туркистонда фан ва маданият ривожини;

- Амир Темур - буюк давлат арбоби, саркарда, фан, маданият ҳомийси, ватанпарвар экани;

- Туркистон халқларининг ажнабий босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашлари саҳифалари, миллий давлатчиликнинг шаклланиши, ривожланиши билан боғлиқ бўлган тарихий мерос ва анъаналар;

- Россия зулмига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатлари, «Босмачилик» ҳақидаги тарих ҳақиқати;

- Туркистонда ривожланган жадидчилик, маърифатчилик - етук ватанпарварлик намунаси сифатида;

- илғор зиялиларнинг совет тузуми даврида олдинга сурган миллатпарварлик ғоялари - миллий манфаатларни ҳимоя қилиш йўли эканлиги.

- Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ўзгаришларнинг миллатимиз, мамлакатимиз тарихи ва тақдиридаги ўрни.

Бу тарихий жараёнларни ўргатишни аниқ тарбиявий мақсадлар билан боғламоқ зарур.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ” нашриёт матбаа концерни, 1998, 5-бет.

*Туркистон халқларининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини билиш.*

Шу масалани ватанпарварлик тарбияси билан боғлашда куйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Турон, Туркистон жаҳоншумул илмий кашфиётлар, бетакрор меъморчилик, санъат ва маданият обидалари, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, тижоратчилик, ишбилармонлик анъаналари юзага келган ва тараққий этган замин, мукамал диний-ориғий, фалсафий таълимот бўлган зардуштийлик, буддачилик ва маздакчилик ғоялари ватани;

- Туркистонда VIII-XI асрларда фан, маданият, санъат ривожланишининг ички ва ташқи сабаблари;

- Туркистон ҳадисларни тўплашда, ислом ҳуқуқи, араб тили ва адабиётининг илмий асосларини яратишда жаҳоншумул тадқиқотлар қилинган замин;

- Туркистоннинг бетакрор меъморий ёдгорликлари ва уларнинг жаҳоншумул аҳамияти;

- Туркистонда XVIII-XIX асрларда фан, маданиятнинг ривожланиши ва маърифатчилик ҳаракатлари;

- Ўзбек олимлари, ёзувчилари, маданият арбобларининг ҳозирги кунда жаҳон фан ва маданиятига қўшаётган ҳиссалари.

Бу масалаларни маърифий - тарбиявий ишлар жараёнида кенг ёритиш ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиради. Миллий ифтихор ҳам ватанпарварлик белгиларидан биридир.

*Миллий ва умуминсоний қадриятларни билиш ва ҳурмат қилиш.*

Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар миллат тараққиёти, унинг тарихи ва маданияти, халқнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини ўзида мужассамлаштирган, турмуш тарзи, ахлоқи, эътиқоди, психологияси билан боғлиқ бўлган анъаналардир.

Ёшларда ватанпарварлик эътиқоди шаклланишига таъсир этадиган қадриятлар жумласига она-тили, миллий, диний байрамлар, маросимлар, болажонлик, оилапарварлик, ота-онага, кўни-кўшнига, маҳалла-қўйга, оқсоқолларга ҳурмат, меҳр-муруватлилиқ, раҳм-шафқатлилиқ, поклик, инсонпарварлик, мусофирпарварлик, ҳалоллик, иймонлилиқ, юртимизнинг гўзал табиятидан илҳом ола билиш ва уни сақлаш истагига эга бўлиш каби қадриятлар қиради. Булар умуминсоний маънавий қадриятлар ҳамдир. Мамлакатимизда кенг нишонланаётган мустақиллик байрами, Конституция куни ва бошқа тантаналар ватанпарварлик эътиқодининг мустаҳкамланишига бевосита таъсир этади.

Ҳақиқий ватанпарвар кишилар ўз халқининг тарихи, маданий меросини билиш билан чекланмай, бошқа халқларнинг



маданияти ва миллий қадриятларини ҳам чуқур билишга, ижодий ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Ўз миллий маданияти қобигида ўралиб қолган халқлар тез ривожланиш имкониятларидан маҳрумдир.

*Ҳуқуқий, ахлоқий бурч ва масъулият туйғуси бирлиги.*

Жамият тараққиёти натижасида инсон камолоти, яшаш ва меҳнат қилиш учун имкониятлар кенгайди. Бу эса ҳар бир фуқаро ватан олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини англаши заруриятини ҳам келтириб чиқаради. Жамиятда яшаш унинг имкониятларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишига эмас, балки муайян ҳуқуқий, ахлоқий мезонларга риоя қилиш ҳамдир.

Бурч - жамият ҳар бир фуқаронинг зиммасига юклаган вазифалардир. Масъулият - шу бурчни англаб, унга асосланиб фаолият қилишга қаратилган маънавий омил. Бурчни ҳис қилмаслик, масъулиятсизлик - ватан, халқ манфаатларига, истиқбол муаммоларига бефарқ, лоқайдлик билан ёндашиш белгиси. Қадимги аждодларимиз комил инсон ўз бурчи ва масъулиятини англаши ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопоқликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина нафсини тияди, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, халқи учун жонини фидо этишга тайёр бўлади. Бунинг акси ўларок, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, у қанчалик баландпарвоз таъриф тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир Ватанга ҳиёнатдир.

*Бозор муносабатлари шароитида ватанпарварлик туйғусининг шаклланиши ва ривожланиши.*

Бозор - олди-сотти бўладиган жойгина эмас, балки миллат маданияти, масъулияти, ҳалоллигининг ҳам кўрсаткичидир. Ватанпарвар миллатгина ўз мамлакатида ҳалолликга асосланган бозор муносабатларини яратишга қодир.

Шунинг учун ҳам ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда шахсий ва ижтимоий манфаатлар нисбатини, бозор иқтисодиётига аста-секин, ижтимоий ларзаларсиз ўтиш сиёсатининг маънавий моҳиятини, шахсий, гуруҳий манфаатларни мутлақлаштиришнинг зарарли оқибатларини, шахсий манфаатлар ватан, миллат тақдири, манфаатлари билан боғлангандагина самарали бўлиши мумкинлиги англаш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида кишиларда ҳалоллик, иймонлилик, виждонлилик, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилишдан қўрқиш, меҳр-мурувватлилик, ҳайр-эхсон қилиш сингари фазилатларни шакллантиришда миллий ахлоқий

қадриятлардан, Куръони карим, ҳадислар, шарият қоидаларида олдинга сурилган маънавий комилик мезонларидан кенг фойдаланиш лозим.

*Она юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиши.*

Бу борадаги масъулият туйғусини тарбиялашда ёшларда мустақиллик шароитида демократиянинг шарқона аънаналари ривожланишини тушуниш, уларда жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш, узоқни ўйлаб иш тутиш, эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмаслик, ҳар қандай оғир вазиятда ўзини тута олиш маданиятини шакллантиришга катта эътибор бериш зарур.

Сиёсий партиялар ва оммавий жамоатчилик ташкилотлари фаолиятига имкониятлар яратиб берилиши, Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ва Республика Президентининг яширин овоз бериш йўли билан халқ томонидан сайланиши, кўлаб иқтисодий, сиёсий масалалар юзасидан референдумлар ўтказиб турилиши юртимизда томир отаётган демократиядан дарак беради. Тинчлик, аҳиллик, осойишталик барқарор бўлган жойдагина тараққиёт бўлиши, инсон ўз орзу-умидларига етиши мумкинлигини ёшлар англаши ватанпарварлик эътиқодининг бурч, масъулият даражасига кўратилишига олиб келади.

*Ҳалол, ижодий, фидокорона меҳнат қилиш ва ватан бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўлиши.*

Инсонни истиқбол ва истиқбол манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнати улуғлайди. Ватанпарварлик ўлкамизнинг бойликлари, имкониятларидан самарали, узоқни кўзлаб, давр талаблари, фан, технология ва техника ютуқларига асосланиб фойдаланиш, фаолиятнинг ҳар бир соҳасида ватан, миллат истиқболи кўзлаб меҳнат қилишидир. Ўлкамиз ресурслари талон-тарож қилинишига, атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймаслик, ишбилармонликнинг самарали, ижтимоий фойдали йўлларини излаш, тижоратда четдан мол олиб келиб сотиш билангина чекланмаслик ҳам ватанпарварлик билан узвий боғланган. Четга хомашё юбориб, тайёр маҳсулот келтираверсак, сиёсий, иқтисодий қарамликнинг бир шаклидан иккинчи шаклига тушиб қолишимиз мумкин. Бу масалаларни билиш ёшларнинг ватан, халқ, истиқбол олдидаги масъулиятини кучайтиради.

Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожлантиришда илғор фан ва техника ютуқларига таяниш ҳам ватанпарварлик масъулиятига қиради. Четдан техника ва технология сотиб олавериш, уларни ўзимизда ишлаб чиқармаслик мамлакат учун хатарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёшлар тўла англаши лозим. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш эвазига

ички бозорни таъминлаш ва экспорт қилишни иқтисодий тараққиётнинг бош йўли деб билиш ватанпарварлик сифатида баҳоланади.

Тадбиркорликка, мулкчиликнинг турли шаклларига муносабатларни доим такомиллаштириб бориш, меҳнат, меҳнат фаолиятининг ҳамма жабҳаларида ватан ва миллат истиқболини ўйлаб изланишда бўлиш истагини турли тарбиявий омиллар ёрдамида шакллантирмоқ керак.

Ёшларни меҳр-мурувватлиликка, раҳм-шафқатлиликка, ҳалоллик ва инсофлиликка, ҳайр-эҳсонлиликка ўргатиш зарур. Ҳалол, фидокорона меҳнат, инсонпарварлик билан боғланган ватанпарварлик барча фуқароларга хос фазилат бўлиши лозим.

*Халқаро муносабатларда ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйиш.*

Халқаро муносабатларда қатъиятлик, донолик, узоқни кўра билиш, хорижда ишлаётган, таълим олаётган Ўзбекистон вакилларининг юртимиз, халқимиз шаънига-шаъни, шухратига-шухрат қўйиши ватанпарварликнинг амалий намоён бўлишидир. Хорижий мамлакатлардаги билимлар, амалий малакалар, фан ютуқлари, илғор технологияни ўрганиш ва уларни ватанимизда қўллаш бошқа давлатларда таълим олаётган ёшларнинг ватан олдидаги бурчи, масъулиятидир. Хорижий мамлакатларда ўзбек халқининг бой тарихи, маданий мероси, республикамызда ҳозирги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва мақсадларини тарғиб этиш барчамизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

*Ҳарбий ватанпарварлик аъёналарига содиқ бўлиш, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш.*

Ўзбекистонни ҳимоя қилиш - фуқароларнинг муқаддас бурчи. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринасида белгиланган вазифалар, ҳозирги халқаро вазият, мустақил ватанимизнинг мудофаа кудратини ошириш заруриятини ёшларнинг онгига чуқур сингдириш керак. Ёшлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни умумтаълим мактабларидаёқ кенг йўлга қўйиш зарур.

Ватанни ҳимоя қилиш - аждодлар руҳини шод қилиш, улар қолдирган моддий, маънавий бойликларни авайлаб асраш билан бирга олиб борилади. Ҳадисларда ҳам ватан ҳимояси учун ҳарбий хизматни ўташ савобли ишлар жумласига киритилган. Ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлган мамлакатгина истиқболли порлоқ давлат бўлиши мумкин.

Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг йўлларига ёшларнинг маънавий камолоти ва жисмоний саломатлигини таъминлаш, ҳарбий техника ва ҳарбий санъат сирлари билан

мукаммал таништириш, ҳарбий низом ва интизомга риоя қилиш, ёшлар ўртасида маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва ашаддий миллатчилик кайфиятлари кучайишининг олдини олиш, ҳарбий хизматга кузатиш маросимларини тантанали ўтказиш каби тадбирлар қиради.

### *Ўзбекистоннинг давлат рамзларига ҳурмат.*

Давлат рамзларига ҳурмат жаҳондаги барча маданий халқлар эътиқодидаги анъана бўлиб, шахс маданияти, бурч ва масъулият туйғуси, ватанпарварлик эътиқоди даражасининг белгиси бўлган. Шунинг учун ёшларда мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзлари - туғро (герб), байроқ, мадҳиянинг мазмуни ва моҳиятини тушуниш маданияти ва масъулиятини шакллантириш лозим. Давлат рамзларини мамлакат ичида, хорижий давлатларда бўлганда ҳам миллий ифтихор манбаи сифатида қадрлаш ва эъзозлаш зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда амалга ошаётган миллий уйғониш ва покланиш жараёнлари фуқароларнинг янгича ватанпарварлик эътиқоди шаклланишига олиб келмоқда. Шу сабабли, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тарбия ишлари олдида турган масъулиятли вазифа саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кўрсатиб ўтганидек, мустақил давлатимизнинг бугунги бош вазифаларидан бири - юртим деб, элим деб қуйиб, ёниб яшайдиган комил инсонни тарбиялашдир.

Ўзбекистонда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Аммо бу борада қилинаётган ишлар ҳали етарли эмас. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг кенг қамровли илмий, услубий тизими ҳануз етарли ўрганилмаган.

Ватанпарварлик тарбиясининг долзарблиги халқаро вазият, Марказий Осиё минтақасидаги аҳволнинг кескинлиги, мамлакат ҳавфсизлиги, мудофаа қувватини мустаҳкамлаш зарурияти билан ҳам белгиланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, жамиятимиз тубдан янгиланаётган, бозор иқтисоди шаклланаётган ҳозирги мураккаб пайтда ўтказилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотларга лоқайдлик билан қараш, мансабпарастлик, маҳаллийчилик, қонунбузарлик, порахўрлик, ватанфурушлик, шахсий манфаатлар билангина чекланиб қолишлик, мустақилликнинг қадрига етмаслик, миллий калондимоғлик, ватан ва халқ олдидаги масъулиятни етарли англамаслик иллатларини тарбиявий ишлар орқали бартараф этиш зарур.

## 5. Миллий онгнинг маънавий асослари

Миллий онг бир миллатга мансуб бўлган кишилар ўз ватанининг, халқининг тарихи, аجدодлари қолдирган мерос ва амалий тажрибани умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур ўрганиши ва ўзлаштириши, миллат қадр-қиммати, обрў-эътиборини баланд кўтариши, мамлакат имкониятлари, миллий манфаатларни чуқур англаган ҳолда истиқлол ва истиқбол йўлида фидокорона хизмат қилиш, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳурмат қилиши асосида шаклланади. Миллий онг ҳар бир этник гуруҳ, унинг вакиллари ўзини ижтимоий-тарихий жараённинг, жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми, муайян манфаатлар, мерос ва қадриятларнинг соҳиби сифатида англашидир.

Миллий онг ўсиши миллий манавият ривожланиши даражаси, имкониятлари билан белгиланади. Етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг натижаси сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам миллий онг миллий маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий ўз-ўзини англаш, ўз навбатида, маънавий камолотга янги имкониятлар, уфқлар очади. И.Каримов кўрсатиб ўтгандек “ҳаққоний тарихни билмасдан туриб... ўзлиқни англаш мумкин эмас”.<sup>1</sup>

*Шундан кўринадики, миллий онг оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир.*

Миллий онгнинг моҳияти, мазмуни миллат ўз-ўзини англаши даражаси билан боғлиқ бўлади. Миллий онг шаклланган эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар тизими, миллий ўз-ўзини англаш эса шу тизимнинг шаклланиш жараёнидир. Миллат даставвал ўзини англамоғи, тарихи, тақдири, истиқболи, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи лозим. Шундан кейингина бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий хусусиятлари ва манфаатларига холис баҳо бериши мумкин. Ўзини англаб, миллий онги камол топаётган миллатгина бошқаларни ҳам англаш имконига эга бўла олади.

Мустақиллик шароитида ёшларни тарбиялашда миллий онгнинг қуйидаги жиҳатларига асосий эътибор бериши зарур.

*Миллий онг - миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси шаклланиши ва ривожланишининг асоси.*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарк матбаа концерни, 1998, 29-бет.

Миллий онгининг белгиси бўлган миллий бирлик, бирдамлик, масъулият туйғуси - миллатпарварликдир. Шу туйғу асосида инсон ўзини алоҳида этник гуруҳга мансублигини англайди, тарихи ва кадрини чуқурроқ билишига интилади, ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатади, ўз халқига мансуб бўлган кишилар билан бирлашиб, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Миллий онги етук, бирлик туйғуси кучли бўлган миллатгина ёрқин истиқболга, ўз мақсадарига эришади. Бундай миллатни итоатли кулларга айлантириб бўлмайди. Миллий бирлик, масъулият туйғусини заифлаштириш мамлакат, халқ ҳаётида бўладиган инқирозларга сабаб бўлади.

Россия босқинчилари Туркистонни истило қилган даврларида маҳаллий халқлар орасида миллий бирлик ва бирдамлик туйғусини заифлаштиришга катта аътибор берди. Натижада маҳаллий халқларнинг уюшган қаршилигига дуч келмай минтақани босиб олди.

Улар даставвал қозоқ жузлари ўртасидаги зиддиятларни кучайтирганликлари натижасида турли уруғлар ўртасида низолар, урушлар кучайиб кетди. Айрим уруғлар Россия ҳимоясига ўтишга мажбур бўлди. Бу сиёсат қозоқ халқини уюшган миллий бирлик сифатида заифлаштирди. Улар бирлашиб, ташқи агрессиянинг олдини олиш ўрнига ўзаро кураш йўлида ўтдилар. Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари ўртасидаги зиддиятларни кучайтириш ҳам Россия сиёсатида катта ўрин олди. Мунтазам давом этаётган урушлар натижасида асосий аҳолиси бир халққа мансуб бўлган давлатлар заифлашди, уларни босиб олиб, мустамлакага айлантириш имконияти кенгайди. Англия босқинчилари ҳам миллий бирлиги заифлашиб, турли қабилаларга бўлиниб кетган арабларни тезда ўзларига қарам қилиб олган эдилар.

*Миллий онглилик - ўз-ўзини мустақил идора қила олиш маданияти ҳамдир.*

Миллий бирликнинг ғоявий асослари билан бирга, ташкилий томонлари ҳам аҳамиятлидир. Бу борадаги вазифалар миллий бирликнинг барқарорлаштириш учун ўз ватанини ҳимоя қила олиш, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш масаласини кун тартибига қўяди. Шу сабабли миллий бирлик ғояси иқтисодий, сиёсий мустақилликка эришиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий, сиёсий жиҳатдан бошқаларга қарам бўлган мамлакатда мустақил миллий давлат барпо этиш қийин. Миллий бирлик, бирдамлик барқарор бўлган жойдагина миллий давлат, тил маданият, кадриятлар, анъаналар юксалиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Миллий онг заминда шаклланган миллий бирлик - миллий мафкура, миллий виждон, миллий ахлоқ ҳамдир. Бинобарин, миллий бирлик туйғуси олдин кишиларнинг қалбида мафкура, эътиқод, ахлоқ сифатида шаклланади ва шундан кейингина катта тарихий, ижтимоий-сиёсий куч сифатида аҳамият касб этади. Мустақилликни қўлга киритиш, унинг имкониятларидан самарали фойдалана билиш миллий онг, миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Мустахлақчилик даврини қумсаш, қандай шароитда, кимнинг қўли остида яшасак ҳам, қорнимиз тўйса, устимиз бут бўлса, бизга шу нарса етарли деб ўйлаш миллий онг заифлигининг белгисидир.

Миллий онг, миллий бирлик, бирдамлик туйғуси диалектик бирликни тапқил этади. Миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси етук миллий онг асосида шаклланади ва, ўз навбатида, миллий онгнинг ривожланиши ва барқарорлашига катта таъсир кўрсатади.

Миллий онгнинг моҳияти миллий бирлик ва бирдамлик туйғусига нисбатан кенгроқ ва чуқурроқдир. У миллатга хос маънавиятнинг барча жабҳаларини ўз ичига олса, миллий бирлик, бирдамлик туйғуси шу яхлитлашган маънавиятнинг амалда намойён бўлишидир. Шулардан кўринадики, миллий онг ҳар бир шахс ўзининг муайян ижтимоий-этник бирликка мансублигини англаши, шу бирликнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжларни тушуниши ҳамда уларга ўз муносабатини билдиришидир. Ҳар бир тадбир миллат ўз-ўзини англашидан бошланади. Миллат истиқболи билан боғлиқ тадбирлар заминида миллий манфаатларни англаш этади.

Миллий онг, миллий ахлоқ, психология каби абадулабад белгилаб қўйиладиган, қотиб қолган ҳодиса эмас. Миллий онг ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради. Тарихнинг бурилиш даврларида миллий онгда ҳам қонуний тарзда катта ўзгаришлар юз беради. Миллий мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини англаб етиш натижасида миллий онгнинг ўсин суръатлари тезлашиб кетади. Миллий уйғониш, шак-шубҳасиз, миллий ҳис-туйғуларни жунбишга келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда ички миллий адоватларни, халқларнинг бир-бирига ишончсизлигини қасддан авж олдиришга, миллий онгни уйғотиш ўрнига, уни сўндиришга ҳаракат қилувчи кучлар ҳам бор. Бундай кучлар халқларнинг миллий мустақиллиги мустаҳкамланишидан қўрқувга тушмоқдалар. Бундан тапқари, миллий

онглилик асосида миллий ҳудбинлик ёки миллий калондимор-ликнинг юзага келиш хавфи ҳам бор. Ана шуларни олдини олиш керак.

Миллий онг тарихимиз ва тақдиримиз бирлигини, бир этник гуруҳга мансуб эканимизни англашдир. Шу асосдагина миллат вакиллари ўртасида бирдамлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, умумий мақсадлар йўлида бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилиш масъулияти шаклланади. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик миллий онг пастлигидан, кишилар ўзларини бир этник гуруҳга мансуб эканини чуқур англаб етмаганлигидан келиб чиқади. Ўзбеклар бир-бирларини Фарғоналиклар, Тошкентликлар, Хоразмликлар деб фарқлашлари мавжуд минтақаларга хос, объектив ўзига хосликни акс эттиради, албатта. Бироқ мазкур ўзига хосликларни бўрттириш маҳаллийчилик касалини келтириб чиқаради. Агар бундай маънавий қапшоқлик сақланиб қолса, ўзбекларни бир-бирига қовуштириш, ягона мақсад сари ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан олиб бориш қийинлашади. Маҳаллийчилик шу қадар хатарли ижтимоий иллатки, вақти келса ва имконият бўлса бу маънавий заифликдан душманларимиз усталик билан фойдаланиши, бизни бир-биримизга қарши қўйиб, гиж-гижлаши, мамлакатимиздаги вазиятни барқарорлаштириш йўлида қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Ягона миллат бўлган ўзбекларнинг ота-боболари айрим даврларида турли давлатлар ҳудудида яшаганлар, XVII-XIX асрларга келиб улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар бир қадар заифлашган. Маҳаллийчилик иллатлари, маълум маънода, тарихнинг шу даврларида кучайган. Миллий бирлик миллат тақдирини ҳал этишда катта маънавий омил бўлишини фаҳмламаган айрим жоҳил ҳукмдорлар ўзбекларни Бухоро, Хива, Қўқон ховликларига бўлиб юборганлар. Кейинчалик мана шу миллий тарқоқликдан усталик билан фойдаланиб, юртимизни босиб олган чор Россияси бу сиёсатни давом эттириб, миллий бирлигимизга раҳна солиб келди. Бу сиёсат халқимизнинг миллий онги ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз тараққиёти йўлини танлаб олган ҳозирги шароитда маҳаллийчиликка қарши кураш олиб бориш катта амалий аҳамиятга эга. Ёшлар қайси вилоятдан бўлишидан қатъий назар, бир миллат фарзандлари эканликларини, миллий бирлик ва бирдамликни таъминлабгина Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш мумкинлигини чуқур англаб етмоқлари керак. Миллий бирлик туйғуси кишиларнинг қалбида чуқур томиқ



гмаса, иймон ва этиқодга айланмаса, миллатнинг истиқболи эрлок бўлмайди, миллий онг ривожланмайди.

*Миллий онг шаклланиши ва ривожланиши миллий қадрият-три тиклаш, ўрганиш, ҳаётга кенг жорий қилиш билан эглиқдир.*

Миллий ўз-ўзини англаш жараёни чуқурлашишининг осий шартларидан бири ҳам шу. Ўзбеклар инсониятнинг аънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатган бой маданий ерос, буюк қадриятларнинг эгаси. Ота-боболаримиздан қолган икан моддий ва маданий меросни бир дарё деб тасаввур этсак, у борадаги билимларимиз ундан бир томчи холос.

Яқинларга қадар ўз маданий меросидан беҳабар бўлган иллат эдик. Бу бизнинг миллий лоқайдигимиз билан белги-анган фожеа эмас, балки 135 йил давомида изчилик билан малга оширилган мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. озирги кундаги энг муҳим вазифалардан бири феодал тарқоқлик, устамлакачилик ва совет тузуми даврларидаги гафлат уйқусин тезроқ, уйғониш, миллатимизнинг истеъдоди, қобилияти, адр-қимматини жаҳонга тўлароқ намоён этиш ҳисобланади. збеклар ким эканини фақат уларнинг ўзигина эмас, балки аҳондаги барча халқлар ҳам яхши билсин. Ҳозирга қадар ўтмиш қодларимизнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси нимиздан кўра дунёдаги кўшлаб мамлакатларда маълум ва ашхур эди.

1993 йилнинг кузида Фиждувон шаҳрида буюк мутафаккир блухолик Фиждувонийнинг туғилганига 850 йил тўлишига ағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Италия республикасининг Ўзбекистондаги элчиси анжуманда сўзга чиқиб, «Мен лёнинг кўшлаб мамлакатларида бўлганман. Ўша йирик амлакатларда шу ўлкада яшаб, жаҳон цивилизацияси тарихида эмас ном қолдирган бир ёки икки олимнинг номини питганман. Ўзбекистон тупроғида бундай буюк сиймолар унчалик кўп яшаб ижод этганки, уларнинг номини санаб ақиш ҳам қийин. Шундай буюк алломаларни жаҳонга етказиб эрган мамлакатнинг халқига ва тарихига ҳурмат билан арамслик асло мумкин эмас», дегани ҳали ҳам хотирамда ухрланиб турибди. Бу фикрларда жуда катта ҳақиқат бор. фсуски, биз ўзимиз шу ҳақиқатни совет тоталитар тузуми ароғида тўла англаб етмадик.

Сўнги етти йил давомида тарихимиз ва маданий меросини ўрганиш борасида катта тадбирлар, жумладан Имом Буэрий, Имом Исо Термизий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, блухолик Фиждувоний, Боҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Ёрзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Заҳриддин

Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг таваллудига бағишланган йирик анжуманлар, тантаналар ўтказилди. Буюк Тему ҳақидаги тарих ҳақиқати тикланиши ҳам маданий ҳаётимиз катта воқеа бўлди. Булар миллий онгимиз ўсиб, тарихимиз ҳурмат билан қараш йўлидан бораётганимизнинг ифодасидир. Тарих ҳақиқатини тиклаш - ўзбек миллатининг обрў-эътиборини, қадр-қимматини, ўзига ишончини тиклаш демакдир.

Ҳозирги кунда ўзбек халқи бой маданий меросга эга экан янада тўлароқ маълум бўлмоқда. Ўзбекистонда яшаган олимлар, мутафаккирлар, шоирлар, меъморлар жаҳон фан маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини кенгроқ тасаввур эта бошладик.

Ўзбек халқининг маданияти умуминсоний цивилизациясини таркибий қисми эканини, шу билан бирга, миллий маънави камолотимизга бошқа халқлар ҳам катта таъсир кўрсатганини инкор этиш мумкин эмас. Имом Бухорий, Ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва бошқалар қолдирган меросни қўшни мамлакатлардаги фан ва маданий тараққиётдан ажратиб ўрганиб бўлмайди. Кубровия, Яссавий, Нақшбандия тариқатлари қўшни шарқ мамлакатларида шаклланган тасаввуф таълимотининг давоми, янги, юкса босқичидир. Нажмиддин Кубро меросини Рузбехон ал Мисрий Бобо Фароҳ, Исмоил Касрий таълимотларисиз тўла тушуни бўлмайди. Алишер Навоий ҳам Саъдий, Рудакий, Жомий Низомий каби шоир ва алломаларни ўзининг устози, деб билган. Демак, ўз миллатининг меросини, тарихини улуғлага ҳолда бошқа миллатларнинг ҳам жаҳон цивилизациясига тараққиётига қўшган ҳиссасини тўғри баҳолаш билиш ету миллий онгиликдан дарак беради.

Она заминимизда туғилиб камол тошган алломалар ҳақидан сўз борганида ёшларимиз кўпинча Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобий, Фарғоний, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари сиймоларни кўз олдига келтирадилар. Буларнинг номи ва мероси кўхна тарихимизнинг шукуҳли бир саҳифаси, ҳолос. Бинолар ҳам аввал жаҳонга маълум ва машҳур бўлиб, кейин бизга етиб келди. Лекин шундай олимлар, буюк алломалар борки, уларнинг номи, мероси ҳозирга қадар халқимизга маълум эмас. Муҳаммад Исо Термизий, Имом Исмоил Бухорий, Нажмиддин Кубро, Абдулоҳиқ Ғиждувоний, Баҳовиддин Нақшбанд меъросини эндигина ўргана бошладик. Асарлар бутун мусулмон дунёсига машҳур бўлган Бурҳониддин Марғилонийни ҳам эндигина танимоқдамиз. Аҳмад Яссавийнинг мероси ҳақидаги фикрларни ҳам сўнгги йилларда очиқ айтишга бошладик.

Шу ерда фан ва маданият тарихида ўчмас из қолдирган, лекин мероси халқимизга хали тўла таниш бўлмаган олимлар ва алломалардан баъзиларини тилга олиб ўтамиз. Булар - Имом ал Дорамий (797-869 йиллар), Абу Бакр Муҳаммад ибн Яман Самарқандий (вафоти 881 йил), Абул Мути ибн Фаззулоҳ Насафий (вафоти 930 йил), Исҳоқ ибн Иброҳим Абу Яқуб Шопий Самарқандий (вафоти 937 йил), Абу Мансур Муҳаммад Матурудий Самарқандий (вафоти 945 йил), Абу Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад Ҳаким Самарқандий (вафоти 953 йил), Абу Абдуллоҳ Нотийлий (X аср), Аҳмад ибн Саъиддин Ўзгандий Намангоний (X аср), Абу Муҳаммад ал-Матроний (X аср), Абу Насир Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий Форобий ат-Туркий (вафоти 1008 йил), Абу Зайид Абдуллоҳ ибн Умар ад-Добусий (вафоти 1039 йил), Абу Аббос Жъфар ибн Абу Али Муҳаммад Насафий (вафоти 1114 йил), Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз Бухорий (1090-1141 йиллар), Нажмидин Абу Ҳафс ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий (1060-1142 йиллар), Аҳмад ибн Муҳаммад Аҳсикатий Зу-л-Фазолий (1073- 1184 йил-лар), Сиржиддин Юсуф ибн Абу Бакр Саккокий Хоразмий (1160-1229 йиллар), Нуриддин Муҳаммад ибн Авфий (XIII аср), Ҳафизуддин Абул Баракат Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий (вафоти 1131 йил), Шайх Ҳованд Таҳур (вафоти 1420 йил), Маъсуд ибн Усмои Кўхистоний (XVI аср) ва бошқалардир. Бу алломаларнинг ҳаёти, илмий мероси ҳақида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Уларнинг ҳар бири бутун бир миллатнинг тарихини безай оладиган алломалардир.

Бир қатор Марказий Осиёлик олим ва шоирлар ўз асарларини араб, форс тилларида ёзганликлари учун ҳам уларнинг номи миллий адабиётимиз тарихида етарли ўрин олмаган. Абу Аҳмад ал-Котиб (IX аср), Абул Ҳусайн Муродий (X аср), Абу Мансур Аҳмад ибн Абду Абдуний (X аср), Абу Тайиб Муҳаммад ибн Ҳотим Мусъабий (X аср), Абу Абдуллоҳ Зарир Абивардий (X аср), Абдумуҳаммад Сулабий (X аср) Абу Қосим Али ибн Муҳаммад Искофий Найсабурий (X аср), Абул Ҳасан Али Шайбоний, Абул Ҳасан Муҳаммад Иффрикий ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўз асарларини араб, форс тилларида ёзган Марказий Осиёлик олим ва шоирларнинг меросини ўрганиш миллий маънавиятимиз камолоти йўлларини тўлароқ тушунишга имкон беради.

Ватан ҳимояси йўлида фидойилик намуналарини кўрсатган, омманинг озошлик ва мустақиллик учун бўлган курашга бошчилилик қилган буюк саркардаларнинг, давлат арбобларининг номларини ҳануз тўлиқ билмаймиз. Ватан озошлиги учун курашган қаҳрамонлар ҳақида сўз кетганида кўпинча Широқ,

Тўмарис, Муқанна, Жалолиддин ва бошқаларнинг номини тилга оламиз. Аслида эса ватан озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган курашларда оммага бошчилик қилган, қаҳрамонлик ва фидойилик намуналарини кўрсатган юзлаб, минглаб халқ қаҳрамонлари бўлган. Уларнинг ватан ва миллат манфаатлари йўлидаги фидойиликлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун катта мактаб вазифасини ўташи мумкин. Уларнинг номини унутиш - аждодларимиз руҳи олдидаги катта гуноҳ.

Россия Марказий Осиёни босиб олиши билан боғлиқ бўлган даврга бир назар ташлайлик. Бу босқин 35 йилдан кўпроқ давом этди. Бу давр ичида қанча-қанча шаҳарлар, кишлоқлар вайрон этилди, ўн минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди, моддий ва маданий бойликлар талон-тарож қилинди. Марказий Осиёни қурол билан босиб олиб, қон тўккан генераллар, офицерларнинг номи билан шаҳарлар, кўчалар, майдонлар, темир йўл бекатлари аталди, уларнинг «қаҳрамонлик»ларига бағишланган асарлар ёзилди. Ўз ватани, халқи, дини, иймони, қадр-қимматини ҳимоя қилиб ҳалок бўлган қаҳрамонларчи? Афсуски, уларнинг номи, ватан озодлиги йўлидаги жасоратлари унутилиб кетди, тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олмади. Бу ўта даражадаги маңкуртлиқдир, миллий онг, миллий манфаатларни англаш ва ҳимоя қилиш сингари маънавий фазилатлар занфлашиб кетганининг оқибатидир. Тошкентни Россия босқинчиларидан ҳимоя қилишда оммага етакчилик қилган, ўз фаолиятида мардлик, фидойилик, ватанпарварлик, халқпарварлик намуналарини кўрсатган Мулла Солиҳбек Додхонинг номи халқимизга ҳануз яхши маълум эмас. Тошкентни ҳимоя қилиш вақтида ҳалок бўлган Олимқул саркарда ҳақида ҳам очиқ ва аниқ фикрлар айтилмаган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг Россия босқинчиларига қарши жангларда катта талофот етказган саркардалари ҳақида бирор илмий асар ёзилмаган.

Мустамлакачилик даврида, совет тузуми шароитида тарихнинг бу саҳифалари ҳақида бирор бир очиқ фикр айтиш қийин эди. Мустақилликка эришган ҳозирги кунимизда тарих ҳақидаги бор ҳақиқатни очиқ ва холисона айтиш учун барча имкониятларга эга бўлдик.

Тарих-ўтмиш воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки катта гарбивий омил ҳамдир. Тарихий воқеаларини билиш асосида кишиларда ўз халқига нисбатан ҳурмат, муҳаббат туйғулари шаклланади, ёшлар ўз ота-боболарининг қилган ишлари билан фахрланишга ўрганадилар, шу асосда миллий ифтихор сингари етук маънавий фазилатлар ҳам шаклланади.

Тарих воқеаларига, миллий мерос ва қадриятларга партиявийлик, синфийлик мезонлари асосида ёндашиш кўп католикларга, адашчиларга олиб келди. Маданий мерос намуналари миллатнинг маънавий камолотини тезлаштириш мақсадларида эмас, балки шовинизм руҳи билан сугорилган сиёсат негизида ёритилди. Тарихда нима яхши-ю, нима ёмон эканини белгилашнинг мезони ҳам шу сиёсат бўлиб қолди. Ўтмишда яшаган кўпгина олимлар, шоирлар, ёзувчилар ҳокимиятда юқори мансабларни эгаллаганликлари учунгина қораландилар, уларнинг меросини ўрганиш чеклаб қўйилди. Бирор подшо ёки вазир етук олим, шоир ёки ёзувчи бўлган бўлса, бу фожеа эмас, балки жамиятдаги камолот ва етук маънавий эҳтиёжнинг кўринишидир. Подшолар фақат уруш қилиш ва маишат гирдобига ўралибгина қолмасдан, фан, маданият, санъат билан шуғулланиши, шу соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиши ижобий ҳидиса-ку, ахир. Йирик давлат арбобларининг етук олим, шоир, маданият ҳомийси бўлиши миллий маданият тараққиёти даражасининг яна бир кўрсаткичи ҳисобланади.

Партиявийлик ва синфийлик мезонларига асосланиб, Амир Темурнинг кўп қиррали истеъдод ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини, ҳарбий саркардалик соҳасидаги бетакрор шахаратини унутай деб қолдик. Хусайн Бойқаро, Амирий, Феруз сингари етук шоирларнинг ижоди ҳам сояда қолиб кетди. Бобурга нисбатан бўлган бирёқлама муносабат заминида асосан юқоридан белгиланган сиёсат ётар эди. Бу ҳол ҳам миллий онг инқироз ҳолатига келиб қолганлигининг сабабларидан биридир.

Одамлар ҳамма вақт ўтмишни чуқур таҳлил этиб, келажак ҳақида ўйлайдилар, миллий истиқлол ва истиқбол ҳақида янги гоёлар, фикрларни ўртага қўядилар. Ўтмишни чуқур билиш келажакдаги тараққиёт учун янги, самарали йўллар топа олишга имкон беради. Тарихнинг бу ҳақиқатини ҳолисона, одилона билган миллат ўзлигини, чуқурроқ англаб олиб, истиқбол сари ишонч билан мағрур бош кўтариб боради.

*Миллий онг-миллий масъулият ҳамдир.*

Миллий масъулият ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини миллат, миллий давлат манфаатлари билан боғлай олишидир.

Бозор муносабатларига ўтиш, ишбилармонлик, гадбиркорликка кенг йўл очилиши миллий ва фуқаролик масъулияти масаласини тушунишга ҳам янги жиҳатлар киритди. Миллий масъулиятнинг муҳим жиҳати миллий манфаатларни англашда кўринади. Шахс ва унинг манфаатларини сиёсий ақидалар соясида қолдириб кетган, мавҳум ижтимоий манфаатларнинг тўлиқ ҳукмронлигини таъминлашга мослаштирилган сиёсат ва мафкура барҳам тоқди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида шахс, унинг фаолияти қобилияти ва имкониятлари, манфаатлари муштараклиг тобора серқиррароқ бўлиб кўзга ташланмоқда. Лекин бу янги шароитлар ва имкониятлар ҳар бир шахс фақат ўз манфаатлари доирасида қолиб кетиб, бошқалар билан иш бўлмаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Агар киши ўз манфаатлари қобилиятида қолиб, уларнинг ҳар бири алоҳид дунё бўлиб қолса, манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳақиқат кучайиб кетади. Бундай ҳолда маънавий тубанлашнинг бошланади, жамиятда ижтимоий фалокатлар юз беради. Шахсий манфаатлар муаммоси қанчалик тез ва ҳар томонлама ҳал этилмасин, ҳар бир инсон мавжуд ижтимоий муносабатларда мажмуасига киради. У қанчалик ақли, талбиркор, ишбилармон бўлмасин, унинг бутун ҳаётининг фаолияти одамлар жамоасидаги муносабатлардан ташқарида бўлмайди. Бу борадаги боғлиқликни англаш, ҳар ишда ватан, миллат манфаатларини ўйлаш ҳақиқат миллий ва фуқаролик масъулияти ҳисобланади. Масъулиятни сезмай ўз ҳуқуқи учун курашиш ҳам маънавий заифликнинг белгисидир. Бурч, масъулият туйғуси ўз ҳақиқати, ҳуқуқини англашга асос бўладиган маънавий заминдир. Ўз ҳуқуқини таниган, талаб қилган инсон бошқаларнинг ҳам ҳуқуқини ҳурмат қилмоғи зарур. Акс ҳолда шахснинг ўз ҳуқуқи учун курашиши худбинликка айланиб кетади. Ҳар қандай даврда ҳам жамиятда тараққиёт, тинчлик, тотувлик, осойишталик инсонпарварлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик бўлсагина шахснинг орзу-умидлари ушалади. Ҳар шахс ўзининг жамиятининг, халқининг бир бўлаги деб билиши, манфаатлар муштараклигини тушуниши, ўз фаолиятида бошқа шахслар миллатлар, мамлакат ва бутун инсоният манфаатларини ҳам эътиборга олиши маънавий камолатнинг ифодасидир.

Демак, миллий онг миллий манфаатларни англаш ҳамдир. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг равнақи, ютуқлари мамлакатимизда яшайётган ҳар бир фуқаронинг ютуғидир. Мамлакатимиз тинч бўлиб, ҳамма ерда осойишталик барқарор бўлса, миллатимиз аҳил ва бирдам бўлиб яшаса, бу ҳар бир фуқаронинг бахти ҳисобланади. Мамлакат, миллат манфаатларини ўйламайдиган кишилар ўз тақдирига ҳам бефарқ қарайдилар. Шунинг учун инсоннинг яшashi ва меҳнат қилиши миллат ва мамлакат манфаатларини чуқур англаши билан боғлиқ. Мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида инсон маънавий масъулиятининг миллий онг ўсиши, фуқаролик масъулияти билан боғлиқ томонларига ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий муносабатлар ҳар томонлама камол топишига шароитлар яратилмоқда. Асрий анъаналаримиз билан бевосита боғлиқ бўлган ишбилармонлик, тижорат ҳам кенг ривож топмоқда. Лекин миллий онг ва масъулият туйғуси ҳаммамиздан XX асрнинг охирида яшайтганимизни, мустақил тараққиётимизнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини тўлароқ ва чуқурроқ тушунишимизни талаб қилмоқда. Бу масалаларни ҳам шахсий манфаатлар қобигидан чиқиб, етук маънавийат заминида, миллий манфаатларни эътиборга олиб таҳлил қилмоғимиз керак.

Миллий манфаат ва масъулият бир-бирига боғлиқдир. Манфаатларни англаш, белгилашда масъулиятни тўла ҳис қилиш ҳам маънавий етукликни кўрсатади.

Иқтисодий камолот ва тараққиёт муаммоларини фақат тижорат билан боғлаш, ундан бошқа имкониятларни кўрмаслик, кўришга ҳам интиلمаслик миллий манфаатларни тўлиқ англамасликнинг белгисидир. Бу ердаги фожеа истиқболни чуқур кўрмасликда эмас, балки кўришга интиلمасликдадир. Фан ва техника тараққиёти ютуқларини тўлиқ ўрганиш, ривожлантириш, ҳаётга тезда ва самарали татбиқ этиш ҳозирги миллий манфаатларимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу – чуқур англанилган манфаатдир. Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагига асосан ҳашаматли бозорлар, майда хунармандчилик корхоналар, масжидлар орқали эмас, балки ўқув юртлари, илмий ташкилотларнинг эшикларидан кириб борамиз.

*Етук миллий онг бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, кадр-қимматини ҳурмат қилишни ҳам ўз ичига олади.*

Ўзбекистон ҳудуди ҳамма вақт кўп миллатли бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу ўлкада ўзбеклардан ташқари қozoқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, уйғурлар ва бошқаларнинг ота-боболари ҳам яшаб ўтган. Миллий муносабатларни ижтимоий адолат мезонлари асосида ривожлантириш, барча халқларнинг тили, маданияти, урф-одатларига ҳурмат билан қараш, уларни ривожлантириш учун имкониятлар яратиб бериш, ҳамма соҳада дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликни таъминлаш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий маънавий омилларидан биридир.

Ўзбеклар ҳамма вақт мусофирпарвар, меҳмондўст халқ бўлган. Бу бизнинг оддий одатимиз эмас, балки мустаҳкам миллий эътиқодимиздир. Ҳадисларда шундай табарруқ сўзлар ёзилган: «Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтган ясалган қамчи билан саваланади», «кимки сулҳ битими билан яшайтган ғайридинни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди».

Президентимиз Ислам Каримов 1994 йил 7 июль куни Республика Фанлар академиясининг йиллик умумий мажлисида сўзлаган нутқида миллий муносабатларга одилона, оқилона ёндашиш, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларини, манфаатларини ҳурмат қилиш, бу борада калондимоғликка йўл қўймаслик муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

1941–1945 йилларда ҳам немис фашистлари босиб олган ерлардан келган миллионлаб кишилар, юз минглаб етим-есирлар Ўзбекистонда янги ватан топти, меҳр-муҳаббат ва инсоний оқибат кўрди. Яхудий миллатига мансуб кишилар фашистлар томонидан беаёв қирилаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг буюк шоири Ғофур Ғулом «Мен - яхудийман» шеърини ёзиб, тенгсиз инсонпарварлик намунасини кўрсатди. Ўз ватанидан зўрлик билан ҳайдаб юборилган қрим татарлари, месхети турклари ва бошқалар ўзбек халқининг инсонпарварлик хислатини амалда кўрди, биз билан қон-қариндош, қуда-анда бўлиб кетди. Тарихнинг бу мураккаб машаққатли тажрибаси ўзбек халқининг номини, шон-шухратини жаҳонда яна бир бор улуғлади.

Ҳозир Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элатта мансуб бўлган 24 миллион аҳоли яшайди. Шулардан деярли тўртдан бири бошқа миллатларнинг вакилларидир. Халқлар ўртасидаги ишонч, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, барчанинг тенглиги ва тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш ниҳоятда муҳимдир.

*Миллий онгнинг етуклиги миллий тилларга муносабатда ҳам яққол намоён бўлади.*

Буюк мутафаккир Алишер Навоий тилга эътибор - элга эътибор, эканини кўрсатиб ўтган эди. Ҳар бир халқнинг ўз тилига эътибори миллий ўз-ўзини англаш даражасини кўрсатади.

Совет тоталитар тузуми шароитида ўзбек тилини қўллаш ва ривожланишининг имкониятлари чеклаб қўйилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жамият тараққиёти натижасида барча миллатлар қўшилиб кетади деган фикр миллий тиллар ҳам охир-оқибатда йўқ бўлиб кетади, деган маънони билдирар эди. Бундай сиёсат натижасида айрим зиёлиларда миллий тилнинг истиқболига нисбатан нигилистик муносабат шаклланади. Олимларимиз ҳам ўзларининг илмий ишларини рус тилида ёзишга мажбур бўлиб қолдилар. Баъзан ўзбек тилида китоб чоп этиш зарур бўлиб қолса, маҳаллий миллатга мансуб бўлган олимлар ўз асарларини аввал рус тилида тақдим этар, сўнгра қўлёзма ўзбек тилига таржима қилинади.



Республикамызда рўй берган миллий онг, масъулият туйғуси юксалиши маҳаллий аҳолининг ўз она тили тақдирига бўлган муносабатида ҳам яққол намоён бўлди, ўзбек тилига давлат тили мақоми беришни талаб қилиш катта ижтимоий ҳаракатга айланди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1989 йил 21 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинди. Бу мамлакатимиз тарихида катта воқеа бўлди. Шу йўл билан ўзбек тилини иш юритишда, илмий тадқиқот ишларида, таълим-тарбия соҳасида кенг қўллашга йўл очилди. Дунёдаги энг бой тиллардан бири бўлган она тилимиз яна ўз қудратини тўлиқ намоён қилиш, ривожланиш имконига эга бўлди. Лекин бу тадбирлар ўзбек тили учун алоҳида имтиёзлар яратиб бериш учун қилингани йўқ, балки она тилимиз республика маънавий, ижтимоий ҳаётида ўзига муносиб ўринни эгаллаши учун қилинди.

Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатлари сақланиши, ривожланишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир миллат вакиллари ўз маданиятини ривожлантириши, урф-одатларига тўла риоя қилиши, она тилида таълим олиши, илмий ва бадиий асарлар ёзиши мумкин. Ўзбекистонда бу борадаги тадбирларни амалга ошириш заминида инсонпарварлик, байналмилаллик, ижтимоий адолат қондаларига тўлиқ риоя қилиш билан боғлиқ бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар ётади.

Иш юритишда давлат тилига ўтишни сунъий равишда жадаллаштириш, шу асосда миллий муносабатларни кескинлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўзбек тилини билиш бошқа миллатларнинг вакиллари иш юритишни шу тилда олиб боришга тайёр бўлди, деган маънони билдирмайди. Сирасини айтганда, ўзбек тилида иш юритишга, барча ҳужжатларни ўзбек тилида тайёрлашга маҳаллий зиёлиларнинг маълум қисми ҳали тайёр эмас. Барча ҳужжатларни ўзбек тилида тайёрлашни русийзабон аҳоли вакилларида ҳозирнинг ўзидаёқ талаб қилиш, бу ишни уддалай олмайдиганларни мансабидан бўшатиб қўйиш - шопма-шопорлик бўлади. Бу ҳол одамларнинг миллий ҳис туйғусига салбий таъсир этиши, ҳозирги масъулиятли даврда ижтимоий зиддиятлар кескинлашишига олиб келиши мумкин. Бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида иш юритиш малакасига эга бўлиши учун маълум муддат ўтиши керак.

*Миллий онг миллатнинг обрўсини, қадр-қимматини ҳимоя қила билишидир.*

Ўзбекларда қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бор. Бошқа халқларнинг миллий хусусиятини, маданияти, тилини,

манфаатларини хурмат қилар эканмиз, ўз миллатимизга ҳам шундай адолатли муносабатда бўлишни талаб қилишга ҳаққимиз бор. Русийзабон аҳолининг айрим вакиллари орасидан ўзбек тилини менсимаслик кайфиятлари ҳозир ҳам учрайди. Айрим кишилар инглиз, француз, араб, хитой тилларини ўрганаётган бўлса ҳам, ўзбек тилини ўрганиш иккинчи даражали вазифа деб қарамокда. Бошқа тилларни ўрганиш маънавий камолотнинг омили бўлса, ўзбек тилини билиш ҳам шу тушунча доирасига киради.

Тилни менсимаслик - миллатни менсимасликдир. Ўзбек тилини билган руслар, украинлар, арманилар, корейслар ҳамми вақт халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор орттирган. Миллий тилларнинг кадр-қимматини ерга урган совет тузуми тугади. Шундай шароитда отдан тушиб, эгардан тушмасликнинг фойдаси бўлмаса керак. Ўзбек тилини ўрганиш ёнма-ён яшаб турган миллатга ҳурмат, унинг тарихи, маданияти, миллий руҳини чуқурроқ билишнинг катта имкониятидир.

Собиқ марказдаги айрим сиёсатчилар миллий тилларни ўрганиш масаласини, икки фуқаролик муаммосини бирёқлама ёритишга ҳаракат қилмоқдалар. 1994 йили Москвада чиқадиغان «Горизонт» газетаси Ўзбекистондаги давлат тили мавқеини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳақида биёназ мақола эълон қилди. *Унда ёзилишича, Ўзбекистон аҳолисининг фақат 40 фоизигина давлат тилини билади. Шу сабабли ўзбек тили давлат тили сифатида амал қилиши учун ҳеч қандай зарурият йўқ эмас.* Ўзбекистон аҳолисининг 75 фоизи ўзбеклар экани, республикада яшовчи қозоқлар, тожиклар, қирғизлар татарлар, уйғурлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқа миллатларнинг вакиллари ўзбек тилини яхши билишيني ҳисобга олсак, юқоридаги рақам бутунлай уйдирма экани ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади.

Ўзини кадрлаган миллат бошқаларни ҳам кадрлай билиши керак. Шунга кўра Ўзбекистонда яшаётган бирор миллат вакилларига икки фуқаролик ҳуқуқи берилишини талаб қилиш бутунлай асоссиздир. Икки фуқаролик - миллий имтиёздир. Бирор миллатга берилган имтиёз бошқа халқларнинг миллий онига салбий таъсир этади. Миллий муносабатларни адолат, тинчлик ва тенгхуққилик асосида ривожлантириш қатъият билан амалга ошириляётган Ўзбекистонда ҳеч бир миллатда, аҳолининг тўртдан уч қисмини ташкил этган ўзбекларда ҳам ҳеч қандай миллий имтиёз йўқ. Икки фуқаролик ҳақидаги гаплар мустамакачилик даври, совет тузуми шароитидаги ижтимоий, сиёсий имтиёزلарни қумсашдан бошқа нарса эмас.

*Миллий онг мустақиллик йўлидаги қийинчиликларни енгишга қодир бўлган миллий иродани ҳам ифодалайди.*

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил қадамлар билан бораётган Ўзбекистонда маълум иқтисодий қийинчиликлар ҳам мавжуд. Ҳозирги айрим қийинчиликларни кўриб таслимчилик қайфиятига берилиш миллий ирода заифлигининг оқибатидир. Инсон дувёда фақат ейиш, ичиш, кийиниш, машаат қилиш учун яшамайди. Ҳар бир фуқарода истиқлол имкониятларини чуқур англаш ва бу йўлда фидойилик намуналарини кўрсатиш учун зарур ирода ҳам бўлмоғи керак. Ирода эса инсонга сабр-тоқат, қийинчиликларни енгиш учун куч, қувват бағишлайди. Чинакам миллий ирода ана шу асосда шаклланади.

*Ҳар бир миллат бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, қадриятларига қанчалик кўп ҳурмат билан қарамасин, биринчи навбатда ўз миллий руҳи, миллий маънавияти барқарор бўлиб ривожланишига катта эътибор беради.*

Бу - инкор этиш асло мумкин бўлмаган маънавий эҳтиёж-дир. Ҳозир Ўзбекистонда халқимизнинг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий меросини, миллий давлатчилик тарихини, ахлоқ, одоб борасидаги қадриятларни ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш учун катта ҳаракат бошланди.

Ўтмишга тўғри баҳо беришда миллий онг қай даражада ривожланганлиги катта аҳамиятга эга. Биз турли даврлардаги тарихий воқеаларга, мероснинг муайян шакллариغا ижобий ёки салбий деб баҳо берамиз. Вазият ўзгариши билан уларга муносабатимиз ҳам турлича бўлиб туради. Лекин биз таҳлил қилаётган ҳодисани ўзига хос бўлган моҳияти, аҳамияти бирдек қолаверади. Илмий таҳлилда, биринчи навбатда, шу муаммони тўғри тушунишга эътибор бермоқ керак. Кечаги воқеаларни бугунги мезон билангина ўлчаб бўлмайди. Ҳар бир тарихий жараённинг ўз шароити, имкониятлари, талаб ва эҳтиёжлари бўлган. Бизнинг замонамиз мезонларига мос келмаса-да, ўз даврида миллат ва инсоният тараққиёти учун ижобий аҳамият касб этган воқеа ва ҳодисаларни тўғри, холисона баҳолай билмоқ жамият тараққиёти жараёнига илмий ёндашишнинг асосий шартларидандир.

Тарихий ўтмишга баҳо беришдаги бирёқламалик баъзан ҳозирги кунда ҳам юз бермоқда. Бу миллий онгта вақтинчалик эҳтирос ва ҳиссиётларнинг таъсири борлиги билан белгиланади.

Ҳар бир кишининг маънавий камолотида миллатнинг ўтмиши қандай роль ўйнаса, жамият ривожланишида унинг ўтмишга бўлган муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўтмиш билан бугунги кун ўртасидаги диалектикани тўғри белгилаш мамлакат истиқболини олдиндан кўра билиш имконини беради.

Миллий онгни ривожлантиришда узоқ ўтмишимизни ҳам, яқин ўтмиш сабоқларини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Тарих - узоқ жараён, кечаги кун билан ҳозирги кун эса унинг бир-бири билан бевосита боғланган ҳалқаларидир.

Иқтимоий тараққиётнинг мураккаб бурилиш даврларида баъзан эҳтирос ва ҳиссиётлар ақл-идрокдан устун келиб қолиши мумкин. Бу ҳам жамиятдаги маънавий камолот даражасини кўрсатувчи бир ҳол. Ҳар қандай шароитда ҳам тарихий жараёнлар моҳиятини баҳолашга жаҳл билан эмас, балки ақл билан ёндашмоқ зарур.

Ўтмишни баҳолаш уни идеаллаштиришга олиб келмаслиги керак. Тарихни, миллий маданият ва миллий хусусиятларни идеаллаштириш ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашишдир. Тарихни идеаллаштириш илмий ҳақиқатни излаш йўлидаги бирёқламаликнинг иккинчи томонидир.

Миллий уйғониш жараёни тезлашаётган ҳозирги кунларда бундай ҳолларнинг кучайишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир айрим зиёлилар тарихий воқеаларни ёритишда, шахслар фаолияти ва меросига баҳо беришда, миллий ва диний анъаналар, расм-русумлар, урф-одатларини баҳолашда ҳаддан ташқари бўрттиришларга йўл қўймоқдалар. Бу ҳаракатлар ўтқинчи ҳол бўлса-да, тараққиётнинг масъулиятли даврларида ижтимоий ва миллий онг шаклланиши нотўғри йўлдан боришига олиб келади. Биз буюк тарих ва маданиятнинг соҳибни бўлган халқмиз. Шу сабабли тарихни идеаллаштиришга ҳеч қандай ихтиёжimiz йўқ. Нодирабегим истеъдодли ва бетакрор шоира эди. Унинг мероси ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин бир саҳифасини ташкил этади. Лекин уни етук давлат арбоби сифатида таърифлаш мумкин эмас. Хусайн Бойқаро шоир, фан ва маданият ҳомийси бўлгани ҳаммамизга маълум. Лекин у Темур асос солган империяни инқирозга олиб келганлардан биридир. Шайбонийхон ҳам Темурийлар давлатини куч билан истило қилди. Лекин, у ва унинг авлодлари ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт тараққиётига имкониятлар яратди.

Биз бу аждодларимизнинг миллат, мамлакат олдидagi хизматини холисона, тўғри баҳолашимиз лозим. Ноўрин бўрттириш ва муболағалар, нафрат ёки севинч туйғулари асосида шаклланган миллий ифтихор боқий бўла олмайди. Бундай ўтқинчи бирёқламаликлар маънавий камолот имкониятларидан беҳуда фойдаланишга олиб келади. Миллат ўтмишини, маданиятини асоссиз идеаллаштириш заминида миллий муносабатлар маданиятга бутунлай зид бўлган калондимоелик ва худбинлик келиб чиқади.

*Миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишга маънавий замин бўлади.*

Инсон тафаккури, салоҳияти қанчалик кучли бўлса, у ўз келажакига қомил ишонч билан қарайди. Етук миллий онг ўтмиш мероси ва анъаналарига кўр-кўрона тақлид қилишни истисно этади. Истиқбол муаммоларига ўтмишдаги тажриба, ишлаб чиқариш шакллари, турмуш тарзи, ахлоқ-одоб мезонларинигина эмас, балки ҳозирги давр имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб ёндашмоқ керак. Тараққиёт йўлида олға қараб борар эканмиз, ўз ўтмишимизгагина маҳлиё бўлсак, умуминсоний қадриятларни четлаб ўтсак маънавий камолот чўққиларига чиқа олмаймиз. Бу борадаги миллий қадриятларимиз маънавиятимизнинг асоси бўлса ҳам, ҳозирги давр талабларига мос келадиган билимли, ишбилармон, юксак ахлоқ ва одобли шахсни тарбиялаш учун етарли бўлмайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги тарихий тажриба тўғрисида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Ўзбеклар ўтмишда миришкор деҳқон, моҳир хунарманд ва тижоратчи бўлгани ҳаммага маълум. Ватандошларимизнинг бу борадаги тажрибаси ва маҳорати жаҳонни ҳайрагта солиб келган. Меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик қон-қонига сингиб келган ўзбеклар оғир шароитларда ҳам дунёнинг бирор ерида хор-зор бўлиб, бошқаларнинг нафратига дучор бўлиб яшамаган. Ҳатто шовинист чор амалдорлари ҳам ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги, хунармандчилик ва тижорат борасидаги маҳорати ва малакаларига юксак баҳо берганлар. Буларни билиш, миллий мерос ва маънавиятимизнинг шундай жиҳатлари билан мағрурланиш керак. Лекин ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётимизнинг давр тақозоси билан белгиланган янги мезонларни ҳам борлигини унутиб бўлмайди.

Ҳозирги кундаги тарққиётимизга деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат ривож ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Лекин биз доимо миришкор деҳқон, яхши хунарманд, ишбилармон тижоратчилардан иборат бўлган миллат бўлиб қола олмаймиз. Миллатнинг давр руҳига мос келадиган ижтимоий тараққиёти ҳам истиқболимизнинг ҳал қилувчи омилларидандир. Бу, биринчи навбатда, халқнинг миллий онги билан бевосита боғлиқ бўлган муаммодир. Миллат ижтимоий қиёфасининг юксалиши даражаси маънавий камолот имкониятлари билан белгиланади. Ўтмишга хурмат, садоқат кучли бўлса-да, давр руҳига қараб, келажакка интилиш ривожланган миллий онгнинг бевосита ифодаси бўлади. Мустақил Ўзбекистон учун малакали, билимли ишчилар, муҳандислар, бошқа мутахассислар, фан ва техникани ривожлантиришга қодир бўлган олимлар ҳам кўпроқ керак. Буларсиз Ўзбекистонни

келажаги буюк давлатта айлангириш асло мумкин эмас. Давр руҳига мос келган миллий ўз-ўзини англаш бу муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

¶ Мустақил Ўзбекистонда маънавият, миллий онг ривожланишининг барча муаммоларини тўғри, оқилона ҳал этиш учун жамоатчилик фикрини чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиш керак. Жамоатчилик фикри - миллий онг ривожини даражасини кўрсатувчи кўзгудир. Истиқлол муаммоларини ёритишда жамоатчилик фикрига эътибор бермаслик субъективизм, волюнтаризм жонланишига олиб келиши мумкин. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда тараққиёт ва истиқлол билан боғлиқ бўлган муаммоларни амалий ҳал этишнинг чора ва тадбирларини белгилашдан олдин жамоатчилик фикри чуқур ва атрофлича ўрганилади. Социологик тадқиқотлар, омма билан бўлган учрашувлар кўплаб муаммоларни ҳал этишни илмий режалаштириб олишга имкон беради. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганувчи марказ ташкил этилиши бу борадаги муҳим қадам бўлди. ¶

Миллий онгни давр руҳига монанд ривожлангиришда бошқа давлатлардаги маданий, маърифий ишлар тажрибасини ҳам чуқур ўрганиш керак. Етук миллий онг соҳиби бўлган миллатгина шундай йўлни танлашга қодир. Бу масалада фақат шарқ мамлакатлари тажрибаси билан чекланиш шарт эмас. Маънавиятимизнинг миллий, шарқона моҳияти доим барқарор бўлиб қолса-да, Ғарб мамлакатларининг бу соҳадаги тажрибасида мавжуд бўлган ижобий жиҳатлар ҳам биз учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Ғарб ёшларининг бозор иқтисодиёти шароитида фан ва техника ютуқларини тўла эгаллашга интилиши биз учун ибратли. Албатта, Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида бизнинг миллий, диний руҳиятимизга тўғри келмайдиган кўплаб жиҳатлар бор. Ёшларимиз шулар таъсирига берилиб, миллий маънавий қадриятларимиздан бабахра бўлиб қолишига ҳам йўл қўймаслик лозим.

Миллий онгни шакллантириш ва ривожлантириш мураккаб, кўп қиррали, доим ақл-идрок билан ижодий ёндашишни талаб қиладиган жараён. Асосий вазифа - бу жараённи оқилона бошқара билишдадир.

## МУНДАРИЖА

<b>I БОБ. Жамият тараққиётининг маънавий омиллари</b>	
1. Инсон маънавий камолоти ва жамият тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги.....	3
2. Маънавиятнинг жамият тараққиётига таъсири.....	10
3. XXI аср – маънавий камолот муаммолари устувор аҳамият касб этадиган давр.....	29
<b>II БОБ. Маънавият тушунчаси, унинг фалсафий таҳлили</b>	
1. Маънавият тушунчаси, унинг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти.....	34
2. Ахлоқ ва одоб - маънавиятнинг ўзаги.....	36
3. Билим, илм, амалий малака, истеъдод – маънавиятлилик белгиси.....	49
4. Иймон, виждон, эътиқод ва ихлоснинг инсон маънавиятидаги ўрни.....	51
5. Маданият, маърифат, мафкура ва маънавият.....	59
<b>III БОБ. Ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти</b>	
1. Ахлоқнинг ижтимоий ва маънавий илдизлари.....	70
2. Ахлоқий қадриятлар шаклланиши, ривожланишининг бирлиги, боғлиқлиги.....	88
3. Миллий ахлоқ, унинг умумий ва хусусий жиҳатлари.....	102
4. Ахлоқий қадриятларнинг тарбиявий аҳамияти.....	118
<b>IV БОБ. Мустақил Ўзбекистонда маънавиятни юксалтиришнинг баъзи назарий ва амалий масалалари</b>	
1. Маънавий камолот – мустақил тараққиётимиз омилли.....	132
2. Маънавиятни ривожлантиришнинг айрим назарий масалалари.....	136
3. Ватанпарварлик – етук маънавият белгиси.....	148
4. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўллари.....	156
5. Миллий онгнинг маънавий асослари.....	165